

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИННИГ АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан нашр этила бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

**2019 йил, 1-сон**

## Бош муҳаррир

**Матлиубов Баҳодир Аҳмадович,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
бошлиги

## Масъул муҳаррир

**Отажонов Аброржон Анварович, ИИВ**  
Академияси бошлигининг илмий ишлар  
бўйича ўринбосари, юридик фанлар  
доктори, доцент

## Масъул котиб

**Раззоқов Сардор Абдижабборович,**  
ИИВ Академияси таҳририят-ноширлик  
бўлими бошлиғи

## Таҳрир ҳайъати аъзолари

**Мухамедов Ўткирбек Ҳазратқулович,**  
ИИВ Академияси бошлигининг биринчи  
ўринбосари, юридик фанлар доктори,  
профессор

**Исмаилов Исамилдин, ИИВ** Академияси  
жамоат тартиби ва хавфсизлини таъминлаш  
кафедраси бошлиғи, юридик фанлар  
доктори, профессор

**Ҳамдамов Абдували Аҳмадович,**  
ИИВ Академияси тезкор-қидирав фаолияти  
кафедраси бошлиғи, юридик фанлар  
доктори, профессор

**Раджабова Мавжуда Абдуллаевна,**  
ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ  
кафедраси профессори, юридик фанлар  
доктори, профессор

**Мамадалиев Шавкатбек Олмосбоевич,**  
ИИВ Академияси Олий ўқув юртидан  
кейинги таълим факультети бошлиғи,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Эгамбердиев Эминжон, ИИВ** Академияси  
фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси  
профессори, юридик фанлар доктори

**Сайтбаев Тимур Ренатович, ИИВ**  
Академияси тезкор-қидирав фаолияти  
кафедраси профессори в/б., юридик фанлар  
доктори, доцент

**Мирзаев Азиз Алишерович,** Ўзбекистон  
Республикаси Олий суди раисининг  
ёрдамчisi, юридик фанлар доктори, доцент

## Ушбу сон муҳаррирлари:

С. А. Раззоков, И. В. Солохина, М. Э. Султонова,  
Б. Қ. Эргашев, С.Э. Каюмова

## Дизайнер ва саҳифаловчи

Г. Н. Тўраева

## Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига  
2009 йил 18 июня қайд этилган. Оммавий ахборот  
воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида  
гувоҳнома №0568.

Ахборотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси  
комиссиясининг диссертациялар асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлари  
рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил  
30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

## Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Ингизор кўчаси, 68.

Тел.: 71-265-23-56, 71-266-16-88.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: vestnik@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида  
тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб  
босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академиясининг ахборотномаси»дан олингандиги  
кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди.  
Кўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табаги 22,0. Офсет усулида  
босилди. Адади 300 нусха. «Better Print» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор  
тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-үй.  
Баҳоси келишилган нархда.

Босишга руҳсат этилди 26.03.2019.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси, 2019.

# **ВЕСТНИК АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

*Издаётся с 2010 года*

*Выходит четыре раза в год*

**2019 год, № 1**

---

## **Главный редактор**

**Матлюбов Баходир Ахмедович**, начальник Академия МВД Республики Узбекистан  
Академии МВД Республики Узбекистан

## **Учредитель:**

**Ответственный редактор**  
**Отажонов Аброржон Анварович**, Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.  
заместитель начальника Академии МВД по научной работе, доктор юридических наук, доцент

## **Ответственный секретарь**

**Раззаков Сардор Абдигаббарович**,  
начальник редакционно-издательского отдела  
Академии МВД

Вестник включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

## **Редакционная коллегия**

**Мухамедов Уткирбек Хазраткулович**,  
первый заместитель начальника Академии  
МВД, доктор юридических наук, профессор

Адрес редакции:  
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
Тел.: 71-265-23-56, 71-266-16-88.  
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>  
e-mail: vestnik@akadmvd.uz

**Исмаилов Исамиддин**, начальник кафедры обеспечения общественного порядка и безопасности Академии МВД, доктор юридических наук, профессор

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

**Хамдамов Абдували Ахмедович**, начальник кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД, доктор юридических наук, профессор

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

**Раджабова Мавжуда Абдуллаевна**,  
профессор кафедры уголовно-процессуального права Академии МВД, доктор юридических наук, профессор

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

**Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич**,  
начальник Факультета послевузовского образования Академии МВД, доктор философских наук, профессор

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 22,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в ООО «Better Print» Республики Узбекистан, г. Ташкент, ул. Уста Ширин 1 проезд, дом 254.

**Эгамбердиев Эминжон**, профессор кафедры гражданско-правовых дисциплин Академии МВД, доктор юридических наук

Цена договорная.

**Сайтбаев Тимур Ренатович**, и.о. профессора кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД, доктор юридических наук, доцент

Подписано в печать 26.03.2019.

**Мирзаев Азиз Алишерович**, помощник председателя Высшего суда Республики Узбекистан, доктор юридических наук, доцент

Заказ № ISSN 2181-4872

## **Редакторы номера:**

С. А. Раззаков, И. В. Солохина, М. Э. Султонова,  
Б. К. Эргашев, С.Э. Каюмова

© Академия МВД  
Республики Узбекистан, 2019.

## **Дизайн и верстка:**

Г. Н. Тураева

---

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

### Суд-хукуқ ислоҳотлари ва қонунчиликни такомиллаштириши

---

#### **Судебно-правовые реформы и совершенствование законодательства**

<i>Матмуратов Б.Дж.</i> Адвокатура институтининг самарадорлигини тубдан ошириш — инсон хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим омили.....	5
<i>Закирова О.Г.</i> Суд-хукуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг конституцияий-хукуқий механизмлари.....	11
<i>Ражабова М.А., Бердиев Ш.Ш.</i> Дастробки тергов юритиш: шакл ва мазмун.....	15
<i>Азизов Н.П.</i> Ўзбекистонда кўп партияйилик тизимининг тарихий илдизлари.....	23

#### **Хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш**

---

#### **Профилактика правонарушений и обеспечение общественной безопасности**

<i>Рахимов К.М.</i> Тезликни камайтириш — транспорт хавфсизлиги соҳасидаги ҳукуқбузарликларнинг олдини олуви чосиҳ омил.....	28
<i>Шарипов С.С.</i> Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари моддий-техник таъминотини такомиллаштириш.....	34
<i>Базаров Ф.А.</i> Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишда халқаро ва миллий ҳукуқий нормаларнинг ўрни ва аҳамияти.....	40
<i>Эшиназаров М.Ж.</i> «Хукуқбузарликлар маҳсус профилактикаси» тушунчасининг мазмуни тўғрисида.....	46
<i>Рахманов Р.Н.</i> Давлат ички сиёсатини амалга оширишда афвнинг ўрни.....	51
<i>Худойбердиев А.А.</i> Хорижий давлатларнинг оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини саклаш ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги тажрибаси.....	55
<i>Абжалов А.М.</i> Йўл-транспорт ҳодисалари динамикасининг ўзгаришини башорат қилиш.....	60

#### **Жиноят ва жиноят-процессуал ҳукуқ масалалари**

---

#### **Вопросы уголовного и уголовно-процессуального права**

<i>Ражабов Б.А.</i> Жиноят процессида далиллар мажмуини баҳолаш .....	63
<i>Пайзиев Д.Ю.</i> Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг тарихий ва ҳукуқий таҳлили.....	67
<i>Чўтбоев М.Р., Муминов М.Э.</i> Суд-тергов органлари фаолиятига жиноят ишининг электрон шаклини жорий қилиш истиқболлари.....	74
<i>Таджсибаева Да.А.</i> Маҳқумларнинг конституцияий ҳукуқларини амалга оширишдаги баъзи чекловларга оид мулоҳазалар .....	79
<i>Розимова Қ.</i> Жиноят қонунчилигига тақороран жиноят содир этиш институти.....	83
<i>Есимбетова Б.Е.</i> Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашнинг умумий жиҳатлари...	88
<i>Умарханова Д.Ш.</i> Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш соҳасидаги тажрибаси.....	93

---

---

Кулдашев М.Ў. Коррупцион жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	100
Кушбаков Д.М. Жиноятнинг махсус субъекти: тушунчаси, белгилари ва жиноят ҳуқуқидаги аҳамияти.....	104

### **Фуқаролик, тадбиркорлик, оила ҳуқуқи ва ҳалқаро ҳусусий ҳуқуқ масалалари**

#### **Вопросы гражданского, предпринимательского, семейного и международного частного права**

Кулдашев Н.А. Ички ишлар органлари иштирокидаги деликт муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиши тизимини такомиллаштириш масалалари.....	111
Алижанов А.Т. Ахборот хавфсизлиги: уни таъминлаш усуллари ва принциплари.....	116
Ғайбуллаев А.И. Товар омбори томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солинини.....	122
Чориев М.Ш. Ҳадя шартномасини умумий асосларда бекор қилиш ҳусусиятлари.....	129
Юсупов А. Давлат бошқаруви тизимиға краудсорсинг технологиясини жорий этиш.....	135

### **Криминалистика ва суд экспертизаси масалалари**

#### **Вопросы криминалистики и судебной экспертизы**

Бабамуродов А.Б. Криминалистик ҳисобларнинг ривожланиш тарихи.....	138
Туранов К.И. Жиноятларни очиш ва тергов қилишда баллистик экспертиза ўтказиш усулларининг ҳусусиятлари.....	143

### **Маъмурий, молия ва божхона ҳуқуқи масалалари**

#### **Вопросы административного, финансового и таможенного права**

Сарабеков Х.Д. Ички ишлар органларининг ахборот-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш — давр талаби.....	147
Азизов Э.У. Коррупцияга қарши курашишга оид қонунлар ижросини таъминлаш ва амалга ошириш — устувор вазифа.....	150
Эгамбердиев Б.И. Миграцияни тартибга солишида шахс ҳуқуқларини таъминлаш механизмлари: миллий ва хорижий тажриба.....	155
Норбутаев Э.Х. Лицензиялашнинг ички ишлар органлари рухсат бериш фаолияти билан ўзаро муносабати.....	161
Йўлдошев А.Э. Ҳокимларнинг фуқаролар йигинлари олдидаги ҳисобдорлиги (ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари).....	166

### **Таълим ва тарбия масалалари**

#### **Вопросы обучения и воспитания**

Аташайхов А.А. Ортиқча вазнлилик муаммоси ва уни бартараф этиш усуллари.....	170
Нарбеков А.В. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммолари.....	176

**Б. Ж. Матмуратов,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Маъжлиси Сенатининг

Коррупцияга қарши кураш ва суд-хуқуқ масалалари қўйимтаси раиси, юридик фанлар номзоди, доцент

## АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ – ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНИГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Аннотация.** Мақолада адвокатура институтининг самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш борасидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, адвокатура соҳасидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида фикрлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** адвокатура институти, адвокат сўрови, юридик маслаҳат хизмати, адвокатлик бюроси.

**Коренное повышение эффективности института адвокатуры — важный фактор надежной защиты прав и свобод человека**

**Аннотация.** В статье рассматриваются коренное повышение эффективности института адвокатуры и расширение независимости адвокатов. А также изложены мысли об изменениях, внесённых в законодательные акты, и их значимость в сфере адвокатуры.

**Ключевые слова:** институт адвокатуры, запрос адвоката, служба юридической консультации, адвокатурское бюро.

**Radically increment of the institute of advocacy- main factor of reliable protection of human rights and freedoms**

**Annotation.** This article discusses the fundamental increase in the effectiveness of the institution of the bar and the expansion of independence of lawyers. There are also thoughts about the changes made to the legislation and their significance in the field of advocacy.

**Keywords:** institution of advocacy, solicitor's request, legal advice service, advocacy.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш» устувор йўналишида юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, суд жараёнида тортишув принципини тўлақонли жорий этиш ва адвокат касбининг нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда адвокатларнинг профессионал фаолиятини таъминлаш учун зарур қонунчиллик базаси яратилди.

Лекин амалиёт ва таҳдиллар шуни кўрсатмоқдаки, адвокатура ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институт сифатида ҳанузгача одамларимиз ишончини тўла қозонмаган, адвокатларнинг самарали фаолият юритишига салбий таъсир қилаётган айрим омиллар мавжуд.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2018 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5441-сонли фармони қабул қилиниб, комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Тўрт бўлимдан иборат ушбу дастурнинг 1-бўлими «Адвокатлик фаолияти соҳасидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш» масаласига багишланган.

Бинобарин, Ҳаракатлар стратегияси ва Президент Фармонининг ижроси бўйича «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 11 октябрь куни имзоланди ва 12 октябрда ОАВда эълон қилинди. Унда адвокатура институти фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор масалалар ўз ифодасини топган.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонунга қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

*биринчидан*, қонун «Адвокат сўрови» деб номланган янги 7<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиб, адвокат сўрови институти қоидалари кенгайтирилди. Унга кўра, адвокат малакали юридик ёрдам кўрсатиши учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа хужжатларни тақдим этишини сўраб, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга сўров юборишга ҳақли.

Ўз навбатида, сўралган маълумотлар 15 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозимлиги белгиланди. Агар иш бўйича дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси бошланганилигидан далолат берадиган хужжат тақдим этисла, сўралган маълумот уч иш кунидан кечиктирмай тақдим этилиши керак.

Мазкур ўзгаришларни, яъни қоидаларни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўскىнлик қилиш» учун жавобгарлик кўрсатилган 197<sup>1</sup>-модда маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлгон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этиш учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилди.

Шу жойда яна бир янгиликни қайд этиш керак, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 283-моддасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайдиган ҳолларга оид норма ҳам такомиллаштирилди. Маълумки, транспорт воситаси орқали содир этилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши маҳсус автоматлаштирилган фото ва видеотехника воситалари орқали қайд этилган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди. Эндиликда ушбу Кодекснинг 197<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўскىнлик қилинган тақдирда ҳам адвокат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан ўз аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, вақтни ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини, шунингдек ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга;

*иккинчидан*, «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг «Адвокат мақомига эга бўлиш» номли 3<sup>1</sup>-моддасига кадрлар масаласи билан боғлиқ янги норма киритилди.

Маълумки, адвокатлик лицензиясини олиш учун талабор шахс юридик мутахассислик бўйича камидаги икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан адвокатлик тузилмасида (яъни, адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камидаги олти ой стажировка ўтаб, малака имтиҳонини топшишарди. Эндиликда бу муддат уч ойга қисқартирилди.

Шу билан бирга, киритилган муҳим ўзгартишга мувофиқ, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатида, шунингдек, судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камидаги уч йил юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлган шахслар адвокатлик тузилмасида стажировка ўтамасдан малака имтиҳонида иштирок этишга ҳақли эканлиги белгиланди.

Ваҳоланки, судья, прокурор лавозимида 20—25 йил хизмат қилиб, катта билим ва тажриба орттирган мутахассислар ҳам лицензия олиш учун адвокатлик тузилмасида камидан яром йил стажировка ўтаган бўлиши кераклиги ҳақидаги шу пайтгача амал қилган қоида ҳеч бир мантиқа тўғри келмасди;

учинчидан, барчамизга яхши маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида эндиликда адвокатларнинг консалтинг хизмати, яъни маслаҳат бериш ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мазкур вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида, биринчидан, қонуннинг 3-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, адвокатларга асосий иши билан бирга қўшимча фаолият юритиш учун ҳам қатор имкониятлар яратилганини қайд этиш керак. Маълумки, бунгача адвокатлар илмий ва педагогик фаолият ҳамда адвокатлар палатасида ва унинг ҳудудий бошқармаларида фаолият юритишдан бошқа ҳақ тўланадиган иш билан шугулланиши мумкин эмасди. Эндиликда адвокат ҳақ тўланадиган яна қўйидаги фаолият турлари билан ҳам шугулланиши мумкин:

патент вакили ва медиатор сифатида;  
давлат органларининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг юридик хизмати ходими сифатида;

ҳакамлик судлари ва халқаро тижорат арбитражларининг судьяси сифатида.

Маълумки, кўплаб давлат органлари ва бошқа ташкилотлар малакали юридик хизматга муҳтождир. Киритилаётган норма давлат органлари ва бошқа ташкилотларга малакали адвокатларни юридик хизмат кўрсатиш учун штатдаги ходим сифатида жалб қилиш имконини беради. Шунингдек, адвокатлар Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги, «Селекция

ютуқлари тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги ҳамда «Медиация тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ патент вакили ва медиатор сифатида фаолият юритишлари мумкин.

Маълумки, чора-тадбирлар комплекс дастурида Юридик консалтинг хизмати ва унда адвокатларнинг иштироки масаласи кўрсатилган, унинг ижросини таъминлаш учун эса Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 675-сонли қарори қабул қилиниб, «Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низом» тасдиқланди. Унга кўра, юридик маслаҳат хизмати — юридик ташкилотларнинг юридик ва жисмоний шахсларга (мижозларга) шартнома асосида юридик маслаҳат хизматлари кўрсатиш борасидаги фаолиятидир. Юридик маслаҳатчи сифатида олий юридик маълумотга ва мутахассислиги бўйича камидан иккى йиллик иш стажига эга бўлган шахс фаолият юритиши мумкин.

Юридик маслаҳат берувчи ташкилотлар қўйидаги юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиши мумкин:

1) рўйхатдан ўтиш, қайта ташкил этиш, юридик шахсларни тугатиш, гувоҳномалар ва бошқа рухсатномаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олишда кўмаклашиш;

2) бизнесга юридик кўмаклашиш, маслаҳат бериш;

3) ташкилотнинг турли ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

4) шартномалар, контрактлар, аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш;

5) юридик масалаларни муҳокама қилишини ўз ичига олган музокараларда жисмоний ва юридик шахсларнинг вакили бўлиш ва бошқа хизматлар.

Маълумки, юридик маслаҳат берувчи ташкилотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларда кўриладиган материаллар бўйича юридик маслаҳат бериш ва вакиллик

қилиш ҳуқуқига эга эмас. Лекин адвокат ушбу юридик маслаҳат берувчи ташкилотда шартнома асосида фаолият юритса, ўз лицензиясидан фойдаланиб, ана шу жараёнларда ҳам иштирок этиши мумкин. Киритилаётган норма давлат органлари ва бошқа ташкилотларга чуқур билим ва тажрибага эга малакали адвокатларни юридик хизмат кўрсатиш учун штатдаги ходим сифатида жалб қилишга имкон беради.

Қайд этиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида Адвокатлар палатаси ва Адлия вазирлигининг адвокатлар фаолиятини фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш ҳамда Маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш ихтисосликлари бўйича лицензиялаш ҳақидаги таклифи ижобий ҳал қилинди;

*тўртингчидан*, «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг адвокатура фаолиятининг ташкилий шакллари, унинг касбий фаолиятини амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқлари ва адвокатлик фаолиятининг кафолатлари каби нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, қонуннинг адвокатура фаолиятининг принциплари ва ташкилий шакллари белгиланган 4-моддаси олтинчи, еттинчи ва ўнинчи қисмлар билан тўлдирилди. Унга кўра, адвокатлик фирмаси ёки Адвокатлар ҳайъати яшаш учун мўлжалланмаган ерда жойлашиши керак. Шу билан бирга, адвокатлик бюороларини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли турар жойларда амалга ошириши мумкин. Бунда адвокатга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни адвокатлик бюороси фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшашга мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди. Шунингдек, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати Ўзбекистон Республикаси худудида ҳамда чет давлатларда ушбу давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг алоҳида бўлинмаларини (ваколатхоналари ва филиалларини) ташкил этишга ҳақли.

Қонуннинг 6-моддасига адвокатнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ муҳим норма киритилди. Унга кўра, адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида қўйидаги янги ҳуқуқларга эга бўлди. Булар терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни ўтказиш ва ишни судда кўриб чиқиши чоғида ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органлар ва бошқа ваколатли органларда маъмурий ёки жиноий иш материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, баҳоланиши лозим бўлган далилларни тўплаш ва тақдим этиш кабиладир. Мазкур қўшимча адвокатларнинг ваколатларини қонунчилик даражасида мустаҳкамлашга қаратилган. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекснинг 87-моддасига киритилган ўзгартишга асосан ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, ушбу далилий ашёлар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим.

Қонуннинг адвокатлик фаолиятининг кафолатлари кўрсатилган 10-моддаси янги олтинчи қисм билан тўлдирилди. Бунда суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичida Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ва Адвокатлар палатасини ёзма равишида хабардор қилиши белгиланди. Маълумки, «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, адвокатнинг айбланувчи тариқасида жалб этилиши лицензия амал қилишининг тўхтатилишига олиб келади, бундай ҳолда лицензиянинг амал қилишини тўхтатишга ваколатли бўлган орган тегишли тартибда хабардор қилиниши лозим;

*бешинчидан*, «Адвокатура тўғрисида»ги қонунда Адвокатлар палатасининг органлари ва мансабдор шахслари, малака комиссия-

лари, адвокат мақомини тўхтатиб туриш ҳамда адвокатнинг интизомий жавобгарлиги билан боғлиқ нормаларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Қонуннинг 12<sup>3</sup>-моддасида айни бир шахс кетма-кет икки муддатдан ортиқ Адвокатлар палатасининг раиси бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди. Шу билан бирга, муҳим қўшимчалардан бири Адвокатлар палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этишга ва улар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли эканлиги кўрсатилди. Адвокатлар палатаси раисига бундай ҳуқуқнинг берилиши адвокатура институтининг нуфузи ва мақомини сезиларли даражада кўтаради.

Маълумки, аввалги қоида бўйича Малака комиссиялари Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг ва адлия органларининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларидан тенг миқдорда тузилар эди. Қонуннинг 13-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, Малака комиссиялари ҳамкаслари орасида ҳурматга сазовор бўлган адвокатлар, ҳуқуқ соҳасидаги тажрибали мутахассислар орасидан тоқ миқдорда, Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг ва адлия органларининг қўшма қарорлари билан тузилади. Бу ўзгаришлар давлат органларининг адвокатларни интизомий жавобгарликка тортиш масалаларидаги ролини камайтиришга қаратилди.

Адвокатларнинг меҳнатга оид қонунчиликда белгилangan ҳуқуқ ва кафолатларини амалга оширишда камситилаётган вазиятлар ҳисобга олиниб, қонуннинг 13<sup>1</sup>-моддаси янги нормалар билан тўлдирилди. Унга кўра, адвокатнинг мақоми малака комиссияларининг қарори билан яна қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилади:

— таълим муассасаларига, шу жумладан, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларига ўқишга кирганда

— ўқиш даврига, бироқ кўпи билан уч йилга;

— ҳомиладорлик ва туғиши, уч ёшгача бўлган болани парвариш қилиш бўйича таътиллар берилганда — таътил вақтига;

— адвокат ёки унинг яқин қариндоши оғир касаллиги сабабли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик туфайли тиббий хуоса тақдим этилганда — соғайгунча, бироқ кўпи билан бир йилга.

Шу билан бирга, адвокатда меҳнат мажбуриятларини бир ойдан ортиқ муддатга бажаришдан озод қилинишига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлганда адвокатнинг мақоми унинг аризасига биноан бундай озод қилиниш муддатига тўхтатиб турилиши мумкин.

Маълумки, адвокатнинг интизомий жавобгарлиги бўйича интизомий иш юритиш Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки адвокатга гувоҳнома берган адлия органи томонидан қўзғатилар эди. Қонуннинг 14-моддасига киритилган ўзгаришларга кўра бундан буён интизомий иш юритиш малака комиссияларининг ёки Олий малака комиссиясининг қарори билан қўзғатилади. Мазкур норма адвокатура институтининг адлия органларидан мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилди.

Ушбу 14-моддага яна бир муҳим норма киритилди, унга кўра адвокатга нисбатан интизомий жазо — ножёя хатти-ҳаракат содир этилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ёки текшириш натижалари бўйича эса ножёя хатти-ҳаракат содир этилган кундан эътиборан икки йил ўтганидан кейин қўлланилиши мумкин эмас.

Хуоса ўрнида қайд этиш керакки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура институтининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, кўрсатиладиган юридик хизматлар сифатининг яхшилашишига ҳамда амалда мазкур идоралар нуфузининг ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.

<sup>2</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш ўили»да амалга оширишга оид Дастири тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2018 йил 23 январь; Халқ сўзи. – 2018. – 23 янв.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2018. – 29 янв. – № 4. – 68-м; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2018. – №1. – 27-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2018 йил 14 май // Халқ сўзи. – 2018. – 15 май; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2018. – № 19. – 388-м.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – №2. – 5-м.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – №3. – 6-м.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – №2 – 48-м.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 12 май ПФ-5441-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2018 йил 17 август 675-сон Қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган «Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини қўрсатиш тўғрисида низом» // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2018 йил 18 август.

## **ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ҮТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши қурашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2883-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, 2019 йил 31 январь куни ИИВ Академиясида «Жиноятчиликка қарши қурашишда тезкор-қидирув тадбирларини үтказишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзууда давра суҳбати үтказилди.

Давра суҳбатида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши қурашишда тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва үтказишнинг хусусиятлари, жиноятчиликка қарши қурашда тезкор ишловни амалга оширишда тезкор киритиш ва ниқобланган операция тезкор-қидирув тадбирларининг ўрни ва аҳамияти, тезкор-қидирув тадбирларини үтказишда кўмаклашувчи шахсларнинг имкониятларидан ҳамда техник воситалардан фойдаланиш, қолаверса, амалиётда учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари каби долзарб масалаларга оид маърузалар тингланди.

Шунингдек, тадбирда маърузачилар томонидан амалий мисоллар, статистик таҳлил натижалари, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этишда үтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларининг турлари, үтказиш асослари ва шартлари, уларни ташкил этиш ва үтказишда учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари, тезкор-қидирув тадбирларини үтказишда ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхтаб ўтилди.

**O. Г. Закирова,**

*ИИВ Академияси криминология кафедраси профессори, юридик фанлар доктори*

## **СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида тизимли равишида амалга оширилаётган хуқуқий ислоҳотларнинг конституциявий-хуқуқий механизmlари илмий асослантирилган.

**Таянч сўзлар:** Конституция, суд, хуқуқ, ислоҳот, хуқуқий механизм.

**Конституционно-правовые механизмы реформ, осуществляемых в судебно-правовой системе**

**Аннотация.** В статье выделены и научно обоснованы конституционно-правовые механизмы реформ, осуществляемых в судебно-правовой системе Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** Конституция, суд, право, реформа, правовой механизм.

**Constitutional and legal mechanisms of ongoing reforms in the judicial system**

**Annotation.** The article saw and scientifically substantiated the constitutional legal mechanisms for the ongoing reforms in the judicial-legal system of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** Constitution, court, law, reform, legal mechanism.

Ҳозирги кунда давлатимиз халқаро хуқуқ нормаларига мос, хорижий мамлакатларнинг илғор ҳуқуқий тажрибасига, аждодларимизнинг бой маънавий меросига ва халқимизнинг урф-одатлари, сиёсий ва ҳуқуқий тажрибаларига асосланган миллий ҳуқуқ тизимиға эга бўлди. Энг муҳими, Конституциямиз юртимизда барпо этилаётган инсонпарвар, адолатли ва демократик ҳуқуқий давлат ҳамда унинг ҳуқуқий тизими назарий ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишида муҳим манба бўлиб хизмат килмоқда.

Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан дунёга келади. Асосий қонунимизда ҳам ана шу ҳуқуқ ва эркинликлар энг олий қадрият экани белгиланиб, мустақиллик йилларида уларни сўзсиз таъминлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, ундаги нормалар асосида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилди. Бундан кўзланган мақсад инсон ҳуқуқ ва эркинлик-

ларини ишончли ҳимоя қилишдир. Асосий қонунимизнинг 43, 44-моддаларида давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши белгиланди, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланди. Бундан ташқари, 19-моддада фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз экани, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги таъкидланди.

Ўтган давр мобайнида Бош қомусимизга бир неча муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, мукаммаллик касб этганини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур. 2017 йил 6 апрелда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун<sup>1</sup> қабул қилинди. Ушбу Қонун билан Конституцияга киритилган

ўзгаришлар ва қўшимча Конституциянинг мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қўлмаган ҳолда, аввало, суд тизимини ихтисослаштириш ҳамда такомиллаштириш жараёнини кенгайтириш, судларнинг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб, мустақиллигини амалда кафолатлашни ўзида акс эттириди. Шунингдек, мазкур қонун 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, уни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга ошириш бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифалар, яъни суд тизимида қабул қилинган ҳар бир қарор қонуний, адолатли ва асосли бўлишига эришиш, судларнинг чинакам мустақиллиги ва одил судловга аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, мамлакатда ягона суд амалиётини жорий этиш, суд тизимини бошқариш вазифаларининг тақрорланишини бартараф этиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари судда ишончли ҳимояланишини таъминлаш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида киритилгани билан аҳамиятлидир.

Амалдаги суд тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг мавжудлиги суд тизимини бошқариш вазифаларининг тақрорланишига, ягона суд амалиёти таъминланмаслигига олиб келган эди. Очигини айтиш керакки, суд ҳокимиятининг юқоридаги икки олий органи бир пайтнинг ўзида фаолият олиб бориши қонун ҳужжатлари талабларининг бир хилда қўлланишида қийинчилик ва мураккабликни келтириб чиқаради. Бир-бирига ўхшаш масалалар юзасидан турли қарорлар қабул қилиниши ҳолатлари ҳам юзага келган эди.

Юқоридаги Қонун билан суд тизими такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Олий суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иши

юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди ва шу муносабат билан Конституциянинг 83, 93, 107 ва 111- моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бизга маълумки, Конституциянинг 80-моддасида Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари белгиланган бўлиб, унинг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш ҳақидаги норма мавжуд эди. Ушбу норма «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгашининг раисини тайинлаш» деб янги таҳрирда баён қилинди.

Конституциянинг 93-моддаси 13 ва 14- бандларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судъялари, Олий суд раиси ва судъялари, Олий хўжалик суди раиси ва судъялари лавозимларига номзодларни тақдим этиши, вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судъяларини тайинлаши ва лавозимларидан озод этиши ҳақидаги нормалар мавжуд эди. Конституцияга киритилган ўзгаришларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарлари — Судъялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ҳарбий судлар, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туман (шаҳар), туманлараро судлари судъялари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Кенгаш томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши тартиби белгиланди.

Конституцияга киритилган ўзгаришлардан яна бири 81-модда еттинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкама-

сининг аъзолари, республика Конституцияий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурори иштирок этишлари мумкинлиги белгиланган нормадаги «Олий хўжалик суди» деган сўзлар ҳам «Судьялар Олий кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Шунингдек, Конституциянинг 83-моддасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар кўрсатилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокурор, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияий суди ва Олий суди билан бир қаторда Олий хўжалик суди ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти сифатида кўрсатилган эди. Ушбу моддадан ҳам «Олий хўжалик суди» деган сўзлар қиқарилди.

Конституцияга киритилган бу ўзгартиш ва тузатишлар ҳозирги кунда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ҳамда барқарор мувозанатга эришишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 13 июнданаги суд органлари ходимлари билан учрашувдаги нутқида мамлакатимизда суд тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, бу борадаги камчилик ва муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари ҳақида қимматли фикрлар билдирилган эди. Жумладан, судьялар ўзи фаолият олиб бораётган ҳудудда яшаётган аҳолининг, хусусан, судга иши тушган одамлар, кенг жамоатчиликнинг фикри, албатта, ҳисобга олиниши лозимлиги, бунинг учун суд раислари ўз фаолияти юзасидан маҳаллий Кенгашларда ахборот бериши кераклиги баён қилинганди. Ўтган вақт мобайнида давлатимиз раҳбари илгари сурган фикрлар асосида ишлаб чиқилган тартиб-таомиллар амалдаги қонунчиликда ҳам акс эттирилди. Эндиликда ана шу ислоҳотлар, қонунчиликка киритилган янгиликлар натижасида судлар фаолиятида

муҳим ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир судлар жойларда фақат ишларни кўриш билан чекланмасдан, аҳоли билан учрашмоқда, суд жараёнлари жойларга чиқсан ҳолда сайёр суд мажлисларида кўрилаётir. Суд раислари ўз фаолияти юзасидан тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашларига ахборот тақдим этиб бориши қонунларда ўз ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар бошлангани, уларни давом эттириш зарурлиги таъкидланиб, соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида парламент ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссияни ташкил қилиш таклиф этилган эди<sup>2</sup>.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссияси парламент ҳузурида тузилиши ҳам бежиз эмас. Президентимиз томонидан бу ҳақда таклиф киритишида парламентнинг давлат ва жамият фаолиятидаги роли эътиборга олинган бўлиб, бу, ўз навбатида, бугунги жадал ислоҳотлар жараёнида сенаторлар ва депутатларнинг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасида ташаббускор бўлишларини билдиради.

2018 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашининг кўшма қарори билан парламент ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия тузилди. У депутатлар ва сенаторлардан иборат таркибда шакллантирилди. Суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли мониторингни олиб бориш, мавжуд муаммоларни, соҳага оид қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш, одил судловни амалга оширишга ҳамда суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масала-

лари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигини таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганиш мазкур Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ўтган қисқа вақт давомида парламент комиссияси томонидан ҳудудларга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифаларнинг ижро этилиш ҳолати ўрганилди, таҳлил этилди ҳамда аниқланган камчиликлар юзасидан тегишлича парламент назорати институтларидан фойдаланган ҳолда парламент сўрови юборилди.

Шунингдек, парламент комиссияси томонидан Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг ахборотини эшитиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Юқоридагилар

орқали суд ҳокимияти тизимининг демократлашувига эришилмоқда.

Давлатимизнинг Асосий қонуни — Конституциямиз вақт синовидан муваффақиятли ўтиб, кундалик ҳаётимизнинг ривожланиши ва истиқболини белгилашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4096-сон қарори ҳам мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир<sup>3</sup>.

Халқимиз буюк мақсадлар, эзгу ниятлар билан яшаш қандай юксак мэрраларга, муваффақиятларга ва олий саодатга олиб келишини яхши билади. Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, деган принцип халқимиз ҳаётида, турмуш даражаси ва сифатининг изчил ўсиб бораётганида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Шу боис Ватанимиз мустақиллигининг қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш учун курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 14. — 213-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. — 2017. — 23 дек.

<sup>3</sup> <http://lex.uz/pdfs/4141425>

**M. A. Ражабова,**

*ИИВ Академияси жиноят процесси кафедраси профессори, юридик фанлар доктори;*

**Ш. Ш. Бердиев,**

*Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани адлия бўлими бошлиги*

## **ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЮРИТИШ: ШАКЛ ВА МАЗМУН**

**Аннотация.** Мақолада жиноят процессидаги дастлабки тергов юритиш институти илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиниб, баҳсли масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, қонун хужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** Жиноят-процессуал кодекс, дастлабки тергов, суриштирув, суриштирувчи, терговчи, айблов, айбланувчи, айблов хulosаси, давлат айбловчиси.

### **Предварительное расследование: формы и содержание**

**Аннотация.** В статье с научно-практической точки зрения проанализирован институт предварительного расследования в уголовном процессе, высказано мнение по спорным вопросам. Также подготовлены предложения по совершенствованию законодательства.

**Ключевые слова:** Уголовно-процессуальный кодекс, предварительное расследование, дознание, дознаватель, следователь, обвинение, обвиняемый, обвинительное заключение, государственное обвинение.

### **Preliminary effects and content**

**Annotation.** In the article, from a scientific and practical point of view, the institute of preliminary investigation in the criminal process is analyzed, an opinion is expressed on controversial issues. Proposals for improving legislation are also prepared.

**Keywords:** criminal procedure, preliminary investigation, inquiry, preliminary, investigation, investigator, investigator, prosecution, accused, indictment, public prosecution.

Миллий давлатчилигимизнинг ҳозирги босқичида одил судловни амалга оширишда тарафларнинг тортишуви принципи асосий ўрин тутади. Бунда жиноят ишини биринчи ёки юқори инстанцияда (апелляция ёки кассация тартибида) ҳал этишда тарафларнинг, яъни айблов ёки ҳимоянинг аниқ нуқтаи назари шакллангани муҳим. Айнан шунинг учун ҳам Жиноят-процессуал кодекс талабига кўра биринчи инстанция суди муҳокамасининг предметини тарафлар ўртасида келиб чиққан низо, яъни содир этилган жиноят юзасидан айбланувчи ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг эътиrozлари ташкил этади. Шу боисдан ҳам ЖПКнинг 439-моддаси биринчи қисмига биноан суд тергови давлат айбловчиси томонидан айблов хulosаси ёки айблов далолатно-

масида баён этилган айблов мазмунини ўқиб эшиттиришдан бошланади. Бунинг учун дастлабки тергов юритиш орқали исботлаш жараёнини амалга оширишга тўғри келади. Кейинчалик, яъни суд мажлиси муҳокамасида давлат айбловчисининг далилларни бевосита ва оғзаки текширишда иштирок этиб, айбловнинг қўллаб-қувватланишига замин яратилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, айнан дастлабки тергов юритиш босқичида содир этилган ёки тайёрланган жиноятга оид тўлиқ ҳақиқий маълумотларга эга бўламиз, бир сўз билан айтганда, жиноят тафсилоти билан боғлиқ далилларнинг етарли тўпланиши давлат айбловини қўллашда қўл келади. Мазкур жараён қонун хужжатларида судга қадар иш юритиш деб аталган бўлиб, бир неча босқич ва шаклларда амалга оширилади.

Ўтган икки йилда Жиноят-процессуал кодексни такомиллаштириш юзасидан ўтказилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ жиноятларни тергов қилиш институти тубдан ўзгариб, янги шакл-шамойил ва мазмун-моҳият билан бойитилди. ЖПКдаги судга қадар иш юритиш институти қуидаги давлат органлари томонидан амалга ошириладиган бўлди. Улар жумласига: терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар (жами 11 та); дастлабки тергов органлари (жами 3 та); суриштирув органлари (жами 4 та) киради.

Суриштирув ёки тергов органлари дастлабки тергов юритишнинг алоҳида алоҳида шакли сифатида жиноят иши юзасидан суриштирув, тергов ҳаракатларини амалга ошириб, айлов далолатномаси ёки айлов хulosаси билан ишни судга юбормоқда. Уларнинг ҳар бирининг ваколатлари тегишинча ЖПКдаги нормаларда (ЖПК 36 ва 38<sup>1</sup>-м.) акс эттирилган. Қайд этилган давлат органларининг мансабдор шахслари ЖПКнинг 2-моддасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга сафарбар қилинган бўлса-да, ҳар бирининг фаолиятида ўзига хослик мавжуд. Мисол учун терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахси жиноят иши қўзгатилгунга қадар қонунда белгиланган зарур чораларни кўриб, жиноят иши қўзгатганидан сўнг вақтни бой бермасдан ишни тегишлигига кўра суриштирувчи ёки терговчига юборади. Ёки суриштирувчи фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ишлари юзасидан терговни амалга оширади. Терговчининг эса суриштирувчига нисбатан процессуал ваколатлари кенгроқ бўлиб, зарурат туғилганда суриштирувга тегишли ишларни, шунингдек, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноят ишлари юзасидан дастлабки терговни тўлиқ ҳажмда амалга оширади ва ҳ.к.

Эътиборли жиҳати шундаки, суриштирув ва тергов органларининг фаолиятини шакллантиришда Жиноят кодексининг 15-моддасидаги жиноятларни таснифлаш қоидаси асосий мезон ҳисобланади. Мазкур

норма талабига кўра ЖКнинг Махсус қисмидаги жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тўрт тоифага: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган; б) унча оғир бўлмаган; в) оғир; г) ўта оғир жиноятларга бўлинади. Мазкур қоидани ҳисобга олиб қонун чиқарувчи давлат органи томонидан суриштирув органларига фақатгина ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан дастлабки терговни юритиш ваколати юклатилган. Қизиги шундаки, ЖПКнинг иккита моддаси, яъни 345 ва 381<sup>1</sup>-моддалари бир хил номланиб, «Жиноят ишининг терговга тегишлилиги» деб аталган. Мазкур нормалар матни ҳам деярли бир мазнунни касб этади. Бу қонун ижодкорлигидаги қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мос келмасликни англалади. Фикримизча, ЖПК 345-моддасининг номи — «Терговга тегишлилик» деб, 381<sup>1</sup>-моддасининг номи эса «Суриштирувга тегишлилик» деб аталса тўғри бўларди. Чунки биринчиси тергов органи, иккинчи эса суриштирув органи бўлгани ва ЖПКда дастлабки тергов юритиш институтининг шакли ўзгаргани боис уларнинг ҳуқуқий мақомидаги фарқли жиҳат айнан жиноят иши юзасидан терговни амалга оширишдаги ўзига хослик ҳисобланади. Яна бир қарама-қаршилик: 41-бобдаги (Дастлабки терговнинг умумий шартлари) нормалар мазмунан, янгидан киритилган 46<sup>1</sup>-бобдаги (Суриштирувнинг умумий шартлари) айrim ўзига хосликни айтмаганда, деярли бир хил маъно-мазмун касб этади. Бу ҳам такрорлашдан бошқа нарса эмас. Фикримизча, Концепция асосида ЖПКни янгидан тайёрлашда бундай ёндашувдан воз кечилиб, ҳар иккала институтга оид нормалар изчиллик билан, ўзаро боғлиқлигига қараб қайтариқсиз ва тизимлилик асосида бир бобда жамланади.

Шу ўринда дастлабки тергов институтидаги «дастлабки» атамасининг мазмунини очиб беришга ҳаракат қиласиз. ЖПКда «дастлабки» сўзи мазкур босқич моҳият жиҳатдан судга қадар иш юритишни англашган ҳолда «биринчи, аввалги, бошлангич»

маъносида ёки қонун тилида эса жиноят иши юзасидан дастлабки тергов юритища амалга оширилган тергов ёки суриштирув билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар ва қарорни қабул қилиш жараёнини билдиради. Шу ўринда савол туғилиши табиий: ЖПКда дастлабки терговдан бошқа яна қандай тергов мавжуд? Унга жавоб қўйидагича: *биринчиси* – дастлабки тергов, *иккинчиси* – суд тергови. Судга қадар иш юритиши босқичида дастлабки тергов амалга оширилса, судда ишни кўриш босқичида суд тергови амалга оширилади.

Умуман олганда, битта жиноят иши юзасидан икки маротаба икки хил номдаги тергов юритиш мавжуд. Биринчисида суриштирув ёки тергов органлари томонидан исботлаш жараёнини амалга ошириш орқали айловни шакллантириш учун тегишли далиллар тўпланади. Бу босқич содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки маълумотлар асосида жиноят ишини қўзгатиш тўгрисидаги қарор қабул қилишдан бошланади. Бунда иш юзасидан ҳақиқат аниқланишига ҳали анча эрта деб қаралади. Суриштирув ёки тергов организмининг барча имконият, куч ва фаолияти тергов ҳаракатлари ёки процессуал ҳаракатлар ёхуд қарорларни қабул қилиш орқали иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга йўналтирилган бўлади. Бунда суриштирув ёки терговда олинган маълумотларнинг кўпчилиги ҳали субъектив хусусиятга эга бўлиб, текшириш талаб қилинади, бунинг учун эса тусмол (таксим)лар асосида ёлгон ёки хато маълумотларга аниқлик киритилиши лозим бўлади. Дастлабки тергов юритиш (суриштирув ёки тергов) натижасида тўпланган далиллар баҳоланиб, айлов шаклланади. Далиллар ЖПК 87-моддасида назарда тутилган тергов ва суд ҳаракатларини ўтказиш йўли билан тўпланади. Иш бўйича тегишли «маълумотлар ва нарсалардан улар тергов ҳаракати баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиши мумкин» (ЖПК 90-м.) деган қоидага сўзсиз риоя қилинади. Шу ўринда яна савол туғилиши

мумкин. Хўш, ЖПКда суриштирув организмининг суриштирувчиси томонидан ўтказилган далилларни тўплаш билан боғлиқ ҳаракатлар нега тергов ҳаракатлари деб аталиши керак? Унга қўйидагича жавоб бериш мумкин: Ёдингизда бўлса, 2017 йил 6 сентябрда тергов юритиш институтини суриштирув ва тергов органларига ажратиш тўгрисидаги қонун қабул қилингунга қадар ЖПКда барча жиноят ишлари юзасидан фақат ва фақат дастлабки тергов амалга оширилар эди. Бу қатъий қоида саналар, шу боис «тергов баённомаси» тузилиши лозим эди. ЖПКга янги ўзгартиш киритилганидан кейин аҳвол ўзгарди, янги шакл, яъни суриштирувчи ҳам ўз иш юритувидаги жиноят ишлари юзасидан айнан терговчи каби ҳаракатларни амалга ошириши, натижасини баённомада акс эттириши талаб қилинадиган бўлди. Шу ўринда савол туғилади: суриштирувчининг процессуал ҳаракатлари билан боғлиқ хужжатнинг тергов баённомаси деб аталаши мантиқан тўгрими? Фикримизча, ЖПКнинг 90-моддасида «тергов баённомасида» жумласи «суриштирув ва тергов баённомаси» деб ўзгартилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна бир жиҳати шундаки, жиноят процесси фанига оид назарий манбаларда «кўпчилик ҳолатларда жиноят ишини қўзгатиш ҳақидаги қарор аслида айланувчининг шахси аниқланилмагани боис, яъни жиноятни фош этиш заруратидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади» деган фикр мавжуд. Дарҳақиқат, айланувчи аниқланмаса, жиноят иши суд мажлисида кўрилмайди. Одатда, жиноят иши судда айланувчи (лар)га нисбатангина олиб борилади. Шу боисдан дастлабки терговни амалга ошириш орқали, албатта, айланувчини топишга тўғри келади. Муҳими, дастлабки тергов юритиш босқичида терговчи ёки суриштирувчи томонидан жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона амалга оширилиши зарур (ЖПК 22-м.).

Қайд этиш жоизки, амалдаги ЖПКда дастлабки тергов юритиш институтининг

мавжудлиги миллий жиноят-процессуал қонун хужжатларининг континентал (роман-герман) ҳуқуқ тизимиға мансублигидан дарак беради. Масалан, Германия, Австрия, Франция, Италия ва МДХ<sup>1</sup> давлатларининг Жиноят-процессуал кодекслари ҳам айнан континентал ҳуқуқ тизими сирасига киради, яъни кодекс тарзида тизимлаштирилган деб қаралади. Бундай ёндашув англо-саксон ҳуқуқ тизимида, мисол учун, Буюк Британия, АҚШ кабиларда мавжуд эмас. Боз устига, Буюк Британия, АҚШ каби давлатларнинг жиноят-процессуал қонунларида континентал ҳуқуқдаги каби жиноят иши юзасидан дастлабки тергов юритиш институтига ўрин берилмаган<sup>2</sup>. Англо-саксон ҳуқуқида судга қадар иш юритиш соддалаштирилган тарзда «полиция тергови» сифатида қисқа муддатда амалга оширилади. Полициянинг асосий эътибори жиноят содир қилган шахс(лар)ни аниқлашга қаратилган бўлади. Муҳими, полиция айблов ёки айблов хулосасини ёзишга уринмасдан, «иссиқ излар асосида» гумон қилувчига нисбатан тўпланган материалларни судга тақдим этади. Жиноят фош этилиши суд учун етарли саналади. Суд эса тақдим этилган материалларни ўрганиб, айблов ва ҳимоя тарафи иштирокида жиноят ишини кўришга киришади. Суд жиноят иши юзасидан муҳокамани бошлашга асослар мавжуд деб ҳисоблаган тақдирда ишни суд мажлисида кўриш кунини белгилайди. Айни ўша пайтда суд полиция томонидан ушланган гумон қилинувчига айблов эълон қилиб, тарафларга суд муҳокамасида иштирок этишга тайёргарлик кўришни маълум қиласди. Суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қилиш тарафларнинг тортишуви асосида амалга оширилади.

Ривожланган давлатларнинг суд амалиётидаги мазкур ижобий тажрибадан янги ЖПКни қабул қилишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур таклиф ЖПКнинг 416 ва 417-моддаларда белгиланган тартиб-таомиллар билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозирги пайтда суд дастлабки

тергов юритишида эълон қилинган айбловни ўзгартириши ёки илгариги айбловдан тубдан фарқ қилувчи янги айбловни эълон қилиб, ишни қўшимча терговга қайтармасдан узил-кесил қарор қабул қилиши жорий этилди. Бу эса суд терговида айблов ўзгариб кетишини англатади. Зоро, айблов хулосасини янгидан тузиш ёки қўшимча киритиб тўлдиришга қонун хужжатлари изн беради. Қолаверса, 2017 йилгача айблов хулосаси дастлабки тергов юритиш натижасида жиноят иши юзасидан тузилган процессуал хусусиятдаги муҳим ҳужжат ҳисобланар, судда ишни кўриш доираси чекланган эди. Яъни суд айбловни фақат енгиллаштириши мумкин, аммо оғирлаштиришга ҳақли эмас эди. Бунда судга қўшимча терговга қайтариш институти кўмаклашарди. Давлат айбловчиси, яъни прокурор айблов хулосада судда давлат айбловини қўллаш билан боғлиқ қатъий нуқтаи назарини белгилаб оларди. Ҳозирда бу ҳолат мутлақо ўзгарди: суд терговида айблов доираси яна кенгайиб, судланувчига нисбатан оғир айблов эълон қилиниши ҳеч гап эмас. Мазкур суд амалиётига ўтилишига асосий сабаб, **биринчидан**, жаҳондаги кўпчилик давлатларнинг жиноят-процессуал қонунларида дастлабки тергов юритиш институтининг мавжуд эмаслиги; **иккинчидан**, суд томонидан ишни қўшимча терговга қайтариш институти йўқлиги; **учинчидан**, судга қадар иш юритиш қисқа муддатда (ҳабеас корпус) амалга оширилиши билан изоҳланади.

Сир эмаски, тергов амалиёти айблов хулосасини тайёрлаш учун терговидан кўп вақт талаб қиласди. Кўп лавҳали ишларда эса айблов хулосасини ёзиш учун ҳатто ойлаб вақт сарфланади. Мазкур ҳужжат юридик табиатига кўра суд ҳукмига тенглашиши ҳеч гап эмас. Тарафларнинг суд ҳукмидан норозилигига оид қўпгина шикоятларда суд ҳукми матни айнан айблов хулосаси матни билан бир хиллиги, яъни икки ҳужжат бир-бирини тақрорлашига оид эътиrozлар билдирилганига гувоҳ бўламиз. Шу ўринда узоқ муддат сарфлаб тузилган айблов хулосаси суд терговида юридик мазмунини

йўқотган ҳужжатга айланиб қолса, айблов хulosаси ёзишга вақт сарфлаш кимга керак, деган савол олимларни баҳс-мунозарага чорлаши аниқ.

Қизиги шундаки, суд терговида янги айблов эълон қилишга ёки уни тўлдиришга зарурат туғилса, давлат айбловини қўллаб-қувватлаётган прокурор томонидан билдирилган илтимоснома асосида суд ажрими қабул қилинади. Прокурор судга айбловни тўлдириш ёки янги айблов ҳақида илтимоснома киритмаса-чи? Унда суд айблов хulosасига асосланиб ҳукм чиқара қолади. Суднинг ташабbusи билан айбловни тўлдириш ёки ўзгартириш ҳақида ажрим чиқарилиши мумкинлиги ЖПКнинг 416 ва 417-моддаларида акс этмаган. Ваҳоланки, «суд ўзининг ташабbusи билан янги гувоҳларни чақириш, экспертиза тайинлаш, ҳужжатларни ва бошқа қўшимча далилларни талаб қилиб олиш тўгрисида ажрим чиқаришга ҳақлиди» (ЖПК 438-м. 4-қ.). Шунингдек, суд тарафларнинг музокарасини эшитиб, «ўз ташабbusи билан суд терговини янгидан бошлаш ҳақида ажрим чиқариши» мумкин (ЖПК 452-м.). Мазкур қоидаларни инобатга олган ҳолда ЖПКнинг 416 ва 41-моддалари иккинчи қисмларидаги «илтимосномасига кўра» жумласи «илтимосномасига кўра ёхуд суднинг ташабbusи билан амалга оширилади» деб ўзгартилиши зарур.

Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёнига оид таҳлиллар суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида жаҳондаги давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги билан боғлиқ ижобий тажрибани чуқур ўрганиб, ЖПКдаги институтларни янги мазмун-моҳият билан бойитишга кўпроқ эътибор беришни тақозо этмоқда. Бу давр талабига мос тарзда жиноят иши юзасидан дастлабки тергов юритишнинг замонавий, энг мақбул ҳуқуқий механизмини яратиши демакдир. Фикримизча, дастлабки тергов юритишни яна ихчамлаштириш, судга қадар иш юритиш босқичидаги имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсадида дастлабки

тергов юритиш натижасидаги айблов хulosаси деб номланган ҳужжатдан возкечиш даркор. Мұхими, Европа давлатларининг суд амалиётида мавжуд бўлганидек, айблов хulosасисиз суд томонидан айборлик ёки айбсизлик масаласини ҳал этиш билан боғлиқ нормалар ЖПКдан жой олса, дастлабки тергов юритишда муддатлардан янада тежамкорлик билан фойдаланишга эришамиз, иш юритишдаги сарф-харажат ёки суд чиқимлари янада камайишига, қолаверса, суриштирув ва тергов жараёнидаги коррупцияга мойиллик ҳолатлари барҳам топишига сабаб бўлади. Бунда ҳам суд тергови ҳозиргидек прокурор томонидан айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш тўғрисидаги қарордаги айбловни ўқиб эшиттиришдан бошланиши ва заруратдан келиб чиққан ҳолда тарафларнинг илтимоси ёки суднинг ташабbusи билан айблов ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин бўлади.

Шу ўринда континентал ҳуқуқ тизими билан боғлиқ жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини аралаш шаклдаги ҳуқуқий тизимга мансуб деб ҳисобловчи россиялик айrim олимларнинг эътиrozли фикрларини таҳтил қилган ҳолда қуйидагиларни баён этмоқчимиз. Бу ҳуқуқда (Ўзбекистон ЖПКда. — M.P.) ҳам одил судлов очиқ-ошкора амалга оширилса-да, дастлабки терговни юритишга оид тартиб қонун ҳужжатларида қатъий белгилаб қўйилган. Жиной таъқибни амалга оширувчи суриштирув ёки тергов каби давлат органлари бу жараёнда «ман этилган усуслар»ни қўллаб, «икрорлик кўрсатувлари»ни олишга эришиши мумкин<sup>3</sup>, деган фикрлар билдирилган. Шунингдек, дастлабки тергов юритишда тергов ёки суриштирудаги маълумотларни ошкор этиш билан боғлиқ жиноий жавобгарликка тортиш мавжудлиги ҳам иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлашга салбий таъсир кўрсатади. Континентал ҳуқуқдаги дастлаб тергов юритиш институти ўрта асрларда Европа давлатлари суд амалиётида қўлланилган инквизиция институтига ўхшаб кетади. Ўшандада ҳам гумон қилинувчи ёки айбланувчи

жамиятдан ажратилган ҳолда қамоқда сақланган, унга нисбатан куч ишлатиб, ҳеч қандай түсиқсиз «икрорлик кўрсатуви» олинган, деган фикр ҳам мавжуд.

Юқорида баён этилган фикрлар, қарашлар баҳсли бўлгани боис уларга қўшилиш анча қийин. Фикримизча, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидаги дастлабки тергов юритишнинг суриштирув ёки тергов шаклида олиб борилишини ёки суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтини бекор қилишдан кўзланган мақсад гарб олимлари томонидан илгари сурилган «жиноий таъқибининг кучайтирилиши» эмас, балки замонавий демократик давлатчиликка хос бўлган жиноят-процессуал ҳуқуқ фани ютуқларига таянган ҳолда Жиноят-процессуал кодексда ўрнатилган тартиб-таомиллар асосида, биринчидан, дастлабки тергов энг мақбул ва қисқа муддатларда юритилишига эришиш; иккинчидан, халқаро стандарт ва қоидаларга риоя қилган ҳолда дастлабки терговни юритиш босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш назарда тутилган.

Муболагасиз айтиш мумкинки, дастлабки терговни юритиш институти мамлакатимизда одил судловнинг самарали кечиши ҳамда адолатли суд ҳукми (оқлов ёки қоралов) қабул қилинишига кўмаклашади. Ўтган йилда ЖПКда далилларнинг мақбул эмаслигига оид янги норманинг ўрин олгани дастлабки терговни юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларини қонунийлик, айбизлик презумцияси, ҳақиқатни аниқлаш, судда ишларни юритишда тортишув ва ЖПКдаги бошқа принципларга қатъий риоя қилишига ундумоқда.

Биргина мисол. Олий суд матбуот хизмати 2019 йил 10 январда ОАВ орқали тарқатган маълумотда 2018 йилда судлар томонидан 867 нафар шахс оқлангани ва реабилитация қилингани ҳамда ўтган йилда судлар томонидан кўрилган жиноят ишлари сони 2017 йилга нисбатан 35 фоизга камайганидан

дастлабки терговни юритишда айлов етарли бўлмаган ишлар юзасидан тугатиш ҳақида қарорлар қабул қиласанаётганини пайқаш қийин эмас. Бир йил олдин, яъни 2016 йилгача суд амалиётида оқлов ҳукмлари саноқли ишлар юзасидан қабул қилингани маълум. Бундай ҳолат ҳозирги кунда дастлабки тергов юритиш босқичида ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ниҳоятда катта эътибор берилаётганини англатади. Суд-тергов амалиётидаги бундай ижобий кўрсаткичлар охирги икки йилда соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг самарали кечаётганидан дарак беради.

Дарҳақиқат, ЖПКнинг 353-моддасида «терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилмайди» деб эътироф этишга ҳақлилиги акс этган. Бундай ҳолда терговчи тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатиб, бу ҳақда тилҳат олиши мумкин. Тилҳатда, шунингдек, мазкур мажбуриятни бузганлик учун ЖКнинг 239-моддасига биноан жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилгани ҳам акс эттирилади. Шу ўринда мазкур норманинг мазмунида икки ҳолат — биринчидан, жиноят ишидаги мавжуд бўлган барча тергов ҳаракатларига оид баённомалар ёки процессуал қарорлар, ҳужжатлар, ёзишмалар ҳамда ишга қўшилган ҳар қандай материаллардаги маълумотларни ошкор қилмаслик; иккинчидан, аксинча, жиноят ишидаги айрим маълумотлар, масалан, бирор тергов ҳаракати билан боғлиқ ёинки маълум бир лавҳа(лар)га алоқадор ҳужжатлардаги маълумотлар ошкор қилинмаслиги назарда тутилган. Мазкур нормада уч тоифадаги процесс иштирокчилари, яъни, биринчидан, тергов ҳаракатларида иштирок этаётган жабрланувчи, гувоҳ, уларнинг адвокати ёки қонуний вакили, холис, таржимон, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг

вакиллари; иккинчидан, тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган мутахассис, эксперт, тафтишчи; учинчидан, тергов материаллари билан танишаётган айбланувчининг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг қонуний вакили, вакил, ишда иштирок этаётган бўлса, таржимон назарда тутилган.

Ажабланарли жиҳати шундаки, ЖПКнинг суриштирувнинг умумий шартларига оид нормалар (381<sup>1</sup>–381<sup>17</sup>-м.) акс этган 46<sup>1</sup>-бобида суриштирувчи томонидан шахснинг зиммасига жиноят иши материалларини ошкор қилмаслик билан боғлиқ мажбурият юклатилиши мумкинлигига оид қоида мавжуд бўлмаса-да, ЖКнинг 239-моддасида нафақат дастлабки тергов материалларини, балки, шу билан бирга, суриштирув маълумотларини суриштирувчининг рухсатисиз ошкор қилганлик учун жиной жавобгарлик белгилаган. Шу боис ЖКнинг 239-моддасидан «суриштирув ёки» жумласини чиқариб ташлаш ёки ЖПКнинг юқорида тилга олинган суриштирувга оид бобини ҳам ЖПКнинг 353-моддасига ўхшаш қоида билан тўлдириш лозим. Дарвоқе, ЖПКнинг 353-моддаси иккинчи қисмида «ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти гумон қилинувчи ва айбланувчи зиммасига юклатилиши мумкин эмас» деган истисно гумон қилинувчи ёки айбланувчи ишдаги ҳар қандай маълумотни ошкор қилишга ҳақли деган маънени англаади. Шу билан бирга, ЖПКнинг 46, 48-моддаларида айбланувчининг ёки гумон қилувчининг мажбуриятларидан бири — «ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталашибириш, гувоҳларни қўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги» — белгиланган. Мазкур қоидалар моҳият жиҳатдан бир-бирини инкор этмайдими?

ЖПКнинг 353-моддаси биринчи қисмидаги «терговчининг рухсатисиз» жумласи ҳам баҳслидир. Негаки, жиноят ишидаги материалларни терговчи ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас. У жиноят ишини юритишига масъул мансабдор шахс сифатида хизмат

вазифаси юзасидан зиммасига тергов қилиниши юклатилган жиноят иши маълумотларини ошкор қилмаслиги керак. Бу ҳақдаги терговчининг мажбурияти ЖПКда акс этмаган бўлса-да, тергов органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонун, низом, йўриқнома, буйруқлар)да ўз ифодасини топган. Шунингдек, ЖПКдаги айрим принципларда, жумладан, 17-модданинг (шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш) учинчи қисмида «инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига таалуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, ...ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади» деб ва 18-модданинг (Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш) тўртингчи қисмидаги «фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши қонун билан қўриқланади» деб белгиланганидан дастлабки тергов юритишида сир сақланиши шарт бўлган маълумотларни ошкор қилмасликка терговчи масъуллиги маълум бўлади. Шу сабабли жиноят ишидаги маълумотлар ошкор қилинмаслиги шарт эканига оид қоида терговчи фаолиятидаги асосий мезон бўлиши лозим. Қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда мазкур нормадаги «терговчининг рухсатисиз» деган жумлага аниқлик киритилишига тарафформиз.

Мисол учун, Россия Федерациясининг ЖПКда (161-м.) қуйидаги қоида мавжуд. Яъни дастлабки тергов ёки суриштирув манфаатларига зид бўлмаса ва судда ишни юритишида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ бўлмаса, терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан ишдаги маълумотлар ошкор қилиниши мумкин. Процесс иштирокчиларининг шахсий ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар уларнинг розилигисиз ошкор қилинмайди, деб белгилаб қўйилган. Фикримизча, ЖПКнинг 353-мод-

даси хорижий давлатларнинг қонунчилик таржибасини чуқурроқ ўрганган ҳолда янги таҳирда ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан ЖК ва ЖПКни янгидан тайёрлаш Концепцияси суд-хукуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятида жиноят ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида, жумладан судга қадар иш юритишда инсон ҳукуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашнинг

янги механизмини яратишга имкон яратади. Бунда асосий эътибор янги ЖПКни суриштирув, тергов ва суд амалиётида тўплланган тажрибани чукур таҳлил қилган ҳолда хорижий давлатлар қонунларидағи ўзимизга мос нормалардан оқилона фойдаланган ҳолда қабул қилиш лозим. Бундай ёндашув жаҳон цивилизациясининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон ўзига хос ва мос ўрин эгаллашига олиб келади.

<sup>1</sup> Россинский С.Б. Уголовный процесс. – М., 2009. – С. 33–39.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 336.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б. 37–38.

## ЖИНОЯТЛАРНИ «ИССИҚ ИЗИ»ДАН ОЧИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АҲБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида 2019 йил 21 февраль куни «Аҳборот коммуникация технологиялари – жамият ривожининг омили» шиори остида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаменти бўлим бошлиғи подполковник О.Д. Шоҳакимов, Тошкент вилояти ИИБ Терроризм ва экстремизмга қарши кураш бошқармаси тезкор вакили капитан Б.Ж. Тоштемиров ҳамда Академия профессор-ўқитувчилари ва курсантлари иштирокида «Жиноятларни «иссиқ изи»дан очишида қўлланиладиган аҳборот-коммуникация технологиялари» мавзууда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда «Жиноятларни «иссиқ изи»дан очишида навбатчилик қисмида жорий этилаётган инновацион технологияларнинг ўрни», «Жиноятларни фош этишида аҳборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти», «Жиноятлар ҳақидаги хабардорликни амалга оширишнинг замонавий инновацион технологиялари», «Аҳборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларга қарши қурашнинг ҳуқуқий асослари» мавзуларида маърузалар тингланди. Маърузаларда келтирилган долзарб масалалар тадбир иштирокчилари ўртасида қизғин муҳокама қилинди. Сўзга чиқувчилар йиғилиш иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Конференцияда содир этилаётган жиноятларни «иссиқ изи»дан очишида навбатчилик қисмида жорий этилаётган инновацион технологиялар, жиноятларни фош этишида аҳборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти, жиноятлар ҳақидаги хабардорликни амалга оширишнинг замонавий инновацион технологиялари ҳамда аҳборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларга белгиланган жазолар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**Н. П. Азизов,**

*ИИВ Академияси давлат-хуқуқий фанлар кафедраси бошлиги, юридик фанлар доктори, доцент*

## **ЎЗБЕКИСТОН КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада XX аср бошларида Туркистон сиёсий партияларининг вужудга келиши ва фаолият кўрсатиши, ўлкада кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** Туркистон ўлкаси, сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши.

### **Исторические основы многопартийной системы в Узбекистане**

**Аннотация.** В статье анализируется возникновение и деятельность политических партий Туркестана, формирование многопартийной системы края в начале XX в.

**Ключевые слова:** Туркестанский край, возникновение и деятельность политических партий, формирование многопартийной системы.

### **Historical basics of the multi-party system in Uzbekistan**

**Annotation.** The article analyzes the emergence and activities of political parties in Turkestan, the formation of the multiparty system of the province at the beginning of the 20th century.

**Keywords:** Turkestan region, the emergence and activity of political parties, the formation of a multiparty system.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинлilikлари олий қадрият саналадиган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош мақсад сифатида белгиланиб, шу йўлда илдам қадам қўйилмоқда. Олий мақсадга эришишда жамиятимизда асрлар давомида шаклланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, тарихий, маданий ва маънавий шарт-шароитлар пойдевор вазифасини ўтайди. Бунда дунё халқлари ҳавас қиласидиган улуғ ўтмишимиз, тарихий меросимиз юртимизнинг тараққиёти учун муҳим асос бўлади.

Мамлакатимизда узоқ давом этган мустамлакачилик тузумидан озод бўлиб, *бир томондан*, халқимизнинг турмуш тарзи, асрий анъана ва одатлари, эътиқоди, қадриятларига мос келадиган, *иккинчи томондан*, замонавий давлатчилик ва ҳуқуқий гоялар негизида жамият ва давлат тузумини барпо этмоқда.

Ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципи асосида давлатчиликнинг ташкил

етилиши, конституция ва қонунлар устунлигининг таъминланиши, президентлик, парламент институтларининг жорий этилиши, давлат ҳокимияти органлари тизими ни шакллантиришда муқобиллик ва кўппартиявийлик тизимининг амал қилиши, мустақил суд тизимининг яратилиши, жамият, давлат ва шахс муносабатларида устуворлик шахсга тегишлилиги — Ўзбекистон азалий ва замонавий давлатчилик анъана-ларига содик эканлигини кўрсатади.

Маълумки, юртимизда кўппартиявийлик тизими тарихан шаклланган бўлиб, у чуқур тарихий илдизга эга. Бу борада XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеалар юртимиз давлатчилиги тарихида алоҳида аҳамият касб этади.

Бу даврда халқаро майдонда ва мамлакатда вужудга келган вазият Туркистон халқларининг сиёсий ҳаётида туб бурилишга сабаб бўлди. 1904 йилдаги рус-япон уруши, 1905—1907 йиллардаги Россия инқилоби

Россия империяси давлат устунларининг емирилаётгани, мустабид ҳокимият заифлашаётгани, ҳокимият эгалари ўртасида зиддият кучайиб бораётгани, мустамлакачилик кишанларидан халос бўлиш вақти етганидан дарак берарди.

Туркистон халқлари ўзлигини таниш, мустамлакачилик сиёсати туфайли узоқ давом этган асрий уйкудан уйғониш, ҳақ-хукуқини талаб қилиш, чор маъмурларининг зулми ва зўравонлигидан халос бўлиш йўлида уюшиб фаолият кўрсатиш, бу йўлда турли жамият ва ташкилотлар тузиш зарурлигини англаб етди. Ўз ҳаёти ва фаолиятини партия ва жамиятлар ишига бағищлаган Мунавварқори таъкидлаб ўтганидек, «маданий миллатларнинг бутун тараққёти диния ва эҳтиёжот майллари учун энг ишончли суюнчиқ ва мутлақо эттеҳоз ўлинмиш ва уларда маданият нарвонининг биринчи босқичи мактаб, иккинчиси жамият экан»<sup>1</sup>.

Замонавий ҳуқуқшунослиқда кўппартиявилик тизимининг моҳияти, асосий белгилари, хусусиятлари ўрганилган. Ўзбекистон юридик энциклопедиясида кўппартиявиликка қуйидаги таъриф берилади: «Кўппартиявилик — ҳозирги демократик давлатларда сиёсий ҳаётни ташкил этишнинг асосий конституциявий принципларидан бири, сиёсий ва мафкуравий плюрализм (хилма-хиллик)нинг анча умумийроқ бўлган принципи ифодаси сифатида баҳоланади. Кўппартиявилик принципи юридик жиҳатдан давлат фуқароларининг ўз дунёқарашларига мувофиқ тарзда сиёсий партияларга бирлашиш ҳукуқини, барча сиёсий партияларнинг қонун олдида тенглигини, улар фаолияти эркинлигини тан олиши ва кафолатлашини англатади. Кўппартиявилик принципи ваколатли давлат органларининг миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий муросасизликни, қонуний давлат ҳокимияти органларини куч ишлатиб ағдаришни тарғиб қиладиган ёки бошқа йўсинда амалда бўлиб турган қонунчиликни бузадиган сиёсий партияларни қонунда белгиланган тартибда тақиқлаши ва тарқатиб юбориши мумкинлиги. Кўриниб турибдики, кўппартиявиликнинг асосий белгиларидан бири, сиёсий партиялар фаолиятининг қонунга асосланиши, мавжуд ҳокимиятни тан олиши ҳисобланади.

◆ қилмайди. Юридик (расмий) ҳақиқий кўппартиявилик аниқ бир давлатда ижтимоий ва сиёсий манфаатларнинг барча спектрини қамраб олган ривожланган ва самарали партиялар тизими мавжудлигига ифодаланади»<sup>2</sup>.

Шундан келиб чиқиб, кўппартиявилик тизимининг қуйидаги асосий белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин: *биринчидан*, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда сиёсий ва мафкуравий плюрализмнинг амал қилиши; *иккинчидан*, фуқароларнинг ўз дунёқарашларига мувофиқ тарзда сиёсий партияларга бирлашиш ҳукуқининг давлат томонидан тан олиниши; *учинчидан*, барча сиёсий партияларнинг қонун олдида тенглиги; *тўртинчидан*, сиёсий партиялар фаолиятининг эркин асосларда ташкил этилиши; *бешинчидан*, давлат органлари томонидан миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий муросасизликни, қонуний давлат ҳокимият органларини куч ишлатиб ағдаришни тарғиб қиладиган ёки бошқа йўсинда амалда бўлиб турган қонунчиликни бузадиган сиёсий партияларни қонунда белгиланган тартибда тақиқлаши ва тарқатиб юбориши мумкинлиги. Кўриниб турибдики, кўппартиявиликнинг асосий белгиларидан бири, сиёсий партиялар фаолиятининг қонунга асосланиши, мавжуд ҳокимиятни тан олиши ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб, XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий ва сиёсий ҳаётида шартли равища кўппартиявилик тизими мавжуд бўлган, деган холосага келиш мумкин. Чунки аксарият умумrossия партиялари (социал-демократлар, социалист-революционерлар партиялари) узоқ мuddат давомида яширин равища фаолият кўрсатиб, уларнинг бош мақсади мавжуд ҳокимиятни тан олмаслик, уни қурол кучи билан ағдариб ташлаш, амалдаги қонунларни бузиш, ўзгалар ва давлат мулкини талон-торож қилишга асосланган. Шу билан бирга, улар томонидан жамият бир синфини бошқаларга нисбатан қарши қўйиш, ҳокимиятни қўлга олгандан кейин эса синф сифатида тугатиш гояси илгари сурилган ҳамда амалга оширилган.

Ўлкада сиёсий партия ва ташкилотларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши сиёсий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган. Подшо Россиясининг Туркистон ўлкасини тобора ўзига бўйсундиришга уриниши, мустамлакачилик ҳокимиятининг «кўчириш» ва сиёсий жиноятчиларни ўлкага сургун қилиш сиёсати, бир томондан, илгор маҳаллий аҳоли вакилларининг Россия, Европа, Туркия билан яқиндан алоқа ўрнатиши, иккинчи томондан, Туркистонда турли-туман ғояларни тарғиб этувчи сиёсий партияларнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ўлкада Россиядан кўчиб келиб Туркистонда фаолият юритаётган шахслар ҳамда маҳаллий халқнинг уларга хайриҳоҳ бўлган жуда оз миқдордаги вакилларидан иборат бўлган, Европа ва Россияда амал қилаётган социал-демократлар (большевик ва меньшевиклар), социал-инқилобчилар (сўл ва ўнг эсерлар), конституциявий-демократлар, трудовиклар (мехнатчилар), монархист ва анархистлар партиялари ташкилотлари ҳамда Туркистон халқларининг ҳуқуқ ва манфаатларини турли йўллар билан ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Тараққийпарварлар», «Турон», «Иттифоқ», «Иттиҳод ва тараққий», «Шўройи Исломия», «Шўройи Уламо», «Турк Адами Марказият», «Алаш Ўрда» каби партиялар, йигирмага яқин миллий жамият ва тўгараклар тузилган.

Партиялар дастурий мақсадлари, фаолият йўналишлари, таркиби, электорати билан бир-биридан фарқ қилган. Агарда Европа ва Россия сиёсий партиялари учун мунтазам ва шиддат билан тараққий этаётган ишлаб чиқариш кучлари талабига мос равишда ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш, амалдаги тузумни тубдан ўзgartириш асосий мақсад сифатида белгиланган бўлса, маҳаллий партиялар учун халқни маориф ва маданиятга яқинлаштириш, мустамлака зулмидан қутулиш бош масала ҳисобланган.

Маҳаллий аҳолининг мавжуд партияларга муносабати ҳар доим ҳам бирдек бўлмаган. Туркистон ўлкасининг илгор

вакиллари аввал Европа таълимотларига асосланган сиёсий партияларни қўллаб-куватлаб, уларнинг фаолиятида иштирок этган бўлсалар, кейинчалик муайян сабаблар таъсирида мазкур партия сафларидан чиққанлиги ёки уларга нисбатан муҳолафатни ташкил этганларни маълум. Шуниси диққатга сазоворки, Фарб таълимотларига асосланган партиялар дастурларини маҳаллий аҳоли вакилларининг жуда камчилик қисми тан олган. Жумладан, жадидчилик оқими-нинг йирик вакилларидан бири бўлган М.Чўқаев маълум бир вақт мобайнида социалист-инқилобчилар партияси аъзоси, Убайдулла Хўжаев Тошкент, Саратов, Петроград эсерлари даврасида яқин кишилардан бўлганлиги маълум<sup>3</sup>.

Туркистон жадидларининг «отаси» ҳисобланган Маҳмудхўжа Беҳбудий Россия конституциявий демократлар партиясини ва уларнинг дастурини ёқлаб чиққан. Унинг «Хуршид» газетасида ёзишича, «Россия конституциявий демократлар партияси таркибида ҳар бир миллат ва дин вакилларидан жуда кўпчилик мавжуд. У ягона, ўрта партия сифатида халқ ўртасида осойишлини ва тартибни ўрнатишига хизмат қилади. Биз, Туркистон мусулмонлари, 1906 йил 23 августда Нижний Новгородда бўлиб ўтган Россия мусулмонлари съездида сиёсий муносабатда кадетлар партиясига кўшилишига қарор қилдик, ўйлаймизки, съезднинг бу қарори барча томонидан қўллаб-куватланади»<sup>4</sup>.

Кейинчалик февраль инқилобидан сўнг конституциявий демократлар партияси маҳаллий миллатларга муҳторият беришга қарши чиқиб, фақат маданий муҳторият, яъни турли тиллардан фойдаланишида, ўкув муассасалари ташкил этишда эркинлик берилишини ёқлаб чиқадилар. Бу эса Туркистон халқларининг ўзлигини англаш, муҳториятга эга бўлиш ҳуқуқини ифодалай олмасди. Шунинг учун конституциявий демократлар партияси аста-секин ўз ҳаммаслакларини йўқота борди<sup>5</sup>.

Бундан ташқари, 1911–1912 йилларда турк олими Тавфиқбек ал-Аъзамнинг

рисоласи ўзбек тилига таржима қилиниб, Туркистонда кенг тарқатилган. Унда мусулмон динининг социализм, анархизм ва гарбда вужудга келган шу каби таълимотларга муносабати баён қилинган эди. Муаллиф бу рисолада гарбда туғилган ҳар бир таълимот, шу жумладан, социализм ҳам инсониятни баҳт-саодатга олиб келмаслиги ва ижтимоий муносабатларнинг бирдан-бир камолоти мусулмон дини қонун-қоидаларига риоя қилишда эканлигини кўрсатган эди<sup>6</sup>.

Мавжуд сиёсий партияларнинг маҳаллий халқларнинг эътиборини қозонганлик даражаси ҳам бирдек бўлмаган. Тўпланган материалларнинг далолат беришича, Россиянинг Туркистонда фаолият олиб бораётган партия ташкилотлари туб аҳоли ўртасида деярли таъсирга эга эмас эди. 1916 йилги миллий озодлик қўзғолони сабаблари ва унинг оқибатларини ўрганган шўрошунос олим Ричард Пирснинг фикрича, мазкур қўзғолон фақат чор ҳукуматигина эмас, балки бутун рус халқининг Ўрта Осиё халқлари ишончи ва дўстлигини қозониш йўлидаги барча уринишларини пучга чиқарди. Бу қўзғолон рус социал-демократлари (большевик ва меньшевиклар) ҳам, социал-инқилобчилар (ўнг ва сўл эсерлар) ҳам Туркистон халқлари ўртасида мустаҳкам таянчга эга эмасликларини рўй-рост кўрсатди<sup>7</sup>.

Россия империяси маъмурлари учун Туркистонда мустамлакага асосланган тузумни сақлаб қолиш, ўлкада озодлик руҳининг уйғонишига йўл қўймаслик биринчи галдаги вазифа бўлган. Лекин уларнинг барча саъӣ-ҳаракатларига қарамай, мамлакатда миллий озодлик ҳаракати тобора авж олиб борган. «Империя ҳукумати Туркистондаги мустамлака тузумига таҳдид солувчи жиддий куч оз сонли рус социал-демократлари, социал-инқилобчилари эмас, балки ўлкада уйғониб келаётган миллий онг эканлигини»<sup>8</sup> яхши англаб етган.

1906 йилнинг баҳорида Франция Республикаси бош штаби иккинчи бюроси (ҳарбий разведка) топшириги билан майор

Лякост икки йил давомида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият билан яқиндан танишиб, «Туркистон ўлкасидағи энг эътиборли ва келажаги порлоқ ташкилот сифатида социал-демократлар (большевиклар ва меньшевиклар) ёки социалист-инқилобчилар (сўл ва ўнг эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ёш сартлар деган хulosага келган эди. У Туркистонда жадидлар таъсири кучли бўлган ўз фирмасига эга экани ва 1906 йилнинг январида Санкт-Петербургга, Умумrossия мусулмонларининг қурултойига вакил юборганини таъкидлаб, бу фирмә худди Қозон татарлари каби ўзининг миллий дастурига эгалиги ва рус истибодига жиддий зарба бериши мумкинлигига ишора қўлган эди»<sup>9</sup>.

Умуман олганда, Туркистон ўлкасида вужудга келган партиялар турли сиёсий ва мағкуравий нуқтаи назарга эга бўлган. Улар, *бир томондан*, мавжуд ҳокимият ва бошқарув тартиблари, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кечишини сақлаб қолиш гоясини илгари сурган бўлсалар (17 октябрь иттифоқи, монархистлар партиялари); *иккинчи томондан*, жамият ҳаётини қонуний воситалар ёрдамида ислоҳ этиш, давлат бошқарувини демократлаштириш талаблари билан чиққанлар (конституцион демократлар, «Шўрои Ислом», «Тараққийпарварлар» партиялари); *учинчи томондан*, амалдаги ҳокимиятни зўрлик, қурол кучи билан ағдариб ташлашни ёқлаб чиққанлар (социал-демократлар, социалист-инқилобчилар партиялари); *тўртинчи томондан*, ўлка, миллат ва халқнинг озодлиги, эрки ва мустақиллигини таъминлаш йўлида кураш олиб борганлар («Миллий иттиҳод», «Иттиҳод ва тараққий», «Эрк», «Турк адами марказияти», «Алаш» партиялари).

Шундай қилиб, XX аср бошларида мустамлакачилик тузумининг емирилиши, мамлакатга Европа ва Туркияда тарқалган илгор гояларнинг кириб келиши, халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб этиши, жамият тараққиётига тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш учун турли жамият

ва партияларга уюшиш эҳтиёжи Туркистонда кўп partiyaийлик тизимининг шаклланишига сабаб бўлди. Бу тизим ниҳоятда қисқа муддатда амал қилган бўлишига қарамас-

дан, сиёсий тизимни демократлаштириш, халқнинг орзу-истакларини демократик йўл билан рўёбга чиқариш мумкинлигига умид уйғотди.

<sup>1</sup> Сироэжиддин А. Мунаввар қори // Шарқ ўлдузи. – 1992. – № 5. – Б. 105–119.

<sup>2</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ. – Т., 2002. – Б. 274.

<sup>3</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.1. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: Х.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, К.Усмонов; Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев (раис) ва бошқ. – Т., 2000. – Б. 294.

<sup>4</sup> Ташкулов Ж.У. Правовое государство: независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т. IV. – Т., 1994. – С. 135.

<sup>5</sup> Абдуллаев Р. Туркестанские прогрессисты и национальное движение // Звезда Востока. – 1992. – №1. – С. 111–112.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси МДА, 461-жамгарма, 1-рўйхат, 1168-иш, 146-варақ.

<sup>7</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т., 2002. – Б. 441.

<sup>8</sup> Ўша манба. – Б. 281.

<sup>9</sup> Ўша манба. – Б. 264—265.

## МУМТОЗ АДАБИЁТДА КОМИЛ ИНСОН ТАЛҚИНИ

2019 йил 8 февраль куни ИИВ Академиясида Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 536 йиллигига багишилаб «Мумтоз адабиётда комил инсон талқини» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир алломаларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар намойиши билан бошланди. Сўнгра Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик сўз мулкининг сultonни ҳазрат Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ёшларимизнинг комил инсон бўлиб етишишларида нечоғлик муҳим ўрин эгаллаши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Шоир Шукур Қурбон алломалар ижодига тўхталар экан, унинг ҳозирги вақтдаги илмий аҳамияти ва яқинда нашр этилган «Бобур энциклопедияси» ҳақида тўхталди. Шунингдек, 3-ўкув курси курсанти Мұхаббат Хидирилиева ҳамда 1-ўкув курси курсанти Эшбоев Қурбонбой алломалар ижодидан илҳомланиб, улар ҳақида ёзган ўзларининг шеърларини ўқиб бердилар. Академия курсантлари томонидан алломалар қаламига мансуб рубоий ва газаллар ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида янгради, ИИВ Академияси Бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг Навоий газалларига басталанган куй-қўшиқлари, шунингдек, «Фарҳод ва Ширин» достони асосида тайёрланган саҳна кўринишининг ижро этилиши тадбирга ўзгача шукуҳ багишилади.

Кеча иштирокчилари Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий мероси, уларнинг асалларида тараннум этилган олижаноб гоялар ва фалсафий мушоҳадалардан олам-олам завқ олдилар ва комил инсон бўлиб етишишларида маънавий мероснинг ўрни бекиёс эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

**K. M. Рахимов,**

*Ички ишлар вазирилиги Ташкилий департамент — Котибият бошлиги*

## ТЕЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ – ТРАНСПОРТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛ

**Аннотация.** Мақолада республикада содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатлари ўрганилиб, ахвол ташвишланарли эканлиги, тегишли чора-тадбирлар белгилаш зарурати мавжудлиги кўрсатилган. Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги хуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги омиллардан бири сифатида аҳоли пункларида транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини камайтириш зарурлиги таҳлилий маълумотлар орқали очиб берилган. Шунингдек, мазкур соҳани тартибга солувчи айрим қонун хужжатларида камчилик ҳамда муаммолар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** транспорт воситаси, йўл-транспорт ҳодисаси, хуқуқбузарлик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, йўл ҳаракати қоидалари, тезлик, тезликни камайтириш, қонун, ҳалокат, чеклаш, йўл.

### Снижение скорости – основной фактор профилактики правонарушений в сфере транспортной безопасности

**Аннотация.** В статье показаны результаты изучения дорожно-транспортных происшествий, происходящих в Республике Узбекистан, и их итоги, тревожная ситуация, сложившаяся в связи с этим, и необходимость принятия неотложных мер. С помощью аналитических сведений раскрыта необходимость снижения скорости движения транспортных средств в населенных пунктах как один из факторов профилактики правонарушений в сфере безопасности дорожного движения. Также изложены проблемы и имеющиеся недостатки в нормативно-правовых актах, регулирующих данную сферу деятельности, и предложения по их устранению и совершенствованию.

**Ключевые слова:** транспортное средство, дорожно-транспортное происшествие, правонарушение, Кодекс об административной ответственности, правила дорожного движения, скорость, снижение скорости, закон, трагедия, ограничение, дорога.

### Reducing the speed – primary factor in prevention of offences in the sphere of transport security

**Annotation.** The article analyzes the result of the study of road accidents occurring in the Republic of Uzbekistan and their results, the alarming situation that has arisen in this connection and the need to take urgent measures.

According to analysis, research work revealed the need to reduce the speed of vehicles in human settlements as a factor in the prevention of offenses in the field of road safety.

Also, in this article were described the problems and the existing shortcomings in the regulatory legal acts regulating this field of activity and proposals for their elimination and improvement.

**Keywords:** vehicle, traffic accident, dead in a traffic accident, offense, the Administrative Liability Code, rules of the road, speed, speed reduction, law, tragedy, restriction, road.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган йўлларини, балки бошқа мамлакатларнинг автомобиль заводлари нафақат юртимиз ҳам кўчаларини енгил, юк ҳамда бошқа

турдаги автомобиллар билан тўлдирмоқда-  
ки, буни ҳозирги кунда кўпчилик давлатлар  
тан олмоқда. Ватанимизнинг қайси вилоят,  
туман, шаҳар ёки қишлоғига борманг, ўз  
юртимизда ишлаб чиқарилган автомобил-  
ларни, яъни Lacetti, Nexia, Spark, Damas,  
Isuzu ва MAN русумли юк ва енгил авто-  
машиналарни ҳайдаб, ўз юмушлари билан  
банд ҳамюртларимизни учратасиз.

Автомобиль транспорт воситаларининг  
борлиги яхши, албатта, улар узоқни — яқин,  
оғирни енгил қиласди. Лекин улардан фой-  
даланиш, йўлларда ҳаракатланиш қоидалари-  
га риоя этилмаса, мисли кўрилмаган  
даражадаги зарар ва кўнгилсизликларга олиб  
келиши мумкин. Бир инсоннинг ҳаёти, унинг  
яшаш тарзи, яқинларининг соғлиғи ва саломат-  
лигига жиддий зиён етиши ҳеч гап эмас.

Маълумотларга кўра, йўл-транспорт  
ҳодисасининг ҳар учтадан биттаси пиёдалар  
иштирокида содир бўлар экан. Йўл ҳаракати  
қоидаларига риоя этмаслик фақат ҳайдовчи-  
лар эмас, балки пиёдалар томонидан ҳам  
бузилиши, йўл белгиларига риоя этмаслик,  
белгиланмаган жойларда йўлни кесиб  
ўтишда диққатни чалғитувчи турли нарсалар  
билан банд бўлиш ёки ҳаракатдаги транспорт  
воситаларига бепарволик билан қараш каби  
салбий ҳолатлар мазкур автоҳалокатларнинг  
келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкило-  
тининг маълумотларига қараганда йўлларда  
ҳар йили 1,35 миллион одам автомобиль  
ҳалокатларига дучор бўлиб, ҳаёт билан  
видолашар, 20—50 миллиони эса тан  
жароҳати олар ва уларнинг кўпчилиги  
ногиронлик бўлиб қолар экан. Автомобиль  
йўл-қатнов қисмидаги ҳалокатли ҳолатнинг  
жамиятга етказаётган моддий, маънавий ва  
иқтисодий зарари жуда катта бўлиб,  
кўпчилик давлатлар йиллик ялпи ички  
маҳсулотининг 3 фоизини ташкил этади<sup>1</sup>.

Умуман, автомобилнинг атроф-муҳитни  
ифлослантиришидан тортиб йилига йўлларда  
миллионлаб одамларнинг нобуд этилиши-  
гача бўлган салбий оқибатлари «йўл эпиде-  
мияси» шаклини олди, десак хато бўлмайди.

Йўл қатновининг ҳалокатли муаммолари  
ва йўл ҳаракат иштирокчилари мослашувчан-  
лигининг асосий омили инсонлар эканлигини  
ҳисобга олган ҳолда кейинги йигирма йил  
ичида бу масалалар транспорт психологлари,  
конструктор-эрғономистлар, йўл ҳаракати  
ташкилотчилари, инженер-механиклар,  
педагоглар ва шифокорлар каби зиёли  
қатламни безовта қилиб қўйди.

Содир бўлаётган, транспорт кризиси деб  
аташ мумкин бўлган ижтимоий-салбий  
ҳолатнинг олдини олиш борасида жаҳон  
ҳамжамияти томонидан жиддий бош  
қотириш даври бошланди. Айниқса, мазкур  
масалага Ўзбекистон раҳбарияти алоҳида  
эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати  
хавфсизлиги соҳасини тартибга солувчи 20  
дан ортиқ қонун хужжатлари қабул қилинган.  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
«Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш  
тизимини янада такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 11 июлдаги  
ПҚ-3127-сон қарорига мувофиқ йўл ҳаракати  
хавфсизлигини ишончли таъминлаш соҳаси-  
да комплекс ташкилий-амалий чора-тадбир-  
лар амалга оширилган ҳолда салмоқли ишлар  
қилинди.

Жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлигини  
таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари профи-  
лактикаси тизимини такомиллаштириш,  
назоратнинг юқори самарадорлигини,  
хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш,  
уларга барҳам беришни таъминлайдиган йўл  
ҳаракатини автоматлаштирилган тартибга  
солиш тизимини кенгайтириш бўйича ички  
ишлар органлари ишини ташкил этишнинг  
сифат жиҳатидан янги тартиби белгиланди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш  
тизимини янада такомиллаштириш, йўл  
инфратузилмасини тубдан яхшилаш, йўллар  
сифатини ошириш, шунингдек, йўл ҳаракати  
барча иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракат-  
ланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш  
мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг  
«Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини  
таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 19 майдаги 377-сонли қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ 2018—2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси (кейинги ўрингарда Концепция деб аталади) ҳамда 2018—2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини 2018—2019 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, йўлларда хавфсизликни таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётган бўлса-да, лекин мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар ортидан йўл-транспорт ҳодисаси юз бериши натижасида фуқароларимизнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳанузгача давом этаётганлиги ташвишланарли ҳолатда қолмоқда.

Жумладан, 2018 йил давомида Ўзбекистон йўлларида **2262 киши** автоҳалокат натижасида нобуд бўлган (бу ҳар куни **6 киши** дегани). Улардан **1025 киши** ҳайдовчиларнинг транспорт воситаси учун белгиланган тезликка риоя этмаслиги оқибатида вафот этган. Йил давомида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг 43 фоизини транспорт воситасини бошқаришда белгиланган тезликка риоя этмаслик оқибатида келиб чиқсан автоҳалокатлар ташкил этмоқда. Ҳар куни деярли 3 (2,8) киши тезлик курбони бўлган.

Кўриниб турибдик, ўлимга олиб келган ҳуқуқбузарликлар сони ҳали ҳам юқори-лигича қолмоқда — ўртacha 100 минг кишига **8,3 ҳолат**<sup>2</sup>. Қиёслаш учун, бу кўрсаткич Германияда 4,8, Швецияда 5,2 ни ташкил этади.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида фуқаролар ҳаёти ва соғлиги муҳофазасининг, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, атроф-муҳит ҳимоясининг устуворлиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принципларидан бири сифатида белгиланган. Бироқ юқорида кўрсатилган статистик маълумотлар мазкур Қонун йўл

ҳаракати хавфсизлиги соҳасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги муҳофазасини тўлиқ таъминлай олмаётганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 24 декабрда янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидалари тасдиқланди. Ушбу қоидаларнинг 78-бандида аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига **70 километр**дан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига **30 километр**дан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилиши белгиланган. Аҳоли пунктларидан ташқарида енгил автомобиллар ва рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобиллари тезликни соатига **100 километр**дан оширмасдан ҳаракатланиши мумкин.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг статистик маълумотларида қайд этилишича, соатига **50 километр** тезлик билан ҳаракатланиб келаётган автотранспорт воситаси пиёданни уриб юборганида пиёданнинг ҳалок бўлиш эҳтимоли 20 фоизни ташкил этади. Агар тезлик соатига 80 километр бўлса, бу хавф 60 фоизга ошади. Кўриниб турибдик, тезлик қанча юқори бўлса, пиёдалар билан содир бўладиган автоҳалокатларда уларнинг тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлиш хавфи ортиб бораверади. Транспорт воситаси ўртача тезлигининг соатига 1 километрга оширилиши, одамларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўладиган йўл-транспорт ҳодисалари миқдорини 4—5 фоизга оширади<sup>3</sup>.

Мавжуд маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, автотранспорт воситасининг ҳаракат тезлиги қанча юқори бўлса, унинг тормозланиш масофаси, тормоз йўли ҳам шунча узун бўлади. Жумладан, соатига 50 километр тезлик билан ҳаракатланаётган автотранспорт воситасининг тормозланиш йўли 27 метрни, соатига 60 километр тезлик билан ҳаракатланаётган автотранспорт воситасининг тормозланиш йўли 36 метрни, соатига 80 километр тезлик билан ҳаракатланаётган автотранспорт воситасининг тормозланиш йўли 58 метрни ташкил этади. Бундай

тезлиқда ҳаракатланаётган автотранспорт пиёданы уриб юборган тақдирда, 96 фоиз ҳолатда унинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин.

Тезлик ҳаракатчанлик, чақонлик ва вақтни тежаш, вақтдан ютиш нуқтаи назардан ижобий тавсифланади, лекин оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқиши эҳтимолини оширади. Бундан ташқари, транспорт воситаларининг тезликни ошириши аҳоли пунктларида яшаш шароитларига салбий таъсир кўрсатиб, ҳаво ифлосланишини оширади ва кўп шовқин ҳосил қиласди.

Яна шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, тезлик қанча юқори бўлса, кўриш бурчаги ҳам шунча тор бўлади. Юқори тезлиқда периферик кўриш амалда тўхтайди, натижада ҳайдовчи йўлни кесиб ўтишни бошлаган пиёдани сезмайди. Бу эса автоҳалокат келиб чиқиши учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Мавжуд маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, белгиланган ҳаракат тезлигини оширишга мойил, янаям тўғрироғи, тезликни чекловчи талабларга риоя этмайдиган ва мунтазам тезликни оширувчи кўпчилик ҳайдовчилар ўз транспорт воситаларига радар детектор (антирадар)ларини ўрнатиб олган. Ушбу жиҳознинг мавжудлиги, ҳайдовчининг тезлик меъёрларига риоя этмаслиги, радар бор жойларда секинлашиб бошқа ҳудудларда эса тезликни ошириши ҳақида сигнал ҳисобланади.

Греция (жарима 2000 евро), Германия (жарима 75.00 евро), Испания (жарима 200 евро), Франция (жарима 1500 еврогача) ва Бельгия (жарима 75.00 евро) каби кўпчилик давлатларда радар детекторлардан фойдаланиш қонун билан тақиқланган ва бунинг учун жарима жазоси белгиланган. Ўзбекистон ҳудудида бундай қурилмадан фойдаланиш тақиқланмаган. Бу эса мазкур қурилма билан жиҳозланган ҳайдовчиларнинг тезликни ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этиши учун имкон яратувчи омиллардан бири деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Тезликни белгиланган меъёрдан ошириш транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш ҳавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлардан бири бўлиб, юқорида кўриб чиқилганидек, жиддий ижтимоий ҳавфли қилмиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг XI бобида транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидағи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Хусусан, унинг 128<sup>3</sup>-моддасида транспорт воситалари ҳайдовчиларнинг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганлиги учун энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан то транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум қилиниб, энг кам иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдоригача жарима жазолари белгиланган. Шундай бўлса-да, бу ҳайдовчиларни белгиланган ҳаракат тезлиги меъёрига риоя этишлари учун етарли бўлмаяпти. 2018 йилда **437 447 та** транспорт воситасининг ҳайдовчилари белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганларни учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Бундан ташқари, ҳайдовчиларнинг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши оқибатида 2018 йил давомида **3880 та** йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган.

Қайд этиш лозимки, транспорт ҳавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарлик республика ҳудуди бўйлаб бир хил кўринишга эга эмас. Қайсиdir вилоят ҳудудларида мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар сони ёки уларнинг айрим турлари бошқа вилоятга нисбатан қўпроқ. Масалан, белгиланган тезлик меъёрини ошириш натижасида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида Тошкент вилоятида **143**, Қашқадарёда **110**, Самарқандда **98**, Сирдарёда **42** нафар шахс ҳалок бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл Ҳаракати ҳавфсизлиги тўғрисида»ги қонунига асосан, йўл ҳаракати қоидаларини ҳамда йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш масалаларига доир бошқа норматив-ҳуқуқий

хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Йўл ҳаракати қоидаларининг 78-банди иккинчи хатбошида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлеклари, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишилган ҳолда, йўл шароитлари юқори тезликда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлайдиган ҳолларда, йўлларнинг айрим қисмлари ёки ҳаракатланиш бўлакларида айрим транспорт воситаларига ҳаракатланиш тезлигини оширишга (тегишли йўл белгиларини ўрнатиб) ваколатлидир, деб белгиланган. Бироқ йўл шароитлари қоидаларда рухсат этилган тезликда хавфсиз ҳаракатланишни таъминламайдиган, транспорт соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг, яъни оғир оқибатли ва йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиш қўпайиб кетган ҳолларда, тегишли вилоят ҳудуди бўйлаб мустақил равишда ҳаракат тезлигини чеклаш ваколати берилмаган.

Юқорида кўриб чиқилган омил ва сабаблар транспортдан хавфсиз фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда айрим қонун хужжатларига ўзгартиришлар киритиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида радар детекторларидан фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Юқорида кўриб чиққанимиздек, қўпчилик ривожланган давлатларда бунинг учун жавобгарлик назарда тутилган. Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасида радар детекторларидан фойдаланишни тақиқлаш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига қўшимчалар киритиш лозим. Бу, ўз навбатида, тезликни ошириш билан транспорт воситаларидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини бузувчи ҳуқуқбузар ҳайдовчилар томонидан ишонч билан хотиржам тезликни ошириш орқали ҳуқубузарлик содир этишларининг олдини олишга хизмат қиласи. Махсус автоматлаштирилган фото- ва

видео регистраторлар борлиги ҳақида огоҳлантирувчи бу қурилмаларнинг тақиқланиши ҳайдовчилар бемалол тезликни оширишларининг олдини олишга ва келгусидаги жавобгарликни ҳис этишига ёрдам беради ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлайди.

Йўл ҳаракати қоидаларининг 78-бандига ўзгартириш киритиш орқали аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини **соатига 50 километр**дан оширмасдан ҳаракатланиш тартибини жорий этиш керак. Бу эса йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳалок бўлаётган шахсларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолишининг синалган ва самарали усули ҳисобланади. Юқорида тезликнинг инсон соғлиғи ва ҳаёти учун қанчалик хавфли эканлигини кўриб чиқдик. Шунингдек, аҳоли пунктларида тезликнинг бундай миқдорга пасайтирилиши бевосита автоҳалокатларнинг олдини олиш билан бирга, шаҳар экологиясига транспорт воситаларидан чиқаётган заҳар ва шовқин миқдорини камайтиришга хизмат қиласи.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, автомобиль йўлларида ҳаракатланиш тезлигининг 5 фоизга камайтирилиши одам ҳалок бўлиши билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг 30 фоизга камайишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлеклари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишилган ҳолда, йўл шароитлари қоидаларда рухсат этилган тезликда хавфсиз ҳаракатланишни таъминламайдиган, транспорт соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг, яъни оғир оқибатли ва йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиш қўпайиб кетган ҳолларда, тегишли вилоят ҳудудида, аҳоли пунктларида ёки ундан ташқарида ҳаракат тезлигини мустақил равишда чеклаш ваколатини бериш лозим. Бу, ўз навбатида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз ҳудудида вужудга келган вазиятга тезкор таъсир кўрсатиш ва уни бошқариш имконини беради.

---

<sup>1</sup> Дорожно-транспортные травмы. 7 декабря 2018 г. Веб-сайт Всемирной Организации Здравоохранения // [www.who.int](http://www.who.int).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2018 йил 22 май // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Дорожно-транспортные травмы. 7 декабря 2018 г. Веб-сайт Всемирной Организации Здравоохранения // [www.who.int](http://www.who.int).

---

## ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ

2019 йил 1 февраль куни ИИВ Академиясида Фоғуржон Раҳимовнинг 90 йиллигига бағишлиланган илмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Унда Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, Фахрийлар кенгаши фаоллари, Фоғуржон аканинг оила аъзолари, у билан елкама-елка хизмат қўлган шогирдлари, дўстлари, Академия ўқитувчи-мураббийлари ҳамда курсант-тингловчилари иштирок этди.

Тадбирни Академия бошлиғи генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов кириш сўзи билан очди. «Ички ишлар органларида хизмат қўлган, айни дамда фаолият қўрсатаётган ходим борки, бу мўътабар инсоннинг номини фаҳр билан тилга олади, деди Б.Матлюбов. – Ярим асрдан ортиқ умрини Ватани, ҳалқи осойишталигини таъминлаш йўлида сарфлаган Фоғуржон ака соҳада хизмат олиб бораётган барча ходимларнинг устози десак, муболага бўлмайди. Бинобарин, умр мазмуни кишининг ҳар бир йили қандай ўтганлиги билан сарҳисоб қилинади. Фоғуржон ака ҳам адолат ва қонунийликни ҳаёт мезонига айлантирган, касбий бурчини муқаддас деб билган фидои инсон эди».

– Мустақилликка эришиш арафасида республикамида осойишталикни таъминлаш анча мураккаб эди, – дея хотирлади Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов. – Жамиятда жиноятчилик илдиз отган, ҳалқ орасида саросима кучайган йиллар эди. Фоғуржон аканинг энг қайноқ хизмат фаолияти ҳам ўша мураккаб даврларга тўғри келди. У осойишталикни издан чиқармоқчи бўлган галамис кимсалар билан кескин курашиб баробарида, республикамида вазиятни барқарорлаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Бу ҳақда Фоғуржон аканинг ўзи шундай деган эди: «Инсон бир касбни танладими, унинг оғир-енгилига чидаб, аччиқ-чучугини тотиб, дадил олдинга юриш керак. Ана шунда мақсадига етади...». У соҳада қирқ йилдан ортиқ хизмат қилиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, эл-юрт осойишталигини таъминлаш, мураккаб вазифаларни самарали бажаришга бор куч-гайратини бағишилади, бой кўникума ва тажрибаларини амалиёт фаолиятида қўллаб, соҳага ўз ҳиссасини қўшди.

– Отам ҳар қандай вазиятда хизмат бурчини сидқидилдан ва масъулият билан бажариш лозимлигини уқтириш баробарида, оилани унутиб қўймаслик қоидасига амал қиласидилар, – деди Гуломжон Раҳимов. – Хизмат пиллапояларидан юқорилар эканман, улар «эркак кишининг оиласи тинч бўлса, ҳар қандай оғир вазифани уddeлаши мумкин. Вазифангни сўзсиз адо эт, аммо оила эсдан чиқмасин», деб мудом эслатиб турардилар.

Тадбирда сўз олганлар марҳум Фоғуржон Раҳимовнинг мазмунли умр йўли, эзгу фазилатлари, шарафли касб фаолияти ҳақида илиқ хотираларни ёдга олишди. Академия бадиий ҳаваскорлик жамоасининг мумтоз куй-қўшиқлари тадбирга ўзгача файз киритди.

**C. C. Шарипов,**

*ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети ўқув бўлими бошлиги*

## **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ САФ БЎЛИНМАЛАРИ МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари моддий-техник таъминотининг бугунги аҳволи таҳлил қилинган ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** ички ишлар органлари, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари, моддий-техник таъминот.

**Совершенствование материально-технического обеспечения строевых подразделений патрульно-постовых служб органов внутренних дел**

**Аннотация.** В данной статье анализируется современное состояние материально-технического обеспечения строевых подразделений патрульно-постовой службы органов внутренних дел и даются рекомендации по его совершенствованию.

**Ключевые слова:** органы внутренних дел, строевые подразделения патрульно-постовой службы, материально-техническое снабжение.

**The improvement of material technical supply of patrol-sentry service of the organs of internal affairs**

**Annotation.** The article analyzes the tasks of the material technician supply patrol-sentry service subdivisions of the organs of internal affairs and provides recommendations for the improvement of the sphere.

**Key words:** combatant subdivision activity of patrol-sentry service of the organs of internal affairs, material technician supply.

Мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш, фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илгор иш усулларини жорий этиш, тизимнинг моддий-техник таъминотини кучайтириш, ҳавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда куч ва воситаларни оқилона тақсимлаш ҳамда мувофиқлаштиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, ушбу соҳада 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси «...жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг «йўл ҳаритаси»га айланди»<sup>1</sup>. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ соҳада амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар

натижасида «Ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техник таъминоти янада яхшиланмоқда. Ходимлар самарали ишлаши учун муносаб шарт-шароитлар яратилмоқда. Уларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди, уй-жой ва майший шароитлари янада яхшиланди»<sup>2</sup>.

Маълумки, соҳани замон талаби даражасидаги бино, иш жиҳозлари, транспорт, техника ва алоқа воситалари билан таъминлашни назарда тутувчи моддий-техникавий таъминот — хизмат фаолиятини бошқаришнинг алоҳида шакли ҳисобланади.

Ички ишлар органлари, жумладан, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг замонавий моддий-техник таъминоти уларнинг жамоат тартибини сақлаш, ҳукуқ-

бузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб соҳасидаги фаолиятини самарали ташкил этишда алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳозирги кунда ички ишлар органларининг барча соҳалари қатори патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини замон талабларига жавоб берадиган моддий-техника воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиётганини қўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти замонадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрель) ПФ-5005-сонли фармонида «Ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг замонадорли ишлаши учун муносаб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш»<sup>3</sup> ички ишлар органлари тизими-ни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрель) ПҚ-2940-сонли қарорида «Патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда моддий-техника ва ўқув-техника базасини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш»<sup>4</sup> Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармасининг асосий функцияларидан бири сифатида келтирилди.

Ҳозирги кунда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини замонавий моддий-техника воситалари билан таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани ижобий натижасини бермоқда. Буни эса биргина 2018 йилнинг 12 ойи

давомида республика миёсида жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони олдинги йилнинг шу даврига нисбатан 42,2 фоизга, кўчаларда содир этилган жиноятлар 45,5 фоизга камайганини ва патруль-пост нарядлари иштирокида жами 9 758 та жиноят бевосита фош этилгани ҳамда 835 та жиноятнинг олди олинганидан ҳам қўриш мумкин<sup>5</sup>. Соҳани замонавий моддий-техника воситалари билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ижобий натижасини бериши билан бир қаторда, ушбу масала бугун нақадар долзарб эканлигини билдиради.

Бу эса ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг айни пайтдаги моддий-техник таъминотини ўрганиш, таҳлил қилиш, соҳани моддий-техник воситалари билан таъминлашнинг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда комплекс илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни талаф қиласади.

Фикримизча, Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг моддий-техник таъминотини мазмун-моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ:

*1) бино ва инишотлар билан таъминланниш даражаси бўйича.* Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ходимлари бино ва жиҳозланган хизмат хоналари билан таъминланган. Жумладан, ҳар бир саф бўлинмаси (батальон) алоҳида бинода жойлашган. Ушбу бинолар махсус жиҳозланган синф хонаси, маърифат хонаси, ётоқхона ва бошқа хизмат хоналардан ташкил топган;

*2) махсус хизмат кийимлари билан таъминланниш бўйича.* Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари қатори, ИИВнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тантанали, кундалик ва дала кийимлари каби хизмат кийимлари билан таъминланган. Уларнинг ҳар бири қишики ва ёзги турларга ажратилади;

*3) махсус транспорт воситалари билан таъминланниш даражаси бўйича.* Ички ишлар

органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари «Lacetti», «Nexia» ва «УАЗ» русумли енгил автомобиллар, «Isuzu» автобуслари, «Isuzu» маҳсус автобуслари (ATH), «Isuzu» ҳаракатдаги бошқарув пункти, юк автомобиллари ва бошқа транспорт воситалар билан таъминланган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати ходимлари замонавий *скутерлар* билан<sup>6</sup>, Қорақалпогистон Республикаси, Наманган ва Хоразм вилоятлари ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати ходимлари эса маҳсус *велосипедлар* билан таъминланган<sup>7</sup>;

4) қурол-яроғ, маҳсус ва ҳимоя воситалари билан таъминланиши даражаси бўйича. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ўқотар, газли, шикастлантирувчи қуроллар; бронежилетлар; қалқонлар; ўққа қарши шлемлар; зарбга қарши каскалар; резина таёқлар; қўлкишанлар; радиостанциялар (стационар, автомобиль, олиб юриладиган); металлодетекторлар; кўздан ёш оқизувчи, портловчи моддаларни аниқловчи ва тунги кўриш воситалари, бинокллар, электромегафон, нафас органларини ҳимоялаш воситалари (противогаз) ҳамда ички ишлар органлари таъминотида бўладиган бошқа қурол-аслаҳа, маҳсус ва техник воситалар билан таъминланган.

5) хизматга оид бошқа воситалар билан таъминланиши бўйича. Ички ишлар органлари хуштак, чўнтак электр фонари, авторучка, оддий (қора) қалам, хизмат ҳужжатлари ва канцелярия буюмларини олиб юришга мўлжалланган планшет ва бошқалар билан таъминланган.

Бироқ ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари моддий-техник таъминотининг бугунги аҳволи ҳамда соҳага оид статистик маълумотларнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, эришилган ижобий ишлар билан бир вақтда, муаммо ва камчиликлар мавжуд лигини ҳам кузатиш мумкин.

Биринчидан, республикамизнинг жамоат жойларида 2018 йилда содир этилган

жиноятларнинг 59 фоизи ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг хизмат ўташи белгиланган 21 та йирик шаҳарда қайд этилган. Ушбу жиноятларнинг 16,4 фоизи бевосита патруль-пост хизмати саф бўлинмалари йўналишларида содир этилган. Бундан ташқари, патруль-пост нарядлари иштирокида фош этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбаттан 49,1 фоизга камайган<sup>8</sup>. Буни эса асосан патруль-пост хизмати нарядларининг моддий-техник воситалар билан етарли даражада таъминланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Иккинчидан, 2018 йилнинг 11 ойи мобайнида республикамизда одам ўлими билан боғлиқ жами 2044 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган<sup>9</sup>. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланувчининг ўлими 57 фоиз ҳолатда маҳсус қутқарув гурухлари етиб келгунга қадар ўтган дастлабки 5-10 дақиқада юз беради<sup>10</sup>. Ва кўп ҳолларда ҳайдовчи ёки йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидлари ҳақида тасаввурга умуман эга эмаслиги ёки етарлича билим ва кўнникмалари йўқлиги оқибатида жабрланувчига ўз вақтида талаб даражасидаги ёрдам кўрсатилмаганлигини кўриш мумкин.

Бу борада, яъни йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойга дастлаб етиб келиши ёки шундай ҳолатга бевосита дуч келиши мумкин бўлган ички ишлар органлари патруль-пост хизмати нарядларининг замонавий биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари билан таъминланганлик ҳолати Тошкент шаҳрининг Сергели тумани миқёсида ўрганилганида патруль-пост хизматининг пиёда патруль нарядларида бундай воситалар умуман мавжуд эмаслиги аниқланди. Автопатруль нарядлари эса ҳар бир транспорт воситасида бўлиши шарт ҳисобланган чекланган миқдордаги тиббий воситалар билан таъминланган, холос<sup>11</sup>.

Бундан ташқари, амалдаги норматив-хукуқий ҳужжатларда биринчи тиббий ёрдам

кўрсатиш халтачаси (аптечка) патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг нарядлари хизмат ўташга тушаётганида ёнида бўлиши зарур бўлган воситаларга эмас, балки тезкор вазиятдан келиб чиқсан ҳолда патруль-пост хизмати ходимининг ёнида қўшимча равишда бўлиши мумкин бўлган воситалар рўйхатига киритилган.

Бу эса кундалик хизмат ўташга тушаётган нарядларнинг жамоат жойларида содир этилган жиноятлар, йўл-транспорт ёки бошқа ҳодисалар натижасида тан жароҳати олган, шунингдек, биринчи тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларга зудлик билан тўлақонли биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш имконини чеклади. Шу билан бирга, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг авариялар, фалокатлар, ёнгинлар, табиий оғатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда одамларни кутқариш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш функциясини амалга ошириш имконини бермайди. Кўриниб турибдики, бу борада турли тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда.

Учинчидан, 2018 йилда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг хизмат кўрсатиш ҳудудини кенгайтириш, уларга қисқа вақт ичида нисбатан катта ҳудудни назорат қилиш имкониятини яратиш, шунингдек, автопатруль нарядларининг ҳаракатланиши чекланган ёки ноқулай шароитлардаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, Тошкент шаҳар ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати ходимлари замонавий скутерлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Хоразм вилоятлари ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати ходимлари махсус велосипедлар билан таъминланганлигини ижобий ҳол сифатида баҳолаш лозим. Лекин ушбу транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидалари, уларнинг патруллик йўналиши масофалари ҳамда бошқа ўзига хос жиҳатлари норматив-хуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топмаган, аниқроқ айтганда, уларнинг хуқуқий асоси умуман мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда соҳани замон талабига жавоб берадиган моддий-техника воситалар билан таъминлаш мақсадида қўйидагилар таклиф этилади:

*биринчидан*, мавжуд жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобиль марказлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги 3786-сон қарори талаблари асосида йўлга қўйиш, бунда мобиль марказларни уларнинг асосий вазифаларини, жумладан, мобиль штаб функцияларини бажариш учун зарур бўлган методик ва техник жиҳозлар (худуд паспорти, қиди-рувдаги ва бедарак ўйқолган шахсларга оид фотосуратли маълумотлар ҳамда шубҳали шахсларни ва буюмларни идентификация қилиш имконини берувчи инновацион «ақлли» камералар, телефон алоқаси, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси фаолияти учун зарур дастурий таъминотлар асоси ўрнатилган компьютер тўплами ва ҳ.к.) билан таъминлаш;

*иккинчидан*, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар, йўл-транспорт ёки бошқа ҳодисалар натижасида тан жароҳати олган, шунингдек, биринчи тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларга зудлик билан биринчи тиббий ёрдам бериш мақсадида барча турдаги патруль-пост нарядлари эпикировкасига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш халтачаси (аптечка)ни киритиш ҳамда ходимларнинг бу борадаги билимларини мунтазам равишда ошириб бориш, шунингдек, ҳудуддаги ҳар бир ИИБ биносида ҳамда жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобиль марказларида тиббий бурчаклар ташкил қилиш;

*учинчидан*, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Наманган ва Хоразм вилоятлари ички ишлар органлари патруль-пост хизматининг ижобий тажрибаларини инобатга олган ҳолда республикамизнинг

бошқа ҳудудларида патруль нарядларининг хизмат кўрсатиш ҳудудини кенгайтириш, уларга қисқа вақт ичида нисбатан катта ҳудудни назорат қилиш имкониятини яратиш, шунингдек, автопатруль нарядларининг ҳаракатланиш чекланган ёки ноқулай шароитларда хизмат олиб боришини самарали ташкил этиш мақсадида турли шароитларда юришга мўлжалланган замонавий скутерлар ҳамда маҳсус велосипедлар билан таъминлаш ёки ички ишлар органлари патруль-пост хизмати тизимида алоҳида мотоцикл ва велосипедли патруль отрядларини ташкил этиш. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

*тўртингидан*, жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобил марказларини ҳамда патруль-пост хизмати нарядларини воқеа жойидаги жиноятга алоқадор ашёвий далиллар ва изларнинг тезкор-тергов гуруҳи етиб келгунига қадар дахлсиз сақланишини таъминлаш, уларга зарар етиши мумкин бўлган ҳолларда (об-ҳаво ва бошқа шароитларда) ашёвий далилларнинг дастлабки ҳолатини қайд этиш (фото ва видео қайд этиш), шунингдек, тиббий муассасага олиб кетилиши зарур бўлган жароҳатланган шахс аниқланган жой, унинг гавдаси, қўллари ва оёқларининг дастлабки ҳолатини белгилаб қўйиш, зарурат бўлган ҳолларда жиноят содир этилган жойни ўраб олиш (тўсиб қўйиш) учун зарур воситалар (бўр ёки турли бўёқлар, муайян хатти-ҳаракатларни содир этишни талаб қилувчи ёки тақиқловчи

белгилар ёки сўзлар акс эттирилган плакатлар, воқеа жойида ҳаракатланишни чеклаш имконини берувчи пластик ленталар ва ш.к.) билан таъминлаш;

*бешинчидан*, содир этилаётган йўлтранспорт ҳодисаларининг айрим ҳолларда ноқулай об-ҳаво шароити, йўллардаги ҳаракатланиш учун қийинчилик тугдирувчи турли омиллар (йўлларнинг носозлиги ёки таъмирлаш ишлари олиб борилаётган ҳудудлардаги вазият)ни бартараф этишда ҳамда йўл-траспорт ҳодисаларининг барвакт олдини олиш мақсадида ноқулай шароитларда ҳаракатланиш тезлигини вақтингачалик ўзгартиришга, яъни тартибга солишга имкон берувчи электрон йўл белгиларини амалиётга жорий этиш. Бундай амалиёт Европа Иттифоқига кирувчи давлатлар, хусусан Норвегия, Швеция ва Финляндияда қўлланиб келинмоқда<sup>12</sup>;

*олтинчидан*, автопатруль транспорт воситаларини қидирудва юрган шахсларни аниқлаш, шубҳали шахс ва буюмларни идентификация қилиш имконини берувчи тизим (инновацион «ақлли» камералар, зарур дастурий таъминот ўрнатилган компьютерлар) билан таъминлаш.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, патруль-пост хизмати фаолиятини давр талаби даражасида моддий-техника воситалари билан таъминлаш бевосита уларнинг жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига қарши қаратилган гайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қиласи.

<sup>1</sup> Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тарақий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир: Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

<sup>2</sup> Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 5.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 20. – 357-м.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБнинг 2018 йил мобайнидаги хизмат фаолияти тўғрисида маълумотномаси. – 2019.

<sup>6</sup> В Ташкенте появился патруль на мотоциклах // URL – <https://gazeta.uz/ru/2018/04/30/patrol/> – мурожаат этилган сана – 2018.05.05.

<sup>7</sup> Нукусда отлиқ ва велосипедли патруль хизмати йўлга қўйилди // URL – <http://uz. Uz/oz/society/nukusda-otli-va-velosipedli-patrul-khizmati-y-lga-yildi-13-02-2018> – мурожаат этилган сана – 2018.24.02.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБнинг 2018 йил мобайнидаги хизмат фаолияти тўғрисида маълумотномаси. – 2019.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХБнинг умумий йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида таҳлилий маълумотномаси. – 2018.

<sup>10</sup> Тошкент шаҳар ИИБнинг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ўрганиш юзасидан таҳлилий маълумотнома ва хуносалар // ИИВ Академияси Илмий-амалий тадқиқотлар марказининг тадқиқотлар тўпламидан. – 2018.

<sup>11</sup> Ўша жойда.

<sup>12</sup> Тошкент шаҳар ИИБнинг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ўрганиш юзасидан таҳлилий маълумотнома ва хуносалар // ИИВ Академияси Илмий-амалий тадқиқотлар марказининг тадқиқотлар тўплами. – 2018.

---

## **ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШДАН ИБОРАТ ҚИЛМИШЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида 2019 йил 21 февраль куни «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишида муомала қилишдан иборат қилмишлар учун жавобгарлик» мавзууда давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишида муомала қилишдан иборат жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи, синтетик гиёҳвандлик воситаларининг яратилиш тарихи, ривожланиши ва ҳозирги кундаги ҳолати, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишида муомала қилгандлик учун жавобгарлик муаммолари ҳамда бошқа бир қатор долзарб мавзуларда маърузалар қилишиди.

Шунингдек, мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти, хорижий давлатлар илфор тажрибасига оид масалаларга батафсил тўхталиб ўтилди.

Тадбир қизгин баҳс-мунозараларга уланиб кетди. Давра суҳбати якунида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишида муомала қилишдан иборат қилмишлар учун жавобгарликнинг жиноят-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Ф. А. Базаров,**

*ИИВ Академияси тезкор-қидириув фаолияти кафедраси бошлигининг ўринбосари*

## **ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ХАЛ҆АРО ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Мақолада одам савдосидан жабрланган шахсларниң ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларниң ўрни илмий-амалий жиҳатдан кўриб чиқилган. Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш йўналишидаги айрим муаммолар таҳлил қилинган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** одам савдоси, жабрланувчи, одам савдосига қарши кураш, халқаро ҳуқуқий нормалар, миллий ҳуқуқий нормалар.

**Роль и значение международных и национальных правовых норм по защите прав лиц, пострадавших от торговли людьми**

**Аннотация.** В статье рассматриваются научно-практические аспекты и роль международных и национальных правовых норм по защите прав лиц, пострадавших от торговли людьми. А также проведен анализ отдельных проблем и даны предложения в сфере борьбы с торговлей людьми.

**Ключевые слова:** торговля людьми, потерпевший, борьба с торговлей людьми, международно-правовые нормы, национально-правовые нормы.

**The role and importance of international and national legal norms the protection of the rights of persons affected by human trafficking**

**Annotanion.** Abstract the article deals whis the scientific and practical aspects and the role of international and national legal norms for protection of the rights of persons victims trafficking. As well as the analysis of individual problems and given proposals in the field of combating trafficking human beings.

**Keywords:** trafficking human beings, victim, fight against trafficking people, international legal norms, national legal norms,

Одам савдоси қулчиликнинг замонавий кўриниши сифатида дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда одам савдоси билан шугулланувчи уюшган жиноий гуруҳлар «жонли товар»дан миллиардлаб маддий фойда кўрмокдалар. Статистик маълумотларга кўра, бир йилда дунё бўйича қулчиликнинг замонавий кўриниши бўлган одам савдосидан тахминан 4,5 миллионга яқин инсонлар жабрланади. Энг ачинарлиси шундаки, уларнинг 80 фоизини ёшлар, аёллар ва болалар ташкил этади.

Одам савдоси энг оғир ва инсонни таҳқирловчи, мамлакат нуфузини туширувчи жиноят турларидан бири ҳисобланади. Ҳавфлилик даражаси бўйича ушбу жиноят тури наркотик воситалар ва ноқонуний

курол савдосидан кейин 3-ўринда туради. Дунёнинг 137 давлати орқали одам савдоси амалга оширилади. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор<sup>1</sup>.

Бугунги кунда юзага келаётган хавфхатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт фоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда<sup>2</sup>.

Мазкур трансмиллий жиноятга қарши курашиш ва жабрланувчиларниң ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўрни бекиёс. Одам савдоси билан боғлиқ трансмиллий жиноятларга қарши

кураш бўйича дастлаб 1899 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда «Аёлларлардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида»ги резолюция, 1904 йил 18 майда Франциянинг Версаль шаҳрида 1910 йил 4 майда «Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида»ги протокол, 1921 йил 30 сентябрда «Аёллар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисида»ги ва 1933 йил 11 октябрда эса Миллатлар Лигаси томонидан «Балогатга етган аёллар савдосига қарши кураш тўғрисида»ги халқаро конвенциялар қабул қилинган.

Шундан сўнг, БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 4-моддасида: «Ҳеч ким қулиқда ёки эркисиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас, қулиқ ва кул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади»<sup>3</sup>, деб белгилаб қўйилганлиги ва ушбу қоида одам савдосига қарши курашишда миллий қонунчилигимизда амалга киритилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида эса ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эрkin касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш хуқуқига эга эканлиги, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши қайд этилган<sup>4</sup>.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш соҳасида бир қатор миллий норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2000 йил 15 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 55-сессияси 62-Кенгашида 55-25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида»ги конвенциясини тўлдирувчи «Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги баённомаси Ўзбекистон Республи-

ликасининг 2008 йил 8 июлдаги қонуни билан ратификация қилинди ва 2008 йил 11 сентябрдан кучга кирди.

Бундан ташқари, 2008 йил 7 январь куни Ўзбекистон Республикасининг «Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, 2008 йил 17 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, 2017 йил 14 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2833-сон қарори билан тасдиқланган «Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларро комиссияси тўғрисида»ги низом қабул қилинди. 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида одам савдосига қарши курашиш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-179-сон қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг одам савдоси жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган 135-моддаси янги таҳрирда баён этилди.

Унга кўра, одам савдоси, ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, мажбурлашнинг турли усусларидан, шунингдек, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, жабрланувчини Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан олиб ўтиб, чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, жабрланувчининг шахсини тасдиқ-ловчи ҳужжатларини олиб қўйиш, яшириш ёки ўққилиб юбориш ҳаракатларини ўз ичига олади.

Одам савдосининг уюшган трансмиллий жиноий фаолият сифатидаги асосий хусусияти шундаки, уни содир этиш

оқибатида жисмоний шахс товарга айланади, у сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳадя қилиш, топшириш, ташиш, фойдаланиш учун ёллаш ва бошқа жиноятлар учун объект бўлиши мумкин, яъни у жонсиз буюмга тенглаштирилади. Бу шахсга нисбатан барча ёки айрим кўринишдаги ҳуқуқий эгалик аломатлари амалга оширилади.

Одам савдоси жабрланувчилари одатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакилларига мурожаат қилишни истамайдилар. Чунки улар жиноятчилар томонидан ўзлари ва яқин кишиларининг жабр кўришидан қўрқиши билан боғлиқ мушкул ҳаётий вазиятга тушиб қолган бўладилар.

Республикамизда 2018 йил давомида 123 та ана шундай турдаги жиноят содир этилган бўлиб, улардан 204 нафар ҳамюртимиз азият чеккан. Бу борада ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармасининг Одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари тезкор ходимлари томонидан ҳам аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошиб бораётганини кўришимиз мумкин. Натижада Ўзбекистонда одам савдоси 2017 йилга нисбатан 55 фоизга камайди.

Жабрланганларнинг кўпчилик қисми хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Республика хотин-қизлар кўмитаси вакили томонидан берилган маълумотларга кўра, 263 минг нафар хотин-қизлар чет элга чиқиб кетишиди. Биргина Самарқанд вилоятида ушбу кўрсаткич 137 минг нафарни ташкил этиши хотин-қизлар билан самарали ишлар қилиниши лозимлигини англатади<sup>5</sup>.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ўтган вақт мобайнида шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган халқаро ва миллий ҳуқуқ номалари талаблари асосида одам савдоsigа қарши кураш йўналиши бўйича қабул

қилинган қонун ва қонунисти норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг ижроси самарали таъминлаётгани боис бугунга келиб одам савdosinинг камайишига эришилди.

Маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикасида содир этилган умумий жиноятлар таркибида одам савдоси жиноятлари 2013 йилда 0,8 фоизни, 2014 йилда 0,8, 2015 йилда 0,6, 2016 йилда 0,6, 2017 йилда 0,5, 2018 йилда қарийб 0,3 фоизни ташкил этган<sup>6</sup>.

Афсуски, амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга қарамай, одам савдоси жиноятлари ҳамон содир этилмоқда. Ҳозирги кунда терроризм жиноятларини содир этаётган жангариilar тўдасига бальзи ҳолатларда ўз юртидан чет давлатларга иш излаб чиқсан ва халқаро террорчилик ташкилотлари аъзоларининг алдовларига ишонган одам савdosinинг қурбони бўлган шахслар кириб қолаётгани бизни янада огоҳ бўлишга ундейди.

Террорчилик ташкилотлари ўз сафларини кенгайтиришда ўзга юртларда сарсон-саргардонликда иш излаб юрган ёки одам савdosinинг қурбонига айланган ёшларни алдов ёки катта пул маблагларини ваъда қилиш эвазига ёллашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Одам савдоси ва терроризм билан боғлиқ ҳолда фаолият олиб бораётган халқаро уюшган жиноий гуруҳ ва ташкилотларнинг фаолияти кучайишига кўп ҳолларда халқаро уюшган жиноятчиликнинг ўсиши, жиноятчиларнинг замонавий ахборот коммуникация технологиялари, айниқса, Интернет тармогидан фойдаланиб тез ва аниқ ахборот алмашиш имконияти юқорилиги, ушбу виртуал олам имкониятларидан жиноят қурбонларини топишида, уларни ёллашда фойдаланилаётган ёки бу ишда катта тажрибага эга мутахассис психологлар иштирок этаётган, уюшган жиноий гуруҳлар ўртасида манфаатлар бирлашган айрим давлатлардаги коррупция, транзит чиқиши ва миграция муносабатларини назорат қилишда мавжуд камчилик ва муаммолар сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, чет элга ишлаш учун кетиб, одам савдоси қурбонига айланган айрим ёш йигит-қизлар баъзан алдов йўли билан террорчилик ташкилотлари ва гуруҳларига қўшилиб қолаётганлигини оммавий ахборот воситаларидан ҳам кўришимиз мумкин. Бунинг энг хавфли жиҳати шундаки, ҳалқаро террорчилик ташкилотларининг фаолиятида ўз сафларига хотин-қизларни давлат чегарасидан ташқаридан шаҳвоний хизматлар учун террорчи гуруҳ жангларидан мажбуран турмушга бериш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Бундай мақсадлар учун хотин-қизларни ёллашда террорчи гуруҳлар одам савдоси билан шуғулланаётган жиноий гуруҳлар билан келишган ҳолда жиноий фаолият олиб боришга ҳаракат қилаётгани оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда. Одатда, жабрланувчилар газеталарда, кўчалардаги бекатларда, Интернет саҳифаларидаги чет элда официант, қурувчи, фотомодель, уй бекаси бўлиб ишлаш орқали тез, осон ва кўп миқдорда пул топиш имконияти тўғрисидаги эълонларга алданиб, нопок «ишибилармонлар»га ёлланадилар.

Республикамида фуқаролар одам савдосидан жабрланишининг олдини олиш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий, тиббий ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг соғлом ҳаёт кечиришларини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани амалга оширишда одам савдоси жиноятларини ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш асосий масала ҳисобланади. Сабаби ички ишлар органларига тайёргарлик кўрилаётганини ёки содир этилганлиги тўғрида ариза ёки хабар келиб тушганидан сўнг ўтказиладиган суриштирув, тезкор-қидирив тадбирлари ва тергов ҳаракатлари натижасида жабрланувчилар аниқланади. Шундан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан ички ишлар органларининг тезкор ходимлари жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қонуний чораларни кўрадилар.

Албатта, одам савдоси жабрланувчиларининг гувоҳлик кўрсатувлари доимо асосий ва ишончли далил манбаи бўлиб қолади, аммо бундай фактлар бўйича кўрсатув берадиганлар, афсуски, жуда кам топилади.

Жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятлари Жиноят-процессуал кодекснинг 54—55-моддаларида ўз аксини топган. Одам савдоси жабрдийдалари бошқа турдаги жиноятларнинг жабрланувчиларидан фарқ қиласди. Одам савдосидан жабрланган шахснинг руҳиятида, кўпинча, унга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш натижасида хавфли руҳий ҳолатлар тоифасига киритиш мумкин бўлган стресс, аффект, фрустрация ҳолатлари юзага келиши унинг атроф муҳитни англашига бевосита таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали номусга тегиши, жинсий эҳтиёжни гайритабий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган одам савдоси жиноятлари оқибатида жабрланувчилар, айниқса вояга етмаган шахслар уларнинг ҳаётига салбий таъсир этувчи оғир шароитларга тушиб қолиши, масалан, ҳомиладор бўлиб, тери-таносил, ОИВ ва ОИТС касалликларини юқтириб олиши ҳолатларини кузатишимиш мумкин. Бунинг натижасида жабрланувчилар руҳий ва жисмоний жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолиши, жамиятда мавқеи йўқолиши, руҳиятида салбий ўзгаришлар рўй бериши, яшаш истаги йўқолиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, одам савдосига қарши курашишда ўтказиладиган суриштирув, тезкор-қидирив тадбирлари ва тергов ҳаракатларини ўтказиш жараённида жабрланувчиларнинг руҳий ҳолатини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиши, уларга руҳий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши лозим.

Бу борадаги вазифаларни амалга ошириш

бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги, «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 240-сонли қарори асосида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази фаолият олиб бормоқда.

Шундан келиб чиқиб, одам савдосининг олдини олишда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан:

*биринчидан*, шахслар одам савдосидан жабрланишининг олдини олиш мақсадида Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

*иккинчидан*, турли алдов йўллари билан чет элда ишлаш ва яшашни таклиф этётган жиной гуруҳларни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини мунтазам ўрганиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб бориш;

*учинчидан*, ноқонуний йўллар билан чет элларга бориб, депортация қилинган фуқароларни аниқлаб, уларнинг нима мақсадда, қандай йўллар билан чиқиб кетганини аниқлаш чораларини кўриш бўйича ишларни мунтазам амалга ошириб бориш;

*тўртинчидан*, доимий равишда хорижий давлатларда ишлаш истагини билдирган шахслар ва уларнинг яқинлари билан одам савдосидан жабрланишининг олдини олиш бўйича таъсирchan профилактик сұҳбатлар ўтказиш ва уларга ҳуқуқий маслаҳат бериш ишларининг самарадорлигини ошириш;

*бешинчидан*, хорижий давлатлар билан одам савдосига қарши қурашишда ҳамкорлик

қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида тузилган шартнома ва битимлар бўйича амалга ошириладиган тадбирларни жадаллаштириш;

*олтинчидан*, одам савдосини аниқлаш, фош этиш ва олдини олишда «Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (2012 йил 25 декабрь) қонунинг 14-моддасида келтирилган «тезкор эксперимент», «назорат остида олиш», «тезкор киритиш», «назорат остида етказиб бериш» ҳамда «алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш» ва бошқа тезкор-қидириув тадбирларининг ўз вақтида ва самарали ўтказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

*еттингчидан*, мамлакатимизда одам савдосининг олдини олишда муҳим ўрин тутаётган миграция масалаларини тартибга солувчи қонун лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш;

*саккизинчидан*, одам савдоси жиноятларига қарши қураш борасидаги муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини топиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш ва эришилган натижаларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш;

*тўққизинчидан*, одам савдосининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этишда, шунингдек, жабрланувчиларга ёрдам қўрсатган фуқароларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни янада кучайтириш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда одам савдосини аниқлаш, олдини олиш, фош этиш ҳамда жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларга оғишмай риоя қилган ҳолда инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан ички ишлар органлари олдида турган энг масъулиятли вазифадир.

<sup>1</sup> Дунёнинг 137 давлати орқали одам савдоси амалга оширилади. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор// Kun uz. 2018 йил 28 июль. 9331.

<sup>2</sup> «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5005-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

<sup>3</sup> Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари / Тузувчилар Л.Исҳокова, К.Ҳамроева. – Т.: «Yurist-media markazi» нашриёти, 2010. – Б. 12.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 15.

<sup>5</sup> Дунёнинг 137 давлати орқали одам савдоси амалга оширилади. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор// Kun uz. 2018 йил 28 июль. 9331.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Терроризм ва экстремизмга қарши кураш бош бошқармаси Одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши кураш бошқармаси таҳлилий маълумотлари.

## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА КЎМАКЛАШУВЧИ ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2883-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, 2019 йил 21 февраль куни ИИВ Академиясида «Тезкор-қидирув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда кўмаклашувчи шахслар билан ишлашниң ўзига хос хусусиятлари» мавзууда давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида жиноятларнинг олдини олиш, уларни «иссиқ изи»дан фош этиш, очилмай қолган жиноятларни фош этишда тезкор бўлинмаларни ахборот билан таъминлаш, ушбу йўналишда тезкор бўлинмаларга кўмаклашиш истагини билдирган фуқаролар билан ишлаш, терроризм ва экстремизм жиноятларига қарши курашишда тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишниң хусусиятлари, жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тартиблари, ушбу тадбирларни амалга оширишда кўмаклашувчи шахсларнинг имкониятларидан ҳамда тезкор техник воситалардан фойдаланиш, қоловерса амалиётда учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари каби долзарб масалаларга оид маърузалар тингланди.

Тадбир яқунида иштирокчилар томонидан ички ишлар органлар тезкор бўлинмаларининг ахборот яратиш, уни тўплаш, ишлаш, жамлаш, сақлаш асосида ахборот ресурсларини шакллантиришга, бунинг учун ахборот технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиш, мазкур технология ва ресурслардан тезкор-қидирув фаолияти субъектлари зиммаларига юқлатилган вазифаларни бажаришлари учун ахборотни излаш ва ҳужжатлаштирилган тарзда уларга тақдим этишда фойдаланиш, тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирув иш юритуви ишлари туфайли тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини бажариш, ижтимоий адолатни таъминлаш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти субъектлари бўлмиш тезкор бўлинмаларнинг фаолияти, улар ўтказаётган тадбирларнинг асослилиги устидан назоратни таъминлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда қонунийликка риоя қилиш, бу борада амалиётда мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ечимини топиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашниң ҳуқуқий кафолатлари тўғрисида таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**М. Ж. Эшназаров,**

*ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультетининг  
таянч докторантураси мустақил изланувчи*

## **«ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ» ТУШУНЧАСИННИГ МАЗМУНИ ТҮГРИСИДА**

**Аннотация.** Мақолада «хуқуқбузарликлар махсус профилактикаси» тушунчаси ва мазмуни хуқуқбузарликлар профилактикаси, унинг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирларининг моҳиятини ёритиш асосида очиб берилган. «Хуқуқбузарликлар махсус профилактикаси» тушунчаси таҳлил қилиниб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** хуқуқбузарликлар профилактикаси, хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари, хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари, хуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирлари.

### **О содержании понятия «специальная профилактика правонарушений»**

**Аннотация.** В статье освещено содержание понятия «специальная профилактика правонарушений», его направления, виды и сущность мероприятий, дано авторское предложение по его усовершенствованию.

**Ключевые слова:** профилактика правонарушений, направление профилактики правонарушений, виды профилактики правонарушений, меры профилактики правонарушений.

### **On concept and content of «special crime preventions»**

**Annotation.** The article deals with concept and content of «special crime preventions», its directions, types and essence of measures, it analyzes the concept of «special crime preventions» and author's proposal on improvement of it has been revealed.

**Keywords:** crime preventions, directions of crime preventions, types of crime preventions, measures of crime preventions

«Хуқуқбузарликлар махсус профилактикаси» тушунчасининг мазмунини ёритиш бевосита хуқуқбузарликлар профилактикаси, унинг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирлари моҳиятини очиб бериш асосида амалга оширилади. Чунки, ҳанузгача хуқуқий адабиётлар ва қонун ҳужжатларида хуқуқбузарликлар профилактикаси, унинг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирларининг тавсифи ва таснифи бўйича бир тўхтамга келинмаган. Бунга қўйида келтирилган таҳлил ва хулосалар асосида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари азалдан инсониятнинг диққат марказида бўлиб келган. Буни хуқуқбузарликларнинг олдини олиш муаммолари

криминология фанининг энг муҳим предметларидан бири ҳисобланганлигига ҳам кўриш мумкин. Бироқ хуқуқбузарликлар профилактикасига ёндашувлар мазмун-моҳияти бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, номланиши ва доираси билан фарқланган. Ҳаттоқи, криминология фанининг асосий мақсади ҳам хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлган. Шу боис, XX асрнинг 60-йилларида алоҳида мустақил фан сифатида шаклана бошлаган криминология фани, аввало, 1974 йилда «Криминология ва ички ишлар органларининг профилактика фаолиятини бошқариш» номли ўқув курси сифатида ўқитила бошлаган. Сўнгра 1975/1976 ўқув йилидан «Хуқуқбузарликларнинг олдини олишни ташкил этиш», 1978/1979 ўқув

йилидан «Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш», кейинчалик «Криминология ва ижтимоий профилактика» деб номланган<sup>2</sup>.

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш муаммоларининг вақт ўтган сайин янада долзарблашуви ҳамда доирасининг кенгайиши «Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш» криминологиядан алоҳида фан сифатида ажралиб чиқишига асос яратди.

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш кенг қамровга эгалиги уни турларга бўлишини тақозо этган. Чунки, одатда, обьектлар ўрганиш осон бўлиши ёки чуқурроқ ўрганиш учун турланади ёки таснифланади. Амалий жараёнда эса бу вазифа орқали фаолият йўналишларини белгилаб олиш ва ишни тўғри ташкил этишга эришиш мумкин саналади.

Хуқуқий адабиётларда профилактик чора-тадбирларнинг турлари ҳақида бир тўхтамга келинмаган. Шу боисдан улар: 1) «умумий» ва «махсус»; 2) «умумий» ва «якка тартибдаги»; 3) «умумий ижтимоий» ва «махсус криминологик»; 4) «умумий», «махсус» ва «якка тартибдаги»; 5) «умумий», «махсус», «якка тартибдаги» ва «виктимологик» чора-тадбирларга таснифланган.

Профилактика турларига ёндашувнинг хилма-хиллигини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг хуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, хуқуқбузарликлар профилактикаси:

- 1) Ўзбекистон Республикасида умумий, маҳсус, якка тартибдаги, виктимологик;
- 2) Қозогистон Республикасида умумий, якка тартибдаги маҳсус чоралар;
- 3) Россия Федерацияси, Беларусь ва Қирғизистон Республикаларида умумий, якка тартибдаги;
- 4) Украинада умумий, виктимологик ва якка тартибдаги турларга бўлинади.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг тури ҳақида сўз юритганда, шундай бир оддий ҳақиқат мавжудлигини унутмаслик керакки, профилактиканинг ҳар бир тури

ўз мақсади, вазифаси, хусусият ва афзаликларига эга бўлиб, ушбу турлардан бирини амалга ошириб эришиладиган натижага бошқаси орқали эришиб бўлмайди. Профилактик чора-тадбирлар эса айнан мазкур турлар доирасида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Мазкур чора-тадбирлар тизимининг қанчалик пухта ўйланиб, ишлаб чиқилганлиги хуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг самарадорлигини кафолатлади. Ушбу фикр, «чора-тадбирлар» тушунчалигининг этимологик мазмуни билан ҳам тасдиқланади.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатига мурожаат қилинганида, «чора» тушунчасига – «бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш ёки унинг олдини олиш учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуи» деб, «тадбир» сўзига эса «мақсадни амалга ошириш йўлидаги иш, хатти-ҳаракатнинг ўзи», «маълум мақсадда ташкилий равишда амалга ошириладиган (бажариладиган) иш ёки ишлар» каби маънолар бўйича изоҳлар берилган<sup>3</sup>.

Демак, «чора» ва «тадбир» сўзларининг лугавий маъноси ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисини тўлдиради. Шунинг учун, аксарият ҳолларда улар «чора-тадбир» деб, бир бутун тушунча тариқасида қўлланади. Бироқ илмий адабиётлар ва қонун ҳужжатлари таҳлили хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирларининг мазмуни, хусусиятлари ва таснифи бўйича бир тўхтамга келинмаганигини намоён этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирлари ҳажми, йўналтирилганлиги ёки қайси бирининг бирламчи эканлиги, бири бошқасининг келиб чиқишини тақозо этиши билан фарқланади. Аммо уларнинг барчаси ижтимоий моҳияти бўйича бирдек ижтимоий зарур ҳисобланди. Уларнинг бири иккинчисидан устунлик қилмайди ва умумий мақсадга, яъни жамиятда хуқуқтартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш,

хуқуқбузарликларни жиловлаш учун профилактик таъсир кўрсатиш самарадорлигига эришишга йўналтирилган. Бироқ ушбу мақсадга эришиш учун хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирларини (илмий ва амалий аҳамиятини инобатга олган ҳолда) реал, объектив, мантиқий асосга эга мезонлар асосида таснифлаш талаб этади. Бу эса хуқуқбузарликлар профилактикасининг мазмун ва моҳиятини чуқур англаш ҳамда профилактик чора-тадбирларнинг манзилли йўналтирилишини таъминлаш.

С.Б.Хўжақуловнинг фикрича, «хуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасининг таҳлили ушбу соҳага доир фаолиятнинг кенг қамровли эканлиги ҳақидаги хулосани келтириб чиқаради. Фаолиятнинг кенг қамровлилиги эса уларнинг муайян йўналишлар бўйича ихтисослашувини, турланишини тақозо этади»<sup>4</sup>. Бироқ у, хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишларини четлаб ўтиб, асосий эътиборини хуқуқбузарликлар профилактикасининг турларини ўрганиш ва таснифлаш мезонларига ойдинлик киритишга қаратади.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Россия Федерацияси қонунининг 6-моддасида хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Бироқ модданинг мазмунига эътибор қаратилса, «хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хуқуқбузарлик содир этишга мойил ва профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, жамоат тартибини, хусусан, спорт, томоша ва бошқа оммавий тадбирларни ўtkазиш вақтларида сақлаш» хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари сифатида келтирилгани маълум бўлади.

Бизнинг назаримизда, хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари мавжуд куч ва воситаларни тенг тақсимлашга хизмат қилиши лозим. Йўналишларни аниқ белгилаш учун эса хуқуқбузарликлар профилактикасининг предмети, мақсади ва вазифаларига ойдинлик киритиш муҳим.

Ўрганилган хуқуқий адабиётлар ва қонунчилик таҳлилига асосланиб айтиш мумкинки, хуқуқбузарликлар профилактикаси ўзаро чамбарчас боғлиқ икки мақсадга йўналтирилади: 1) шахсларнинг хуқуқбузарлик содир этишдан тийилишига эришиш ва хуқуқбузар шахсларни ахлоқан тузатиш; 2) шахслар хуқуқбузарликлардан жабрланишининг олдини олиш ва жабрланганларнинг реабилитация қилинишини таъминлаш.

Демак, хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари куйидагилар:

**биринчи йўналиш** — хуқуқбузарликларнинг криминологик профилактикаси (шахсларнинг хуқуқбузарлик содир этишдан тийилишига эришиш ва хуқуқбузар шахсларни ахлоқан тузатиш);

**иккинчи йўналиш** — хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси (шахслар хуқуқбузарликлардан жабрланишининг олдини олиш ва жабрланганларнинг реабилитация қилинишини таъминлаш).

Илмий адабиётлар ва қонун хужжатларида хуқуқбузарликлар профилактикасини бир гуруҳ шахслар ёки оммага ёхуд муайян шахсга нисбатан амалга оширилиши алоҳида тавсифланган. Хуқуқбузарликлар профилактикасининг бу каби тавсифланиши, уни куйидаги турларга ажратиш имконини беради:

- 1) хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- 2) хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги (индивидуал) профилактикаси.

Бу борада, С.Б.Хўжақулов хуқуқбузарликларнинг умумий ва якка тартибдаги профилактикаси профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг хусусиятига кўра турларга ажратилади, деб ҳисоблайди<sup>5</sup>. Фикримизча, таснифлашнинг ушбу мезони бироз мунозарали. Чунки хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ёки хуқуқий тарғибот профилактик чора-тадбирлари хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасида ҳам, якка тартибдаги профилактикасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу эса профилактиканинг ушбу турларини ўзаро фарқлашда қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Назаримизда, ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва якка тартибдаги профилактикаси профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг хусусияти бўйича эмас, балки профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари йўналтирилган шахслар доирасига кўра турларга ажратилиши лозим. Шундагина, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси — икки ёки ундан ортиқ шахслар (бир гуруҳ, омма, бутун жамият)га, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси эса муайян (ягона) шахсга профилактик таъсир кўрсатиш учун амалга оширилиши билан ўз хусусиятлари, афзаллиги ва моҳиятини намоён эта олади.

Демак, ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва якка тартибдаги профилактикаси профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари йўналтирилган шахслар доирасига кўра таснифланади, яъни турларга ажратилади.

Юқорида келтирилган адабиётлар ва қонун ҳужжатлари таҳлили профилактик чора-тадбирлар мазмуни бўйича ҳам ягона тўхтам мавжуд эмаслигини кўрсатди. Бизнингча, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини — йўналишлар, йўналишларни — турлар, турларни эса чора-тадбирлар тизими орқали гавдалантириш лозим. Шундагина ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўлақонли таркибий тузилиши шаклланади.

Айтиш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси криминологик ва виктимологик профилактика йўналишларида ташкил этилади. Ҳар икки йўналишда профилактика умумий ҳамда якка тартибда амалга оширилади. Умумий ва якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар эса алоҳида ёки маҳсус чора-тадбир мақомига эга бўлади.

Бунда алоҳида профилактик чора-тадбирлар профилактиканинг умумий ёки якка тартибдаги профилактикага мансублигини ифодаласа, маҳсус профилактик чора-тадбирлар айнан муайян ҳуқуқбузарлик тури ёки йўналиши, гайриижтимоий ҳулқ-атвор кўринишининг сабаб ва шарт-шароитини бартараф этиш, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарликдан

жабрланувчи шахс ёки шундай шахслар тоифаларига профилактик таъсир кўрсатишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини ифодалайди. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузарликлар профилактика-сининг барча чора-тадбирлари маҳсус ҳисобланмайди, маҳсус чора-тадбирлар ягона мақсадга йўналтирилиб, ўзаро алоқадорлиги бўйича мантикий кетма-кетлиқда тизимлаштирилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «маҳсус профилактика» — ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбири бўлиб, у ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасида ҳам, маҳсус профилактикасида ҳам ўзига хос тарзда ишлаб чиқлади ва амалга оширилади.

«Ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси» тушунчасига тўхталсан, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 24-моддасида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айrim турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этишга, айrim тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасидир», деб таъриф берилган.

Назаримизда, мазкур таърифда «айrim тоифадаги шахслар» тушунчасига ойдинлик киритиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар тури билан чекланмасдан «гайриижтимоий ҳулқатвор» тушунчаси ҳамда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манбаатларига тажовуз қилувчи хатар ва таҳдидларни бартараф этиш масалаларини ҳам инобатга олиш лозим. Шу тариқа, «ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси» тушунчасига қуйидаги янги таърифни бериш мақсаддага мувофиқ: «Ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита

амалга оширувчи субъектларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки гайриижтимоий хулқ-автор профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки гайриижтимоий хулқ-авторнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берадиган шартшароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, виктимлиги юқори ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга, шунингдек, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қиливчи хатар ва таҳдидларни бартараф этишга қаратилган маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишга доир чора-тадбирлар тизимиdir».

Хуллас, ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси профилактик чора-тадбирларнинг манзилли йўналтирилишини, таъсирчанлиги ва индивидуаллигини таъминлади. Бироқ ушбу чора-тадбирлар пухта ўйланиб, мантиқ қонунларига асосланиб ишлаб чиқилса ҳамда белгиланган тартиб ва профилактик тактик жиҳатларга риоя қилган ҳолда амалга оширилсанга кўзланган натижа ва самарадорликка эришиш мумкин бўлади.

Ўйлаймизки, мақолада илгари сурилган таклифлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тизимини ойдинлаштириш ва янада ривожлантиришга ҳамда ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасининг моҳияти ва мазмунини чукурроқ англашга хизмат қилади.

<sup>1</sup> Криминология / З.С.Зарипов, А.С.Якубов, Г.А.Аванесов ва бошқ; Проф. З.С.Зарипов таҳрири остида. — Т., 2006. — Б. 21.

<sup>2</sup> Ўша манба. — Б. 44.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. — Т., 2008. — Б. 608.

<sup>4</sup> Хўёсақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини тақомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т., 2018. — Б. 39.

<sup>5</sup> Ўша манба. — Б. 41.

**P. H. Рахманов,**

ИИВ Академияси криминология кафедраси катта ўқитувчиси

## ДАВЛАТ ИЧКИ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АФВНИНГ ЎРНИ

**Аннотация.** Мақолада давлат ички сиёсатини амалга оширишда афв актини қўллашнинг ўрни ҳамда аҳамияти ёритилган. Президент томонидан чиқарилган афвни қўллаш тартиби ва унда келтирилган янгиликлар таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** афв, жазодан озод қилиш, жавобгарлик, инсонпарварлик, либераллаштириш, инсон хукуқи, бағрикенглик, фуқаролик жамияти, демократия, давлат.

### Место помилования при осуществлении внутренней политики государства

**Аннотация.** В статье освещены место и значение применения акта помилования, проанализирован порядок применения помилования, подписанного Президентом, приведены нововведения в данном акте.

**Ключевые слова:** помилование, освобождение от наказания, ответственность, гуманизм, либерализация, права человека, толерантность, гражданское общество, демократия, государство.

### Place of pardon in the implementation of domestic state policy

**Annotation.** This article highlights the place and importance of applying the act of clemency. The procedure for applying the pardon signed by the President and the above-mentioned novation in this act is analyzed.

**Keywords:** clemency, exemption from punishment, responsibility, humanism, liberalization, human rights, forgiveness, tolerance, civil society, democracy, state.

Жиноят содир этган кишиларни кечириш тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Давлатчилигимиз тарихида ҳам уларни афв этишга оид ҳужжатлар қабул қилинганилигини кузатишими мумкин. Бунга мисол сифатида буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг «Биринчи марта гуноҳ қилган шахснинг гуноҳидан ўтинглар, иккинчи марта гуноҳ қилган шахснинг ҳам гуноҳидан ўтинглар, учинчи марта гуноҳ қилган шахсни гуноҳига яраша жазоланглар» деган ўтигини келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида афв этиш тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши инсон хукуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўринишидир.

Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш Жиноят-ижроия кодексининг 166-мод-

дасига мувофиқ, амнистия ёки афв акти асосида ҳам амалга оширилади. Жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

У. Таджихановнинг умумий таҳрири остида нашр этилган «Юридик энциклопедия»да «Афв этиш — жазодан озод қилишнинг бир тури. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, афв этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Президентига берилган. Афв этиш жиноят қонунчилиги бўйича жазодан озод қилишнинг бир тури сифатида Жиноят кодексининг 76-моддасида белгилаб қўйилган. Шунга кўра маълум бир шахсга содир этган жиноялари учун тайинланган жазони қисман ўзгаришиш, бошқа жазо тури билан алмаштириш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо тури билан алмаштирилиши мумкин. Афв Президент томонидан имзоланган ҳужжат (фармон) асосида амалга оширилади», деб кўрсатиб ўтилган.

2018 йилнинг 8 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Фармони Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-хуқуқ тизими니 такомиллаштириш, фуқаролик жамияти ва хуқуқий демократик давлат қуриш йўлида олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди, десак янглишмаймиз. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этишни амалга ошириш бўйича конституциявий ваколатини рўёбга чиқариш механизmlарини янада такомиллаштириш мақсададида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ тайёрланди.

Афв этиш маҳкумни жазодан тўлиқ ёки қисман озод этадиган ёки суд томонидан тайинланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирадиган ёхуд судланганликни олиб ташлайдиган инсонпарварлик акти ҳисобланади.

Афв этиш муайян маҳкумга нисбатан якка тартибда амалга оширилади ҳамда уни оқлайдиган ва маҳкум томонидан жиноят содир этиш фактини бартараф қила оладиган ҳолат ҳисобланмайди. Афв этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонини қабул қилиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ихтиёрига кўра исталган маҳкумни ёки жазо ўтаб бўлган шахсни афв этиши мумкин. Афв этиш Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан хукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан кўлланилади. Афв этиш қуидаги шаклларда амалга оширилади:

- асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш;
- жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;
- судланганликни олиб ташлаш.

◆

Афв этиш масалаларини одилона кўриб чиқиб, адолатли қабул қилиш учун афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида маслаҳаткенгаш органи ҳисобланган Афв этиш масалалари бўйича Комиссия амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси Ислоҳотларни хуқуқий таъминлаш ва хуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизматининг Фуқаролик, афв этиш ва сиёсий бошпана бериш масалалари бўйича шўйбаси юқорида қайд этилган Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Афв этиш масалалари бўйича **Комиссия** таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлади. Мазкур Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдарни фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгashi ҳамда «Нуроний» жамгармаси вакиллари киритилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ПФ-5439-сон Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, шунингдек бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилот вакиллари ҳамда бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Комиссия афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун ўз мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиларини ва бошқа шахсларни таклиф этиш хуқуқига эга. Комиссия мажлисида баённома юритилади. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома маҳкум ёки жазони ўтаб бўлган шахс, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан афв этиш тўғрисидаги

илтимоснома қўзгатиш ҳуқуқи берилган шахс (орган)лар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ёзма шаклда берилади.

Агар илтимоснома қонун ҳужжатлари билан афв этиш тўғрисида илтимоснома қўзгатиш ҳуқуқи берилган шахс(орган) томонидан берилган бўлса, маҳкумнинг ёзма розилиги олиниши шарт. Бундай ҳолатда афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига, Бош прокуратура ҳузуридан Мажбурий ижро бюросига, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ёки суд томонидан жазони ижро этиш зиммасига юклатилган бошқа органларга маҳкумнинг розилигини олиш, тегишли материалларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун юборилади. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома маҳкумнинг ёзма розилиги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Фармони 21-бандида кўрсатиб ўтилган бошқа материаллар билан бирга Шўйбага юборилади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани **умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс** ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг — тайинланган жазонинг йигирма беш йилини, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишига нисбатан вижданан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўtkазишида фаол иштирок этаётган бўлса, тайинланган жазонинг йигирма йилини амалда ўтаб бўлганидан кейин берилиш мумкин.

**Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс** эса тегишлича, йигирма ва ўн беш йилини амалда ўтаб бўлганидан кейин, бошқа жазога ҳукм этилган шахс эса жазо муддатидан қатъи назар бериши мумкин.

Илгари амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод этилган, шартли ҳукм қилинган, муддатидан илгари шартли равишида, амнистия ёки афв акти асосида жазодан озод қилинган, шунингдек, ўзига

нисбатан енгилроқ жазога алмаштириш қўлланилган ҳамда яна қасдан жиноят содир этган шахс, худди шунингдек, ўта хавфли рецидивист томонидан у тайинланган жазо муддатининг камидан учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин афв этиш тўғрисидаги илтимоснома беришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони маълумот ва ижросини назорат қилиш учун тегишли равишида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратурасига юборилади. Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органлар Комиссияга Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш масалалари бўйича фармонлари ижроси ҳақида уларнинг ижро этилишига қараб ахборот беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони ижросини назорат қилиш Шўйба томонидан амалга оширилади. «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 8-бобида қуйидаги якунловчи қоидага асосан ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгилантган тартибда жавоб берадилар<sup>1</sup>.

Суд-ҳуқуқ соҳасини янада ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун амалга оширилган ишлар натижасида **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз тарихида илк маротаба 2 700 нафар маҳкумни, шу жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар** турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахсларни афв этиш тўғрисида 2017 йил 6 декабрь куни Фармон имзоланди<sup>2</sup>.

2018 йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 27 йиллиги байрами арафасида халқимизга хос меҳр-шафқат, инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик каби эзгу фазилатларни янада юксак намоён этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ, Фармон билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 261 нафар фуқаро афв этилди.

Фармонга мувофиқ, 215 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиниб, оиласи ва яқинлари бағрига қайтирилди, шунингдек, 46 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг беш нафарини 60 ёшдан ошган, 135 нафарини фаолияти тақиқланган ташкилотларида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармонда афв этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносаби ўрин топиши учун уларга кўмак берилиши кўрсатилди<sup>3</sup>.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосини қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, адолатпарварлик, инсонпарварлик ташкил қиласи. Хўш, бу нимада намоён бўлмоқда? Бу, масалан, ўтган беш йилда бор-йўғи

етти нафар шахс оқланган бўлса, 2017 йилда бир неча баробар кўп, яъни 262 нафар шахс оқланганида, 4389 нафар шахс суд залидан, 18655 нафар шахс муддатидан илгари жазодан озод қилинганида акс этмоқда. Шунингдек, 2017 йилда маҳалла фуқаролари йигинлари кафиллиги асосида 267 нафар, хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида 4 нафар, Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида 64 нафар — жами 181 нафар судланувчига нисбатан жазо тайинлашда жамоатчиликнинг кафиллиги эътиборга олинди<sup>4</sup>.

Юқорида келтирилган фактлар фуқаролик жамияти ва демократик давлат қурмоқчи бўлаётган республикамиз фуқаролари учун ижтимоий институтлар жамият ҳаётида фаол иштирок этаётганлигининг, фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш улар билиб-билмай жиноят содир этганларида ҳам давом этишининг, бу билан уларнинг конституциявий хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси қилинаётганлигининг ёрқин намунасиdir. Лекин биз маҳалла фуқаролари йигинлари, хотин-қизлар қўмиталари, Ёшлар иттифоқи каби жамоатчилик институтлари билан чекланмасдан барча ижтимоий институтларни ҳаракатга келтиришимиз лозим. Шундагина эркин фуқаролик жамияти ва демократик давлат куришга ўз ҳиссамизни кўшган бўламиз.

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 10.05.2018 й., 06/18/5439/1185-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 6 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирма беш йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида»ги Фармонига шарҳ // Халқ сўзи. – 2017. – 7 дек.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 30 августдаги «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гурӯҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи. – 2018. – 31 авг.

<sup>4</sup> Адолатда соя бўлмайди ёхуд инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун // Одил судлов: Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр. – Т., 2018. – № 1. – Б. 36-37.

**A. A. Худойбердиев,**

ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчи

## **ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ**

**Аннотация.** Мақолада оммавий тадбирларни ўтказишида жамоат тартибини таъминлаш бўйича хорижий давлатларнинг қонунлари таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** оммавий тадбир, жамоат тартиби, жамоат жойлари, оммавий тартибсизликлар, оммавий иғилишлар, оммавий намойишлар.

### **Опыт зарубежных государств по охране общественного порядка и обеспечению безопасности при проведении массовых мероприятий**

**Аннотация.** В статье проанализированы законодательства зарубежных государств по охране общественного порядка и обеспечению безопасности при проведении массовых мероприятий.

**Ключевые слова:** массовое мероприятие, общественный порядок, общественные места, массовые беспорядки, массовые собрания, массовые демонстрации.

**Experience of foreign countries in carrying out mass events, ensuring public order and security**

**Annotation.** The article analyzed the laws of foreign countries to ensure public order during public events.

**Keywords:** public events, public order, communal areas, communal disorders, municipal meetings, public demonstrations.

Бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илгор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон фармони<sup>1</sup> билан тасдиқланган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси амал қила бошлади. Ўтган давр мобайнида

ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қути бўгинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар бажарилди<sup>2</sup>. Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда<sup>3</sup>. Жамоат бирлашмалари ўз мақсад ва манфаатларини рӯёбга чиқаришда мунтазам равишида иғилишлар, намойишлар ўтказиб боришлари ва бу оммавий тадбирларнинг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиниши алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада хорижий давлатлар полиция тизимининг тажрибаси эътиборга молик.

Масалан, Хитой Халқ Республикаси полиция тизими марказлаштирилган тизимларга киради. Бу тизим қуйидаги икки тузилмадан иборат: биринчиси — мамлакат жамоат хавфсизлиги органлари, иккинчиси — халқ қуролланган (ҳарбийлашган) полиция бўлинмалари<sup>4</sup>. Хитой халқ қуролланган (ҳарбийлашган) полиция бўлинмаларининг асосий вазифалари сифатида давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш, давлатнинг муҳим обьектларини қўриқлаш, халқ мулки ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уруш даврида жанговар ҳаракатларни амалга ошириш ва мудофаа қилишда Хитой армиясига кўмаклашиш белгиланган.

Америка Кўшма Штатларида оммавий тадбирларни ўтказиш даврида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бевосита хукуқни муҳофаза этувчи органлар зиммасига юқлатилган бўлиб, улар уч тоифага бўлинади: федерал органлар, штатлар органлари, маҳаллий органлар. Оммавий тадбирларни ўтказиш ва жамоат тартибини сақлаш тадбирлари, асосан, штатлар ва маҳаллий органлар полициячилари томонидан амалга оширилади. Штатлар қонунчилигига асосан, оммавий тадбир ташкилотчилари полициядан рухсат олиш учун тадбирни ўтказиш жойи, бошланиш ва давом этиш вақти, қатнашчилар сони тўғрисида аниқ маълумот беришлари ҳамда уларга қатъий амал қилишлари шарт. Акс ҳолда, масалан, қатнашчилар сони белгиланган миқдордан ошиб кетса ҳам улар полиция томонидан жавобгарликка тортиладилар. Федерал қонунларда оммавий тадбир ташкилотчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланган бўлиб, инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш принциплари инобатга олинган.

Россия Федерациясининг «Йигилишлар, митинглар, намойишлар, кўча юришлари ва пикетлар тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасида оммавий тадбирнинг ўтказилиш жойи тўғрисидаги тушунча, айрим жойларда оммавий тадбир ўтказилишини тақиқлаш ёки чеклаш шартлари берилган. Бунда оммавий тадбир ўтказилиши бино ва иншоотлар-

нинг бузилиши хавфини келтириб чиқармаса ёки ушбу оммавий тадбир иштирокчилари-нинг хавфсизлигига бошқача тарзда таҳдид қилмаса, мазкур тадбир унинг мақсадлари учун яроқли ҳар қандай жойда ўтказилиши мумкин. Агар масалага оммавий тадбир ўтказишида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш принципи асосида ёндашадиган бўлсак, Россия Федерацияси қонунида оммавий тадбир ўтказила-диган жойларга қўйиладиган талаблар етарли эмас. Фикримизча, бундай тадбирлар йўл ҳаракати ва ёнгин хавфсизлиги инобатга олинган бевосита оммавий тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган жойларда ўтказилиши лозим.

Оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш Россия Федерациясида маъмурий-хукуқий тартибга солинган. Россия Федерациясининг Конституцияси фуқароларга тинч мақсадда, қуролсиз тўпланиш, йигилишлар, митинглар ва намойишлар, кўча юришлари ва пикетлар ўтказиш хукуқини кафолатлади (31-модда). Ушбу хукуқнинг зарурий чекловлари 2002 йил 25 июлда қабул қилинган «Экстремистик фаолиятга қаршилик қўрсатиш тўғрисида»ги<sup>5</sup> ва 2004 йил 19 июлдаги «Йигилишлар, митинглар, намойишлар, кўча юришлари ва пикетлар тўғрисида»ги Россия Федерациясининг федерал қонунларида белгиланган. Тадбирнинг оммавий хусусияти «очиқ, ҳар ким учун фойдаланса бўладиган» эканлигига қўринади. Айни вақтда қонун РФ фуқаролари, жамоат ташкилотлари ва диний бирлашмалар ташаббуси билан ўтказила-диган ҳамда фикрларни эркин ифодалаш ва шакллантириш, шунингдек, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига тааллуқли турли масалалар ва ташқи сиёсий масалалар бўйича талабларни илгари суриш мақсадига (яъни ижтимоий-сиёсий хусусиятга) эга бўлган оммавий тадбирларга қўлланилади.

Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 21-моддасига муво-фиқ ушбу хукуқдан фойдаланиш жамоат

хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлиғи ва аҳолини муҳофаза қилиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш манфаатлари йўлида чекланиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясида миллий хавфсизлик ва жамоат тартиби мунфаатлари йўлида йигилишлар эркинлиги, фикрни ифодалаш эркинлиги чекланиши мумкинлиги назарда тутилган (9, 10, 11-моддалар). Мазкур чекловларга оммавий тадбирлар ташкилотчилари ва иштирокчилари учун белгиланган мажбурият ва тақиқлар киради, жумладан: тадбир ташкилотчисининг тадбир ўтказилиши хақида Россия Федерацияси субъектининг ваколатли давлат ҳокимияти органига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига хабар бериш мажбурияти; тадбирни ўтказиш вақти ва жойига доир тақиқлар; ёнида қурол, шунингдек, фуқаролар соғлиғига зарар ёхуд жисмоний ва юридик шахсларга моддий зиён етказиш учун атайин тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар олиб юришнинг тақиқланиши.

Россия Федерациясининг 2011 йил 7 февралдаги «Полиция тўғрисида»ги №3-ФЗ қонунининг 16-моддасида оммавий тадбирни ўтказиш даврида оммавий тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ҳудудларни ўраб олиш, транспорт ва пиёдлар ҳаракатларини чеклаш ёки тақиқлаш ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган.

Қозогистон Республикасида оммавий тадбирларни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий тартиби Қозогистон Республикасининг ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунида белгилаб берилган. Ушбу қонунга асосан, оммавий тадбир даврида жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш ваколати маъмурий полицияга (4-2-модда) юклатилган. Мазкур қонуннинг 10-моддасига кўра, ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири — оммавий тадбир даврида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини

таъминлаш. Лекин Қозогистон Республикасининг ички ишлар органи тўғрисидаги қонунида оммавий тадбирларни ўтказишга рухсат бериш ёки тақиқлаш ваколатлари киритилмаган. Шунингдек, қонунда оммавий тадбир ўтказиладиган ҳудудларга қатнашчиларни текшириб киритишида ички ишлар органларининг ҳуқуқ ва ваколатлари ўз ифодасини топмаган. Оммавий тадбир даврида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва оммавий тартибсизликларга чек қўйиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан жисмоний куч ва маҳсус воситаларни қўллаш тартиби ҳамда унинг ҳуқуқий асоси алоҳида аҳамиятга эга.

Қозогистон Республикаси ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунининг 13-моддасида жисмоний куч ва маҳсус воситаларни ишлатиш тартиби қўшиб берилган. Жумладан, ушбу модданинг 1-бандида ички ишлар органлари ходимлари ёки жамоат тартибини сақлаш бурчини ўтаётган жамоатчиларни ва фуқароларга ҳужум қилинганда жисмоний куч ва маҳсус воситалар қўллаши мумкинлиги акс эттирилган. Агар ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маҳсус воситаларнинг турлари 50 дан ортиқлиги ҳамда уларнинг ўз техник хусусиятига кўра уч гуруҳга бўлиниши инобатга олинса, айrim муаммоли ҳолатларни кўришимиз мумкин. Чунончи, 13-моддада қайд этилган ҳолатлар юзага келса, жисмоний таъсирнинг жанговар усууларини қўллаш ҳолати кичик ҳажмдаги портловчи моддалардан иборат маҳсус воситани қўллаш тартиби билан бир хил бўлиб қояпти. Фикримизча, жисмоний таъсир этиш ва маҳсус воситалар қўллаш ҳолатларини бир-биридан ажратиб, алоҳида моддаларда ҳар бирини қўллаш тартиби ишлаб чиқилиши лозим.

Қозогистонлик олимлар Е.О.Тузельбаев ва Х.К.Уразбаевлар таъкидлаганларидек, ҳозирги кунда Қозогистон Республикасининг маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қонунчликни қўллаш амалиётида ҳам, қонун ҳужжатларида ҳам «жамоат жойи»нинг

мақоми, таърифи, жамоат жойига кирадиган обьектлар рўйхати ҳамда ҳуқуқий режими аниқ ва тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаган<sup>7</sup>. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» номли XV бобининг «Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш» деб номланган 187-моддасида «кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, боғлар, барча турдаги жамоат транспорти, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари» жамоат жойлари сифатида эътироф этилган. Шунингдек, мазкур бобдаги «Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш» номли 192-моддасида «туар жойларнинг йўлаклари, эшиклари ва кўчалар» ҳам жамоат жойи сифатида эътироф этилган.

Бирор ножӯя ҳаракатни жамоат тартибини маъмурий бузиш қаторига киритиш бир қанча омилларга, хусусан, ҳатти-ҳаракатнинг қандай туслалигига, келтирилган зарар даражасига, бундай ҳаракатларнинг қанчалик кенг тарқалгани ва унга қарши кураш шартларига, шунингдек, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизимига боғлиқ.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 16-моддасида ички ишлар органларининг мажбуриятларига: фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида барча зарур чораларни кўриш; жамоат жойларида, шу жумладан, кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек, оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш<sup>8</sup> киритилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида жамоат тартибини бузишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими асосан бир хил бўлса-да, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос

жиҳатлари жамоат тартибини бузиш деб ҳисобланадиган ҳатти-ҳаракатлар доирасига таалуқлидир.

Беларусь Республикасида оммавий тадбирлар ўтказишнинг ҳуқуқий асосини 1997 йил 30 декабрда қабул қилинган Оммавий тадбирлар тўғрисидаги қонун<sup>9</sup> ташкил этади. Ушбу қонун Беларусь Республикасида йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари, намойишлар, пикетлар ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини белгилаб беради ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, кўчалар, майдонлар ва бошқа жамоат жойларида ушбу тадбирларни ўтказишда жамоат хавсизлиги ва тартибини таъминлаш учун шартшароит яратишга йўналтирилган. Шунингдек, Беларусь Республикаси ва бошқа айрим хорижий давлатлар қонунчилигига давлат томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар ушбу қонун таъсир доирасидан чиқарилган. Оммавий тадбирлар тўғрисидаги Беларусь Республикаси қонунининг 11-моддасида ички ишлар органлари ва жамоатчилик вакиллари оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат тартибига риоя этиш тартиби ва жамоат тартибини сақлашга масъул этиб белгиланган. Лекин уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланмаган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, охирги йилларда мамлакатимизда ва МДҲ республикаларида ўтказилаётган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислоҳотлар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида фуқаролик жамиятларининг ривожланиши, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашнинг бир қатор муаммолари мавжудлигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан, хорижий тажриба ва юқорида қайд этилган жиҳатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Оммавий тадбирлар тўғрисидаги қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

---

◆

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонининг Шарҳ қисми // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 70-м; № 20. — 354-м; № 23. — 448-м. — № 37. — 982-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — № 15. — 243-м.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. — Т., 2010. — Б. 8.

<sup>4</sup> Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учеб. пос. / Авторы-составители: А.С. Якубов и др. — Т., 2010. — С. 118—125.

<sup>5</sup> Собрание законодательства РФ. — 1997. — № 39. — ст. 4465; 2002. — № 12. — Ст. 1093.

<sup>6</sup> Сборник нормативных правовых актов МВД России / Сост. В.В.Черминов. — М., 2011. — Ст. 41—81.

<sup>7</sup> Тузельбаев Е.О., Уразбаев Х.К. К вопросу об определении понятия «общественное место» и «улица»// 20 лет Независимости Республики Казахстан: достижения и перспективы развития: Межд. научн.практ. конф. Т. 1. — Караганда, 2011.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2016. — № 38. — 438-м.

<sup>9</sup> Ведомости Национального собрания Республики Беларусь. — 1998 . — № 25—26. — Ст. 428.

---

**A. M. Абжалов,**

*ИИВ Академияси сиртқи таълим факультети катта ўқитувчи-методисти*

## **ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ ДИНАМИКАСИННИГ ЎЗГАРИШНИ БАШПОРАТ ҚИЛИШ**

**Аннотация.** Мақолада йўл-транспорт ҳодисаси ва унинг ўзгариш динамикасини башпорат қилиш, йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш услубияти ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** йўл-транспорт ҳодисаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими, йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш услубияти, ЙТҲнинг ўзгариш динамикаси.

### **Прогнозирование изменения динамики дорожно-транспортных происшествий**

**Аннотация.** В статье анализируются вопросы, касающиеся прогнозирования дорожно-транспортных происшествий, методологии анализа дорожно-транспортных происшествий, а также мер по обеспечению безопасности дорожного движения.

**Ключевые слова:** дорожно-транспортное происшествие, система обеспечения безопасности дорожного движения, методология анализа дорожно-транспортных происшествий, динамика изменения дорожно-транспортных происшествий.

### **Forecasting the dynamics of changes in road traffic accidents**

**Annotation.** The article analyzes issues related to events organized for road safety and the methodology for analyzing road traffic accidents, analyzing the prediction of road traffic accidents and the dynamics of its changes.

**Keywords:** road traffic accidents, road safety system, methodology for analyzing road traffic accidents, the dynamics of changes in road traffic accidents.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрь ойида ўтказилган йигилишида иштирокчи давлатлар раҳбарлари йўл-транспорт ҳодисасида ҳалок бўлаётган ва тан жароҳати олаётган одамлар сонини икки баравар камайтириш бўйича тарихий қарор қабул қилди. Бунга сабаб йўл-транспорт ҳодисаси натижасида кўплаб одамлар (айниқса, 15-29 ёшдагилар) ҳалок бўлаётгани, шу билан бирга, давлатларнинг миллий иқтисодиётига салбий таъсир этаётгани, қолаверса, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳалок бўлаётган ва тан жароҳати олаётган одамлар сонини кескин камайтириш учун етарли тажриба ва самарали тадбирлар белгилаш зарурлигидир<sup>1</sup>.

Бу муаммола Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 27 июль куни «Битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак», деб номланган

ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига багишланган видеоселектор йигилишида ҳам алоҳида эътибор қаратиб: «...Хайдовчи ва пиёдаларнинг билими, қоидаларга итоаткорлиги ва йўл ҳаракати иштирокчиларига хурмати пастлиги йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига сабаб бўлган»<sup>2</sup>, — деб таъкидлаган эди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими мураккаб жараён бўлиб, унинг асосий мақсади содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари миқдорини камайтириш бўлиши керак. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқиладиган тадбирларнинг самарадорлиги, аввало, йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги маълумотларнинг қанчалик тўлиқ таҳлил қилингани, улар содир этилишининг ҳақиқий сабаб ва шароитларига боғлиқ бўлади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоп этилган бугунги адабиётларда йўл-транспорт ҳодисасини таҳлил қилиш услубияти икки гуруҳга ажратилганини кўриш мумкин:

- 1) йўл-транспорт ҳодисаларининг сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- 2) алоҳида олинган йўл-транспорт ҳодисасини таҳлил қилиш.

Алоҳида олинган йўл-транспорт ҳодисасини таҳлил қилиш натижасида у билан боғлиқ асосий шарт-шароитлар, хавфли ва фалокат вазиятининг вужудга келиш сони, ҳаракат қатнашчиларининг қайси хатти-ҳаракатлари ҳалокат вазиятини вужудга келтирганлиги, ҳодисанинг олдини олиш учун ҳайдовчидаги техник имконият бўлган-бўлмаганлиги ҳақидаги саволларга объектив жавоб (эксперт хulosаси) олинади.

Йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш натижасида олинган маълумотлардан куйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- 1) йўл-транспорт ҳодисалари динамикасининг ўзгариш миқдорини башорат қилиш;
- 2) содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг турлари, оғирлик даражаси ва бошқа кўрсаткичлари бўйича тақсимлашишини аниқлаш;
- 3) йўл шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар билан йўл-транспорт ҳодисасининг содир бўлиши орасидаги боғлиқликни аниқлаш;
- 4) ҳаракат (қатнашчиларининг ёши, малакаси, оилавий аҳволи ва бошқа ижтимоий омиллар) орасидаги боғлиқликни аниқлаш;
- 5) йўл-транспорт ҳодисасини бартараф этиш ва ҳаракат хавфсизлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни илмий асослаш ҳамда самарадорлигини баҳолаш ва бошқалар.

Хозирги кунда йўл-транспорт ҳодисаларини таҳил қилишда асос сифатида математик статистика ва эҳтимоллар назариясида ишлаб чиқилган усуслар кенг қўлланилипти. Тўплланган маълумотларнинг статистик

таҳлили тизимлар назарияси ва операцияларни излаш методларига уларнинг вужудга келиш сабабларини кўрсатувчи математик моделларни ишлаб чиқишига, бу эса, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган оптималь ечимларни аниқлаш асосида истиқболли, йиллик, чораклик, ойлик ва кунлик тадбирлар режалари ишлаб чиқилишига асос бўлади.

Йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилишда энг кўп қўлланиладиган усуслардан бири йўл-транспорт ҳодисаси абсолют кўрсаткичларининг динамикасини таҳлил қилишидир. У қўйидаги турларга бўлинади:

- 1) йўл-транспорт ҳодисаси динамикасини ўтган даврга нисбатан таҳлил қилиш;
- 2) йўл-транспорт ҳодисаси динамикасини базавий йилга нисбатан таҳлил қилиш;
- 3) йўл-транспорт ҳодисаси динамикасини ўртача кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш;
- 4) йўл-транспорт ҳодисасининг кўп йиллик ўзгариш динамикасини аналитик текислаш усулида башорат ва таҳлил қилиш.

Мазкур усусларнинг ҳар бири фақат ўзига хос афзаллик ва камчиликларга эга бўлиб, уларнинг қайси биридан фойдаланиш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизими олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқади.

Йўл-транспорт ҳодисасининг кўп йиллик ўзгариш динамикасини аналитик текислаш усулида башорат қилишни куйидаги мисолда кўриб чиқайлик.

2012—2017 йиллар давомида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари қўйидагича тақсимлангани аниқланди: 2012 йилда — 2353 та, 2013 йилда — 2263 та, 2014 йилда — 2156 та, 2015 йилда — 1959 та, 2016 йилда — 1739 та, 2017 йилда — 1197 та.

Ушбу маълумотлар асосида ЙТҲнинг ўзгариш суръати мутахассис олимлар томонидан ишлаб чиқилган қўйидаги формула ёрдамида аниқланади<sup>3</sup>:

$$K = \frac{\sum_{i=1}^n (P_i - \bar{P}_{\text{т}})(t_i - \bar{t}_{\text{т}})}{\sum_{i=1}^n (t_i - \bar{t}_{\text{т}})^2}$$

бу ерда:  $\Pi_i - t_i$  – бир йилда содир этилган ЙТХ сони;

$$\Pi_{\text{жpm}} = \sum_{i=1}^n \Pi_i / n$$
 – таҳлил қилинаётган

даврдаги ЙТХнинг ўртача сони;

$t_i$  – таҳлил қилинаётган вақт моментлари;

$$t_{\text{жpm}} = \sum_{i=1}^n t_i / n$$
 – кўриб чиқилаётган

даврнинг ўртача қиймати;

$n$  – таҳлил учун қамраб олинган йиллар сони.

ЙТХнинг ўзгариш динамикаси қуидаги формула орқали башорат қилинади:

$$\Pi(t_{i+1}) = \Pi_{\text{жpr}} + K(t_{i+1} - t_{\text{жpr}});$$

ЙТХнинг ўзгариш суръати кўрсаткичини аниқлаш учун юқоридаги формулаларнинг миқдор кўрсаткичлари қуидаги жадвал ёрдамида аниқланди:

суръати  $K = -215,7$  га тенг эканлигини кўрамиз.

Агар охирги олти йил ичида ўртача 1944,5 тадан йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлса, бу кўрсаткич:

2018 йилда :

$$\Pi(t_{2018}) = \Pi_{\text{жpm}} + K(t_{i+1} - t_{\text{жpm}}) = 1944,5 - 215,7(7 - 3,5) = 1189,5 \text{ та ЙТХ};$$

2019 йилда:

$$\Pi(t_{2019}) = \Pi_{\text{жpm}} + K(t_{i+1} - t_{\text{жpm}}) = 1944,5 - 215,7(8 - 3,5) = 973,9 \text{ та ЙТХ содир бўлишини башорат қилиш мумкин.}$$

Ўтган 2012-2017 йилларда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларини ва уларнинг ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудда амалга оширилаётган чора-тадбирлар маълум даражада самара бераяпти. Тадбирларни амалга ошириш натижасида йўл-транспорт ҳодисалари камайишига эришиляпти. Шу

Йиллар	ЙТХ сони ( $\Pi_i$ )	$\Pi_i - \Pi_{\text{жpm}}$	$t'_i = t_i - 2012$	$t'_i - t_{\text{жpm}}$	$(\Pi_i - \Pi_{\text{жpm}})(t_i - t_{\text{жpm}})^2$	$(t'_i - t_{\text{жpm}})^2$
2012	2353	+408,5	1	-2,5	-1021,25	6,25
2013	2263	+318,5	2	-1,5	-477,75	2,25
2014	2156	+211,5	3	-0,5	-105,75	0,25
2015	1959	14,5	4	-0,5	7,25	0,25
2016	1739	-205,5	5	1,5	-308,25	2,25
2017	1197	-747,5	6	2,5	-1868,75	6,25
Жами	11667		21		-3774,5	17,5
Ўртача қиймати	1944,5		3,5			

Ушбу жадвалда аниқланган кўрсаткичларни юқоридаги формулага қўйиб ёчсан, йўл-транспорт ҳодисалари сони ўзгариш динамикасининг кўрсаткичи, ўзгариш

ўринда эслатиб ўтиш жоизки, ҳудудда жуда кўп чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, улардан қайси бири бундай самара бераётганини аниқлаш мураккаб масала бўлиб қолаверади.

<sup>1</sup> Қаранг: Доклад о состоянии безопасности дорожного движения в мире. – 2015. GSRRS2015\_Sum.

<sup>2</sup> <http://press-service.uz/uz/lists/view/1914>

<sup>3</sup> Қаранг: Волошин Г.Я. Анализ дорожно-транспортных происшествий. – М., 1987. – С. 240.

**Б. А. Ражабов,**

*ИИВ Академияси жиноят ва жиноят-ижроия хүқуқи кафедраси бошлиги,  
юридик фанлар номзоди, доцент*

## **ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАР МАЖМУИНИ БАҲОЛАШ**

**Аннотация.** Мақолада «жиноят процессида далилларни баҳолаш» тушунчаси қиёсий-хўқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, далилларга баҳо бериш институтини такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** жиноят процесси, далил, далилларга баҳо бериш, исбот қилиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, судья, алоқадорлик, мақбуллик, ишончлилик, етарлилик.

### **Оценка совокупности доказательств в уголовном процессе**

**Аннотация.** В статье анализируется понятие оценки доказательств со сравнительно-правовой точки зрения. Вместе с тем вносятся рекомендации по совершенствованию института оценки доказательств.

**Ключевые слова:** уголовный процесс, доказательство, оценка доказательств, доказывание, дознаватель, следователь, прокурор, суд, судья, относимость, допустимость, достоверность, достаточность.

### **Issues of evaluation of evidence in the criminal process**

**Annotation.** The article analyzes the concept of assessing evidence of scientific and comparative legal points of view. At the same time, recommendations are made on improving the institution of the concept of evidence assessment.

**Keywords:** evidence in criminal procedure, assessment of evidence, proving, investigator, prosecutor, court, judge, relevance, appropriate, available, sufficiency.

Жиноят процессида далилларни баҳолаш исботлаш жараёнининг энг муҳим элементи ҳисобланади. «Албатта, жиноят процессуал исботлашнинг барча тузилмавий элементлари ўртасида қандайдир у ёки бу даражада аниқ чегаралар ўтказиш қийин, кўпинча эса мумкин ҳам эмас. Чунки, уларнинг барчаси ўзаро мураккаб ва яқин боғлиқликда бўлади ҳамда ягона исботлаш жараёнинг у ёки бу томонларини ифода этади»<sup>1</sup>.

Қайд этиш жоизки, «далиллар процесснинг барча босқичларида баҳоланади»<sup>2</sup>. Далилларни баҳолашдан кўзланган асосий мақсад – ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш.

«Далилларни баҳолаш тергов ва суд муҳокамасини мақсадга йўналган ҳолда юритиш, қонуний ва асосланган процессуал қарорлар қабул қилиш, жиноят қонунини тўғри кўллашнинг зарур шарти бўлиб хизмат қиласди»<sup>3</sup>. «Далилларни баҳолаш иш бўйича процессуал қарор қабул қилиш учун замин ҳозирлайди. Баҳолашсиз далилларни тўплаш, тадқиқ этиш, хulosалар чиқариш ва тўғри процессуал қарор қабул қилиш жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди»<sup>4</sup>.

Қонун чиқарувчи орган *далилларни баҳолаш* тушунчасига таъриф бериш масаласини эътибордан четда қолдирмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 95-моддаси (далилларга

баҳо бериш) биринчи қисмiga мувофиқ, «суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳукуқий онга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим»<sup>5</sup>.

Аммо қайд этиш жоизки, ушбу нормада далиллар мажмуини баҳолаш мезонлари белгиланмаганлиги бу борада қизғин баҳсмунозараларга сабаб бўлмоқда. Ушбу фикримизнинг исботи сифатида биз томонимиздан амалга оширилган қиёсий-ҳукуқий таҳлил натижаларини келтириб ўтамиш. Қиёсий-ҳукуқий таҳлил натижаларининг кўрсатишича, хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига далиллар мажмуини баҳолаш мезонлари бўйича қўйидаги ёндашувлар қайд этилган:

1) далиллар мажмуи — ишни ҳал қилиш учун **етарлилиги** нуқтаи назаридан баҳоланиши керак (Арманистон ЖПК 127-моддаси 1-қисми<sup>6</sup>, Туркманистон ЖПК 136-моддаси 1-қисми<sup>7</sup>);

2) **тўпланган барча** далилларнинг мажмуи — жиноят ишини ҳал қилиш учун **етарлилиги** нуқтаи назаридан баҳоланиши керак (Россия Федерацияси ЖПК 88-моддаси 1-қисми<sup>8</sup>, Тожикистон ЖПК 88-моддаси 1-қисми<sup>9</sup>, Қирғизистон ЖПК 95-моддаси 1-қисми<sup>10</sup>, Қозогистон ЖПК 125-моддаси 1-қисми<sup>11</sup>);

3) далиллар мажмуи — дастлабки терговни тамомлаш ва жиноят иши бўйича суд муҳокамасини ҳал қилиш учун **етарлилиги** нуқтаи назаридан баҳоланиши керак (Беларусь ЖПК 105-моддаси 1-қисми<sup>12</sup>);

4) далиллар мажмуи — далилларнинг **таққослана олиши** нуқтаи назаридан баҳоланиши керак (Молдова ЖПК 101-моддаси 1-қисми<sup>13</sup>);

5) жиноий тақиб бўйича **тўпланган барча** далиллар — уларнинг мажмуи айловнни ҳал этиш учун **етарлилиги** бўйича баҳоланиши керак (Озарбайжон ЖПК 145-моддаси 1-қисми<sup>14</sup>);

6) тўпланган далиллар мажмуи — процессуал қарорни тўгри қабул қилиш учун **етарлилиги** ва **алоқадорлиги** нуқтаи назаридан баҳоланди (Украина ЖПК 94-моддаси 1-қисми<sup>15</sup>).

Бир қатор давлатлар (Арманистон, Беларусь, Туркманистон, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Тожикистон, Украина, Қирғизистон, Қозогистон)да далилларнинг етарлилиги далиллар мажмуини баҳолаш мезони сифатида белгиланган. Айрим давлатларда далилларнинг таққослана олиши (Молдова), далилларнинг алоқадорлиги (Украина) далиллар мажмуини баҳолаш мезони сифатида қайд этилган.

Шунингдек, муҳокама қилинаётган масала аксарият давлатлар (Россия Федерацияси, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозогистон)да далиллар мажмуини эмас, балки **тўпланган барча** далиллар мажмуини баҳолаш сифатида аниқлаштирилганлигини эътироф этиш жоиз.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, илмий-назарий адабиётларда далиллар мажмуини баҳолаш мезонлари бўйича қўйидаги ёндашувлар илгари сурилган:

1) далилларнинг процессуал қарор қабул қилиш учун **етарлилиги** (Б.Т.Ақрамходжаев<sup>16</sup>, Д.М.Миразов, И.Э.Хожаназаров, Ш.Н.Бердияров<sup>17</sup>);

2) далилларнинг жиноят иши ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун **етарлилиги** (Б.Миренский, А.Асамутдинов, Ж.Камалходжаев<sup>18</sup>);

3) далилларнинг жиноят иши бўйича муҳим процессуал қарорлар ва ишончли хulosалар қабул қилиш учун **етарлилиги** (Я.В.Жданова<sup>19</sup>);

4) **етарли бўлган** далиллар мажмуининг аҳамиятлилиги, ишончлилиги, мақбуллиги ва предметига мос келиши (Ю.Ю.Воробьев<sup>20</sup>).

Кўриниб турибдики, далилларнинг етарлилиги далиллар мажмуини баҳолаш мезони эканлиги эътироф этилган. Биз ҳам ушбу фикрга қўшиламиз.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг «далилларни баҳолаш» тушунчасига тавсиф беришган нормаси (95-моддаси)да<sup>21</sup> далиллар мажмуини баҳолаш

мезонлари белгиланмаган. Қонун нормасидаги мавжуд бўшлиқни бартараф этиш мақсадида, миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, юқорида келтирилган хориж (Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Россия Федерацияси, Туркменистон, Тожикистон, Украина, Қирғизистон, Қозогистон) тажрибасига асосланниб, ЖПК 95-моддаси биринчи қисмини **«Жиноят иши бўйича тўпланган барча далиллар мажмуи ишни ҳал қилиш учун етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак»**, деган норма билан тўлдиришни таклиф этамиз.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси бешинчи қисмида исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун *етарли* деб ҳисобланниши мустаҳкамланган<sup>22</sup>. Қонуннинг ушбу нормаси ҳам далиллар мажмуи етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланишини талаб этади.

Аксарият мутахассислар ушбу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлашади. Хусусан, Б.Т.Акрамходжаев «далилларни баҳолашда қуйидаги уч хоссага — далилларнинг мақбулиги, ишончлилиги ва етарлилигига — эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ»<sup>23</sup>, деб ҳисоблади. З.Ф. Иноғомжонова, Г.З. Тўлагановаларнинг фикрига кўра, «терговчи, прокурор ва суд далилларга баҳо беришда уларнинг зарур белгиларини ўзида мужассам этган хусусиятларини инобатга олишлари керак: алоқадорлик; мақбуллик; ишончлилик; етарлилик»<sup>24</sup>.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган ва ЖПКнинг 95-моддаси биринчи қисмига «Жиноят иши бўйича тўпланган барча далиллар мажмуи ишни ҳал қилиш учун етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак», деган жумланинг киритилиши, ўйлашимизча, далилларга баҳо бериш борасидаги мавжуд бўшлиқларнинг бартараф этилишига замин яратади.

<sup>1</sup> Жиноят процесси. Умумий қисм / Муаллифлар жамоаси. – Т., 2002. – Б. 184.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси / Б.А.Миренский, А.Х.Раҳмонқулов, Д.Камалходжаев, В.В.Кадирова ва бошқ. – Т., 2012. – Б. 126-127.

<sup>3</sup> Миренский Б., Асамутдинов А., Камалходжаев Ж. Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари. – Т., 2002. – Б. 42.

<sup>4</sup> Янгиев Ў. Исбот қилиш институти // Ҳукуқ ва бурч журнали // <http://huquqburch.uz/uz/view/5549>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (10.03.2019 йилгача бўлган ҳолати) // <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

<sup>6</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года (По состоянию на 30.03.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ).

<sup>7</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (По состоянию на 09.06.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ).

<sup>8</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (По состоянию на 30.10.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ).

<sup>9</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (По состоянию на 17.05.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).

<sup>10</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (По состоянию на 10.11.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ).

<sup>11</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (По состоянию на 12.07.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ).

<sup>12</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (По состоянию на 08.01.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ).

<sup>13</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 23.03.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ).

<sup>14</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года (По состоянию на 01.12.2017) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ).

<sup>15</sup> Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (По состоянию на 12.07.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательства стран СНГ).

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процесси / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонқулов, Д.Камалходжаев, В.В. Кадирова ва бошқ. – Т., 2012. – Б. 126-127.

<sup>17</sup> Жиноят процесси: Ўқув қўлланма / Д.М.Миразов, И.Э.Хожаназаров, Ш.Н.Бердияров. – Т., 2013. – Б.110-112.

<sup>18</sup> Миренский Б., Асамутдинов А., Камалходжаев Ж. Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари. – Т., 2002. – Б. 42.

<sup>19</sup> Жданова Я.В. Проблемы вероятного и достоверного в уголовно-процессуальном доказывании и их влияние на принятие отдельных процессуальных решений следователем: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ижевск, 2004. – С. 7–11.

<sup>20</sup> Воробьева Ю.Ю. Современные проблемы процесса доказывания в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Оренбург, 2006. – С. 8.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (10.11.2018 йилгача бўлган ҳолати) // <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

<sup>22</sup> Ўша манба.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процесси / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонқулов, Д.Камалходжаев, В.В. Кадирова ва бошқ. – Т., 2012. – Б. 126-127.

<sup>24</sup> Иногомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари. – Т., 2006. – Б. 91.

## ПСИХОЛОГ ИШТИРОКИДАГИ КОМПЛЕКС ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2019 йил 1 март куни ИИВ Академиясида «Психолог иштирокидаги комплекс экспертизаларнинг замонавий йўналишлари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда ИИВ Академиясининг профессор-ўқитувчилари, ўқув жараёнини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси, илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўлими, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси Академияси, Олий суди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини ИИВ Академияси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, доцент А.А.Отажонов кириш сўзи билан очди.

Тадбирда К.Э.Циолковский номидаги Калуга давлат университети профессори, Суд экспертизалари ва криминалистика илмий-амалий маркази раҳбари, психология фанлари доктори, профессор Енгаличев Вали Фатеховичга сўз берилди. Унда ҳозирги пайтда суд психологик экспертизаларнинг долзарб масалалари, хусусан, психолог иштирокида ўтказиладиган комплекс экспертизаларнинг турлари ва аҳамияти масалалари кўриб чиқилди.

Тадбир давомида криминология кафедраси бошлиги, юридик фанлар доктори, профессор А.Р.Абдурасурова, хизмат фаолияти психологияси кафедраси доценти в.б., психология фанлари номзоди Ҳ.Т.Маҳмудова ва бошқалар томонидан саволлар берилиб, Ўзбекистонда ушбу фаолиятнинг самарадорлигини ошириш борасида янги маълумотларга эга бўлинди.

Д. Ю. Пайзиев,

ИИВ Академияси жиноят ва жиноят-ижроиция ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

## ЯРАШИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИГ ТАРИХИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришганидан кейинги даврда қонунчиликнинг ривожланиши, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда бағрикенглик, кечиримлилик каби азалий қадриятларимизнинг ўрни ва аҳамияти, сўнгги йилларда ярашув институтини такомиллаштириш соҳасида олиб борилаётган ишлар ва бу борада хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** суд-ҳуқуқ тизими, қонун устуворлиги, бағрикенглик, кечиримлилик, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жиноий жазоларни либераллаштириш, инсонпарварлик ва демократизм принциплари, одил судлов, ярашув институти, жавобгарликдан озод қилиш.

### Исторический и правовой анализ института освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением

**Аннотация.** В статье проанализированы развитие законодательства после приобретения независимости Республики Узбекистан, место и значение таких ценностей, как толерантность и помилование в реформировании судебно-правовой системы, работа, проводимая в области совершенствования института примирения в последние годы, а также опыт зарубежных стран в этой сфере.

**Ключевые слова:** судебно-правовая система, верховенство закона, толерантность, помилование, права и свободы личности, либерализация уголовных наказаний, принципы справедливости и демократизма, правосудие, институт примирения, освобождение от ответственности.

### Historical and legal analysis of discharging from criminal liability due to conciliation

**Annotation.** The article analyzes the development of legislation after the acquisition of independence of the Republic of Uzbekistan, the place and importance of such ancient values as tolerance and mercy in reforming the judicial and legal system, activities carried out in the field of widening of discharging from criminal liability due to conciliation in last years and experience of foreign countries in this field.

**Keywords:** judicial system, rule of law, tolerance, mercy, rights and freedoms of the person, liberalization of criminal penalties, principles of justice and democracy, justice, conciliation, discharge from liability.

Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан мэрраларни қўлга киритди, бунинг самараси ўлароқ мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи кундан-кун юксалиб бормоқда. «Фақатгина биз танлаган босқима-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган, давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлай-

диган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар, кенг қамровли либераллаштириш сиёсати келажак тараққиёт йўлимизни белгилаб берди. Тарихан қисқа давр ичидаги қонунчиликни такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, бағрикенглик, кечиримлилик каби азалий қадриятларимизни ҳаётга татбиқ этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2001 йил 29 августда қабул

қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурй жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун либераллаштириш сиёсатининг муҳим жараёнларини бошлаб берди. Шу муносабат билан жиноят қонунчилигига ярашув институтининг жорий қилиниши халқимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик, инсонпарварлик каби азалий қадриятларимизнинг қонунчиликдаги ифодасини янада мустаҳкамлади, бунинг самараси ўлароқ охирги **2018 йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ярашув институтининг қўлланилиши натижасида 9486 нафар шахс жиноий жавобгарлиқдан озод қилинди**<sup>2</sup>.

Ярашув — жабрланувчининг айблаанувчини афв этишигина эмас, балки айбордога нисбатан дастлабки талаб ва даъволаридан расмий воз кечиши ҳамdir. У жиноятни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш илтимосидан воз кечиши (агар ярашув жиноят иши қўзгатилишидан аввал юз берган бўлса) ёки унинг аризасига кўра қўзгатилган жиноят ишини тугатишни сўраб ариза беришидан иборат бўлади. Ярашув акти, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, баённома билан расмийлаштирилади. Жабрланувчи билан ярашув айбига икror бўлмасдан рўй бериши мумкин эмас. Шахс етказилган заарнинг ўрнини қоплаб, жабрланувчи билан ўз даъволаридан воз кечиши хусусида келишувга эришишга интилар экан, бу фақат айбини тан олиш орқали амалга ошиши мумкин<sup>3</sup>.

Ярашув институтининг Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига киритилган даврдан бошлаб бутунга қадар такомиллаштирилиб боришини шартли равишда куйидаги босқичларда кўришимиз мумкин:

*Биринчи босқичда* 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят,

Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурй жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга кўра, Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддаси (Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш)ни 26 та модда (32 та жиноят таркиби) бўйича қўллаш имконияти вужудга келган. Буларни Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида (қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасдан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасдан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (касл юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишига тўскىнлик қилиш ёки унинг эрга тегишига тўскىнлик қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик хуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талонторож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик), 170-моддасининг биринчи қисмида (алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни

кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-моддасида (рақобатчини обрў-сизлантириш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятлар ташкил этган. Мазкур норманинг шартлари жиноятни биринчи марта содир этганлик, айбига иқор бўлганлик, жабрланувчи билан ярашганлик ва зарарни бартараф этганликдан иборат бўлган.

*Иккинчи босқичда* 2004 йил 27 августдаги қонунга асосан 66<sup>1</sup>-моддасига тўртта янги модда ва 170-модданинг иккинчи қисми «б» ва «в» бандлари (6 та жиноят таркиби) киритилган. Буларни Жиноят кодекси 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш), 115-моддасида (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишида туширишга мажбурлаш), 121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 170-моддасининг иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш) назарда тутилган жиноятлар ташкил этган. Мазкур норманинг шартлари айбига иқор бўлганлик, жабрланувчи билан ярашганлик ва зарарни бартараф этганликдан иборат бўлган.

Ушбу қонун билан 66<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисми «Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати туталланмаган ёки судлан-

ганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди» мазмунидаги қоида билан тўлдирилган.

*Учинчи босқичда* 2005 йил 31 декабрдаги қонунга асосан 66<sup>1</sup>-моддасига яна битта янги модда (4 та жиноят таркиби) киритилди. Бу 185<sup>2</sup>-моддасида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноят эди.

*Тўртинчи босқичда* 2008 йил 16 апрель куни ЖК 122-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилиб, ярашув институти доирасига кирадиган жиноят таркиблари яна биттага кўпайди. Бундан ташқари, 2009 йил 3 апрелдаги қонунга асосан ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига тўққизта модда (11 та жиноят таркиби) киритилган. Буларни 138-моддасининг биринчи қисмида (зўрлик ишлатиб файриқонуний равишида озодликдан маҳрум қилиш), 143-моддасида (хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), 148-моддасида (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш), 229-моддасида (ўзбошимчалик), 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш), 257-моддасининг биринчи қисмида (меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 258-моддасининг биринчи қисмида (тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 259-моддасининг биринчи қисмида (ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 277-моддасининг биринчи қисмида (безорилик) назарда тутилган жиноятлар ташкил этган.

*Бешинчи босқичда* 2012 йил 29 декабрдаги қонунга кўра 66<sup>1</sup>-моддасига яна тўртта модда (5 та жиноят таркиби) киритилган. Буларни 180-моддасида (сохта банкротлик), 181-моддасида (банкротликни яшириш), 189-моддасида (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш), 191-моддасида (қонунга хилоф равишида ахборот тўплаш, уни ошкор

қилиш ёки ундан фойдаланиш) назарда тутилган жиноятлар ташкил этган.

*Олтинчи босқичда* 2016 йил 23 сентябрдаги қонунга асосан 66<sup>1</sup>-моддасига 141<sup>1</sup>-моддаси киритилди. Буни 141<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида (шахсий ҳаёт дахлизилигини бузиш) назарда тутилган жиноят ташкил этган.

Мазкур институттинг жиноят қонунчилигига киритилган даврдан бошлаб бугунги кунга қадар такомиллаштирилиб бориши натижасида ярашув институтини қўллаш имконияти 26 та модда (32 та жиноят таркиби)дан 45 та модда (60 та жиноят таркиби)га кўпайгани жиноят қонунчилигини либераллаштириш соҳасида улкан қадам ташлангандан далолат беради.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ярашув институтини қўллаш самарадорлигини ошириш ва доирасини кенгайтириш бора-сида аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон Фармонида, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони 8-иловасида<sup>4</sup> ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгайтириш билан боғлиқ вазифалар белгиланган. Бироқ юқоридаги қонунчилик таҳлилларидан кўриниб турибдики, ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгайтириш амалиёти охирги марта 2016 йил сентябрь ойида амалга оширилиб, бугунга қадар бошқа чоралар кўрилмаган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвести-

циялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида<sup>5</sup> ҳам ярашув институтини кенгайтириш назарда тутилган. Шу ўринда ярашув институтини такомиллаштириш юзасидан баъзи фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз.

*Биринчидан*, ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида келтирилган барча шарт ва асослар мавжуд бўлганида шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши «мумкин»лиги белгиланган. Ушбу норманинг бундай мазмун ва тартибда белгиланиши суд-тергов амалиётида коррупция ҳолатини келтириб чиқарувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу боис ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмида келтирилган барча шарт ва асослар мавжуд бўлганида шахс жиноий жавобгарликдан озод «қилинади» деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

*Иккинчидан*, ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисмига ЖК 105-моддаси (қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), иккинчи қисмининг «а» банди (икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан), «б» банди (ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан), «в» банди (ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан), 112-модда биринчи қисм (Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш), 140-модда учинчи қисми (Ҳақорат қилиш), 166-модда биринчи қисми (Талончилик), 184-модда биринчи қисми (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш), 186-модда биринчи ва иккинчи қисмлари, 277-модда иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятларни ҳам киритиш орқали мазкур институттинг қўлланиш доирасини кенгайтириш. Ушбу ҳолат бўйича тергов идоралари ходимлари (285 нафар респондент) орасида ўтказилган сўров давомида ижобий фикр билдирилган. Жумладан, респондентларнинг 68 фоизи — 105-моддасининг иккинчи қисмида (қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 112-моддасининг биринчи қисмида (ўлдириш ёки зўрлик

ишлиши билан қўрқитиш), 76 фоизи — 140-моддасининг учинчи қисмида (ҳақорат қилиш), 71 фоизи — 166-моддасининг биринчи қисмида (талончилик), 72 фоизи — 184-моддасининг биринчи қисмида (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш), 78 фоизи — 186-моддасининг биринчи қисмида (хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини қўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиб ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш), 81 фоизи эса 277-моддасининг иккинчи қисмида (безорилик) назарда тутилган жиноятлар ҳам ярашув институти доирасига киритилиши мақсадга мувофиқлигини билдирган.

Шу билан бирга, ярашув институтининг қўлланилиши бўйича хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қилсан, бугунги кунда ушбу институт 40 га яқин чет эл давлатлари қонунчилигига ҳам ўз ифодасини топган. Ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Европа давлатларидан Австрия, Белгия, Франция, Финляндия, Буюк Британия, Норвегия, Германияда бундай нормаларни қўллаш амалиёти анъанавий тус олган, кўп ҳолларда ярашув ўзини оқлагани ётироф этилади.

Ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи собиқ иттиifoқ давлатларининг қонунчилиги, жумладан, Қозогистон Жиноят кодексининг 68-моддасида, Қирғизистон Жиноят кодексининг 61-моддасида, Туркманистон Жиноят кодексининг 72-моддасида, Тожикистон Жиноят кодексининг 73-моддасида, Озарбайжон Жиноят кодексининг 73-моддасида, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 76-моддасида, Беларусь Жиноят кодексининг 89-моддасида, Украина Жиноят кодексининг 46-моддасида, Молдова Жиноят кодексининг 109-моддасида, Арманистон Жиноят кодексининг 73-моддаларида<sup>6</sup> назарда тутилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Грузия Жиноят кодекси<sup>7</sup> таълили унда ярашув институтининг жорий этилмаганлигини кўрсатди.

◆ ◆ ◆

2019 йил 1 январдан кучга кирган Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг ўзига хослиги унинг 61-моддаси (Жабрланувчининг розилиги билан келишувга эришилганда жиноий жавобгарликдан озод қилиш)да шахс унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган, жабрланувчи билан ярашган, келтирилган зарарни бартараф этган ҳамда ушбу жиноят Қирғизистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси тегишли моддалари рўйхати доирасида назарда тутилган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин<sup>8</sup> деган қоида белгиланганида намоён бўлади.

Юқоридагилар асосида — Қозогистон, Туркманистон, Озарбайжон, Тожикистон, Беларусь, Украина, Молдова, Арманистон Республикалари, Россия Федерацияси қонунларидан батамом фарқли равишда — ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган жиноятлар доираси Қирғизистон Республикаси ЖПКда (23-модда. Жиноий таъқиб турлари) белгиланганини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, юқорида таклиф этилган жиноятлар учун ярашув институтини қўллаш мумкинлиги қўйидаги давлатлар қонунчиликларида белгиланганини кўрсатди:

1) оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятини содир этганлик учун — Россия (ЖК 112-м. 2-қ.), Беларусь (ЖК 149-м. 2-қ.), Молдова (ЖК 152-м.), Қозогистон (ЖК 107-м. 2-қ.), Қирғизистон (ЖК 139-м. 2-қ.), Тожикистон (ЖК 111-м. 2-қ.) қонунчилигига;

2) ўлдириш ёки зўрлик ишилиши билан қўрқитиш жиноятини содир этганлик учун — Россия (ЖК 119-м. 1 ва 2-қ.), Арманистон (ЖК 137-м. 1-қ.), Молдова (ЖК 155-м. 1-қ.), Беларусь (ЖК 186-м. 1-қ.), Украина (ЖК 129-м. 1-қ.), Озарбайжон (ЖК 134-м.), Қозогистон (ЖК 115-м.), Қирғизистон (ЖК 145-м.), Тожикистон (ЖК 120-м.) қонунчилигига;

3) оғирлаштирувчи ҳолатларда ҳақорат қилиш жиноятини содир этганлик учун —

Беларусь (ЖК 189-м. 1 ва 2-қ.), Озарбайжон (ЖК 148-м.), Қозогистон (ЖК 131-м.), Туркманистан (ЖК 133-м.), Тожикистон (ЖК 137, 330, 372-м.м.) қонунчилигида (Қирғизистон Республикаси қонунчилигида ушбу қилмиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган);

4) талончилик жиноятыни содир этганлик учун — Россия (ЖК 161-м. 1-қ.), Молдова (ЖК 187-м. 1-қ.), Беларусь (ЖК 206-м. 1-қ. ва 2-қ.), Қозогистон (ЖК 191-м. 1-қ.), Қирғизистон (ЖК 201-м. 1 ва 2-қ.), Тожикистон (ЖК 248-м. 1-қ.) қонунчилигида;

5) солиқлар ва бошқа мажбурий түловларни тұлашдан бүйин товлаш жиноятыни содир этганлик учун — Россия (ЖК 198-м. 1 ва 2-қ., 199-м. 1-қ.), Арманистон (ЖК 205-м. 1-қ.), Молдова (ЖК 244-м. 1-қ., 244-1-м. 1 ва 2-қ.), Беларусь (ЖК 243-м. 1-қ.), Украина (ЖК 212-м. 1, 2 ва 3-қ.), Қозогистон (ЖК 244-м., 245-м. 1 ва 2-қ.), Қирғизистон (ЖК 231 ва 232-м.м.), Тожикистон (ЖК 292-м. 1-қ., 293-м.) қонунчилигида;

6) хавфсизлик талабларында жавоб бермайдыган товарларни үтказиш мақсадини

күзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд үтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар күрсатын жиноятыни содир этганлик учун — Россия (ЖК 238-м. 1-қ.), Арманистон (ЖК 279-м. 1-қ.), Беларусь (ЖК 338-м. 1-қ.), Қозогистон (ЖК 306-м. 1 ва 2-қ.), Қирғизистон (ЖК 282-қ.), Тожикистон (ЖК 209-м. 1 ва 2-қ.) қонунчилигида;

7) оғирлаштирувчи ҳолатларда безорилик жиноятыни содир этганлик учун — Россия (ЖК 213-м. 1-қ. «а», «б» бандлари), Молдова (ЖК 287-м. 2-қ.), Беларусь (ЖК 339-м. 1 ва 2-қ.), Қозогистон (ЖК 293-м. 2-қ.), Тожикистон (ЖК 237-м. 2-қ.) қонунчилигида.

Хуоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқорида көлтирилген фикр, мулоҳаза ва таклифларни қонунчиликда жорий қилиш орқали уни такомиллаштириш, мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, инсон хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, халқни рози қилиш, бағрикенглик, кечиримлилик каби қадриятларимизга қонунчиликда кенг йўл очиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши қурашда улкан аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. –Т., 2015. –Б. 126.

<sup>2</sup> Йил давомида 35,7 минг киши судланди, 867 киши оқланди //<https://www.gazeta.uz/uz/2019/01/10/sud/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 20.01.2018)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва түлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Умумий қисм / М. Рустамбоев. – Т., 2016. –Б.482.

<sup>4</sup> Lex-uz on-line Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий сайти. <http://www.lex.uz/docs/3107036#3109146> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 24.01.2019)

<sup>5</sup> Lex-uz on-line Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий сайти.<http://lex.uz/pdfs/4168749>(Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 22.01.2019)

<sup>6</sup> Арманистон Миллий Мажлиси расмий сайти [www.parliament.am/legislation](http://www.parliament.am/legislation). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.12.2018); Беларусь Республикаси Миллий хуқуқий Интернет портали [www.pravo.by/pravovaya-informatsiya](http://www.pravo.by/pravovaya-informatsiya). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.12.2018); Россия Федерацияси Хуқуқий ахборот расмий интернет портали. [www.pravo.gov.ru](http://www.pravo.gov.ru) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.12.2018); Қозогистон Республикаси Хуқуқий ахборот (қонунчилик) комплекси. [www.online.zakon.kz](http://www.online.zakon.kz). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.12.2018); Қирғизистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Хуқуқий ахборот марказлашган маълумот банки. <http://cbd.minjust.gov.kg> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.12.2018); Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий қонунчилик маркази. <http://www.mmk.tj/ru/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.12.2018); Туркманистан хуқуқий ахборот маркази сайти. [www.minjust.gov.tm/ru](http://www.minjust.gov.tm/ru) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.12.2018), Украина Олий Радаси расмий веб-портали. [www.zakon0.rada.gov.ua](http://www.zakon0.rada.gov.ua) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт:

27.12.2018); Озарбайжон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий актлар ягона электрон базаси. [www.e-qanun.az/](http://www.e-qanun.az/) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.12.2018).

<sup>7</sup> Грузия Қонунчилик ахборотномаси сайти [www.matsne.gov.ge](http://www.matsne.gov.ge). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.12.2018);

<sup>8</sup> Қирғизистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот марказлашган маълумот банки. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111530> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 22.01.2019)

## **ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИГА ҚАРШИ КУРАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида 2019 йил 22 март куни «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларининг ноқонунний айланишига қарши кураш: муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг ноқонунний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидириув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишнинг хусусиятлари, жиноятчиликка қарши курашда тезкор ишловни амалга оширишда тезкор киритиш ва ниқобланган операция тезкор-қидириув тадбирларининг ўрни ва аҳамияти, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишда қўмаклашувчи шахсларнинг имкониятларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишда қўмаклашувчи шахсларнинг имкониятларидан фойдаланиш, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг хусусиятлари, гиёҳвандлик моддалари билан қонунга хилоф равишида муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда давлатлар ўртасида амалга ошириладиган ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари, амалиётда учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари сингари долзарб масалаларга оид маъruzалар тингланди.

Шунингдек, тадбирда амалий мисоллар, статистик таҳлил натижалари, наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этишда ўтказиладиган тезкор-қидириув тадбирларининг турлари, уларни ўтказиш асослари ва шартларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларининг ноқонунний айланиши жиноятчиликка қарши курашишда тезкор-қидириув тадбирларини самарали ташкил қилиш учун юксак маънавиятли профессионал кадрлар тайёрлаш, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишда қонунийликка риоя қилиш, бу борада амалиётда мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ечимини топиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

**М. Р. Чутбаев,**

*ИИВ Академияси илмий-амалий тадқиқотлар маркази катта илмий ходими;*

**М. Э. Муминов,**

*ИИВ Академияси илмий-амалий тадқиқотлар маркази илмий ходими*

## **СУД-ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЖИНОЯТ ИШИННИНГ ЭЛЕКТРОН ШАКЛИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада жиноят ишини юритишнинг электрон шакли ва унинг бир қатор афзалликлари ҳамда уни жорий қилиш жараённада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** электрон жиноят иши, ахборот технологиялари, электрон ташувчилар, техник воситалар, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд.

### **Перспективы внедрения электронной формы уголовного дела в деятельность следственно-судебных органов**

**Аннотация.** В статье рассматривается электронная форма уголовного дела и ряд преимуществ данной формы, а также задачи, которые необходимо выполнить при его реализации.

**Ключевые слова:** электронное уголовное дело, информационные технологии, электронный носитель, технические средства, доследственная проверка, дознание, предварительное следствие и суд.

### **Prospects for the introduction of electronic forms of the criminal case in the activities of the investigative and judicial bodies**

**Annotation.** The article discusses the electronic form of the criminal case and a number of advantages of this form, as well as the tasks that must be performed during its implementation.

**Keywords:** electronic criminal case, information technology, electronic media, technical resources, pre-investigation check, inquiry, preliminary investigation and court.

Мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, жиноятчиликка қарши курашнинг замон талаблари даражасида олиб борилишини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу борада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ҳимоясини таъминлаш муҳим омил деб эътироф қилинди.

Юқорида қайд этиб ўтилган саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида 2018 йилнинг 14 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги қарор<sup>1</sup>нинг қабул қилиниши жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратишида муҳим қадам бўлди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ҳамда Ички ишлар вазирлигининг суриштирув ва дастлабки терговни юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Унга қўра, жиноят ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклда юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва судлар, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашинуви имкониятини берувчи ҳимояланган тизимни, жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини

интеграция қилиш, жиноят ишлари бўйича статистика юритишни автоматлаштириш орқали жорий қилиш белгиланди.

Бугунгача жиноят иши бўйича асосий ахборот ташувчи манба қофоз ҳисобланган. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорлари, тергов ҳаракатлари натижалари процессуал ҳужжатларда ёзма тарзда акс эттирилади. Ҳатто ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳамда бошқа тергов ва процессуал ҳаракатлар натижасида олинган фотосуратлар ҳам қоғозда акс эттирилган фотожадваллар шаклида расмийлаштирилган ҳолда жиноят ишига қўшилади. Жиноят ишининг мураккаблиги ва кўп эпизодлилиги, судга оид экспертизаларнинг кўплаб ўтказилиши, процесс иштирокчилари сонининг кўплиги муқаррар равища улар билан боғлиқ тергов ва процессуал ҳаракатлар натижаларини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларнинг кўпайишига олиб қелади ҳамда жиноят ишининг катта ҳажмдаги жилдларини юзага келтиради. Кўп ҳолларда тергов амалиётида жиноят ишларининг жилдлари 50 тадан ошиб кетиши ҳолатлари ҳам кузатилган. Бундан ташқари, қоғозларда расмийлаштирилган ҳужжатларни олов ёки қоғоз хусусиятини бузувчи бошқа воситалар таъсиридан тўлиқ ҳимояланган деб бўлмайди, чунки ташқи таъсиrlар бу каби ҳужжатлар ёки унинг айrim қисмлари йўқ бўлишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун жиноят ишларини юритиш ва одил судловни такомиллаштиришнинг дастлабки қадамларидан бири — қоғоз шаклидаги процессуал ҳужжатлардан воз кечиш ва жиноят ишини юритишнинг янги шаклига ўтиш. Бунинг учун жиноят ишининг электрон шаклидан муқобил равища фойдаланиш таклиф қилинади. Бу эса, ўз навбатида, далилларни тўплаш ва процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини анча соддалаштирувчи тизим бўлиши лозим.

Бу тизим жиноят иши материалларини рақамли ахборот сифатида сақлашга мўлжалланган ва қоғоз шаклидаги жиноят иши ўрнини босувчи, жиноятни тергов қилиш

жараёнида портатив компьютер ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган ҳамда далилларни тўплашга хизмат қилувчи электрон дастур бўлиши лозим. Шу билан бирга, ушбу рақамли воситада жиноят ишини қўзгатишдан то ҳукмнинг ижрога қаратилган даврига қадар кетма-кет ҳаракатлар алгоритмини (иш юритишни) ўз ичига олган алоҳида процессуал ҳужжатларнинг шакл ва шаблонларини (масалан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ёки таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ҳужжатнинг тегишли қисм ва бўлимларини маълумотлар билан тўлдириш), шу ҳужжатлар асосида олинган далилларнинг барчасини, жумладан фотосуратлар, видео ва овоз ёзувлари, шунингдек, бошқа файллар ва дастурий таъминот маҳсулотларининг барча маълумотларини электрон шаклда қўшиш имконини берадиган, пировардида жиноят ишини ташкил этадиган дастур бўлиши лозим.

Шу муносабат билан ҳозирги вақтда жиноят иши электрон кўринишининг техник тавсифларига эмас, балки келгуси йилларда ушбу технологиянинг пайдо бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасида далилларни қайд этишда ёрдамчи усуllар ҳақидаги қоида назарда тутилган бўлиб, унга кўра: далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуllари қўлланилиши мумкинлиги, шунингдек, суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуllари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, ушбу нормада ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса

содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шартлиги акс эттирилган<sup>2</sup>. Шу ўринда «ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари кўлланилиши мумкин» деган жумлага эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жумла мавхум бўлиб, Жиноят-процессуал кодекснинг бошқа нормаларида ушбу усуллар ҳақидаги қоидалар акс эттирилмаган. Ҳозирда жиноят-процессуал қонунчиликда баённомаларни расмийлаштиришда айнан қандай техник воситаларни кўллаган ҳолда далилларни расмийлаштириш ва электрон ташувчи воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ қоидалар ҳам киритилмаган.

Юқоридаги қоидаларни таҳлил қилган ҳолда, жиноят-процессуал қонунда келтирилган «техник воситалар» деганда электрон жиноят ишини тушунмаслик керак, чунки электрон жиноят иши суриштирув ва тергов органлари тергов қилинаётган жиноят ишларини юритишда фойдаланадиган бошқа рақамили қурилмаларнинг техник кўрсаткичларига мос келади.

Техник воситалар деганда биз фақат жиноят процесси иштирокчиларидан, шу жумладан, тергов ҳаракатларини юритишда олинган ҳамда жиноят ишига қўшилган ахборот ташувчи техник воситаларни тушунишимиз мумкин. Бундан ташқари, электрон рақамили медиа воситаларида турли хил қаттиқ дисклар: USB-флешкалар, хотира карталари, SSD-дисклар, шунингдек маълумотларни тўпловчи: HDD-дисклар, CD/DVD/Blue-Ray-дисклар ва бошқалар алоҳида ўрин эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, «техник воситалар» тушунчаси «жиноят ишининг электрон шакли» тушунчасига жуда яқин ҳамда ўхшаш дизайн ва техник хусусиятларга эга, шунингдек, процессуал нуқтаи назардан ушбу рақамили ахборот ташувчилар жиноят иши материалларини, ҳатто фотосурат ва видеофайлларни ўз ичига олган маълумотларни электрон шаклда тўплаш ва сақлашга имкон беради.

Шундай қилиб, Жиноят-процессуал кодексда жиноят ишининг электрон шаклини жорий этиш шартлари, шу жумладан, меъёрларда мавжуд бўлган «техник воситалар» ва «электрон ахборот ташувчи» тушунчалари билан таъминланиши лозим. Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчиликда жиноят ишининг электрон шаклини жорий этиш билангина чекланмасдан жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларини электрон жиноят ишига мос тарзда такомиллаштириш лозим.

Бироқ, ҳар қандай янги технологиялар билан бўлгани каби, жиноят ишининг электрон шаклини жорий этиш билан боғлиқ бир қатор вазифаларни амалга ошириш талаб этилади.

*Биринчидан*, электрон жиноят иши ва электрон маълумотлар базасини заарли дастурлардан, рухсатсиз фойдаланиш ва хакерлик ҳужумларидан ҳимоя қилиш тизимини тадқиқ этиш ва ушбу технологияларни жиноий ишларни юритишда қўллаш лозим. Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекснинг 353-моддасида белгиланган жиноят ишидаги маълумотларни ошкор қилмаслик талабига тўлиқ риоя қилиш зарур<sup>3</sup>. Электрон жиноят ишидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш мақсадида тизимнинг хавфсизлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади.

*Иккинчидан*, барча тергов, суриштирув ва прокуратура органларини мобиль автоматлаштирилган тизим ва технологиялар билан жиҳозлаш масаласини ҳал қилиш керак, шундагина ушбу процесс иштирокчилари эркин тарзда ва қийинчиликлариз жиноят иши материалларини тўплашлари ҳамда электрон жиноят иши материалларини шакллантиришлари мумкин бўлади.

*Учинчидан*, ахборот технологиялари ривожланиб бораётган ҳозирги даврда гараз мақсадларни кўзлаган шахслар томонидан электрон жиноят иши маълумотларини ошкор қилиш, материалларни ноқонуний ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, унга ёлғон ахборотларни киритиш

ёки айрим ҳужжатларни ёхуд ҳужжатлардаги маълумотларни сохталашибирининг олдини олиш мақсадида барча ҳудудларда фаолият олиб бораётган тергов, сурештирув, прокуратура ва суд органларининг барча таркибий тузилмаларида электрон жиноят иши материаллари процессуал шаклининг мукаммал ҳимояланган ягона тизими (ягона дастур)ни яратиш мақсадга мувофиқ.

**Тўртингидан**, «электрон жиноят иши»-дан фойдаланиб, жиноят процесси иштирокчиларининг (айниқса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки жабрланувчи) иштирокчиларининг ҳукуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига ёки чеклаб қўйилишига йўл қўймаслик жуда муҳим. Бу, ўз навбатида, амалдаги процессуал қонуларга глобал ўзгаришлар киритилишини талаб қиласди.

**Бешинчидан**, электрон жиноят ишининг жорий қилиниши процесс иштирокчиларининг жиноят иши материаллари билан танишириш институтига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси томонидан ўз ҳисобидан жиноят иши материалларидан нусха олиш билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Бунда электрон жиноят ишининг жорий қилиниши процесс иштирокчиларини жиноят иши материаллари билан танишириш институти ҳам такомиллаштиришни тақозо этади.

**Олтингидан**, электрон жиноят иши технологиясидан муваффақиятли фойдаланиш учун жамиятдаги ҳар бир инсон компьютер техникаси воситаларидан эркин фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши керак, аммо ҳозирги пайтда мамлакатимиз фуқароларининг аксарияти (айниқса, катта ёшдаги авлод) бундай кўникмаларга тўлиқ эга эмас. Ушбу муаммонинг ҳал этилиши жиноят процесси иштирокчиларининг тегишли органларга электрон шаклларда мурожаат қилиш ҳуқуқини тўлиқ кафолатлади.

**Еттингидан**, жиноят ишларини юритиш жараённада тергов, экспертиза, суд ва бошқа органларининг электрон жиноят иши материаллари ишончлилигини таъминлаш механизми билан боғлиқ масалани, яъни

ушбу органлар томонидан ҳужжатларни электрон муҳр билан тасдиқлашни ҳал этиш лозим, чунки рақамли имзо тизимида рақамли шаклдаги муҳрлар масаласи ҳал этилмаган ва Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрдаги «Электрон ҳукумат тўгрисида»ги қонунида ҳам бу масала ўз ечимини топмаган. Ушбу масалани «Электрон ҳукумат тўгрисида»ги қонуннинг 3-моддаси 6-бандида келтирилган тартибда жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлар ва мансабдор шахслар, шунингдек жиноят ишига тааллуқли ҳужжатларнинг электрон нусхасини тақдим қилаётган тегишли орган ва ташкилотлар ягона идентификаторлар билан таъминланиши ҳамда электрон ҳужжатларни ушбу ягона идентификаторлар ёрдамида тасдиқлаш масаласи ҳал этилиши мақсадга мувофиқ<sup>4</sup>.

**Саккизингидан**, электрон шаклдаги жиноят ишига ўтиш ҳеч қандай кескин ўзгаришларсиз, босқичма-босқич, тўғри ва изчил бўлиши керак. Бизнингча, дастлабки босқичда жиноят ишининг икки шакли (ҳозирги қоғоз ва янги электрон шакли) бир вақтнинг ўзида амалда бўлиши лозим, бу эса янги тизимнинг тажрибадан ўтиш жараённадаги турли муаммо ва камчиликларни жиноят ишига салбий таъсирларсиз бартараф этишга имконият яратади.

**Тўққизингидан**, жиноят ишининг электрон шаклини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мувофиқлаштирувчи орган сифатида намоён бўлиши лозим, чунки жиноят содир этилгани ёки унга суюқасд қилингани ҳақида хабар келиб тушганидан бошлаб то суднинг қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорлари ижрога йўналтирилгунинг қадар бўлган жараённи модернизация қилиш, янгилаш ва янада такомиллаштириш бўйича аниқ мақсад учун белгиланган дастурни қабул қилиш терговга қадар текширув, сурештирув, дастлабки тергов ва суд босқичларида илгор технологиялар пайдо бўлишига замин яратади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жиноят ишининг электрон шакли жорий этилиши билан боғлиқ бир қатор вазифаларнинг амалга оширилиши жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликнинг самарали тизимини яратиш, давлатда

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сонли қарори // <https://www.nrm.uz>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://www.lex.uz/>

<sup>3</sup> Ўша манба.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрдаги «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги ЎРҚ-395-сон қонуни // <https://www.lex.uz>

## **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШ – ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ ГАРОВИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги «Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3919-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси доирасида 2019 йил 1 март куни ИИВ Академиясида «Ички ишлар органларида қонунлар ижросини самарали таъминлаш – халқ ишончини қозониш гарови» мазуида конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда «Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмининг бугунги ҳолати», «Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари», «Ички ишлар органларида қонунлар ижросини ташкил этиш» ва «Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш бўйича хорижий тажрибалар» мавзулари бўйича тажрибали мутахассислар ва бой амалий салоҳият ҳамда тажрибага эга профессор-ўқитувчиларнинг маърузалари тингланди.

Конференцияда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаментининг мутахассис ходимлари, ИИВ Академиясининг профессор-ўқитувчилари, Тошкент шаҳар ИИББ Ташкилий департаментининг ходимлари, Раҳбар кадрлар тайёрлаш факультети тингловчилари, кундузги таълим курсантлари ички ишлар органларида Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги, «Медиация тўғрисида»ги, «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ижросини самарали таъминлаш муаммоларини муҳокама қилиб, бу соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Тадбир қизгин мунозара ва муҳокамаларга бой тарзда ўтди, юқорида баён этилган масалалар бўйича мутахассис ходимлар, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда тингловчи ва курсантлар ўртасида амалий фикр алмашуви бўлиб ўтди.

Д. А. Таджисибаева,

ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети таяни докторантурда докторант

## МАҲҚУМЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ БАЪЗИ ЧЕКЛОВЛАРГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

**Аннотация.** Мақолада маҳқумлар конституциявий ҳуқуқларининг ўзига хос жиҳатлари ва уларни амалга ошириш механизми таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** маҳқумнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқий чекловлар, фуқаролар ҳолати, маҳқумнинг ҳуқуқий мақоми.

### О проблемах реализации конституционных прав осужденных

**Аннотация.** В статье анализируются особенности конституционных прав осужденных и механизм их реализации.

**Ключевые слова:** права и обязанности осужденного, правовые ограничения, статус граждан, правовой статус осужденного.

### Some thoughts on the implementation of the constitutional rights of convicts and their restrictions

**Annotation.** The article analyzes the peculiarities of the constitutional rights of convicts and the mechanism for their implementation.

**Keywords:** rights and obligations of the convict, legal restrictions, the status of citizens, the legal status of the convict.

Ўзбекистон истиқлолга эриша бориб, инсон ҳуқуқларига оид умум тан олган ҳалқаро-ҳуқуқий нормаларнинг устуворлигини эътироф этди ва босқичма-босқич ҳаётга жорий эта бошлади. Ўтган йиллар мобайнида суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилинмоқда, жиноят-ижроия тизими либераллаштирилмоқда.

Бунинг натижаси ўлароқ, жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрель) фармони

мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, жумладан, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо муддатини ўтаётган маҳқумларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадига ҳам қаратилган.

Маълумки, озодликдан маҳрум этиш жойларига тушиб қолган (*айниқса, биринчи марта*) маҳқум бундан буёнги ўз ҳуқуқ ва эркинликлари қандай бўлишини ҳамда нималардан маҳрум бўлганини ҳар доим ҳам билавермайди. Бундан ташқари, у озод этилганидан кейин фуқароларга тегишли барча ҳуқуқларини тўла ҳажмда рўёбга чиқара олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ва фуқаронинг барча асосий ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб кўйилган ва кафолатланган. Маҳқум ҳуқуқлари тўғрисида гап кетганида шуни эсда тутиш лозимки, улар Ватанимизнинг бошқа

фуқаролари каби ҳуқуқ ва эркинларга эгадирлар, бироқ маҳкумлик мақомидан келиб чиққан ҳолда уларнинг муайян ҳуқуқлари маълум чеклашларни тақозо этади.

Асосий қонунимизга мувофиқ (*X боб*), инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг чекчегараси конституциявий тузум, маънавият, саломатлик, бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, мамлакат мудофааси ва давлат хавфсизлиги асосларини таъминлаш зарурати меъёрларидан келиб чиқиб белгиланади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати (*мақоми*) ўзида жиноят-ижроия қонунчилиги билан зиммаларига юкланган мажбуриятлар ҳамда ҳукм ижросини таъминлаш учун белгиланган ҳуқуқларни (*қонуний манфаатлари қўшилган ҳолда*) мужассам этади.

Таъкидлаш жоизки, шахс ҳуқуқий мақомини уч турга ажратиш қабул қилинган. Булар: фуқароларнинг умумий ҳуқуқий ҳолати, муайян тоифадаги фуқароларнинг маҳсус ҳуқуқий ҳолати ҳамда фуқаронинг индивидуал ҳуқуқий ҳолати.

Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати улар мақомининг ўзгача маҳсус турини намоён этиб, мамлакатимизнинг бошқа фуқароларидан фарқланувчи белгилари умумий ҳуқуқий фуқаролик мақомига асосланади, чунки озодликдан маҳрум қилиш фуқароликдан маҳрум қилинши келтириб чиқармайди. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга асосан ҳеч ким жиноий жазога ҳукм қилингани учун фуқаролигидан маҳрум қилинмайди. Аксинча, маҳкумнинг жиноий жазо ўтаётганилиги унинг ўз хоҳишига кўра фуқароликдан чиқишига жиддий ғов бўлади. Фуқаролик ҳолатининг сақланиши шундан далолат беради, жиноий жазони ўтаётган маҳкум умум фуқаролар ҳуқуқларидан фойдаланади ҳамда улар зиммасидаги барча мажбуриятларни ҳам адо этади. Фуқароликнинг сақланиши улкан маънавий-сиёсий аҳамият касб этади. Давлат ўз фуқароларидан воз кечмайди, улардан интиқом олмайди, аксинча, худди қонунга итоаткор фуқаро-

лари сингари уларнинг ҳуқуқ, эркинлик ҳамда қонуний манфаатларини ҳурмат қиласди ва ҳимоялайди. Жазо ижросини таъминлаш жараёнида маҳкумлар жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланган **истисно** ва **чекловларни** (Жиноят-ижроия кодекси, 8-м.) инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши кафолатланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган шахс содир этган жинояти учун ўз ҳуқуқларининг чекланишида акс этган жазони адо этади. Дастреб бу Конституция билан кафолатланган бўлса-да, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ пайтида рўёбга ошмайдиган ҳуқуқлари, яъни республика ҳудудида фуқаронинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиш эркинлиги (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 28-м.) ва турар-жой дахлсизлиги (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 27-м.) ҳуқуқидир.

Маҳкумлар шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 25-м.) ҳам маҳрум. Улар яшаётган турар-жойлар (ва уларнинг ўзлари ҳам) тинтуб қилинади, нарса ва буюмлари эса кўздан кечирилади (Жиноят-ижроия кодекси, 67-м.). Бундан ташқари, маҳкумлар Конституция билан кафолатланган шахсий ҳаётига аралашибдан ҳимояланиш, яъни ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, почтага оид ва бошқа алоқалари сир сақланиши ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилгандирлар.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар мунтазам текширувлар ва назорат остида, шу жумладан, техник кузатув воситаларидан фойдаланиш шароитида сақланадилар (Жиноят-ижроия кодекси, 65-м.). Уларга тегишли посилка, йўқлов, бандероллар кўздан кечирилади (Жиноят-ижроия кодекси, 78-м.), улар томонидан юбориладиган ва қабул қилинадиган хат-хабарлар эса цензурадан ўтказилади (Жиноят-ижроия кодекси, 79-м.), баъзи ҳоллар эса (Омбудсманга хат юбориш) бундан мустасно. Маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашув-

лари жазони ижро этиш жойларидаги ходимлар назоратида амалга оширилади (Жиноят-ижроия кодекси, 77-м.).

Шу тариқа хulosага келиш мумкинки, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган маҳкумлар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг талайгина қисмидан маҳрумдирлар, бу эса мазкур жазо турининг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ.

Маҳкумлар учун ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқидан фойдаланишда ҳам анчагина жиддий тақиқлар мавжуд. Маҳкумларда сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқи йўқ, бироқ жазони ижро этиш жойларida қизиқишлигарига асосланган қўнгилли жамоа кенгашлари, шохобчалари (спорт, оммавиймаданий, меҳнат, таълим бўйича) тузиш йўлга қўйилган. Бунда маҳкумлар жамоаларининг фаолияти чекланган доирадаги ўзини ўзи бошқариш негизига қурилган бўлади. Уларнинг фаолиятини муассаса маъмурияти назорат қилиб боради ва бу том маънодаги жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳисобланмайди.

Маҳкумлар митинг, йигилиш, тантанали юриш ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқидан батамом маҳрум қилинган. Жиноят-ижроия кодекси 74-моддасига асосан уларнинг оммавий йигилиш ва митинглар уюштириши оммавий тартибсизликлар уюштириш ва маъмуриятга бўйсунмаслик деб баҳоланади, бу эса, ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Шу билан бирга, маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида кўрсатилган жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилган.

Ижтимоий-иктисодий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир инсоннинг асосий моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Озодликдан маҳрум этиш шароитларида ресурслар чекланган бўлиб, ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларни қондириш ҳуқуқи алоҳида аҳамият касб этади. Маҳкумлар таълим олиш ҳуқуқига эга

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 41-м., Жиноят-ижроия кодекси 100- ва 101-м.), бироқ улар ҳукм қилингунига қадар борган таълим муассасаларида ўқий олмайдилар.

Маҳкумларнинг оналик ва болаликнинг муҳофазаси ҳуқуқи ҳам бир мунча чеклашлардан холи эмас. Маҳкума аёллар ўз боласининг ёнида мунтазам бўлиши мумкин эмас, чунки улар юқлатилган бошқа мажбуриятларни адо этиши ҳамда меҳнат қилиши ҳам зарур. Бироқ, шунга қарамай, маҳкуманинг фарзанди уч ёшга тўлмаган бўлса, уни жазони ижро этиш муассасаси қошидаги болалар уйига жойлаштириш ҳуқуқига эга (Жиноят-ижроия кодекси, 130-м.), уч ёшдан кейин эса боласини муассаса ҳудудидан ташқарига чиқиб, жойлаштириб келиш ҳуқуқи ҳам таъминланади.

Маҳкумлар мулқдорлик ҳуқуқини сақлаб қоладилар, яъни мулкка эгалик қиласадилар, уни тасарруф этадилар ва ундан фойдаланадилар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 54-м.). Лекин мулкка қонуний эгалик ҳуқуқида бир қанча тафовутлар мавжуд бўлиб, улар мулкнинг жазони ўташ жойларидан ташқарида эканлигидан келиб чиқади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, маҳкум ўзига тегишли мулкни сақлаш мажбуриятидан озод этилмаган, аммо мулқдорлик ваколатини амалга ошириша чекланган: мулкидан фойдалана олмайди, тасарруф этишни эса қонуний вакиллари орқали амалга оширади.

Жазони ижро этиш жойларida шахсий фойдаланишида бўлган мулкка нисбатан маҳкумнинг эгалик ва тасарруф этишида тўғридан-тўғри чекловлар мавжуд (Жиноят-ижроия кодекси, 66-м.). Бундан ташқари, ички ишлар тизимининг ушбу соҳасида маҳсус норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-қоидаларида<sup>1</sup> маҳкумларнинг сақлаши рухсат этилган ва тақиқланган нарса ва буюмлар рўйхати келтирилган.

Маҳкумнинг чекланиши зарур бўлган ҳуқуқлари орасида меҳнат қилиш ҳуқуқига тўхталиб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг 37-моддасига биноан, ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга; 38-моддасида эса иш вақти, дам олиш, ҳақ олиш ва меҳнат таътили белгиланиши ҳақида сўзборади. Мазкур ҳуқуқлар маҳкумларга муайян чекловларни (Жиноят-ижроия кодекси 88—96-мм.) инобатга олган ҳолда кафолатланади. Бошқа томондан, маҳкумлар учун меҳнат қилиш — ҳуқуқ эмас, мажбуриятдир.

Ўзбекистон фуқаролари бўлган маҳкумлар умумфуқаровий мажбуриятларни бажаришдан, масалан, вояга етмаган фарзандлари ёки меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ота-оналари учун замхўрлик қилишдан озод этилмаган (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64- ва 66-мм.), бироқ ҳукмда бу қоидалардан истиснолар ҳам белгиланиши мумкин. Маҳкум озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бўлса, ҳарбий хизматни ўташга чақирилмайди, шунчаки жазо муддати даврида ҳарбий

мажбурияти тўхтатиб турилади. Бу ҳолат маҳкум барча фуқаролар каби ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ ҳукуқидан маҳрум қилинишини англатмайди.

Ҳуқуқий чеклашлар давлат мажбурловини ифодалайди. Жиноят-ижроия ҳуқуқий муносабатлар фуқароларни маҳкумлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган турли тажовузлардан муҳофазалашга хизмат қилади ҳамда олдини олиш, барҳам бериш, айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш орқали амалга оширилади. Маҳкум ҳуқуқларидағи мазкур чекловлар, биринчидан, уларнинг ижтимоий заарли хулқларини тийиб туради; иккинчидан, уларни ижтимоий фойдали хулқ-атворга ундан, қонунга тоаткор хулқни рағбатлантиради.

Мухим жиҳати, Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонунчилигида халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомала қилишга доир принцип ва нормалари инобатга олиниши лозим, уларга зид келиши мумкин эмас.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 29.12.2012 йилдаги 174-сонли «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муасассаларининг ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш» тўғрисидаги буйруги

**K. Розимова,**

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчisi

## **ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАКРОРАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ ИНСТИТУТИ**

**Аннотация.** Мақолада жиноят қонунчилигида такроран жиноят содир этиш институтига оид фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, мазкур институтни хорижий давлатлар қонунчилиги билан таққослаган ҳолда амалдаги Жиноят кодексидан чиқариб ташлаш ҳамда такроран жиноят содир этиш тушунчасини жиноятлар мажмугиға киритиш таклифи илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** жиноятлар мажмуги, одиллик принципи, такрорий жиноят, суд-тергов амалиёти.

### **Институт повторного совершения преступления в уголовном законодательстве**

**Аннотация.** В статье рассматривается институт повторного совершения преступления в уголовном законодательстве. Выдвинуты предложения по исключению данного института из действующего Уголовного кодекса и внесению понятия совокупность преступлений, дан сравнительный анализ зарубежного законодательства.

**Ключевые слова:** совокупность преступлений, принцип справедливости, повторное преступление, практика судебного следствия.

### **Institute for repeatedly commission of a crime in the criminal legislature**

**Annotation.** The article discusses the institution of the repeatedly commission of a crime in a criminal legislature. Proposals were also made on excluding from the current Criminal Code and introducing the concept of repeatedly crime into a collection of crimes, relatively to this institution with the legislation of foreign states.

**Keywords:** a collection of crimes, the principle of justice, a repeatedly crime, the practice of judicial investigation.

Бир қанча жиноятлар содир этилганида уларни Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддаси, бир моддасининг битта қисми, бир моддасининг турли қисмлари ёки турли моддалари билан квалификация қилиш ҳамда жазо тайинлаш масалалари жиноятнинг қайси тури содир этилганига боғлиқ. Бир қанча жиноят содир этишнинг турлари бўлган такрорий ва рецидив жиноятлар бўйича жазо тайинлаш масаласи бутунга қадар жиноят ҳуқуқи назарияси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Қўйида Жиноят кодексининг VIII бобида назарда тутилган бир қанча жиноят содир этишнинг шакллари бўлган такроран жиноят содир этиш (ЖК 32-м.), жиноятлар мажмуги (ЖК 33-м.) ҳамда рецидив жиноят (ЖК 34-м.) бўйича жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқамиз.

«Такроран жиноят содир этиш» тушунчаси борасида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ихтилофлар мавжуд. Хусусан, Н.Е.Крилова такроран жиноят содир этишни айни бир жиноятнинг ёхуд ўзаро яқин (турдош) бўлган жиноятларнинг қайта содир этилиши ҳамда ҳеч бири учун судланмаганлик сифатида таърифласа<sup>1</sup>, ўзбек ҳуқуқшунослари А.К.Иркаходжаев ва У.Ш.Халиков тақроран жиноят содир этиш бир қанча жиноятлар содир этишнинг мустақил шакли сифатида қатор ўзига хос белгиларга эгалигини, яъни тақрорий жиноятларни жиноят қонунчилигида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ ўхшащ жиноятлар ташкил қилишини, бунда шахс илгари содир этган жиноятларининг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтадилар<sup>2</sup>.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса тақроран жиноят содир этишнинг қўйидаги жиҳатларини

санаб ўтадилар: 1) жавобгарликка тортиладиган шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилганлиги; 2) қилмишларнинг турли вақтларда содир этилганлиги; 3) шахснинг қилмишларидан биронтаси учун ҳам судланмаганлиги; 4) жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинмаганлиги; 5) жавобгарликка тортиш муддати ўтмаганлиги; 6) ушбу қилмишларнинг ягона қасд ва мақсад билан қамраб олинмаганлиги; 7) қилмишларнинг Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддаси ёки бир моддасининг битта қисмida назарда тутилганлиги<sup>3</sup>.

Професор М. Рустамбаевнинг фикрича, такроран жиноят содир этиш деганда худди шундай жиноятни икки, уч ва ундан ортиқ маротаба содир қилиш тушунилади<sup>4</sup>. Олим, шунингдек, такроран жиноят содир этиш бир хил, баъзан эса бир турдаги жиноятлардан иборат ўзига хос тузилишга эга барқарор алоқалар тизими эканлигини таъкидлаб ўтади<sup>5</sup>.

У.Ш.Холиқулов «такроран жиноят содир этиш» тушунчаси ҳақида сўз юритиб, кўпгина гарб давлатларининг қонунларида такрорийлик жиноят-хуқуқий аҳамият касб этмаслигини, яъни квалификация қилиш белгиси сифатида муҳим эмаслигини, жумладан, Испаниянинг 1995 йилги Жиноят кодексида «такроран жиноят содир этиш» тушунчаси мавжуд эмаслигини қайд этар экан, «такроран жиноят содир этиш» тушунчасига жиноят қонунида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг бир шахс томонидан содир этилиши сифатида таъриф беради<sup>6</sup>.

Професор Р.Зуфаров «порахўрлик жиноятининг такроран содир этилганлиги» тушунчасига пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишнинг такроран содир этилганлиги белгиси бўйича квалификация қилинганида, башарти жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаган бўлса, айнан бир жиноят камида икки марта содир этилганлиги сифатида таъриф беради<sup>7</sup>.

Шу билан бирга, Р.Зуфаров «такроран жиноят содир этиш» тушунчаси ҳақида сўз кетганида ЖКнинг 32-моддаси биринчи

қисмida белгиланган такроран жиноят қоидасидаги бир неча жиноятни турли вақтларда содир қилиши масаласини изоҳлар экан, бунда ушбу қоидани порахўрлик билан боғлиқ жиноятларга қўллаб бўлмаганлигини, бунда суд амалиётида айни вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пора олишни такроран содир этилган жиноят деб ҳисоблаш мумкинми, деган масала ечимида қийинчиликлар туғдиришини таъкидлаб ўтар экан, ўз фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 8-бандида пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишни такрорийлик белгисига кўра тавсифлаш ушбу жиноятнинг ўзи икки маротабадан кам бўлмаган миқдорда содир этилишини ва улардан ҳеч бири учун шахснинг судланмаганлигини ҳамда жиноий жавобгарликка тортишнинг муддати ўтиб кетмаганлигини тақозо этиши кўрсатилган бўлиб, бунда мансабдор шахсни бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пора олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такрорий пора олиш деб тавсифланиши лозимлиги ҳақида судларга тушунтириш берилганлиги билан асослайди. Шу билан бирга, юқоридаги тушунтиришдан келиб чиқиб, бир неча шахсларнинг пора беришлари ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишларини ҳам мазкур ҳолатларда такроран содир этилган жиноят деб квалификация қилиш зарурлигини қайд этади.

Айни пайтда Р.Зуфаров исталган натижага эришишни таъминлайдиган муайян ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик учун порани бўлиб-бўлиб қабул қилиш орқали пора бериш ёки пора олишни ёхуд пора олиш-беришда воситачилик қилишни такроран жиноят содир этиш деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, мансабдор шахс қонунга хилоф равища ҳақни қўйидаги тарзда олаётганида такроран пора олиш ҳисобланишини эътироф этади:

1) турли вақтларда бир неча пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида ҳаракат содир этиш;

2) турли вақтларда мустақил ҳаракат қилган бир неча пора берувчилардан ҳар бирининг манфаати йўлида умумий ҳаракат содир этиш;

3) айни вақтнинг ўзида бир неча пора берувчиларнинг ҳар бири манфаати йўлида алоҳида ҳаракат содир этиш;

4) турли вақтларда биттаю битта пора берувчидан унинг манфаатлари йўлида алоҳида мустақил ҳаракатлар содир этиш<sup>8</sup>.

Гувоҳи бўлганимиздек, «такроран жиноят содир этиш» тушунчаси борасида жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар ўртасида хилма-хил ёндашувлар мавжуд.

Энди такроран жиноят содир этиш борасида хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги тажрибасига тўхталиб ўтамиз. Такроран жиноят содир этиш институти АҚШ, Англия, Франция ва Германия давлатлари жиноят қонунчилигига учрамайди, аммо бир қатор давлатларда бир қанча жиноят содир этишнинг мустақил тури ҳисобланади. Масалан, Латвия Республикаси Жиноят кодексининг 25-моддасига биноан:

а) шахснинг ушбу Кодекс махсус қисмининг битта моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноий қўлмишларни содир этиши, агар бундай такрорийлик учун Кодексда жавобгарлик белгиланган бўлса, қўлмиш такроран содир этилган деб топилади;

б) агар шахс жиноий жавобгарликдан, жазодан озод қилинган, жавобгарликка тортиш мuddati ўтиб кетган, шунингдек, қонунда белгиланган тарзда судланганлиги олиб ташланган ёки тугатилган бўлса, қўлмиш такрорий деб топилмайди;

в) башарти такрорий жиноий қўлмиш таркибининг белгилари мавжуд айбли жиноий қўлмишлар бир моддада кўрсатилган бўлса, жавобгарлик ушбу Кодекснинг шундай жиноий қўлмишлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддасининг қисмлари бўйича белгиланади<sup>9</sup>.

Такроран жиноят содир этиш институти ва тушунчаси 1999 йил 9 июлда қабул қилинган Беларусь Республикаси Жиноят кодексида ҳам келтирилган бўлиб, унинг 41-моддасига биноан ушбу Кодекс Махсус қисмининг битта моддасида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш такроран жиноят содир этиш деб топилиши қайд этилган. Ўз навбатида, мазкур моддада ушбу Кодекс турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш ушбу Кодекс Махсус қисмида тўғридан-тўғри белгиланган ҳолларда такроран жиноят содир этиш деб топилишини, содир этилган жиноятлардан бирортаси учун қонунда белгиланган тартибда судланганлик олиб ташланган ёки жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса, такрорий жиноят деб топилмаслиги ҳам қайд этилган<sup>10</sup>.

Қозогистон Республикаси Жиноят кодексига биноан, такрорий жиноят деганда ушбу Кодекс Махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг турли бандларида, айrim ҳолларда турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш, агар шахс уларнинг биронтаси учун судланмаган ва жиноий жавобгарликдан озод қилинмаган бўлса, такроран жиноят содир этиш деб топилади<sup>11</sup>.

Украина жиноят қонунчилигига ҳам такроран жиноят содир этиш институти мавжуд бўлиб, бунда ушбу тушунчага, Қозогистон жиноят қонунчилигидаги каби, шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг битта бандида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ қўлмишни содир этиши сифатида таъриф берилган<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32-моддасининг биринчи қисмига биноан ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг

бирортаси учун ҳам судланмаган бўлса, такроран жиноят содир этиш деб топилади<sup>13</sup>.

Юқорида келтириб ўтилган Украина, Қозогистон ва бошқа хорижий давлатлар жиноят қонунчилигидаги такрорий жиноят институтидан фарқли равишда, миллий жиноят қонунчилигимизда бир неча жиноятни турли вақтларда содир этиш такрорий жиноятнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Қайд этилган хорижий давлатларда эса икки ёки ундан ортиқ қилимиш такрорий жиноят деб топилиши учун турли вақтларда содир этилган бўлиши зарурий белги ҳисобланмайди.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги тажрибасида такрорий жиноятлар соҳасида Россия жиноят қонунчилиги тажрибаси алоҳида ажralиб туради. Бир қанча жиноятларнинг мустақил шакли бўлган такрорий жиноят, 2003 йил 8 декабрда қабул қилинган қонунга биноан, жиноят қонунчилигидан чиқариб ташланган. Такрорий жиноят институти Россия жиноят қонунчилигидан 2003 йилда чиқариб ташланган бўлиб, орадан 15 йилга яқин вақт ўтган бўлишига қарамай, ҳанузгача мазкур институт юзасида россиялик ҳуқуқшунос олимлар ўртасида баҳс-мунозаралар давом этиб келмоқда.

Чунончи, айрим россиялик ҳуқуқшунос олимлар бир қанча жиноят содир этишнинг шакли бўлган такроран жиноят содир этиш институтининг айбор шахс битта жинояти учун икки марта жавобгарликка тортилишига олиб келишини рўкач қилиб, ушбу институт жиноят ҳуқуқидаги одиллик принципининг бузилишига олиб келиши ҳақидаги фикрни илгари сурган ҳолда жиноят қонунчилигига такроран жиноят содир этиш институтига ҳеч қандай эҳтиёж йўқлигини таъкидласалар<sup>14</sup>, бошқа бир гурӯҳ олимлар эса такроран жиноят содир этиш хулқининг жиноятчида мавжудлиги унинг профессионал даражада криминаллашганидан далолат бериши билан бирга, Россия жиноят қонунчилигидан қилимишни мустақил квалификация қилувчи ва ЖК Махсус қисмида назарда тутилган

нисбатан қаттиқ жазо тайинланишини назарда тутувчи такроран жиноят содир этиш институтининг жиноят қонунчилигидан чиқариб ташланиши узоқ йиллар давомида шаклланган табақалаштиришнинг бутун ижобий тизимини йўққа чиқарганлигини, бир қанча жиноят институтининг бундай ислоҳ қилиниши жиноят ҳуқуқидаги одиллик принципини рўёбга чиқариш бўйича кутилган натижани бермаганлигини, бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида жуда кўп муаммоларни вужудга келтираётганлигини қайд этадилар<sup>15</sup>.

А.И.Сорокин бир қанча жиноят содир этиш институтига жиноий-ҳуқуқий баҳо бериш билан бирга, МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигини таҳлил қилиб, ушбу давлатлар жиноят қонунчилигидаги ижобий жараёнлардан бири сифатида такрорий жиноят институтини чиқариб ташлаш орқали бир қанча жиноят содир этиш институти шаклларининг ислоҳ қилинаётганлигини, бу эса одиллик принципига риоя этилишига кўмаклашишини таъкидлаб ўтади<sup>16</sup>.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган олимлар такрорийлик белгиси жиноят ҳуқуқида айбор шахслар жавобгарлигини нисбатан аниқроқ ажратиш ва индивидуаллаштиришга хизмат қилувчи қўшимча восита бўлгани ҳолда мазкур воситадан бутунлай воз кечмасликни ва уни янада такомиллаштириш ҳамда суд-тергов амалиётида такрорий жиноятлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келаётган мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш лозимлигини таъкидлаб ўтар эканлар, айни вақтда такроран жиноят содир этиш институти билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжудлигини инкор этмаганлар<sup>17</sup>.

Шу ўринда эътибор бериш керакки, такроран жиноят содир этганлик учун жазо жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазога нисбатан енгил бўлиб қолмоқда, бу эса жазо тайинлашда одиллик принципларига мос келмайди. Ушбу қоидаларни суд амалиётидаги муаммоларни чуқур таҳлил

қилган ҳолда такоран содир этилган жиноят ЖКдан чиқарилса, суд амалиётидаги жазо тайинлаш билан бөглиқ муаммолар ўз ечимини топади.

Юқоридаги ЖКдаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ноаниқликларнинг олдини олиш ва ЖКни соддалаштириш мақсадида хориж тажрибасига таяниб, амалдаги ЖКдаги бир қанча жиноят содир этиш институтининг шакллари ва улар учун жазо тайинлашга оид нормаларни янада такомиллаштириш таклиф этилади. Шу

уринда қайд этиш керакки, бугунги кунда жиноят қонунчилигига такоран жиноят содир этиш ва унинг таркиби ҳисобланувчи давомли ҳамда узоқça чўзилган жиноятлар институтларидан аксарият давлатлар воз кечишган. Шунингдек, амалдаги Жиноят кодексидан такорорий жиноят институтини бутунлай чиқариб ташлаш ва «такоран жиноят содир этиш» тушунчасини жиноятлар мажмуига киритиш мақсадга мувофиқ.

- 
- <sup>1</sup> Крилова Н.Е. Домашняя юридическая энциклопедия. – М., 1998. – С. 67.
- <sup>2</sup> Иркакходжасаев А.К., Халикулов У.Ш. Научные основы квалификации преступлений. – Т., 2007 – С. 60.
- <sup>3</sup> Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва айрим ривожланган хориж давлатлари жиноят ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари / Масъул мухаррир ю.ф.д. К. Абдурасурова. – Т., 2007. – Б. 82.
- <sup>4</sup> Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). – Т., 2005. – Б. 311.
- <sup>5</sup> Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т. I. Умумий қисм. – Т., 2010. – Б. 312.
- <sup>6</sup> Халиқулов У.Ш. Вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари. – Т., 2006. – Б. 5.
- <sup>7</sup> Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жавобгарлик. – Т., 2004. – Б.108.
- <sup>8</sup> Ўша жойда. – Б. 109–110.
- <sup>9</sup> Уголовный закон Латвийской Республики // [http://www.pravo.lv/liikumi/07\\_uz.html](http://www.pravo.lv/liikumi/07_uz.html)
- <sup>10</sup> Уголовный кодекс Республики Беларусь // <http://www.unodc.org>
- <sup>11</sup> Уголовный кодекс Республики Казахстан // <http://online.zakon.kz>
- <sup>12</sup> Уголовный Кодекс Украины //<http://pravoved.in.ua>
- <sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – №1. – 3-м.
- <sup>14</sup> Государство и право. – 2003. – № 10. – С. 83.
- <sup>15</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова. – М., 2010. – С. 83; Бойко А. Верните неоднократность // Законность. – 2006. – № 1. – С. 12–13; Галиакбаров Р., Соболев В. Уголовный кодекс РФ: поправки с пробелами // Уголовное право. – 2004. – № 2. – С. 15–17; Игнатов А.Н. Некоторые аспекты реформирования уголовного законодательства // Уголовное право. – 2003. – № 9. – С. 25; Побегайло Э.Ф. Кризис современной российской уголовной политики // Уголовное право. – 2004. – № 4. – С. 112–117; Козлов А.В. Ответственность за совокупность преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 12; и др.
- <sup>16</sup> Сорокин А.И. Множественность преступлений и ее уголовно-правовая оценка: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 21.
- <sup>17</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова. – М., 2010. – С. 84.

**Б. Е. Есимбетова,**

*ИИВ Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедрасининг катта ўқитувчиси*

## **ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УМУМИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш институтини ўрганиш жараёни, муайян умумий тамойиллар (уни қўллаш, ривожлантириш, шакллантириш ва такомиллаштириш учун асос ва шарт-шароитлар), шунингдек, хавфсизлик чораларини қўллашнинг аниқ мезонлари аниқланиши ҳақида фикр юритилган.

**Таянч сўзлар:** хавфсизлик, хавфсизлик чоралари, шахснинг хавфсизлигигини таъминлаш тизими, шахснинг хавфсизлигини таъминлаш обьекти.

### **Особенности обеспечения безопасности участников уголовного процесса**

**Аннотация.** В статье рассматривается процесс изучения института безопасности лица в уголовном судопроизводстве, выявлены некоторые общие начала (основания и условия его применения, развития, становления и совершенствования), а также некоторые критерии применения мер безопасности.

**Ключевые слова:** безопасность, меры безопасности, система обеспечения безопасности лиц, объект обеспечения безопасности лица.

### **General aspects of ensuring the safety of the participants of the criminal procedure**

**Annotation.** In this article was discussed the process of studying the institute of ensuring the security of the participants of the criminal procedure, certain general principles (the basis and conditions for its application, development, formulation and improvement) as well as, the precise criteria for the determination of security measures.

**Key words:** security, security measures, the system of ensuring the personal safety, the object of supplying the personal security.

«2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» асосида судхукуқ тизимини либераллаштириш борасида янги концепциянинг ҳаётга татбиқ этилиши фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш учун ҳукуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда. Бу айниқса, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларда яққол қўзга ташланмоқда. Зеро, барча янгиланишлар замирида қонунийлик, одил судловни таъминлаш ва инсонпарварлик тамоили, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этиш, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсади мужассамдир.

Шу маънода, жиноят-процессуал қонунчиликни янада эркинлаштириш ҳамда такомиллаштиришга йўналтирилган ислоҳотлар доирасида муҳим ўринга эга бўлган жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш институтининг такомиллашуви, энг аввало, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вазифаларининг самарадорлиги ошишига ҳамда принциплари таъминланишига хизмат қиласи.

Зеро, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш институтини ўрганиш жараёни муайян умумий принципларни (уни қўллаш, ривожлантириш, шакллантириш ва такомиллаштириш учун асос ва шарт-шароитларни), шунингдек, хавфсизлик чораларини қўллашнинг аниқ мезонлари аниқланишини назарда тутади.

Бунинг учун, энг аввало, «хавфсизлик» тушунчасига аниқлилик киритишмиз зарур.

Хавфсизлик — мураккаб тизимнинг турли элементларини ўз ичига олган комплекс тушунча. Ушбу тушунча моҳиятан, семантик, ҳуқуқий, доктринал ва қиёсий жиҳатдан кўриб чиқилиши мумкин.

Семантик изоҳлашда хавфсизлик чоралари «тажовуздан ҳимоя қилиш, ...баъзи баҳтсизликлар»<sup>1</sup> сифатида ифодаланади.

Ҳуқуқий талқини амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларда назарда тутилган.

«Хавфсизлик» тушунчасининг қиёсий изоҳи ушбу атамани «жазолаш», «қўриқлаш» ва «ҳимоя қилиш» каби сўзлар билан таққосланишини назарда тутади. Хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос шахсга қаратилган хавф ҳисобланади ва жазони қўллаш учун асос — бу жиноий ҳаракатdir.

Шу маънода, «хавфсизлик» ва «қўриқлаш» терминологияси ўртасидаги муносабатлар, биринчи навбатда, хавфли таҳдид қилиш ёки йуқ қилишдан ўз вақтида ва етарли даражада акс этилишини таъминлаш учун уларнинг умумий йўналишини белгилашдан иборат. Шундан бўлса керак, А.Ю.Епихин «бу атамалар... синонимлар сифатида ишлатилиши мумкин»<sup>2</sup> деб ҳисоблайди. «Хавфсизлик» ва «ҳимоя қилиш» тушунчалари, бир қарашда, маъно жиҳатдан жуда яқин кўринади. Аммо мазмун жиҳатдан муҳим фарқлар мавжуд. Хавфсизлик — ҳолат, вазият, хавфсиз жойда, айрим ҳолларда кимнингдир ҳимоясида бўлиш.

Юқорида келтирилганлар шуни англатадики, хавфсизлик якуний ҳолат сифатида мақсад ҳамда ҳимоя қилиш натижаси бўлиши керак. Ҳимоя қилиш эса, ўз навбатида, хавфсизликни таъминлаш ва таъминлаш воситаси бўлиши мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, «хавфсизлик» тушунчаси «ҳимоя» тушунчасини ўз ичига олади. Ҳимоя хавфсизликка эришиш йўлларидан бири сифатида эътироф этилиши мумкин. «Хавфсизлик» тушунчасининг назарий ва ҳуқуқий таҳлили шуни англатадики, хавфсизлик бу — ҳолат, яъни ташқи ва ички таҳдиддан хавф тугилмасдан олдин ҳаётий муҳим қизиқишлигини ҳимоялашни

англатади. Хавфсизликнинг доктринал талқини илмий адабиётларда кам ёритилган. Хавфсизлик муаммоси йўналишида тадқиқот олиб борувчи айрим муаллифлар «хавфсизлик» тушунчасининг маъно-мазмунига тўғридан-тўғри аниқлик киритишдан четлаб, кўпроқ «хавфсизлик чораларини қўллаш» тушунчасини талқин қилишади<sup>3</sup>.

Л.В. Брусицин хавфсизлик чораларини қўллаш масаласини ҳал қилишда қуйидаги умумий қоидаларни таклиф қиласди:

1) хавфсизлик чораларини қўллаш одил судловни амалга оширувчи ходимларга ноқонуний таъсирнинг олдини олиш ёки бартараф этилишини таъминлаши керак;

2) хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос ҳақиқий ёки эҳтимоли бор таҳдид ҳақиқидаги хабар бўлади;

3) хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор муҳофаза қилинадиган шахсдан илтимоснома мавжудлиги ёки йўқлиги билан боғлиқ бўлмаслиги керак;

4) қарорнинг ўзи асослантирилган қарор шаклида бўлиши керак;

5) хавфсизлик чораларини бекор қилиш учун асос таҳдидни бартараф этиш ёки ҳимояланадиган шахснинг хавфсизлигига боғлиқ мажбуриятларни бажармаганлиги бўлади<sup>4</sup>.

Жиноят процессида шахсий хавфсизлик институтининг самарадорлигини ошириш шартлари моҳиятан икки гуруҳга бўлинади:

1) қонунчилик билан боғлиқ шартлар (яъни, шахснинг хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари) жиноят процессида шахснинг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳуқуқий асос яратишга қаратилган умумий талаблар (мавжуд қонунчиликни тақомиллаштириш ва янгисини қабул қилиш);

2) ушбу институт ҳуқуқий нормаларининг ишлаши (амал қилиш амалиёти) билан боғлиқ шартлар.

Буларга қуйидаги талаблар киради: хавфсизлик чораларини қўллашнинг мураккаблиги; амалдаги қонунчиликни тақомиллаштириш ва янгидан қабул қилиш;

жиноят процессида шахснинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ харакатларнинг қонунийлиги; гумон қилинувчи ва айбланувчининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига хурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, айбланувчи ва ҳимоячи томонлар ўртасида мувозанатни сақлаш; ҳомийлик остидаги шахсларга ноқонуний таъсир қилиш таҳдидига қарши хавфсизлик чоралари; жиноят процесси ва бошқа қарама-қаршиликлар.

Жиноят процессида иштирок этган шахслар учун хавфсизлик чоралари тизими жиноят процессида иштирок этиш ва адолатни тарғиб қилиш билан боғлиқ бўлган шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига реал таҳдид мавжудлигини кўрсатадиган маълумот мавжуд бўлса, ҳомийлик остидаги шахсларга нисбатан қўлланиладиган чоралар тўплами сифатида қаралади.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида, давлат органлари жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилигига нисбатан процессуал ва нопроцессуал ҳимоя чораларини қўллайди.

Процессуал чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига мустаҳкамлаб қўйилган. Нопроцессуал чоралар (масалан, шахсий ҳимояни таъминлаш, ўзини ўзи ҳимоя қилишининг маҳсус воситалари, яшаш жойини ўзгартириш ва бошқалар) жиноят процесси иштирокчилирини давлат томонидан ҳимоя қилишга оид турли идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар билан тартибга солинади.

Жиноят процессида хавфсизликни таъминлаш институтининг муҳим элементи ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга ноқонуний таъсирларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларdir.

Ҳимоя остига олинган шахсларнинг хавфсизлик чораларини таъминлаш тизими фақат процессуал воситалар ва жиноят ишини юритиш давомида ёки жиноят процессида фаолияти билан чекланиши мумкин эмас. У ҳар қандай шахснинг жиноят процессида қатнашиши ва унга ёрдам бериш

учун хавфсиз шароитларни таъминлашнинг умумий ягона мақсади бўлиб, турли хавфсизлик чоралари мажмуини ўз ичига олган мураккаб характерга эга.

Хавфсизлик чоралари табиати жиҳатдан фақат мудофаа (ҳимоя) қилиш бўлиб қолмасдан, айрим ҳолларда улар ҳам тажовузкор хусусиятга эга бўлиши керак (яъни, ҳар хил кутилмаган ноқонуний таъсирларнинг олдини олади).

Хавфсизликни таъминлаш чоралари қаҷон самарали бўлади, қаҷонки хавфсизлик чоралари, эҳтиёт чораларини қўллаш жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини бузиши кутилган шахсларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилганда. Илмий адабиётларида таъкидланганидек, «давлатнинг, инсонинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаси бажарилиши ўта мураккаб масала. У давлат, жамият ва шахснинг барча ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий ва маънавий руҳий кучларини ўз ичига олади»<sup>5</sup>.

Алоҳида гуруҳда ҳимоя остига олинган шахсларга эмас, балки ҳимоялананаётган шахсларнинг хавфсизлигига ноқонуний таъсир ёки таҳдид соладиган субъектларга қаратилган чораларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Амалдаги қонунчиликни ноқонуний тажовузларга қарши курашда қўйидаги чоралар билан амалга ошириш мумкин: тезкор-қидирав хавфсизлик чоралари, жиноят-хуқуқий хавфсизлик чоралари, жазо турларини қўллаш чоралари, маъмурий-хуқуқий хавфсизлик чоралари ва бошқалар.

М.А. Авдеев қўйидаги талаблар бўйича муддатларига қараб қўйидагича тадбирларни таснифлашни таклиф қиласди:

1) муҳофаза қилинадиган шахсга (шахсий ҳимоя, уй ва мулкни муҳофаза қилиш, маҳсус шахсий ҳимоя воситаларини бериш, алоқа ва хавф ҳақида огоҳлантириш, хавфсиз жойга вақтинча жойлаштириш) таъсир ўтказиш тўғрисидаги маълумотномаларни олища қўлланиладиган фавқуллодда хавфсизлик чоралари;

2) жиноят процессининг сўнгига ҳам қўлланилиши мумкин бўлган ва моддий харажатлар билан боғлиқ узоқ муддатли хавфсизлик чоралари: бошқа яшаш жойига кўчириш, ҳужжатлар алмашиш, ташқи кўринишдаги ўзгариш, иш (хизмат) ёки ўқиш ўринларини ўзгартириш.

Шахснинг хавфсизлигини таъминлаш обьекти – қонун қоидалари билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатлардир. Қонунни қўллаш зарурати ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасида зиддият пайдо бўладиган вазият юзага келганда амалга оширилади. Хавфсизликни таъминлаш жараёнида ҳуқуқий тартибга солиш талаб этилади, чунки процесси юритадиган давлат органлари, ҳимояланаётган шахсларга ноқонуний таъсир кўрсатадиган, суд жараёнигача ишни юритишида иштирок этадиган шахслар ўртасида зиддиялар пайдо бўлиши мумкин.

Шахсий хавфсизлик жиноят ишини юритиш жараёни билан бевосита боғлиқ, аммо жиноят иши тутатилгандан кейин ҳам ноқонуний тажовуз содир бўлиши мумкин. Шу сабабли, хавфсизлик обьекти деганда яна жиноят процесси билан боғлиқ турли ҳуқуқий қонунлар томонидан тартибга солинадиган ва ҳимояланаётган шахсларнинг ҳаракатланиши учун нормал шароитларни таъминлайдиган жамоатчилик алоқалари сифатида тушунилиши керак, шундагина ушбу шахсларга ҳужум ва таҳдид қилиш хавфи бўлмайди.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг обьекти бўлиб қўйидагилар хизмат қилиши мумкин:

- 1) номоддий манфаатлар (ҳимоя остига олинган шахснинг ҳаёти, соғлиғи);
- 2) моддий нарсалар (ҳимоя остига олинган шахсга тегишли нарсалар, қимматли қофоз, пул ва бошқалар);
- 3) иш ва хизматлар (хавфсизлик чоралари ва тегишли чораларни амалга ошириш билан боғлиқ);

4) ахборот (ҳимоя остига олинган шахс тўгрисидаги маҳфий ахборот, хавфсизлик чораларини қўллаш).

Шундай қилиб, хавфсизликни таъминлашнинг мақсади қонун билан тартибга солинган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, жиноят ишини юритиш шартлари, ҳимоя остидаги шахсларга уларнинг жиноий-процессуал фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида ноқонуний таъсир қўрсатишига йўл қўймаслик зарурати ҳисобланади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари халқаро-ҳуқуқий, конституциявий ва жиноят-процессуал қонун нормаларини ўз ичига олади.

Хавфсизлик институтининг амалга оширилиши кўплаб зиддиятли вазиятларни, яъни жиноят процесси иштирокчилари, уларнинг қариндошлари ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ишларини юритадиган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, ҳимояланаётган шахсларнинг ва хавфсизлик чораларини амалга оширувчи органларнинг, хавфсизлик чораларини амалга ошириш бўйича қарор қабул қилувчиларнинг манфаатларини ҳал қилиш билан боғлиқ. Жиноят процессида хавфсизлик субъектларининг таснифи, яъни суд жараёнида иштирок этиш учун хавфсиз шароитларни таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларга дахлдор шахслар рўйхатини тузиш ҳам муҳим. Уларнинг ҳуқуқий мақомларини аниқлаш; бу билан боғлиқ процессуал ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар ўрнатилиши зарур. Мисол учун, хавфсизлик субъектлари икки гурухга бўлиниши мумкин: давлат органлари ва шахслар.

А.Ю.Епихининг фикрича, барча хавфсизлик субъектлари уч гурухга бўлингани мақсадга мувофиқ:

- 1) хавфсизлик чораларини қўллаш тўгрисида қарор қабул қиладиган субъектлар;
- 2) хавфсизлик чораларини амалга оширадиган (қўлланадиган, амалга оширадиган) шахслар (органлар);

3) ҳимоялаш зарур бўлган субъектлар (ҳимояга олинган шахслар)<sup>6</sup>.

Биринчи гуруҳ субъектлари жиноят иши бўйича (суриштирувчи, терговчи, суриштирув бўлими бошлиғи, тергов органи раҳбари, судья) процессуал қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар тугаганидан кейин шахсга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш (ўзгартириш ёки бекор қилиш) тўғрисидаги қарор қабул қилиш зарур бўлса, ушбу гуруҳнинг субъектлари рўйхати мазкур иш бўйича иш юритиш ваколатига эга бўлмаган бошқа мансабдор шахслар томонидан тўлдирилиши (ИИО раҳбари, суд ижрочиси, вақтинча сақлаш ҳибсонасиининг бошлиғи, тергов ҳибсонаси бошлиғи) хавфсизлик чораларини қўллаши мумкин.

Иккинчи гуруҳ субъектларини хавфсизлик чораларини бевосита амалга ошириш (қўллаш, амалга ошириш) органлари тоифасига киритиш керак.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари қўйдагиларни ўз ичига олади:

1) ҳимояланаётган шахс ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумотга эга бўлиш;

2) хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилган органдан ўзшимча маълумотлар талаб қилиш;

3) хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилган органдан, мансабдор шахсадан хавфсизлик чораларини ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш ҳақида илтимосномалар бериш;

4) хавфсизлик чораларини амалга оширишда ўрнатилган талабларни ҳимояланаётган шахсадан талаб қилиш;

5) ташкилот, корхона, муассаса мансабдор шахсларининг манзилларига юборилган барча хавфсизлик чораларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракат ва қарорларнинг бажарилишини талаб қилиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноят ишларини юритиши давомида хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қиладиган субъектларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англаган ҳолда уларни лозим даражада амалга ошириши жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий хавфсизлигини ишончли муҳофаза қилишга эришишга сабаб бўлиши билан бирга, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари таъминланishiغا ҳам хизмат қиласи.

<sup>1</sup> Большой юридический словарь (Электронный ресурс //http://slovarey.yandex.ru..)

<sup>2</sup> Епихин А.Ю. Обеспечение безопасности личности в уголовном судопроизводстве. – М., 2004. – С.12–22.

<sup>3</sup> Антонова Л.Г. Цели и задачи уголовного судопроизводства с позиций обеспечения безопасности личности, общества и государства / Л.Г. Антонова, А.Г. оглы Гурбанов, И.Н. Кондрат // Юридический мир. 2008. – № 10. – С. 34.

<sup>4</sup> Брусницын Л.В. Обеспечение безопасности лиц, содействующих уголовному правосудию: мировой опыт и развитие российского законодательства (процессуальное исследование): Монография. – М., 2010. – С. 46.

<sup>5</sup> Володина Л.М. Уголовное судопроизводство: право на справедливую и гласную судебную защиту / Л.М. Володина, А.Н. Володина. – М., 2010. – С. 23.

<sup>6</sup> Епихин А.Ю. Обеспечение безопасности личности в уголовном судопроизводстве. – М., 2004. – С. 22.

**Д. Ш. Умарханова,**

ТДЮУ халқаро оммавий ҳуқуқ кафедраси доцент в.б, юридик фанлар доктори

## **ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА ҮНГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ**

**Аннотация.** Мақолада Европа давлатлари ўртасида амалда қўлланилаётган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми таҳдил қилинган, Европа тизимида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми йўналишларининг ҳуқуқий асослари ва зарурати ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** халқаро ҳамкорлик, жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчилик, экстрадиция, ҳибсга олиш учун Европа ордери, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, халқаро шартнома.

### **Практика Европейского Союза и его государств-членов в сфере осуществления международного сотрудничества по уголовным делам**

**Аннотация.** В статье проводится анализ действующего механизма международного сотрудничества по уголовным делам между европейскими государствами, рассматриваются важность и правовые основы направлений механизма в сфере международного сотрудничества по уголовным делам в европейской системе.

**Ключевые слова:** международное сотрудничество, борьба с преступностью, преступление, экстрадиция, Европейский ордер на арест, взаимная правовая помощь, международный договор.

### **Practice of the European Union and its member States in the field of international cooperation in criminal matters**

**Annotation.** In this article is analyzed the current mechanism of international cooperation in criminal matters between European States. The author considers the importance and legal basis of the mechanism in the field of international cooperation in criminal matters in the European system.

**Keywords:** international cooperation, fight against crime, crime, extradition, European arrest warrant, mutual legal assistance, international treaty.

Бизга маълумки, Европа қитъасида иккита йирик халқаро ташкилот — Европа Кенгаси ҳамда Европа Иттифоқи фаолият олиб боради. Ҳар иккиси ҳам умумий шаклда инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлигини таъминлаш каби масалаларни тарғиб қиласди. Зеро, уларнинг вазифалари турли хил бўлишига қарамасдан, фаолияти давомида бир-бирини тўлдириб боради. Европа Кенгаси Европа мамлакатлари ҳукуматларини бирлаштирган ҳолда, турли масалалар доирасида минимал ҳуқуқий стандартларни қабул қиласди. Европа Иттифоқи эса аъзо давлатлар сиёсий ва иқтисодий интеграция жараёнларининг чукурлашиши масалаларини тартибга солади.

Унинг доирасида ишлаб чиқиладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжат ва келишувлар асосан Европа Кенгаси стандартларига таянган ҳолда қабул қилинади. Европа Кенгасининг кўп йиллик тажрибаси ва амалиёти кўпгина соҳаларда ўзининг фаолиятини кенгайтириш учун асос бўлди. Жумладан, жиноятчиликка қарши кураш, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик каби соҳалар ривожланди.

Европа давлатлари ўртасида амалда қўлланилаётган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми 1957 йилги Экстрадиция тўғрисидаги Европа конвенцияси, мазкур конвенцияга I, II, III, IV қўшимча протоколлар, 1959 йилги Жиноят ишлари

бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Евropa конвенцияси ва I, II қўшимча протоколлари, 1972 йилги Жиноят суд иш юритувини топшириш тўғрисидаги Евropa конвенцияси ҳамда 1983 йилги Maҳкумларни топшириш тўғрисидаги Евropa конвенцияси каби фундаментал ҳалқаро-хуқуқий хужжатларга асосланган.

1957 йилги Экстрадиция тўғрисидаги Евropa конвенцияси — бу турдаги шартномалар ичидаги энг муваффақиятлиси, унинг нормалари бошқа мухим юридик восита — 1977 йилги Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Евropa конвенциясининг сиёсий характердаги жиноятларда айбланаётган шахсларни ушлаб бермаслик соҳасини қўллашнинг қоидаларини тартибга солувчи нормалари билан тўлдирилади<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, амалдаги механизмнинг ислоҳ қилинишида Евropa Кенгашининг Тамперада (1999 йил 15–16 октябрь) суд қарорларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги концепциясининг аҳамияти катта. Айтиб ўтилганидек, у «Иттифоқ доирасида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ҳамкорлигининг пойдевори» бўлиши лозим<sup>2</sup>. Суд қарорларини тан олиш аъзо давлатнинг органи томонидан чиқарилган хужжатнинг *ipso facto* Иттифоқ доирасида тан олишиниши ва ижро этилишини англатар эди. Ўзаро тан олиш Иттифоқ аъзолари ҳамкорлигининг асосий принципларидан ҳисобланиб, жиноят ишлари бўйича ҳалқаро ҳамкорлик тўғрисидаги одатдаги қарашларни ўзгартириб юборган.

Маълумки, бундай ҳамкорлик ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, экстрадиция, маҳкумларни, жиноят иш юритувини топшириш ва ҳамкорликнинг бошқа шу каби йўналишлари ҳуқуқий принципларга асосланган. Жиноят ишлари бўйича ҳалқаро ҳамкорлик соҳасида ўзаро тан олиш концепцияси давлатнинг жиноят ишлари бўйича одатдаги ҳамкорлигидан бир иштирокчи давлат ҳудудида унинг миллий қонунчилигига асосланниб чиқарилган қарор автоматик равишда бошқа иштирокчilar томонидан тан олиниши билан фарқланади. Бундай ёндашув,

биринчи навбатда, миллий ҳудудларда суд қарорларини ижро этиш юзасидан назорат суврен давлат кўлидан чиқиб кетишига олиб келмайдими, деган савол тугдиради. Аммо ўзаро тан олиш принципи Иттифоқ доирасида амалиётда қўлланилмаган янги принцип эмас. Ўзаро тан олиш Евropa Иттифоқи ички бозори ҳуқуқининг фундаментал асосини ташкил этиб, Евropa Иттифоқи Суди қарорларида тан олинади ҳамда Иттифоқ иштирокчи давлатлари қонунчилигини бирхиллаштириш жараёнида қўлланилади<sup>3</sup>. Бундан ташқари, ўзаро тан олиш олдин ҳам Евropa Иттифоқи доирасида фуқаролик ва савдо ишлари бўйича муносабатларда қўлланилган. Шунинг учун ушбу принцип ҳаракати асосида Евropa Иттифоқи иштирокчи давлатларида миллий суд тизимларига ишонч, қонун устуворлигини тан олиш ва жиноят иш юритви жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш каби жиноят ишлари бўйича суд қарорларига нисбатан кенгайтириш масаласи назарда тутилади.

Шундай қилиб, жиноят ишлари бўйича ҳалқаро ҳамкорлик соҳасида суд қарорларини ўзаро тан олиш принципининг амалий натижаси Евropa Иттифоқи иштирокчи давлатларининг ваколатли суд органлари томонидан чиқарилган суд қарорларининг эркин амал қилишига олиб келган. Аммо ушбу концепцияни амалиётга татбиқ қилиш учун жиноят ишини кўриб чиқишининг турли босқичларини ўзида қамраб олган ҳуқуқий чоралар кўрилиши талаб қилинган. Шу боисдан 2001 йилнинг 12 февралида Евropa Иттифоқи томонидан Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини ўзаро тан олиш принципини имплементация қилиш чоралари тўғрисида дастур қабул қилинган<sup>4</sup>. Мазкур Дастур имплементациянинг устувор йўналишлари ва аниқ чораларини белгилаб берган бўлиб, улар ичida Қамоқча олиш учун Евropa ордери (European arrest warrant) алоҳида қайд этилган. Бунинг натижасида эса Евropa қитъасида жиноят ишлари бўйича ҳалқаро ҳамкорлик амалиёти тизимида қўлланилаётган жиноят ишлари

бўйича ҳалқаро ҳамкорлик масалаларининг ўзига хос процессуал механизми, 2002 йил 13 июнданги «Қамоққа олиш учун Европа ордери ва аъзо давлатлар ўртасидаги шахсларни топшириш жараёни тўғрисида»ги Европа Кенгашининг Ҳадли қарори асосида тубдан ўзгаришига эришилди<sup>5</sup>.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши ҳалқаро-хуқуқий доирага жиноятчиликка қарши курашнинг янги шакли, терминологик «топшириш» (surrender) тушунчасини олиб кирди<sup>6</sup>. Қарорнинг 1-моддасига кўра, қамоққа олиш учун Европа ордери деганда иштирокчи давлат томонидан қамоққа олиш ва топшириш учун бошқа иштирокчи давлатга жиноят иши бўйича қидирилаётган, жазо ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ хавфсизлик чораларини ижро этиш учун қўлга олинган шахсга нисбатан суд қарорини тақдим этиш тушунилади<sup>7</sup>.

Қамоққа олиш учун Европа ордери Европа Иттифоқи давлатлари учун 1957 йилги Экстрадиция тўғрисидаги Европа конвенцияси ва «сўров юбориш» принципига асосланган бошқа бир қатор икки томонлама келишувларнинг ўрнини эгаллади. Унга муовофиқ, экстрадиция қилиш тўғрисидаги сўров қидирудаги шахсни ушлаб беришни, кўп ҳолларда, сиёсий сабабга кўра рад қилиш соҳасида кенг имкониятлардан фойдаланувчи иштирокчи давлат вазирлигига жўнатилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Қамоққа олиш учун Европа ордери суд қарори кўринишида, яъни Европа Иттифоқи иштирокчи давлати ваколатига тегишли суд органининг ҳужжати кўринишида тақдим этилади, экстрадиция жараёнида эса шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги якуний қарор маъмурий инстанция томонидан қабул қилинади<sup>8</sup>. Бошқа томондан, Қамоққа олиш учун Европа ордерини қўллашда суд органларининг устуворлиги қарор қабул қилишда сиёсий қарашларнинг таъсирини камайтиради.

Қамоққа олиш учун Европа ордери механизми учун энг муҳим моддий-хуқуқий

муаммолардан бири Қамоққа олиш учун Европа ордери қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар рўйхатини шакллантириш ҳисобланади. Қолаверса, айнан айтиб ўтилган рўйхат қамоққа олиш учун Европа ордерини амалга киритиш тўғрисидаги Ҳадли қарорнинг асосини ташкил этади.

2002 йил 13 июнда қабул қилинган Ҳадли қарорнинг матнига Ҳалқаро жиноят судининг 5-моддасига кўрсатиб ўтилган жиноятларга нисбатан «икки томонлама судловлилик»нинг жорий этилиши асосий фундаментал принцип — янги ҳалқаро суд муассасасининг қўшилиши, Суд иштирокчи давлатларининг мажбуриятлари, Қамоққа олиш учун Европа ордерининг концепцияларига мосдир. Европа Иттифоқи аъзо давлатлари Ҳалқаро жиноят судининг ҳам иштирокчилари ҳисобланади, унинг Статутига асосан эса жиноят иши Ҳалқаро жиноят судида кўрилиши лозим деган қарорга келинса, айбланувчилар топширилиши лозим бўлади.

Бир қанча мамлакатлар (масалан, Португалия ва Словения) қамоққа олиш учун Европа ордери бўйича ўз фуқароларини топшириш имкониятини яратиш мақсадида ўз конституцияларига тузатишлар киритишган. Ушбу жараён етарлича силлиқ ва оғриқлариз амалга оширилди. Шунга қарамасдан, Греция ва Чехия бу масалада ўзларининг эътиrozларини билдиришга ҳаракат қўлган, лекин алоҳида талабнома киритган. Фақатгина Германия, Кипр ва Польша давлатларининг Европа Иттифоқининг бошқа давлатларига ўз фуқароларини қамоққа олиш учун Европа ордерига асосан топширишлари масаласига нисбатан эътиrozлари конституциявий судлари томонидан унинг қонунийлигини кўриб чиқиши босқичига етиб борган. 2004 йилнинг сентябрида Испания судьяси келиб чиқиши сурялиқ бўлган немис фуқаросини террорчиллик ташкилотини қўллаб-куватлашда айблаб, бир вақтнинг ўзида Европа Иттифоқининг бир неча мамлакатларига қамоққа олиш учун ордер чиқарган. Гумон қилинувчи Германияда қўлга олинган

ва Олий миңтақавий суд қарорига кўра Испанияга топширилиши лозим бўлган. Бироқ қўлга олинган шахс Германия Федерал конституциявий судига шикоят қилган ва мазкур суд экстрадиция қилинувчининг ҳуқуқлари бузилаётганлиги ва қамоқقا олиш учун Европа ордери тўғрисидаги Ҳадли қарорини имплементация қилувчи миллий қонун Асосий қонунга зид деб топилган. Шикоят қаноатлантирилиб, бир йил ўтиб Германия ўз Конституциясига зид келмайдиган янги қонун қабул қилишга мажбур бўлган<sup>9</sup>.

Польшада қамоқقا олиш учун Европа ордери 2004 йилда ҳеч қандай қийинчиликларсиз тегишли миллий қонун билан киритилган, бироқ Конституциявий трибунал Нидерландияга топширилиши лозим бўлган Польша фуқаросининг аризасини кўриб чиқиб, Конституция ва жиноятпроцессуал кодексга ўз фуқароларини ушлаб беришга нисбатан миллий қонунчиликдаги зиддиятни бартараф қилиш учун тузатиш киритган<sup>10</sup>. Шу тариқа, ордер мамлакатда 2006 йилдан бошлабгина қўлланила бошланган.

Шундай қилиб, қамоқقا олиш учун Европа ордерига нисбатан баъзи давлатларнинг Европа ордерига асосан фуқароларни топшириш жараёнида инсон ҳуқуқлари бузилишини сабаб қилиб кўрсатган эътирозларига қарамасдан, Олий суд инстанцияларининг қарорлари қамоқقا олиш учун Европа ордери фойдасига чиқарилган. Бу ҳолда ҳаттоки миллий қонунчиликка тузатишлар киритилган бўлиб, Польшада бу конституциявий ўзгартириш асосида амалга оширилган. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар иккала ҳолатда ҳам суд қарори қамоқقا олиш учун Европа ордерига нисбатан эмас, балки уни қабул қилувчи миллий қонунчиликка қарши чиқарилди. Шу вақтнинг ўзида, кўпгина мамлакатларда ордер бўйича имплементациявий қонунчилик суд муҳокамасига қадар етиб бормаган бўлса-да, Ҳадли қарорда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига нисбатан қоидаларнинг жиддий камчилигидан норозилигини билдирганлар.

Тан олиш жоизки, ўз фуқароларини ушлаб бериш кўплаб давлатлар қонунчилигига инкор этилиб, ҳаттоки ўз фуқароларини ушлаб бермаслик экстрадиция принципи даражасига кўтарилиган, бу давлатнинг ўз фуқаросига берадиган кафолатларидан бири сифатида тушунилади. Шундай экан, Буюк Британия қонунчилигига жорий этилган ушбу янгилик давлатлараро муносабатларда экстрадиция институтини сезиларли даражада кенгайтиради. Буюк Британиянинг «ордерни юбориш» жараёни тизимлидир<sup>11</sup>. Британия «ордерни юбориш» жараёнидан Ирландия билан муносабатида самарали фойдаланиб келмоқда<sup>12</sup>. Бу ҳолатда, экстрадиция талабномаси Ички ишлар вазирлиги орқали маҳаллий судга қамоқقا олиш тўғрисида ордер юбориш орқали амалга оширилади. Маҳаллий суд органи:

- қамоқقا олинган шахс қидирилаётган шахс эканлигини;
- қарорга ордер ва илова қилинадиган хужжатлар илова қилинганлигини;
- экстрадиция тўғрисидаги талабни рад этиш учун асослар мавжудлигини белгилаш ҳукуқига эга<sup>13</sup>.

Экстрадицияни рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаса, судья ордернинг орқа томонига мажбурий ижро этиш тўғрисида қайд киритади. Британиянинг ордерни қайтариш тўғрисидаги тизимиға мувофиқ, экстрадиция тўғрисидаги талабномалар Исландия, Лихтенштейн ва Норвегия каби давлатлар («биринчи даражада»ги давлатлар деб аталади) билан бир қаторда, Европа Иттифоқининг бошқа давлатларида ҳам бажарилиши мумкин. Зарур вазиятларда экстрадиция ҳамкорларининг доираси кенгайтирилиши мумкин. «Иккинчи даражали» ва «учинчи даражали» давлатларга нисбатан қўйидаги талаблар мавжуд: қилмиш ҳар иккала давлат қонунчилигига кўра жиноят ҳисобланиши, сиёсий характердаги жиноят эмаслиги, муддат ўтиши натижасида қилмиш ўз жинойлиги ёки ижтимоий хавфли хусусиятини йўқотмаганилиги, экстрадиция тўғрисидаги қарор шахс

мавжуд бўлмаган вақтда чиқарилганлиги, шунингдек, ҳуқуқбузарнинг ҳарбий жиноят содир этганлиги умумий жиноят ҳуқуқи асосида кўришни истисно қиласди. Буюк Британия нуқтаи назарига кўра, қолган барча давлатлар «тўртинчи даражали» давлатлар бўлиб, *prima facie* талабнома субъектлари<sup>14</sup> бўлишлари мумкин. Бу шуни англатадики, ушбу давлатлар органлари Буюк Британиянинг ваколатли органларига экстрадиция қилиниши сўралаётган шахснинг айбордлигини исботловчи далилларнинг етарли эканлигини кўрсатиши лозим. Лекин Буюк Британия *prima facie* талабномалар тузишни 1981 йилти Экстрадиция тўғрисидаги Европа Конвенциясига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ конвенциянинг барча аъзолари учун бекор қиласди.

Европа қитъасидаги жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масаласидаги яна бир ижобий механизм Скандинавия давлатларининг жиноий таъқиб ва жазони ижро этиши соҳасидаги амалиётидир. 1962 йилда Дания, Финляндия, Исландия, Норвегия ва Швеция Скандинавия келишувини имзоладилар. Унга кўра, иштирокчи давлат фуқароларининг «тенглиги» масаласи ва ҳамкорлик принципларининг такомиллаштирилганлиги назарда тутилган<sup>15</sup>.

Скандинавия давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг мисоли бўлиб ҳамда экстрадиция, ҳуқуқий ёрдам доирасидаги ҳамкорлиги асослари «Экстрадиция тўғрисида»ги қонуни (1960 йил) ва «Жазони ижро этиши учун топшириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги қонуни (1963 йил) ҳисобланади.

Скандинавия давлатлари ўртасидаги «Экстрадиция тўғрисида»ги қонун тўғридан-тўғри халқаро конвенция ҳисобланмайди. У мазкур давлатлар ўртасида уларнинг ҳар бирни экстрадиция тўғрисидаги ўхаш характердаги қонунни қабул қилиши тўғрисидаги шартномага асосланган. Бундай қонунлар қабул қилинди ҳам. Ушбу Қонунларга мувофиқ, Скандинавия давлатлари бир давлатдан иккинчисига бошқа Скандинавия давлатининг даъвосига кўра,

ҳатто ўзларининг фуқароларини топширишлари мумкин. Ҳаттоқи, ушлаб бериш учун «жиноят таркибини икки томонлама аниқлаш» каби умум қабул қилинган қоидага риоя этиш ҳам, маҳбуснинг унга тайинланган жазони ижро этиши учун бошқа Скандинавия давлатига топширишга розилиги ҳам талаб қилинмайди. Тартибнинг техник томони ҳам енгиллаштирилган бўлиб, дипломатик каналларни жалб этиши зарурати йўқ. Мазкур давлатларнинг тегишли органлари бир-бирлари билан бевосита боғланадилар, бу эса жараённи сезиларли даражада осонлаштиради. Айрим ҳолларда у ёки бу тузилмалар ушлаб бериш масалаларида бевосита ўзаро алоқаси тўғрисида шартномалар тузадилар (масалан, полиция, жиноий таъқиб органлари ва б.).

Скандинавия давлатларининг бошқа давлатлар билан муносабатларига келсак, экстрадиция масалаларида улар миллий қонунлар, шунингдек, халқаро конвенциялар ва икки томонлама шартномалар билан тартибга солинади. Масалан, аксарият Скандинавия давлатлари экстрадиция тўғрисидаги нормалардан иборат бўлган асосий халқаро конвенцияларга қўшилганлар. Бундан ташқари, айрим Скандинавия давлатлари экстрадиция тўғрисида икки томонлама шартномалар тузганлар. Скандинавия давлатларининг экстрадиция тўғрисидаги қонунлари бир хил. Уларда қоидага кўра, экстрадиция шартлари, уни рад этиши асослари келишилган, тақдим этилган ҳужжатларга нисбатан асосий талаблар кўрсатиб қўйилган. Шартномаларга келсак, охирги пайтларда уларни тузишда Скандинавия давлатлари БМТнинг Экстрадиция тўғрисидаги намунавий шартномасига таянади. Уларнинг барчаси ўзаролик принципига асосланади ва инсон ҳуқуқларига сўзсиз риоя қилишни назарда тутади. Скандинавия давлатларининг Экстрадиция тўғрисидаги барча қонунларида ушлаб берилиши талаб этилаётган инсоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий

механизми назарда тутилган. Мазкур механизmlар судда одатий жиноят ишни кўриб чиқишида бундай ҳимояни кафолатловчи механизмларга мувофиқ бўлиши лозим<sup>16</sup>.

Шу тариқа, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларида Скандинавия давлатлари бир-бирига нисбатан минимал талабларни қўллайди. Бу қабул қилинган истисноларда ҳам, процессуал нормаларда ҳам, техник тартибларда ҳам намоён бўлади. Мазкур ҳолат аввалгида бир-бирига ушлаб бериш тартибига нисбатан қатъий талабларни қўядиган, кўпроқ Ҳамдўстликка кирмайдиган давлатлар билан муносабатларда ён босадиган (масалан, далилларни тақдим этиш масалаларида) Ҳамдўстлик давлатлари миintaқавий ҳамкорлигидан сезиларли даражада фарқланади.

Демак, Европа Иттифоқи доирасида давлатларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳолда шахсларни топшириш ўз фуқароларини экстрадиция қилмаслик қоидаси қўлланилмайдиган жараён ҳисобланади. Шундай экан, мазкур амалиётни Ўзбекистон Республикаси учун қўлламаслик мақсадга мувофиқдир. Чунки мамлакатимиз фуқароларини ушлаб бериш давлатимизнинг конституциавий нормасини бузишга, фуқароларнинг давлатга нисбатан ишончи йўқолишига, давлатнинг хавфсизлиги ва суверенитетига таҳдид қилишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик борасида Европа давлатлари билан шартномалари деярли мавжуд эмаслигига қарамасдан, ўзаролик принципи асосида ҳамкорликни амалга оширади. Масалан, 2013-2016 йиллар оралиғида мамлакатимиз томонидан Италия,

Германия, Австрия, Нидерландия ва Буюк Британия давлатларига ўзаро ҳукуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровнома юборилган<sup>17</sup>.

Лекин шартномасиз шаклда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш давлатлар ўртасида турли тушунмовчиликларга, рад этиш учун асосларнинг ортишига ва натижада давлатлар ўртасидаги муносабатлар салбий томонга ўзгаришига олиб келиши мумкин. Чунки ўзаролик принципи асосида амалга оширилган халқаро ҳамкорликда сўралаётган давлат қонунчилиги қўлланилиши халқаро одатга айланган. Зоро, мазкур Европа конвенциялари миintaқавий хусусиятга эга бўлса ҳам, унга қўшилиш аъзо давлатлар барчасининг розилиги мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади<sup>18</sup>. Шунинг учун ҳам бу каби муаммоларнинг энг мақбул ечимини Ўзбекистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи Европа конвенцияларига қўшилишида кўриш мумкин. Натижада, мазкур шартномаларга қўшилиш орқали соддалаштирилган экстрадиция жараёнини қўллаш учун имкон яратилади, давлатлар ўртасида турли тушунмовчиликлар ва рад этиш учун асослар ортишининг олди олинади, молиявий жиноятлар юзасидан ҳужжатларни етказиб бериш, суд ахбороти алмашинуви масалаларида ҳамкорлик қиласи, ўзаро ҳукуқий ёрдам борасида ахборот алмашинуви ва далилларни етказишида процессуал муддатлар қисқаради ҳамда муддатнинг ўтиши, талабнома ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар, ихтисослашув қоидаси, транзит ташиш, учинчи давлатга қайта экстрадиция қилиш ҳамда алоқа каналлари ва воситаларига оид масалаларга боғлиқ қоидалар мувофиқлашади.

<sup>1</sup> Hans G Nilsson. Merits of multilateral treaties on extradition and mutual legal assistance in criminal matters: theory and practice // Asia and Far East Institute for the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders (UNAFEI) ANNUAL REPORT FOR 1999 and RESOURCE MATERIAL SERIES No. 57. Fuchu, Tokyo, Japan. September 2001. – Р. 44–45.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 47–48.

<sup>3</sup> Hartnell H. EUstitia: Internationalizing Justice in the European Union // Northwestern Journal of International Law and Business. 2002. Vol. 23. – P. 65.

<sup>4</sup> Programme of measures to implement the principle of mutual recognition of decisions in criminal matters / Official Journal. C 012. 15/01/2001. P. 0010-0022. [Электрон ресурс]: <http://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/>

<sup>5</sup> Duffy H. The «War on Terror» and the Framework of International Law. Cambridge, 2005. – P.134.

<sup>6</sup> Lagodny O. «Extradition» Without A Granting Procedure: The Concept of «Surrender» // Handbook on the European Arrest Warrant. T.M.C. Asser Press, The Hague, 2005. – Pp. 39–45.

<sup>7</sup> Рамочное решение Совета от 13 июня 2002 г. о европейском ордере на арест и процедурах передачи лиц между государствами-членами. [Электрон ресурс]: <http://eulaw.edu.ru/documents/>

<sup>8</sup> Сафаров Н. Экстрадиция в международном уголовном праве: проблемы теории и практики. – М., 2005. – С. 41–42.

<sup>9</sup> Nadja Long. Implementation of the European Arrest Warrant and Joint Investigation Teams at EU and National Level. European Parliament's Committee on Civil Liberties, Justice and Home Affairs. Brussels: 2009. – P. 16–17.

<sup>10</sup> <http://www.trybunal.gov.pl/eng>.

<sup>11</sup> Extradition Act 2003 (Charter 41) Part 5 — Miscellaneous and general: 218. Existing legislation on extradition. London, 2003. – P.124.

<sup>12</sup> Шу каби келишувлар Белгия, Люксембург ва Нидерландия билан тузилган. Скандинавия давлатлари ҳам ўзаро экстрадициянинг соддалаштирилган тизимидан фойдаланишиади.

<sup>13</sup> Бунинг иккита шарти мавжуд: ҳуқуқбузар экстрадиция қилишни сўраётган давлатда камида 12 ойлик мuddатта озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланган бўлса ҳамда бир қилмиш учун икки жазо қўлламаслик принципига (non bis in idem) амал қилинган бўлса.

<sup>14</sup> Valsamis M. The constitutional implications of mutual recognition in criminal matters in the EU // Common Market Law Review 43: Netherlands, 2006. – P. 1280.

<sup>15</sup> Kimberly Prost. Breaking down the barriers: inter-national cooperation in combating transnational crime. The Hemispheric Information Exchange Network for Mutual Assistance in Criminal Matters and Extradition. [Электрон ресурс]: [http://www.oas.org/juridico/mla/en/can/en\\_can\\_prost.en.html#ftnref17](http://www.oas.org/juridico/mla/en/can/en_can_prost.en.html#ftnref17)

<sup>16</sup> Минкова Ю.В. Институт выдачи преступников в международном праве: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 143.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги материаллари (2017 йил январь ойи ҳолатига).

<sup>18</sup> European Treaties database [Electronic resource]: <http://www.coe.int/>

**M. Ў. Кўлдошев,**

*ИИВ Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси катта ўқитувчиси*

## **КОРРУПЦИОН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада коррупцион жиноятлар алоҳида модда сифатида Жиноят кодексига киритилмаганлиги жиноят ишларининг тергов қилинишида муаммолар юзага келтираётгани ҳақида сўз юритилган, коррупцион жиноятларга таъриф берилган ва унинг матни Жиноят кодексига алоҳида модда қилиб киритилиши тўғрисида таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** коррупция, коррупцион муҳит, коррупцион фаолият, жиноят, жиноят ҳукуқи, тергов фаолияти, мансабдор шахс, кодекс.

### **Особенности расследования уголовных дел по коррупции**

**Аннотация.** В статье указываются особые проблемы в расследовании уголовных дел по коррупции из-за отсутствия в Уголовном кодексе статьи по коррупционным преступлениям. В связи с чем разъясняется и предлагается примерное содержание диспозиции и санкции вновь создаваемой статьи в Уголовном кодексе Республики Узбекистан по коррупции.

**Ключевые слова:** коррупция, коррупционное положение, коррупционная деятельность, преступление, уголовное право, следственная деятельность, должностное лицо, кодекс.

### **Features in the investigation of criminal cases of corruption on corruption**

**Annotation.** The article indicates specific problems in the investigation of criminal cases on corruption from the absence in the Criminal code provided for articles on corruption offenses. In connection with this, the approximate contents of the despise and sanctions of the newly created article in the criminal code of the Republic of Uzbekistan on corruption are explained and proposed.

**Keywords:** corruption, corruption activities, crime, criminal law, investigative activities, official, code.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг сабаблари ва юзага келиш шарт-шароитларини комплекс бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган 2019—2021 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Бу дастурни амалга оширишда омманинг иштироки таъминланган, уларнинг фикр ва таклифларини тақдим этишга кенг имконият яратиб берилган<sup>1</sup>.

Ҳозирга қадар коррупция ҳақида жуда кўп фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Кўпчилик ҳукуқшунос, файласуф ва бошқа мутахас-

сислик олимлари коррупцион ҳолатга ҳодиса, воқелик, жиноят, деб таъриф бераб келмоқдалар. Чунончи, Е.В. Коленко: «Коррупция — бу шундай бир салбий ҳодисаки, у ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган, ҳукуқий маданияти юксак даражага етган, шунингдек, бошқа ижобий омилларга эга давлат бўлишига қарамасдан уни харобага айлантириши ҳеч гап эмас»<sup>2</sup>, деб ёзган.

Коррупция лотинча *corruptio* сўзидан олинган бўлиб, моддий манфаатдорлик эвазига оғдириб олиш, сотиб олиш, хизматга чорлаш маъноларини англатади. Мазкур сўз лугавий маъносининг ўзи, коррупцион жиноятларда ваколатли мансабдор шахсларни оғдириб олишга қаратилганиги яққол кўриниб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида коррупцион ижтимиой хавфли қилмиш ҳақида тегишли модда бўлмаганлиги сабабли, коррупцион жиноятлар юзасидан тергов юритишида англашилмовчилик, жиноий ҳолатга ҳуқуқий баҳо беролмаслик, шахсларни айблашда нотўғри квалификацияга йўл қўйиш ҳоллари юз бериб келмоқда.

2018 йилда рўйхатга олинган коррупцион жиноятларга назар соладиган бўлсак, бу борада жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг кўпчилиги Жиноят кодексининг 210, 211-моддалари (пора олиш-бериш), 167-моддаси (ўзганинг мулкини ўзлаштириш) ва бошқа мулкий муносабатлар билан боғлиқ жиноятларни содир этганини кўриш мумкин.

Хусусан, пора олиш жиноятида (ЖК 210-м.) мансабдор шахс пора эвазига шахстга ноқонуний уй-жой қуриш учун ер ажратган бўлса, шахс ер олиши билан мазкур жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Чунки улар бошқа жиноий алоқага киришмайдилар. Бу вазиятда мансабдор шахс ЖКнинг 210-моддасида назарда тутилган жиноятда жавобгар бўлади. Иккинчиси, мансабдор шахс коррупцион фаолият юритаётган шахстга моддий манфаатдорлик эвазига уларнинг моддий даромадларига шерик бўлиб, мансабидан фойдаланиб, уни сурункали равишда суиистеъмол қилиб келса, ҳуқуқий муҳит яратиб ёки уларнинг жиноий фаолиятини чеклашга қаратилган қонуний тўсиқларни бартараф қилишда қўмаклашса, бу ҳолатда мансабдор шахс коррупцион жиноятда (ЖК 210-м.) айбланиши лозим.

Коррупцион жиноятларни тергов қилиш ва бундай жиноятларни жиноий жавобгарликка тортишида адолатли, қонуний тўхтамга келиш учун коррупцион қилмишга тўғри таъриф бермоғимиз лозим. Коррупцион жиноий қилмиш икки кўринишда юз беради: **коррупцион муҳитни юзага келтириш ва коррупцион фаолият**.

**Коррупцион муҳит** деганда, раҳбар маълум бир **давлат** структурасидаги корхона, муассаса ёки ташкилотда мунтазам равишида

моддий ва бошқа шахсий манфаат кўриш мақсадида мутасадди ходимлари билан ўзаро тил бириктирган ҳолда, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, адолатли меҳнат фаолиятини ташкил қилиш ва ҳоказода жамоани парокандаликка, инқирозга олиб келувчи **ўзбилармонлик** иллатига йўл қўйиши ёки корхона мулкини ўзлаштириши, тамагирлик, пора эвазига хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ёки ноқонуний фаолиятни ташкил этиши, юритиши тушунилади.

**Коррупцион фаолият** деганда маълум бир **худудда, минтақада** чексиз моддий бойликка эришиш ҳамда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазиятларда ҳукмронликни қўлга киритиш мақсадида бир гурӯҳ шахслар томонидан барча йўналишларда қонунга зид ва чеклашга қаратилган фаолиятларни ташкил қилиш ҳамда юритиши, шунингдек, бу фаолиятни доимий ва тўсиқсиз амалга оширишда давлат тузилмаларидағи ҳуқуқий муҳит яратиб бериш ваколатига эга бўлган шахслардан фойдаланиш, уларни ҳар хил гайриқонуний йўллар билан оғдириб олиб, ўз сафларига қўшиш тушунилади.

**Коррупцион жиноят** коррупцион муҳит ҳамда коррупцион фаолият юритиши натижасида содир қилинадиган жиноий қилмишларда давлат идораларидағи ваколатли масабдор шахсларнинг оғдириб олинганлиги ёки иштироки аниқланган, исботланган тақдирдагина тан олинади.

Айтиш жоизки, ҳозиргача коррупцион жиноятлар ҳақида гапирилиб, унга қарши давлат миқёсида доимий чоралар кўриб келинаётган бўлса-да, юқорида айтганимиздек, коррупцион жиноятлар юзасидан Жиноят кодексимизда бирорта коррупцион жиноий қилмиш ҳақида модда мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноий уюшма ташкил қилиш тўғрисида 242-модда мавжуд. Коррупцион жиноят ҳам жиноий уюшмадан фарқли ўлароқ, жиноий бирикма шаклида таркиб топади.

Жиноят кодексининг жиноий уюшма ташкил этиши тўғрисидаги 242-моддаси диспозициясида бу жиноят матни қўйида-

гича: «Жиноий уюшма ташкил этиш, яъни жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият», деб кўрсатилган. Санкциясида эса ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Ушбу моддада уюшган қуролли гуруҳ тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этишга ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган<sup>3</sup>.

Коррупцион жиноят **уюшган гуруҳ** ёхуд **жиноий уюшмага** ўхшаш кўринса-да, коррупцион **жиноий бирикманинг** хусусиятлари ўзгача. Масалан, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшмаларда гуруҳнинг **ташкилотчи** (раҳбари), **бажарувчи** (ижрочи), **ёрдамчи** ва **далолатчилари** мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси жиноятда иштирокчи сифатида тан олиналар ва маълум бир моддий бойликни кўлга киритиш мақсадида жиноятга қўл урадилар. Коррупцион **жиноий бирикмада** ҳам **ташкилотчи** (коррупцион фаолиятни ташкил этган шахс ёки шахслар), **ижрочилар** (коррупцион фаолиятни юритувчилар) ҳамда **хизматчилар** (коррупцион фаолият йўлида тўсиқларни бартараф қилишга қаратилган, шунингдек, давлат тузилмасидаги ваколатли шахсларни пора эвазига ёки бошқа гайриқонуний йўллар билан оғдириб олишга ва уларни коррупцион фаолиятга жалб қилишга қаратилган ишларни амалга оширувчи шахслар) ва **давлат идораларида ишловчи ваколат эгаси – мансабдор** шахслар оғдириб олинган ёки жалб қилинган бўлсалар, улар ҳам бу коррупцион бирикмада иштирокчи сифатида баҳоланадилар.

Коррупцион тузилма иштирокчилари ўзганинг мулкини кўлга киритиш учун жиноятга қўл урмайдилар, балки моддий бойикларни ишлаб чиқаришга, яратишга, жамлашга оид қонунларга зид ва уларни четлаб ўтишга қаратилган фаолият ташкил этадилар ва юритадилар. Шу хусусиятлар ҳам коррупцион бирикманинг жиноий уюшмаларда фарқли эканлигини кўрсатади.

Чунки коррупцион жиноий бирикмада, албатта, давлат идорасидаги ваколатли мансабдор шахслар иштироки мавжуд бўлиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда коррупцион жиноятларни тергов қилиш, уларни бошқа жиноятлардан фарқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига янги 241<sup>1</sup>, 242<sup>2</sup>-модда диспозиция ва санкцияларини матнда куйидагича киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

241<sup>1</sup>-модда. **Коррупцион мухитни юзага келтириш**

Давлатга тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотда мансабдор шахс томонидан мутасадди ходимлар билан ўзаро тил бириктирган ҳолда, сурункали равишда моддий ва бошқа хусусий манфаат кўриш мақсадида, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, адолатли меҳнат фаолиятини ташкил қилиш ва жамоани парокандаликка, инқирозга олиб келувчи ўзбилармонлик иллатига йўл қўйилиши ёки корхона мулкини ўзлаштириш, талон-торож қилиш ёки тамагирлик, пора эвазига хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ёки ноқонуний фаолият ташкил қилиш ва юритиш — ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

241<sup>2</sup>-модда. **Коррупцион тузилма ташкил қилиш**

Маълум бир ҳудуд, минтақада чексиз моддий бойликка эришиш ҳамда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазиятларда ҳукмронликни кўлга киритиш мақсадида бир гуруҳ шахслар томонидан қонунга зид фаолият ташкил қилиш ва юритиш, шунингдек, бу фаолиятни узлуксиз ва тўсиқсиз амалга оширишда мансабдор шахсларнинг иштирок этиши — ўн беш йилдан йигирма йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Юқорида қайд этилган Жиноят кодексига киритилиши таклиф этилган коррупцион жиноятлар ҳақидаги 242<sup>1</sup> ҳамда 242<sup>2</sup>-моддалар, жиноий ишларни тергов қилишда қонунларнинг коррупцион ижтимоий

хавфли қилмишларга тўғри татбиқ этилишида аниқлик киритади ҳамда коррупцион жиноятларнинг олди олинишида, уларга

қарши курашда мақсадли ва аниқ йўналишларга кенг йўл очиб беради.

<sup>1</sup> Ниуққ. — 2018. — 18 окт. — № 42.

<sup>2</sup> Коррупцияга қарши кураш — жамият ва давлат хафсизлигининг гарови: Респ. илмий-амалий конф. мат- (2015 йил 26 ноябрь). — Т., 2016. — Б. 367.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. — Т., 2018. — Б. 277.

## ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ЖИНОЯТЧИЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИННИГ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг матбаа технологиялари факультети чет тиллар кафедраси ҳамкорлигида 2019 йил 7 февраль куни «Ёшлар ўртасида жиноятлар профилактикаси» мавзууда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда ёшлар ўртасида жиноятлар содир этилишининг барвакт профилактикаси, хусусан уларда хуқуқий билим, онг ва маданиятни шакллантириш масалалари, шунингдек жамиятда жамоат тартиби ва хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни таъминлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда унинг натижалари интерфаол усууларни кенг қўлланган ҳолда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида мазкур тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июнданги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон қарори билан «Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида бажарилган ишлар натижасида республикада умумий жиноятчилик 33,5 фоизга, Тошкент шаҳрида эса салкам икки баробарга камайганлиги аниқ таҳлиллар билан асослантирилди.

Академиянинг профессор-ўқитувчилари томонидан интерфаол усуулардан фойдаланган ҳолда тайёрланган тақдимот асосида талабалар билан «Сиз ҳуқуқ ва бурчларингизни биласизми?» мавзусида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодеслари, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлари нормаларининг мазмун-моҳиятини талабаларга етказиш бўйича мунозара ва савол-жавоблар ўтказилди.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, уларнинг жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси, шунингдек 2018 йил 25 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4075-сон қарорларида белгиланган вазифалар тадбир иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Қизгин савол-жавоб ҳамда мунозара ва муҳокамаларга бой тарзда ўтган маънавий-маърифий тадбир, унда иштирок этган ёшларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига дахлдорлик ҳиссини, қонунга итоаткорлик ҳамда Ватанга, қасбга садоқат, одоб-ахлоқ фазилатларини шакллантиришга, билим олишга, соғлом турмуш тарзини юритишга қизиқишини янада оширишга хизмат қиласи.

**Д. М. Кушбаков,**

*ИИВ Академияси маъмурӣ ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси, мустақил изланувчи*

## **ЖИНОЯТНИНГ МАХСУС СУБЪЕКТИ: ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ ВА ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Мақолада «жиноятнинг маҳсус субъекти» тушунчаси, унинг белгилари ҳамда унда иштирок этганлик учун жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, бу борада мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларнинг ечимига оид таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таяинч сўзлар:** жиноятнинг маҳсус субъекти, маҳсус субъект тушунчаси, жисмоний шахс, ёш, белги, маҳсус субъект белгилари, жиноятда иштирокчилик.

### **Специальный субъект преступления: понятие, признаки и его значение в уголовном праве**

**Аннотация.** В статье проанализированы понятие и уголовно-правовые признаки специального субъекта преступления, а также рассмотрено соучастие в преступлениях со специальным субъектом лица, не обладающего такими признаками. На основе изучения существующих в этой сфере проблем сформулированы предложения и рекомендации по их разрешению.

**Ключевые слова:** специальный субъект преступления, понятие специального субъекта, физическое лицо, возраст, признаки специального субъекта, соучастие в преступлении.

### **Special subject of crime: concept, signs and its Value in criminal law**

**Annotation.** The article deals with the legal and criminal signs of complicity of a person in crimes with a special subject whose complicity does not have such a sign. The author analyses theoretical and practical aspects of the problem and based on the studies in the field of problems, put forward proposals and recommendations for their solution.

**Keywords:** special subject of crime, concept of a special subject, physical person, age, features, features of special subject, complicity in a crime.

Жиноятнинг маҳсус субъекти жиноят субъекти масаласида алоҳида аҳамиятга эга. Шахсни жиноятнинг маҳсус субъекти деб ҳисоблаш учун субъектнинг зарурӣ белгилари билан бирга (ёши, ақли расолиги), албатта, бошқа белгилар ҳам бўлиши керакки, бундай белгисиз шахсни тегишли норма билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас<sup>1</sup>.

Қайд этиш муҳимки, Жиноят кодекси Маҳсус қисмида шундай нормалар борки, шахснинг ақли расо ва муайян ёшга этганлигининг ўзи уни ўша жиноятнинг субъекти деб ҳисоблашга асос бўла олмайди. Бундай нормаларда, ўша жиноятнинг асосий белгиларидан ташқари, қонун талаб этган яна бошқа маҳсус белги бўлиши зарур. Масалан, қасдан баданга оғир шикаст етказиш

жинояти ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги учун Жиноят кодекси 104-моддаси учинчи қисмининг «в» бандида жавобгарлик назарда тутилган. Қилмишни ушбу банд билан квалификация қилиш учун шахс, албатта, ўта хавфли рецидивист ҳуқуқий мақомига эга бўлиши керак, ундан бошқа шахс мазкур жиноятнинг субъекти бўла олмайди. Шунингдек, шахсни Жиноят кодекси 118-моддаси учинчи қисмининг «б» банди (номусга тегиш) билан жавобгарликка тортиш учун айбор, албатта, жабрланувчининг яқин қариндоши бўлиши керак.

Жиноят ҳуқуқида жиноятнинг маҳсус субъектини таърифлаш борасида бир қатор фикрлар билдирилган. Хусусан, профессор М.Х. Рустамбаев: «Жиноятнинг маҳсус субъекти — жиноят субъекти зарурӣ белги-

ларидан ташқари яна Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида белгиланган ва шу жиноятлар учун зарурй белги бўлган қўшимча белгилари ҳам мавжуд бўлган субъектдир»<sup>2</sup>, деб ёзади. Профессор К.Р.Абдурасулова: «Жиноятнинг махсус субъекти — бу жиноят умумий субъективининг белгилари (жиноий жавобгарлик ёши ва ақли расолик) билан бир қаторда, жиноят қонунида назарда тутилган ёки ундан бевосита келиб чиқадиган ҳамда мазкур қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган шахслар доирасини аниқладиган қўшимча белгиларга ҳам эга бўлган шахсдир»<sup>3</sup>, деган фикрни билдиради. Кўриб турганимиздек, адабиётларда жиноятнинг махсус субъектига берилган таърифларда унинг асосий белгиси сифатида жиноят субъективининг Жиноят кодекси моддаси диспозициясида белгиланган махсус белгиларига алоҳида ургу берилади.

Бинобарин, махсус субъект белгилари қонун нормасида турлича ифодаланганлиги боис, уларни алоҳида гуруҳларга ажратган ҳолда таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳолбуки, жиноятни квалификация қилишда жиноятнинг умумий ва махсус субъектига эътибор бериш зарур. Махсус субъектни тавсифловчи белгилар факультатив белгилар жумласига киради. Аммо жиноят махсус субъективининг муайян жиноят таркибиға киравчи белгилари зарурй белгиларга айланади ва жиноятни квалификация қилиш учун уларнинг мавжудлигини аниқлаш талаб этилади<sup>4</sup>. Шундан келиб чиқсан ҳолда жиноятнинг махсус субъектини тавсифловчи белгиларни иккита гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга шахснинг ҳуқуқий ҳолатини тавсифловчи белгилар кирса, иккинчи гуруҳга унинг жисмоний ҳолати билан боғлиқ белгилар киради.

Айни пайтда биринчи гуруҳга қўйидаги белгиларни киритиш мумкин: шахснинг мансаб мавқеи, касбий фаолиятининг турлари, ҳуқуқий муносабатлар жараёнидаги ҳолати ва бошқ. Ҳусусан, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддалари

диспозициясида шахснинг эгаллаб турган мансаб лавозими жиноят субъективининг асосий белгиси сифатида кўрсатилади. Масалан, Жиноят кодексининг 234-моддасида назарда тутилган (қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш) жиноятнинг субъекти фақат суриштирувчи, терговчи ёки прокурор бўлиши мумкин. Муайян мансаб, лавозимга эга бўлган шахсни ушбу жиноят бўйича жавобгарликка тортиш учун, албатта, унинг суриштирувчи, терговчи ёки прокурор лавозимида хизмат қилганлигини аниқлаш талаб этилади. Акс ҳолда жиноят содир этган шахсларда бу ҳолатнинг аниқланмаслиги, уларнинг қўлмишида ушбу жиноят таркиби мавжуд эмаслигини келтириб чиқаради.

Иккинчи гуруҳга шахснинг жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати кабиларни киритиш мумкин. Масалан, Жиноят кодексининг 113-моддаси иккинчи қисмida назарда тутилган жиноятнинг субъекти фақат ўзида таносил касаллиги борлигини билган шахсина бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддаларида назарда тутилган жиноят таркибларининг обьектив томони сўзма-сўз шарҳланса, мазкур жиноятнинг субъекти сифатида муайян тоифадаги ва махсус белгига эга бўлган шахс томонидан содир этилиши мумкинлиги келиб чиқади. Бу турдаги жиноят таркибларида жиноят субъекти белгилари тўғридан-тўғри модда диспозициясида кўрсатилмаган бўлса-да, ушбу жиноятнинг субъекти фақат махсус хусусиятга эга бўлиши талаб этилади. Масалан, Жиноят кодекси 249-моддаси диспозициясида «Ўқотар қурол ёки унга мўлжалланган ўқдориларни бепарволик билан сақлаш одам ўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади», дейилади.

Агар мазкур жиноят таркиби сўзма-сўз шарҳланса, ушбу жиноятнинг *субъекти* фақат жавобгарлик ёшига тўлган, ақли расо, ўқотар қуролга қонуний асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлган шахслар ёки уларнинг қонуний эгалари бўлиши мумкинлиги келиб чиқади. Чунки ўқотар қуролга ноқонуний эгалик қилган шахслар Жиноят кодексининг 247 ва 248-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Демак, махсус субъектлар содир этадиган жиноятларда бошқа шахслар жиноятнинг бажарувчиси сифатида жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар. Бошқа шахслар махсус субъектлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг иштирокчиси (*ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи*) сифатида қатнашишлари мумкин.

Шу сабабли жиноятларни квалификация қилишда жиноят махсус субъектларининг аҳамиятини қўйидагиларда ифодалаш мумкин:

*биринчидан*, махсус субъектнинг белгиси муайян жиноят таркиби доирасига киритилган бўлса, бу белги ўша жиноятларни квалификация қилишнинг асосий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилади (масалан, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар ва ҳ.к.);

*иккинчидан*, жиноят махсус субъектининг белгиси ўша жиноят таркибида асосий белги сифатида эмас, балки жавобгарликни оғирлаштирувчи белги сифатида киритилган бўлса, фақат ўша норманинг ўзи (моддаси, қисми ёки банди) учун жиноят субъектининг зарурий белгиси ҳисобланади;

*учинчидан*, жиноят махсус субъектининг белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида киритилмаган субъектнинг белгилари Жиноят кодекси 56-моддасига кўра, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин. Масалан, Жиноят кодекси 56-моддаси биринчи қисмининг «о» бандида мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идроқига

таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган.

Махсус субъектли жиноятларда иштирок этганлик учун жавобгарлик масаласи юридик адабиётларда турлича талқин қилинади. Хусусан, назарияда махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноят таркибларида махсус субъект билан бирга бундай белгига эга бўлмаган (умумий субъект) шахс иштирок этганда, уларнинг қилмиши турлича баҳоланади. Масалан, бир гуруҳ тадқиқотчилар «махсус субъектли жиноятда бундай белгига эга бўлмаган шахс иштирок этган тақдирда, жиноят махсус субъектининг қилмиши ушбу модда бўйича квалификация қилинади, махсус субъект бўлмаган шахс эса, жиноят содир этишда бажарган вазифасидан келиб чиқсан ҳолда мазкур жиноятда иштирокчиликда, яъни бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи тариқасида жавобгар бўлади»<sup>5</sup>, деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ муаллифлар «умумий ва махсус субъектлар иштирокидаги қилмишни квалификация қилиш масаласи жиноятларни квалификация қилишнинг умумий қоидалардан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилишини»<sup>6</sup> таъкидлайдилар. Бошқа гуруҳ муаллифлар эса «жиноят содир этишда махсус субъект билан бирга иштирок этаётган умумий субъект, жиноят содир этишда бажарган вазифаси ва ролидан келиб чиқсан ҳолда жавобгар бўлади, бироқ умумий субъект махсус субъектли жиноятнинг бажарувчиси бўла олмайди»<sup>7</sup>, деган фикрни билдирадилар.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда махсус субъектли жиноятларда умумий субъект иштирок этган ҳолларда улар жавобгарлигини белгилаш масаласида ҳам турлича фикрлар илгари сурилган. Жумладан, айрим муаллифлар махсус субъектли жиноятларда умумий субъект иштирок этган бўлса, махсус субъект ушбу жиноятнинг бажарувчиси, умумий субъект эса, жиноятда қатнашганлик ролидан келиб чиқсан ҳолда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи

тариқасида жавобгар бўлишини айтсалар<sup>8</sup>, иккинчи гуруҳ муаллифлар махсус субъектли жиноятда умумий субъект иштирок этган бўлса, умумий ва махсус субъектларнинг қилмиши жиноят таркибининг объектив томонини бажарганигидан келиб чиқади. Уларнинг фикрича, агар умумий субъект, махсус субъект билан жиноят таркибининг объектив томонини ташкил қилувчи қилмишларни бирга бажарган бўлса, уларнинг қилмиши бирга бажарувчилик тариқасида баҳоланади, қолган ҳолларда эса ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилик тариқасида квалификация қилинади<sup>9</sup>. Яна бир гуруҳ муаллифлар махсус субъектли жиноятларда умумий ва махсус субъектларнинг биргаликдаги иштироки жиноятда иштирокчиликни ташкил этмайди, шунинг учун ҳар бирининг қилмиши мустақил квалификация қилинади, чунки мазкур ҳолат идеал мажмуанинг бир кўринишини ташкил этади, холос<sup>10</sup>, деган фикрни билдирадилар.

Шунингдек, мазкур муаммони ўрганган С.С.Аветисян жиноят таркибининг тузилиши махсус ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилишни назарда тутган бўлиб, ушбу жиноят таркибининг объектив томони умумий субъект томонидан бажарилган бўлса, мазкур шахс ушбу жиноятда махсус субъект каби жавобгар бўла олмайди. Шу боис махсус субъектли жиноятда қатнашган бошқа шахслар фақатгина ўзининг индивидуал қилмиши учун жавобгарликка тортилади ва бундай қилмиш иштирокчилик деб баҳоланмаслигини тъкидлайди<sup>11</sup>.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда махсус субъектли жиноятларда иштирокчилик муаммоси ечимига қаратилган таклифлар ҳам турли-туман бўлиб, уларнинг ҳар бир ўзига хослиги билан ажralиб туради. Масалан, бир гуруҳ муаллифлар ушбу муаммони бартараф қилиш учун Жиноят кодекси Умумий қисмida махсус субъект белгисига эга бўлмаган, бироқ у билан бирга жиноий қилмишни содир этадиган ва махсус субъектли жиноятларда умумий субъектлар

иштирокини инкор этмайдиган «бирга бажарувчилик» тушунчасини ифодаловчи иштирокчиликнинг мустақил турини ишлаб чиқиши кераклиги тўғрисида фикр билдиришса<sup>12</sup>; иккинчи гуруҳ муаллифлар Жиноят кодекси Умумий қисмida «бирга бажарувчилик» тушунчасини ишлаб чиқиши кераклигини ҳамда мазкур тушунчада махсус субъектли жиноятларда иштирок этишини иштирокчилик деб, гуруҳ таркибида олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилганлик каби ҳуқуқий баҳолаш лозимлигини ифодаловчи норма киритишни таклиф этадилар<sup>13</sup>.

Учинчи гуруҳ муаллифлари эса мазкур муаммони назарий нуқтаи назардан ҳам ҳал қилиш мумкинлигини тъкидлаб, агар қонун нормаси жиноятнинг бажарувчиси сифатида фақат махсус субъект жавобгарлигини назарда тутса, жиноятда иштирок этаётган шахсларнинг барчаси шундай махсус белгига эга бўлиши шартлигини айтадилар ва бундай жиноятларда махсус субъект билан бирга умумий субъект ҳам иштирок этган тақдирда, уларнинг қилмишини умумий асосларда квалификация қилиш лозимлигини тъкидлайдилар. Шунинг учун ҳам улар умумий ва махсус субъект ўртасидаги фарқни ажратишга зарурат йўқлигини айтадилар<sup>14</sup>.

Тўртинчи гуруҳ муаллифлари ушбу муаммони комплекс ҳолда ҳал қилиш кераклигини айтиб, махсус субъектли жиноятларда иштирокчилик муаммосини ҳал қилиш учун Жиноят кодекси Умумий қисмининг бир қатор нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф қиласидилар.

Юқорида келтирилган таклифлар, бизнингчча, ўрганилаётган муаммони комплекс ҳал қилиш имконини бермайди. Негаки, билдирилган фикрларда жиноятда иштирокчилик институтининг юридик табиати, объектив ва субъектив белгилари мазмунига эътибор қаратилмаган. Қай ҳолатда бўлмасин (икки ёки ундан ортиқ жиноят субъектининг жиноят содир этишда биргаликда қатнашиши) жиноят икки ёки ундан ортиқ шахснинг умумий кучлари бирлашиши

натижасида содир этилса, у жиноятда иштирокчиликни келтириб чиқариши лозим.

Махсус субъектли жиноятларда иштирокчиликнинг қуидаги ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин: яъни, махсус субъектнинг белгиси муайян жиноят таркиби доирасига киритилган бўлса, бу белги ўша жиноятни квалификация қилишнинг асосий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилади; жиноят махсус субъектининг белгиси ўша жиноят таркибида асосий белги сифатида эмас, балки жавобгарликни оғирлаштирувчи белги сифатида киритилган бўлса, фақат ўша норманинг (моддаси, қисми ёки банди) ўзи учун жиноят субъектининг зарурий белгиси ҳисобланади.

У.М. Мирзаев ва М.М. Қаландаров ўзларининг илмий ишларида мазкур масалага ана шу нуқтаи назардан эътибор қаратишиб, мазкур йўналишда мавжуд бўлган муаммоларни бартараф қилиш учун Жиноят кодексининг 30-моддасига қуидаги мазмундаги қоидани киритиш лозимлигини тавсия қилишган: «Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида махсус субъект назарда тутилган жиноятни содир этишда, шундай субъект белгисига эга бўлмаган шахс иштирок этган бўлса, ушбу жиноятда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади»<sup>15</sup>. Шу билан бирга, У.М. Мирзаев кўрсатилган қоидадан ташқари, агар махсус субъект белгисига эга бўлмаган шахс махсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноятнинг объектив томонини бевосита бажарган бўлса, у ёрдамчи ҳисобланади деб баҳолаб, Жиноят кодекси 28-моддаси бешинчи қисмини қуидагича ифодалаш лозимлигини билдиради: «Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, ушбу Кодексга мувофиқ махсус субъект назарда тутилган жиноятни бевосита содир этган, шунингдек, жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан кўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек,

бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўгрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади»<sup>16</sup>. Албатта, муаллифнинг ушбу фикрини қўллаб-қувватлаш мумкин, аммо, назаримизда, ушбу таклиф айrim мулоҳазаларга сабаб бўлади. Чунончи, мазкур қоиданинг жиноят қонунчилигига белгиланиши умумий субъект махсус субъектли жиноятларда иштирок этадиган барча ҳолатларни қатъий белгилаб бера олмайди. Аммо Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг тузилишида бир қатор ўзига хосликлар мавжудки, аксарият ҳолларда қонун чиқарувчи бир жиноят таркибидан махсус белгиларини алоҳида ажратган ҳолда жавобгарлик белгилайди. Негаки, «қонун чиқарувчи бир жиноий-ҳуқуқий муносабатни ҳар доим ҳам битта норма билан тартибга сола олмайди. Бунга ижтимоий муносабатларнинг турли-туманлиги, хусусиятларининг ҳар хиллиги ва бошқа объектив сабаблар имкон бермайди»<sup>17</sup>.

Масалан, шифокор акушер ёки гинеколог, сунъий равища ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахс билан бирга, даволаш муассасасидан ташқарида сунъий равища ҳомила туширган бўлса, уларнинг жавобгарлиги қандай тарзда белгиланади. Мъалумки, Жиноят кодексининг 114-моддаси биринчи қисми учун қонун чиқарувчи жиноят субъектини «шифокор акушер ва гинеколог» деб ифодаланган ҳолда махсус субъект жавобгарлигини назарда тутган. Айнан шу боис Жиноят кодексининг 114-моддаси биринчи қисми бўйича сунъий равища ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахс жиноятнинг субъекти бўла олмайди.

Агар юқорида келтирилган қоидадан келиб чиқадиган бўлсак, сунъий равища ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахснинг шифокор-акушер ва гинеколог билан бирга содир этган қўлмишини Жиноят кодексининг 114-моддаси биринчи қисмига кўра ёрдамчи тариқасида ҳуқуқий баҳолаш керак бўлади. Бу мантиқан тўғри, аммо бир вақтнинг ўзида Жиноят кодексининг 114-моддаси иккинчи

қисмida сунъий равища ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахснинг бундай ишни амалга оширганили учун маҳсус жавобгарлик ҳам назарда тутилган. Шунингдек, бу каби ҳолатни Жиноят кодексининг бошқа нормаларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет эл фуқаросига давлат сири ҳисобланган маълумотларни чет эл агентурасига етказиши учун йиғишида ёрдам берса, Ўзбекистон фуқароси Жиноят кодексининг 157-моддаси биринчи қисми ва чет эл фуқароси 160-моддаси билан алоҳида-алоҳида жавобгарликка тортилади. Шу боис агар қилмишда турдош қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи умумий норма билан, жиноят таркибининг бирор белгиси хусусиятларига қўра қонун чиқарувчи томонидан мазкур нормадан ажратилган қилмиш учун алоҳида нормада жавобгарлик назарда тутилган бўлса, қилмиш маҳсус норма билан квалификация қилиниши керак деган қоидага асосланиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, маҳсус норманинг умумий норма олдида устунлиги назарияси «Lex specialis derogat generali» қоидасига, яъни маҳсус норманинг умумий норма ҳаракатини бекор қилиши қоидасига асосланади<sup>18</sup>.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда қўйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

*биринчидан*, жиноятнинг маҳсус субъекти белгилари жиноят-ҳуқуқий норманинг диспозициясида тавсифланади ёки ундан бевосита келиб чиқади;

*иккинчидан*, маҳсус субъекти деганда, жиноий жавобгарлик ёшига тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланган, Жиноят кодекси моддаси диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилган қўшимча белгиларига эга бўлган ёки ушбу Кодекс моддаси диспозициясида қайд этилган қилмишни ҳуқуқий жиҳатдан шарҳлаш натижасида аниқланадиган ёхуд бошқа қонун ҳужжатлари нормаларида назарда тутилган белгиларига эга бўлган шахс тушунилади;

*учинчидан*, агар умумий субъект маҳсус субъект назарда тутилган жиноятни маҳсус субъект билан биргаликда содир этса,

умумий субъект ҳаракатини шу модданинг маҳсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи қисми, у жиноятда қатнашганлик вазифасидан келиб чиқиб, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи, маҳсус субъектни эса, иштирокчилик учун жавобгарликни назарда тутувчи қисмida бажарувчи деб (иштирокчилик учун жавобгарлик назарда тутилган квалификация белгиси бўйича) квалификация қилиш керак. Агар мазкур нормада иштирокчилик квалификация қилинувчи белги сифатида кўрсатилмаган бўлса, умумий субъект — жиноят таркибининг тегишли қисмiga жиноятда қатнашганлик вазифасидан келиб чиқиб — ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи, маҳсус субъект эса ушбу модданинг тегишли қисми бўйича бажарувчи деб баҳоланади;

*тўртинчидан*, умумий субъект маҳсус субъект билан бирга маҳсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноят таркибининг объектив томон ҳаракатларини амалга оширган тақдирда ҳам, уни ушбу жиноятнинг бажарувчиси ёки бирга бажарувчиси деб баҳолаб бўлмайди. Чунки Жиноят кодексининг Маҳсус қисмida фақат бажарувчilar жавобгарлиги назарда тутилган бўлиб, маҳсус субъектли жиноятларда ушбу жиноятнинг субъекти фақат маҳсус субъект белгисига эга бўлган шахсларгина бўла олади;

*бешинчидан*, «маҳсус субъект» тушунчасини жиноят қонуни нормасида белгилаш бундай тоифадаги жиноий қилмишларни ҳуқуқий баҳолаш ва уни тўғри қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Шу нуқтаи назардан, Жиноят кодексининг 17-моддасини «Жиноят субъекти» деб номлаган ҳолда уни қўйидаги қисмлар билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

### **17-модда. Жиноят субъекти**

Жавобгарликка тортиш ёшига тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланган ҳамда Жиноят кодекси Маҳсус қисмининг моддаси ёки қисмida ёхуд бошқа қонун ҳужжатларда кўрсатилган қўшимча белгиларга эга бўлган шахс томонидан, шунингдек, шахсни Жиноят кодекси Маҳсус қисмининг

моддаси ёки қисмида кўрсатилган қилмиш учун жавобгарликка тортиш бўйича қўшимча белгини назарда тутувчи қилмишнинг содир этилиши маҳсус субъект томонидан содир этилган жиноят деб топилади.

Маҳсус субъект жавобгарлигини назарда тутувчи жиноятнинг бажарувчиси фақат шундай белгига эга шахс бўла олади.

Юқорида келтирилган холоса, таклиф ва тавсияларнинг амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришда инобатга олиниши, шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш амалиётида қўлланилиши бу борадаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда қонун нормаларининг бир хилда қўлланилишига хизмат қиласди.

<sup>1</sup> Курбанов М. Маҳсус субъектлар жиноий жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатлари // «Хуқуқий тадқиқотлар» электрон журнали. – 2017. – №2. – Б. 72–82.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм / М.Х.Рустамбаев, А.А.Отажонов ва бошқ. I том.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Миллия гвардия ҳарбий-техник институти, 2018. – Б.175.

<sup>3</sup> Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг маҳсус субъекти: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б.43.

<sup>4</sup> Ўша манба. – Б. 39.

<sup>5</sup> Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг маҳсус субъекти: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 110.

<sup>6</sup> Плужников А.В. Соучастие в преступлении: проблема соучастия общего и специального субъекта: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 17.

<sup>7</sup> Иванов Н. Соучастие со специальным субъектом // Российская юстиция. – 2001. – № 3. – С. 51.

<sup>8</sup> Жиноятларни квалификация қилиш: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслер / Р.Кабулов, А.А. Отажонов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б.87.

<sup>9</sup> Абдурасулова Қ.Р. Кўрсатилган манба. – Б.110; Макарова Т.Г. Соучастие в преступлении со специальным субъектом: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2000. – С. 7, 17, 21; Рыжков Р.С. Уголовная ответственность соучастников преступления: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2003. – С. 8, 23.

<sup>10</sup> Шеслер А.В. Соучастие в преступлениях со специальным субъектом // Актуальные проблемы борьбы с преступностью в Сибирском регионе: Материалы научно-практической конференции (3-4 февраля 2000 г.). – Красноярск, 2000. – С. 117–118.

<sup>11</sup> Автюсисян С.С. Соучастие в преступлениях со специальным составом: Теория и практика правового регулирования. Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2005. – С.286.

<sup>12</sup> Макарова Т.Г. Кўрсатилган манба. – Б. 17; Рыжков Р.С. Кўрсатилган манба. – Б. 23.

<sup>13</sup> Волженкин Б. Некоторые проблемы соучастия в преступлениях, совершаемых специальными субъектами // Уголовное право. – 2000. – № 1. – С. 15; Козлов А.П. Кўрсатилган манба. – Б. 323; Арутюнов А.А. Соучастие в преступлении по уголовному праву Российской Федерации. Дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2006. – С. 144.

<sup>14</sup> Коряковцев В.В., Питулько К.В. Уголовное право. Общая часть. – СПб., 2008. – С. 98–99.

<sup>15</sup> Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик: Монография // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Б.Ж.Ахтаров. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 112–113; Қаландаров М.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2011. – Б.21.

<sup>16</sup> Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Б.Ж.Ахтаров. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б.113.

<sup>17</sup> Найимов С.С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. – Т., 2007. – Б. 10.

<sup>18</sup> Edward Elgar, Research handbook on human rights and humanitarian law. Language: English. Imprint: Cheltenham, UK; Northampton, MA, USA: 2013. (pp 234-235) 683 p.

Н. А. Қўлдашев,

ИИВ Академияси фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ДЕЛИКТ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларининг деликт муносабатлардаги иштироки ва деликт жавобгарлиги масаласи ёритилган. Шунингдек, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни кўллаш амалиёти таҳдил қилинган.

**Таянч сўзлар:** зарар, зиён, деликт, бош деликт, деликт жавобгарлик, деликвент, жабрланувчи, зарарни қоплаш, зарарни тўлаш, гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик), давлат органлари.

**Вопросы совершенствования системы правового регулирования деликтных отношений с участием органов внутренних дел**

**Аннотация.** В статье рассмотрено участие ОВД в деликтных отношениях и их деликтная ответственность. Дан анализ действующего законодательства и правоприменительной практики.

**Ключевые слова:** вред, ущерб, деликт, генеральный деликт, деликтная ответственность, деликвент, потерпевший, возмещение вреда, выплата вреда, незаконные действия (бездействие), государственные органы.

**Improvement of the system of legal regulation of the tort relations with the participation of the organs of internal affairs**

**Annotation.** The article considers the involvement of internal affairs in tort relations and tort liability. The analysis of the current legislation and law enforcement practice.

**Keywords:** harm, damage, delict, general delict, delictual responsibility, delictum, victim, compensation for damage, harm payment, illegal action (inaction), state institutions.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунига биноан, ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборатdir.

Маълумки, ички ишлар органлари фаолияти ходимларнинг хизмат вазифаларини

амалга ошириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Ички ишлар органлари ходимлари қонунларда белгиланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш давомида жисмоний ҳамда юридик шахслар билан ўзаро муносабатларга киришадилар. Бундай муносабатлар фуқаролик, маъмурий, жиноят ҳуқуқи каби турли ҳуқуқ соҳаларида юзага келиши мумкин. Айниқса, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш фаолиятида уларнинг ходимлари томонидан қонунларда белгиланган тартибда

шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаш каби чораларни амалга ошириш зарурати келиб чиқади. Бу чоралар ички ишлар органлари ходимлари томонидан қонуний амалга оширилган тақдирда ҳам баъзан фуқаролар ва юридик шахсларнинг маддий ёки номоддий манфаатларига заар етиш хавфи юзага келади. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар органлари тўғрисида»ти қонуннинг 21-моддасида, заар етиш хавфи юзага келган вазиятда «*ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт*» эканлиги белгиланган. Аммо ҳар бир давлат ўзининг органларига ҳокимият ваколатини берар экан, бу ваколатларни ҳар доим ҳам белгиланган тартибда ҳамда лозим даражада амалга оширилишини кафолатлаши керак. Шунингдек, ушбу ҳолатлар натижасида келиб чиқсан салбий оқибатларни бартараф қилиш ва зарарни қоплаш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олиши лозим. Шу нуқтаи назардан, ФКнинг 15, 990, 991-моддаларида айнан давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши ва мансабдор шахсларнинг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида, шу жумладан маъмурий ва жиноят-процессуал ҳаракатларни қонунга хилоф қўллаш оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни тўлаш тартиби назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплашнинг жиноий ва маъмурий-хуқуқий усуслари ҳам белгиланган. Профессор О.Оқюлов инсон ҳуқуқ ва манфаатларини жиноий-хуқуқий ва маъмурий-хуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш таъсирчан ва самарали эканлигини, аммо фуқаролик-хуқуқий ҳимоя ҳар томонлама, кенг кўламли ва ҳаммабоплигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Чунончи, ФКнинг

«Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар» номли 57-бобида гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида етказилган маддий ва маънавий зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашнинг алоҳида тартиби, яъни деликт институти қоидалари мустаҳкамланган.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар цивилистик адабиётларда деликт институти деб ҳам аталади. Ҳуқуқшунос олимлар томонидан деликт институти ҳақида турли фикрлар билдирилди. Баъзилар, деликт институти — «бозор муносабатларининг барча иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилишга мўлжалланган универсал характердаги ҳуқуқий ҳимоя усули»<sup>2</sup> деса, бошқалар «жабрланувчининг мулкий зарари адолатли ва тезликда тикланишини таъминлашга қаратилган чора»<sup>3</sup>, деб ҳисоблайди. Деликт юридик тушунча бўлиши билан бирга, гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойдани жабрланувчининг фойдасига ундиришни таъминловчи фуқаролик ҳуқуқининг мустақил институти ҳам ҳисобланади.

ФКда деликт муносабатларда ички ишлар органлари ва уларнинг мансабдор шахслари иштирокини ифода этган алоҳида норма мавжуд эмас. Бироқ ички ишлар органлари давлат органи экан, ФКда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари иштирокидаги деликт муносабатлар Кодекснинг 15, 990 ва 991-моддаларида бевосита тартибга солинган. Шунингдек, ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сифатида деликт муносабатлардаги иштироки назарда тутилган. Яъни ФКнинг 57-боби 991-моддасида «Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик» белгиланган. Давлат органлари (шу жумладан, ИИО) ва уларнинг мансабдор шахслари иштирокидаги деликт муносабатлар деликтнинг алоҳида тури ҳисобланади.

Бугунги кунда цивилист олимлар давлат органлари (шу жумладан, ИИО) иштирокидаги деликт муносабатлар мунозарали ва уларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларини мукаммал эмас, деб ҳисоблайдилар. Қуйида баъзи ҳолатларга батафсилоқ тўхталишни лозим топдик.

*Биринчидан*, бу турдаги деликт муносабатлар ҳам оммавий, ҳам хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган аралаш-ҳуқуқий муносабатдир. Хусусан, «қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олиш ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилҳат олишни, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда амалга ошириш натижасида фуқарога етказилган зарар»ни қоплаш тартиби ФКнинг 991-моддаси ва «Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш тартиби» номли ЖПКнинг 38-боби нормалари билан тартибга солинган. Бир турдаги ижтимоий муносабатларнинг турли ҳуқуқ соҳаси нормалари билан тартибга солинганлиги ҳуқуқни тўғри ва аниқ қўллаш муаммосини юзага келтиради. Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суднинг маъмурий ва жиноят-процессуал ҳаракатларни қонунга хилоф қўллаш оқибатида фуқарога етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашга оид қонун нормаларини унификациялаш (бирхиллаштириш) зарур.

*Иккинчидан*, ФКнинг 991-моддаси биринчи қисми мазмунидаги маъмурий ва жиноят-процессуал ҳаракатларни қонунга хилоф қўллаш оқибатида фуқарога етказилиши мумкин бўлган зарар турлари тўла-тўқис ўз аксини топмаган. Бошқача айтганда, ноқонуний тинтуб ўтказиш, гумон қилинувчини ноқонуний ушлаб туриш ёки маъмурий жазонинг қамоқдан бошқа турларини ҳам қонунга хилоф тарзда қўллаш каби гайриқонуний ҳаракатлар оқибатида фуқарога етказилиши мумкин бўлган зарар юқорида қайд қилинган модданинг

мазмунидаги ўз ифодасини топмаган. Бу ҳолат цивилистика фанида нотўғри талқин ва тушунчаларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, баъзи цивилистлар «давлатнинг жавобгарлиги давлат органларининг ҳар қандай гайриқонуний ҳаракати учун эмас, балки айнан олдиндан қонунларда кўрсатилган гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик)-лари учун келиб чиқади»<sup>4</sup> деган фикрни айтадилар. Яъни муаллифлар, давлат олдиндан қонунда белгилаб қўйилган гайриқонуний ҳаракатлар оқибатида етказилган заарларнинг қоплаши керак, деб ҳисоблайдилар. Бизнингча, ФКнинг 991-моддаси суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг маъмурий ва жиноят-процессуал ҳаракатларни қонунга хилоф қўллаш оқибатида етказилиши мумкин бўлган барча заарларни қамраб олмаган, шу боис улар қонунчиликда тўлиқ ўз ифодасини топиши керак.

*Учинчидан*, ФКнинг 15, 990, 991-моддадаридаги давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар давлат томонидан тўла ҳажмда тўланиши белгилangan. Яъни 15, 990, 991-моддалар мазмунидаги қоплаш мабурияти давлат органига эмас, айнан давлат зиммасига юкланган. Лекин юқоридаги моддаларнинг номланишидан етказилган зарар учун давлат органлари, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг жавобгарлиги маъноси англаради. Масалан, ФКнинг 991-моддаси «Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик» деб номланган. Фикримизча, ФКнинг 15, 990, 991-моддалар номининг мазмунига уйгунлигини таъминлаш мақсадида 15-моддани «Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш», 990-моддани «Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи

*бошқарши органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплаши», 991-моддани «Суриширув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарни қоплаш», дея ўзгартиш мақсадга мувофиқдир.*

*Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 175-II-сон қонуни билан ФКнинг 15, 990, 991-моддаларига «Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин»-лигини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Энди суд жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни тўғридан-тўғри мансабдор шахснинг зиммасига юклаши ҳам мумкинлиги белгиланди. Мазкур ҳолат цивилист олимлар томонидан қизғин баҳс-мунозаларга сабаб бўлди. Чунки ФКнинг 990-моддасида «Давлат органларининг, ... қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, улар мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар ...» ёки 991-моддасида «фуқарога етказилган зарар суриширув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади» деб белгиланган.*

Юқорида келтирилган моддаларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар давлатнинг ўз органлари томонидан етказилган зарарни тўлаш тартибини ўзгаририб юборди. Аммо давлат ўз органлари ва мансабдор шахсларига берган ҳокимият ваколатларини ҳар доим тўғри ва қонуний амалга оширилишини кафолатлаши керак. Чунки заарни тўлаш учун мансабдор шахснинг ҳеч қандай маблаги ёки мол-мулки бўлмаса, заарнинг қопланиши кечикиши ёки умуман қопланмай қолиб кетиши ҳам мумкин. Пиравардида ФКнинг 985-моддасида белгиланган етказилган зарар ўз вақтида «*тўлиқ ҳажмда*

*қопланиши», яъни «*боши деликт*» принципига puttur этиши мумкин. Шу мақсадда, Кодекснинг 15, 990, 991-моддаларига киритилган «Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин» деган норма чиқариб ташланиши тўғри бўлади. Натижада жабрланувчига давлат органлари томонидан етказилган зарар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда қопланишига эришилади. Агар зарар етказишида мансабдор шахснинг айби борлиги суд томонидан исботланган ҳолларда давлат айбдор мансабдор шахсга нисбатан ФКнинг 1001-моддасида белгиланган тартибда тўланган зарар миқдорида қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эга бўлади.*

*Бешинчидан, деликт муносабатларда оммавий ҳуқуқ субъектлари (шу жумладан, ИИО) давлат органи ёки юридик шахс сифатида иштирок этади. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, давлат органлари ҳокимият ваколатларини амалга ошириш вақтида етказган зарари давлат бюджетидан, юридик шахс фаолиятида етказган зарари эса шу давлат органининг пул маблағлари ҳисобидан тўланиши керак. Чунки ФКнинг 80-моддасида «*қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди*» деб белгиланган. Бошқача айтганда, давлат органлари томонидан етказилган зарарнинг давлат томонидан тўланиши фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши керак. Яъни давлатнинг учинчи шахс сифатида жавобгарлиги давлат органлари томонидан етказилган ҳар қандай зарарни эмас, айнан ҳокимият ваколатларини амалга ошириш вақтида етказган зарари учун вужудга келади (ФКнинг 15, 990, 991-моддалари асосида). Бошқа ҳолларда давлат органлари томонидан етказилган зарар учун ўзлари мустақил тарзда умумий асосларда мулкий жавобгар бўлади. Бу масалада И.С.Кокорин таъкидлаганидек, ички ишлар органлари қандай фаолият оқибатида зарар етказган бўлса, зарарни ким тўлаши шунга кўра*

белгиланиши, масалан, зарар хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида етказилган бўлса — жавобгарлик умумий асосларда (яъни ИИОнинг ўзига), агарда зарар жиноят-процессуал фаолиятни ёки маъмурий ҳокимият ваколатларини амалга ошириш вақтида етказилган бўлса, жавобгарлик давлат органи сифатида (давлат зиммасига) белгиланиши керак<sup>5</sup>.

Юқорида таъкидланган ҳолатларни ҳисобга олиб, аввало, ФКнинг 15, 90, 991-моддалари юқорида билдирилган таклифларни инобатта олган ҳолда такомиллаштирилиши

зарур, сўнгра давлат органлари (шу жумладан, ИИО) иштирокидаги деликт муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини унификациялаш (бирхиллаштириш), оммавий ҳуқуқ субъектлари томонидан етказилган зарарни қоплаш тартибининг яқдиллигини таъминлаш, ҳуқуқ нормаларини бир хилда тўгри ва аниқ қўллаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни тўлаш тартиби тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

<sup>1</sup> Оқолов О. Защита от пыток гражданско-правовыми средствами // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2004. – С. 39.

<sup>2</sup> Садиков О.Н. Гражданское право РФ. В 2-х томах. Т. 1. – М., 2006. – С. 56.

<sup>3</sup> Гинц Е.М. Вестник Московского университета МВД России. – 2012. – № 6. – С. 53; Оқолов О., Эгамбердиев Э., Мұхамедов Ү. ва бошқ. Фуқаролик ва оила ҳуқуқи. – Т., 2018. – Б. 327.

<sup>4</sup> Гаврилов В. Н., Береговский М. С., Демьянович И. А. Особенности возмещения вреда, причиненного гражданину правоохранительными органами // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. – № 3(75). – 2017. – С. 106; Шиктыбаев Т.Т. Деликтные обязательства по законодательству Республики Казахстан: Дис. ... д-ра юрид. наук. – Алматы, 2007. – С. 174.

<sup>5</sup> Кокорин И.С. Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный применением физической силы, специальных средств и оружия сотрудниками органов внутренних дел: Дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2005. – С. 53.

**А. Т. Алижанов,**

*ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети  
хизмат-жонговар ва жисмоний тайёргарлик цикли ўқитувчи*

## **АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ: УНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги ҳамда уни таъминлаш усуллари ва принциплари батафсил ёритилган. Ахборот олиш эркинлиги, уни йифиш, сақлаш ва тарқатиш масалалари хусусида асосли фикрлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** ахборот хавфсизлиги, миллий хавфсизлик, ахборот хуружи, ахборот таҳдиди, пинҳоналиқ, бутунлик, қобиллик.

### **Безопасность информации: методы и принципы её обеспечения**

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы безопасности информации Республики Узбекистан, а также методы и принципы её обеспечения, разъясняются принципы свободы получения, сбора, хранения и распространения информации.

**Ключевые слова:** безопасность информации, национальная безопасность, информационный кризис, угроза информации, секретность, целостность.

### **The information security: its provision methods and principles**

**Annotation.** The article deals with the information security and its methods and principles. The author gives grounded ideas on freedom of receiving information, collection, keeping and spreading issues.

**Keywords:** information security, national security, information threat, sacredness, unity, ability.

Ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ҳар қандай давлатнинг ахборот ресурслари унинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини белгиловчи муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Мазкур ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат хавфсизлигини ва демократик ахборотлашган жамиятнинг муваффақиятли шакллантирилишини таъминлайди. Жамиядта ахборот алмашинуви тезлиги юксалиб, маълумотларни йифиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илгор технологияларни қўллаш кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Ахборот глобаллашув шароитида жаҳон давлатларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги «Ахборот технологиялари

ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги<sup>1</sup> қарорига мувофиқ, давлат ва жамият бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ва ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамасдан, «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишига, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммолар вужудга келмоқда:

*биринчидан*, ахборотлаштириш субъектлари томонидан қонун хужжатлари ва давлат стандартларининг ижро этилиши устидан назорат механизмининг замон талабларига мувофиқ эмаслиги, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъул ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жорий этилаётган дастурий маҳсулотларни экспертиза ва сертификациядан ўтказиш тизимидағи камчиликлар «Электрон ҳукумат» тизимидағи жадал интеграциялашувни сусайтиromoқда;

*иккинчидан*, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги назорат тизими, муҳим ахборот инфратузилмасининг мукаммал эмаслиги давлат ахборот тизимлари обьектлари, рақамли иқтисодиёт ва шахсий маълумотларнинг заифлашувига олиб келмоқда;

*учинчидан*, бузғунчи құчларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет тармоғидан ўзларининг гараздии мақсадлари йўлида фойдаланиши аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг дунё-қараши ва онига салбий таъсир кўрсатмоқда;

*тўртинчидан*, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий қилиш бўйича тизимли ишларни, миллий ахборот маконини ҳимоя қилишнинг замонавий усулларини жорий қилишни талаб этади.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида маълумотлар йигиндини, ахборот инфратузилмасини, ахборотни шакллантириш, йиғиш, тарқатиш ва улардан фойдаланишини амалга оширувчи субъектларни, бунда юзага келадиган жамоатчилик муносабатларини бошқариш тизимларининг роли борган сари ўсиб бормоқда. Ахборотлашган муҳит жамиятнинг ҳаёт тизимини шакллантирувчи омил бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, иқтисодий, маънавий, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи бошқа таркибий тизимларига фаол таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизнинг миллий хавфсизлиги ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан

узвий бўлиб, техник тараққиёт жараёнида бу боғлиқлик янада ортади. Интернет технологияларининг яратилиши турли манбалардан тез ва осонлик билан ахборот олиш имкониятларини ошириб юборди. Давлат ташкилотлари, фан ва таълим муасасалари, тижорат корхоналари ва алоҳида шахслар ахборотни электрон шаклда яратиб, сақлай бошладилар. Бу муҳит аввалгисига нисбатан катта қулайликлар туғдиради: сақлаш — жуда ихчам, узатиш эса бир онда юз беради, тармоқ орқали бой маълумотлар базаларига мурожаат қилиш имкониятлари жуда кенг.

Мавжуд ахборотдан самарали фойдаланиш имкониятлари ахборот миқдорининг тез кўпайишига олиб келди. Бу, албатта, гап оммавий ва ҳамма билиши мумкин бўлган ахборот ҳақида борганида ўта ижобий ҳодисадир. Лекин маҳфий ахборот оқимлари учун Интернет технологиялари қулайлик билан бир қаторда, янги муаммолар ҳам келтириб чиқарди. Интернет муҳитида ахборот хавфсизлигига таҳдид кескин ошди. Бу қўйидагиларда яққол намоён бўлади:

— ахборотни ўғирлаш, унинг мазмунини бузиш, эгасининг рухсатисиз ўзгартириш, тармоққа ва серверларга ўгринча кириш;

— тармоққа тажовуз қилиш, механик таъсир, вируслар, бошқа сабаблар натижасида шикастланиши мумкин бўлган техника воситалари.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш қўйидаги уч асосий муаммонинг ҳал этилишини назарда тутади. Ахборот маҳфийлик, тўлиқлик, муқобиллик принципларига асосланган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ахборот хавфсизлиги деганда ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манбаатларининг ҳимояланиши тушунилади<sup>2</sup>. Ахборот хавфсизлиги масаласи ҳуқуқ ва манбаатлари ҳимоя қилиниши лозим бўлган субъектларга ҳам, бундай ҳимояни таъминлайдиган субъектларга ҳам бирдай тааллуқли. Булар жумла-

сига: ахборот ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиласидиган давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар; ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқадиган, қўллайдиган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар; ахборот ресурсларини юзага келтирадиган ва улардан истеъмолчиларга ахборот тақдим этадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар, ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган давлат тузилмалари ва мансабдор шахслар киради.

Ахборотни яратиш (ишлаб чиқариш) соҳасида, биринчи навбатда, қуйидагилар ҳимоя қилиниши зарур: интеллектуал мулк обьекти бўлган ахборот; интеллектуал ва буюм кўринишидаги мулк обьекти бўлган ахборот. Ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминлаш воситаларининг яратилиш ҳамда қўлланиш соҳасида, аввало, ахборот хавфсизлиги борасида туғиладиган талаблардан келиб чиқиб, барча техник, ташкилий, ҳуқуқий ва дастурий ҳимоя воситалари ишлаб чиқилиши лозим. Бунда, биринчи навбатда, қуйидагилар ҳимоя қилиниши зарур: ахборотли, масалан, электрон рақамли имзо воситалари, автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва уларнинг тармоқлари таркибидаги маълумот (билим) базалари; ахборот воситалари ва уларнинг тармоқлари таркибидаги дастурий иловалар.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлиги — давлатнинг доимий дикқат-эътиборидаги масала. Ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш бўйича миллий ҳуқуқий норматив асосни ривожлантириш ва тақомиллаштириш тўғрисида фармон, қарор ҳамда қонунлар қабул қилинган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишларини ўзида мужассам этган. Бу Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлашда давлат

сиёсатини шакллантириш, ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий, методик, илмий-техник ва ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, ахборот хавфсизлигининг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати қуйидаги тўрт принципга асосланади:

— ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятни амалга оширишда Конституция, қонун ҳужжатлари ҳамда ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принцип ва нормаларига амал қилиш;

— давлат ҳокимияти органлари ва жамоат уюшмаларининг функцияларини амалга оширишда ошкораликни таъминлаш;

— ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнлари барча иштирокчиларининг, қандай сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий мақомга эга бўлишидан қатъи назар, фуқароларнинг ахборотни қонуний тарзда эркин қидириш, олиш, узатиш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш борасидаги конституциявий ҳуқуқига асосланган ҳуқуқий тенглигини таъминлаш;

— республикада замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, миллий телекоммуникация тармоқларини тақомиллаштириш ва жаҳон ахборот тизимларига улаш имконини берадиган техник ва дастурий воситаларни ишлаб чиқариш.

Давлат миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ўз вазифаларини бажариш жараённида ахборот хавфсизлигига бўлган таҳдидларни холис ва ҳар томонлама таҳлил қиласи ҳамда буни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади; шунингдек, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро органларининг Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш, уларни қайтариш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишларини ташкил этади. Айни

пайтда давлат, жамоат бирлашмаларининг жамият ҳётидаги ижтимоий аҳамиятга эга ҳодисалар ҳақида аҳолига объектив ахборот бериш, жамиятни соxта ва нотўри ахборотдан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини кўллаб-куvvatlайди ҳамда ахборотни ҳимоя қилиш воситаларининг ишлаб чиқилиши, яратилиши, ривожлантирилиши, кўлланиши, экспорт ва импорт қилинишини сертифи-катлаштириш ҳамда лицензиялаш орқали назорат қиласди.

Ахборот соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишининг ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёsatининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, аввало, ахборот соҳасида қонунийликка риоя қилиш ҳамда фуқаролар, жамият ва давлатнинг бу соҳадаги манфаатлари мувозанатини сақлаш принципларига асосланиши лозим.

Қонунийлик принципига риоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органларидан ахборот соҳасидаги низоларни ҳал қилишда бу соҳадаги муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилишни талаб этади.

Фуқаролар, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари мувозанатини сақлаш принципига риоя қилиш эса жамият ҳётидаги турли соҳаларида бу манфаатларнинг устуворлигини қонунан белгилаш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг жамоатчилик томонидан назорат қилиниши шаклларидан фойдаланишни назарда тутади. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги фаолиятга таалукли конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш давлатнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги муҳим вазифаларидан биридир.

Бугун дунё сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий қадриятлар соҳасида глобаллашув томон юз бураётган бир пайтда ҳар бир давлат ўзининг миллий манфаатларини таъминлашга, ўз нетизларидан узоқлашиб

кетмаслик ва жаҳон саҳнидаги бошқа кудратли объектлар таъсирига тушиб қолмасликка интилмоқда. Чунки глобаллашувнинг илмий-техник тараққиёт билан бирга кечаётгани давлат даражасида ҳам, шахс даражасида ҳам ташқи дунё билан алоқаларнинг кенгайиб бориши мамлакатнинг ахборот инфратузилмасига нисбатан минтақавий ва глобал таҳдидларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши, ижтимоий жараённинг глобаллашуви, информацион телекоммуникациялар соҳасида инқиlobий ўзгаришларнинг амалга ошиши жамиятда қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, компьютер тизимларининг яратилиши ва ахборот тармоқларининг пайдо бўлиши ахборот тизимлари ва тармоқларининг хавфсизлиги муаммосини юзага келтирди<sup>3</sup>.

Ахборот хавфсизлигининг моҳияти ҳимоя объектларининг оптималь ҳолати, унинг хатар манбалари ва хусусиятлари аниқланганлиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, хавфсизликни таъминлаш йўл ва усуслари масаласига аниқлик киритилиши талаб этилади. Ундан ташқари, бу борадаги чора-тадбирларни йўлга қўйишнинг ташкилий ва таркибий жиҳатлари таҳлил қилиниши керак.

Ахборот хавфсизлиги муаммоларининг ечими учун фойдаланиладиган ташкилий чора-тадбир ва тартиблар ахборот тизимларини йўналтиришда ва лойиҳаларнинг барча босқичларida ҳал қилинади. Улар орасида энг муҳими ҳимояланаётган ахборот тизими жойлашган объектни кўриқлашdir.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, аввало, ахборот хавфсизлиги соҳасида ҳимояга муҳтоj асосий объектларни белгилаб олсак. Бу борада биринчи ўринда турадиган категория, шубҳасиз, ижтимоий онгdir. Чунки ижтимоий онг доимий равишда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда турли ахборот манбалари таъсирида бўлади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари тасодифий ва олдиндан кўзланган бўлиши мумкин. Дастурй таъминотдаги камчиликлар, техник воситаларнинг носозлиги, малака этишмаслиги ёки фойдаланувчининг хатолари тасодифий таҳдидлар ҳисобланади. Олдиндан кўзланган ёки режалаштирилган таҳдидлар эса ахборот захираларига зарар етказиш мақсадида атайин амалга оширилади.

Тажрибадан маълумки, ҳар қандай хавфни бартараф этишнинг энг осон йўли шу хавфни олдиндан аниқлаб, унга қарши эҳтиёт чораларини кўришдир. Шу жиҳатдан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам соҳага қарши эҳтимол тутилган таҳдид манбаларини аниқлаш ва ҳимоя чораларини кўриш бирламчи вазифалардан ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари ички ва ташқи манбаларга бўлинади.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, ахборот хавфсизлигининг долзарб муаммога айланишига асосан ташқи манбалар сабаб бўлган, чунки бугун замонавий дунёга эгалик қилиш учун курашнинг асосий воситаси сифатида ахборот тилга олинмоқда. Бундай вазиятда ахборот технологиялари ва ахборот бошқаруви юксак даражада тараққий этган давлатлар ўзидаги бу устунликдан ижтимоий онгга таъсир кўрсатиш йўлида фойдаланишдан том маънода манфаатдордир.

Ахборот маконининг вужудга келиши нафақат уни бўлиб олиш, балки унда кечаётган жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришни хоҳловчи томонлар пайдо бўлишига олиб келди. Бу гуруҳлар курашиш воситаси сифатида ҳам айнан ахборотдан фойдаланади. Таҳлилчилар ахборот куроли деганда одамларга руҳий таъсир кўрсатадиган ва уларни назорат қилиш имконини берадиган воситаларни, компьютер вирусларини, телекоммуникация тармоқларида ахборот алмашувини бостирадиган мосламаларни, давлат ва ҳарбий соҳаларни бошқаришда ахборотни соҳталаштириш каби ҳаракатларни назарда тутишади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг асосий тури бир марталик ташвиқот акциялари,

узоқ муддатли тарғибот кампаниялари, мафкуравий тазиқ, маданий экспансия, ахборот блокадаси каби руҳий-информацион таъсир воситаларидир.

Руҳий-информацион таъсир оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари орқали амалга оширилади ҳамда давлатнинг ички сиёсатига ишончсизлик уйготиш, ички ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, мухолиф кайфиятларни қўзгатиши, ҳаттоқи исёнга ундаш каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Глобаллашган ахборот майдонида руҳий-информацион таъсир воситаларини тўлиқ чеклаш ёки назорат қилишнинг имкони йўқ: демократик бошқарув, фикрлар хилмачиллиги бунга йўл қўймайди. Аслида, тарқатилаётган ҳар бир ахборот қайта-қайта текширилган бўлиши керак. Аммо бунинг имкони ҳар доим ҳам бўлмайди. Шу боис муммонинг бошқа ечимини излаш маъқул. Яъни:

*биринчидан*, ташқи таҳдид кучларига нисбатан адекват муносабатни шакллантириш керак;

*иккинчидан*, фуқароларнинг билими ва таҳдил қилиш маҳоратини ўстириш лозим, токи уларнинг ўзи оқни қорадан ажратиш имконига эга бўлсин;

*учинчидан*, ахборот оқимида жамият ва давлат манфаатларига мос бўлган ахборотни одамлар тезроқ қабул қиласидиган ва ишонадиган даражага олиб чиқиш даркор (бу вазифа етарли даражада амалга оширилса, салбий ахборотнинг ижтимоий онгга таъсири кескин камаяди);

*тўртинчидан*, миллий ОАВга ишончни ошириш зарур, чунки ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартлари жамиятда ахборот тақчиллигини бартараф этиш масаласи билан боғлиқ. Агар аҳоли маҳаллий ОАВга ишонмаса, уларни асосий ахборот манбаи сифатида қабул қиласа, бошқа манбаларни излаши табиий;

*бешинчидан*, ахборот бошқаруви ва технологиялари соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш муҳим.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувининг кучайиб бориши улардан глобал ахборот

майдонида ўз имижини яратишни талаб қилмоқда. Глобаллашув инсон ҳаётини қанчалик шиддаткор қиласин, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, миллий қадрият ва анъаналарига содиқлиги, умуман, унинг миллат сифатида ўзлигини сақлаб қолишига жиддий таҳдид солмоқда. Шунинг учун ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари бугун дунёнинг нафақат ривожланаётган, балки етакчи давлатларида ҳам улкан аҳамият касб этмоқда. Негаки, ахборот қуроллари ривожланиб бораётган бир пайтда, уни чеклаш, тартибга солиш ёки назорат қилиш бўйича ҳеч қандай халқаро норма ишлаб чиқилмаган. Бундай вазиятда ҳар бир давлат ўзининг жаҳонда тутган ўрни, мақсад-интилишлари ва миллий манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружларидан сақланиш ва уларга қарши курашиш масаласида ўзича иш олиб бормоқда. Бинобарин, мамлакатнинг барқарор ривожланиши, жамиятни бунёдкорлик йўлида бирлаштириш, халқ ишончи ва хотиржамлигини сақлашда ахборот соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ҳар қандай ривожланаётган мамлакатда ислоҳотларнинг самараси ва тараққиёт натижаларининг қай даражада кўзга ташланиши қўп жиҳатдан ушбу юртда шаклланган мафкура ва аҳоли томонидан ҳукуматнинг фаол қўллаб-куватланишига боғлиқ. Демак, бу жараён ҳам жамиятдаги ахборот тизимларининг оптинал даражада фаолият юритишини талаф этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, глобаллашувнинг асосий белгиларидан бири миллий чегараларнинг ахборот маконида ўз аҳамиятини йўқотиб боришидир. Ҳар қандай минтақани иқтисод, ахборот ва хавфсизлик жиҳатидан жаҳон ҳудудининг ажралмас бўлагига айлантирган бу жараён ҳар бир миллат олдига ўзлигини сақлаб қолиш, давлатлар учун эса манфаатлар тўқнашувида ўз ўрнини топиш масаласини кўндаланг қўймоқда. Миллатнинг миллат, давлатнинг давлат сифатида сақланиб қолишида мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий қудрати билан бир қаторда, унинг глобал ахборот майдонида ўз манфаатларини ҳимоя қилиши, турли ахборот хуружларига қарши турла олиши, қисқача айтганда, ахборот хавфсизлигининг қай даражада таъминлангани ҳам улкан аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 21 ноябрь қарори // Халқ сўзи. – 2018. – 22 нояб.

<sup>2</sup> «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2015. – № 1. – 645-м.

<sup>3</sup> Борсиков В. С., Водолазский В. В. Современные технологии безопасности. – М., 2000. – С. 18.

**A. I. Fайбулаев,**

*ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ бўлим бошлигининг ўринбосари, ТДЮУ мустақил изланувчи*

## **ТОВАР ОМБОРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

**Аннотация.** Мақолада товар омборида омонат сақлаш муносабатларини шартномавий-хуқуқий тартибга солиш масалалари таҳдил этилган. Муаллиф товар омборида омонат сақлаш шартномасининг моҳиятини дон маҳсулоти ва пахта хомашёсини сақлаш мисолида очиб беришга ҳаракат қиласи. Амалга оширилган таҳдиллар натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Товар омборлари тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш зарурлиги асослантирилади.

**Таянч сўзлар:** товар омбори, шартнома, хуқуқий тартибга солиш, шартнома мазмуни, юк топширувчи, сақлаш, тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

### **Договорно-правовое регулирование служб товарных складов**

**Аннотация.** В статье проанализированы вопросы договорно-правового регулирования хранения имущества на товарных складах, в частности зерновых продуктов и хлопка-сырца. В результате анализа была обоснована необходимость принятия закона «О товарных складах» Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** товарный склад, договор, правовое регулирование, содержание договора, хранение, права и обязанности сторон.

### **Contract-legal regulation of warehouses service**

**Annotation.** The article analyses the issues of contractual regulations for the storage of property in warehouses. The author cites as an example the storage in the warehouses of grain products and raw cotton. As a result of the analysis, the necessity of adopting a law on “Commodity Warehouses” of the Republic of Uzbekistan was substantiated.

**Keywords:** warehouse, contract, legal regulation, contract content, deliveryman, storage, rights and obligations of the parties.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида товар омборида омонат сақлаш муносабатларининг мазмуни, моҳияти ва иқтисодий муносабатлар тизимидағи ўрни тубдан ўзгарди. Айниқса, шартнома тарафлари хуқуқ ва мажбуриятлари доирасининг кенгайғанлиги бевосита бозор муносабатлари шароитида талаб ва таклиф, рақобат, субъектларга берилган кенг имкониятлар ва ташаббускорликнинг натижаси бўлди.

Товар омборида омонат сақлаш шартномасининг тарафлари шартнома тузишда бевосита эрк-ирода эркинлиги асосида хуқуқий муносабатга киришадилар. Бунда тарафлар ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалашлари ва шартноманинг

мазмунини аниқлашда ўз хоҳиш-истакларини амалда билдиришлари лозим бўладики, бу ҳолат бозор муносабатларининг энг муҳим қоидаларидан бири субъектларнинг эркин ҳаракат қилишлари ва шартномалар эркинлиги принципининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, фуқаролик хуқуқларини амалга ошириш эркинлиги бевосита субъектларга шартномавий муносабатларга эркин киришиш имконини ҳам беради.

Маълумки, шартнома мазмуни деганда тарафлар келишуви билан шартномага киритилган шартлар тушунилади. Ҳ.Р. Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, тарафларнинг шартномада келишилган ва мустаҳкамланган

шартлари йиғиндиси шартноманинг мазмуни деб эътироф этилади. Аммо бу шартноманинг мазмунини ташкил этадиган унинг шартлари шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эканлигини англатмайди<sup>1</sup>. И.Б.Зокировнинг фикрича, шартноманинг мазмуни унинг бандлари (шартлари, реквизитлари)дан иборат. Амалдаги қонунчиликка кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади<sup>2</sup>.

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, шартноманинг мазмунини унда ифодаланиши лозим бўлган ёки ифодаланадиган (ўз аксини топадиган) барча банд, ҳолат ва ёзувлар ташкил қиласди. Улар жумласига тарафлар амал қилиши лозим бўлган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланган шартлар, тарафларнинг юридик манзили, банк ҳисобварақлари ва муҳр ўрнини белгиловчи ёзувлар киритилиши мумкин. Лекин барча ҳолатларда ҳам шартнома мазмuni ҳақида фикр юритилганда шартномада ифодаланадиган ва тарафлар амал қилиши керак бўлган шартлар «шартнома мазмуни» тушунчасининг асосини ташкил этади.

Фуқаролик ҳуқуқида шартнома мазмунида ифодаланадиган барча шартлар асосий, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлинниши қабул қилинган. Мазкур мақоланинг предмети товар омборида омонат сақлаш шартномаси тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил этувчи шартларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш эканлигини назарда тутган ҳолда, бевосита товар омборида омонат сақлаш шартномаси тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқидаги барча шартномаларда бўлгани каби, товар омборида омонат сақлаш шартномасида ҳам шартнома мазмунини унда ифодаланадиган шартлар (бандлар) ташкил этади ва бу шартлар ҳам умумий қоидага кўра асосий, одатдаги ва

тасодифий шартларга бўлинади. ФКнинг 354-моддасига биноан, товар омборида омонат сақлаш шартномасининг асосий (муҳим) шартларига шартноманинг предмети тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар киради. Улардан энг муҳимлари тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидир.

Товарни сақлаш учун қабул қилиб олиш товар омборининг асосий мажбурияти ҳисобланади. ФКнинг 876-моддасига мувофиқ, омонат сақлашни тадбиркорлик ёки бошқа профессионал фаолият сифатида амалга оширадиган омонат сақловчи омонат сақлаш шартномаси бўйича ўз зиммасига юк топширувчининг ашёларини сақлашга қабул қилиш ва юк топширувчи берган нарсаларни ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга мувофиқ сақлаш мажбуриятини олиши мумкин. Омонат сақлаш шартномаси бўйича ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятини олган омонат сақловчи бу ашёни сақлаш учун ўзига беришни талаб қилишга ҳақли эмас. Бироқ ашёни омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган муддатда сақлашга топширмаган юк топширувчи, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёни сақлашга топширмаганлиги туфайли етказилган зарар учун омонат сақловчи олдида жавобгар бўлади. Агар омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё шартномада келишилган муддатда сақлашга топширилмаган ҳолларда, бордию бу муддат белгиланмаган бўлса, шартнома тузилган кундан бошлаб уч ой ўтганидан кейин омонат сақловчи ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятидан озод этилади.

Товар омбори сақлашга топширилган ашёнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган, шунингдек бошқа барча зарур чораларни кўриши шарт. Агар шартномада эгасизлантириб сақлаш назарда тутилган

бўлмаса, омонат сақловчи сақлаш учун ўзига берилган ашёни юк топширувчига ёки у олувчи сифатида кўрсатган бошқа шахсга топшириши лозим. Ашё сақлашга қандай ҳолатда топширилган бўлса, ўша ҳолатда, унинг табиий ёмонлашувини ёки табиий камайишини ҳисобга олиб қайтариб берилиши керак.

Товар омборида омонат сақлаш муносабатлари учун энг муҳим жиҳатлардан бири товарлар омонат сақлашга қабул қилинганини тасдиқлаш мақсадида тузилган ҳужжатлардир. ФКнинг 908-моддасига мувофиқ, товар омборлари товарларни сақлашга қабул қилинганини тасдиқлаб, қуидаги омбор ҳужжатларини бериши мумкин:

- икки қисмли омбор гувоҳномаси;
- оддий омбор гувоҳномаси;
- омбор паттаси.

Икки қисмли омбор гувоҳномаси, унинг ҳар бир қисми ва оддий омбор гувоҳномаси қимматли қофозлар ҳисобланади. Ҳар қандай қимматли қофоз каби икки қисмли омбор гувоҳномаси ҳам ўзига хос мулкий ҳукуқларни кафолатлайди. Қимматли қофоз ҳисобланган омбор ҳужжатлари айни вактнинг ўзида мол-мулк гарови ва омонат сақлаш муносабатлари билан боғлиқ мулкий ҳукуқларни кафолатлайди.

Икки қисмли омбор гувоҳномаси бирбиридан алоҳида бўлган қисмлардан иборат бўлса-да, иккала қисмида ҳам бир хилдаги реквизитлар ифодаланади ҳамда ваколатли шахснинг имзоси ва товар омборининг муҳри билан тасдиқланади. ФКнинг 909-моддаси иккинчи қисмiga мувофиқ, икки қисмли омбор гувоҳномасининг ҳар бир қисмида қуидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- товарни сақлаш учун қабул қилинган товар омборининг номи ва жойлашган манзили;
- омбор гувоҳномасининг омбор реестри бўйича жорий номери;
- товар сақлаш учун қабул қилиб олинган ташкилот номи ёки фуқаронинг исми, шунингдек, товар эгасининг жойлашган ери (яшаш жойи);

— сақлаш учун қабул қилинган товарнинг номи ва миқдори — бирликлар сони ва (ёки) товар доналарининг сони ва (ёки) товарнинг ўлчови (огирлиги, ҳажми);

— агар муддат белгиланган бўлса, товар қанча муддатга сақлаш учун қабул қилинганини ёки товар талаб қилиб олингунча сақлаш учун қабул қилинганини;

— омонат сақлаганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори ёки бу ҳақни ҳисоблаб чиқаришга асос бўладиган тарифлар ва сақлаш ҳақини тўлаш тартиби;

— омбор гувоҳномаси берилган сана<sup>3</sup>.

Омбор гувоҳномаси ва товар омборининг реестрига товарга нисбатан гаровнинг белгиланиш муддати ва унинг суммаси тўғрисидаги ёзувлар киритилади. Товар бўйича мавжуд гаровда берилган кредит ва у бўйича фоизлар тўғрисидаги маълумотлар омбор гувоҳномасида белгиланаши лозим (ФК 910-м. 3-қ.). Бироқ амалдаги қонунчилик бундай маълумотлар тўғрисида варрантда ҳам белги қўйилишини назарда тутмайди. Фикримизча, бу ҳолат қонунчиликдаги ўзига хос бўшлиқдир. Зоро, варрант кўп маротаба бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. Бунда эса гаров шартини билмайдиган ва бундай ахборотга эга бўлиш учун қўшимча ҳаракат қилиши лозим бўлган уни сақлаб турувчиларда асосий таваккалчилик хавфи вужудга келиши мумкин. Варрантда кредит муносабатларининг тарафлари, суммаси ва муддатлари тўғрисидаги белгининг мавжуд бўлиш зарурати яна шу билан боғлиқки, бунда гаровга олувчи фақат гаровга қўйилган товар баҳосидан келиб чиқиб ўз ҳақини талаб қила олади. Гаровга олувчи гаровга қўйилган товарнинг ҳаммаси ўзига мулк қилиб берилишини талаб қилиш ҳукуқига эга эмас.

Варрантсиз фақат омбор гувоҳномасини қўлга киритган сотиб олувчи товар гаров билан боғланганини ва уни олиш учун гаровга олувчига товар ҳақини тўлаб, эвазига варрант олиши лозимлигини билиши керак<sup>4</sup>. Варрант олувчи мулкдор эмас, балки гаров ҳукуқининг субъекти ҳисобланади.

Омбор гувоҳномаси ушбу ҳужжат асосида берилган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятни таъминлаш учун гаровга қўйилиши мумкин. Мажбуриятларнинг бошқа турларини таъминлаш учун омбор гувоҳномаси гаров ҳужжати вазифасини бажармайди. Варрант товар эгасининг биринчи маротаба гаров сифатида беришидан бошлаб қарз ҳужжати ҳисобланади. Варрант орқали товар эгасининг кредитор олдидаги мажбуриятлари мавжудлиги белгиланади ва у орқали товар эгасининг гаровга оловчи олдидаги мажбурияти бажарилиши таъминланади.

Икки қисмли омбор гувоҳномаси асосида омборга топширилган товар, товарни омбордан олмасдан икки қисмли омбор гувоҳномасини бошқа шахсга ўтказиш орқали топширилади. Товар омбори товарни омбор ва гаров гувоҳномаларини (икки қисмли омбор гувоҳномасини) сақловчига бериб, ундан ушбу иккала гувоҳномани олади.

Омбор гувоҳномасини сақловчи гаров гувоҳномасига эга бўлмаса, бироқ унинг юзасидан қарз суммасини тўлаган бўлса, омбор товарни фақат омбор гувоҳномасига айирбошлиш орқали ва у билан биргаликда гаров гувоҳномаси бўйича бутун қарз суммаси тўланганлиги ҳақидаги патта тақдим этилгандагина беради.

Омбор ва гаров гувоҳномаларининг сақловчиси товарни қисмларга бўлиб беришини талаб қилишга ҳақли. Бунда дастлабки гувоҳномалар ўрнига унга омборда қолган товар учун янги гувоҳномалар берилади (ФК 913-м.).

Омбор гувоҳномасида ифодаланган товар сифатида фақат ашёлар — муайян қийматга эга бўлган, хўжалик муомаласидаги моддий обьектлар эътироф этилади. Омонатга топшириладиган ашёлар индивидуал белгиланган (товар омбори томонидан алоҳида сақлашга қабул қилинган) ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган (эгасизлантириб сақлаш) бўлади. Бунда эса товар омборида омонат сақлаш шартномасининг предмети ҳар қандай ашё эмас, товар

сифатида эътироф этилиши мумкин бўлган ашёлар бўлади.

Омбор гувоҳномаси билан тасдиқланган ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари биринчи навбатда омонат сақловчи (товар омбори) ҳамда юқ топширувчи (товар эгаси) ҳисобланади. Омбор гувоҳномаси бошқа шахсга ўтказилганда яна бир субъект — омбор гувоҳномасини оловчи пайдо бўлади ва бунда ҳар қандай шахс омбор гувоҳномасини оловчи бўлиши мумкин.

Товар омбори — тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни сақлайдиган ва сақлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган ташкилот бўлиб, у маҳсус ва умумий омборларга бўлинади. Маҳсус омборлар товарларни сақлаш учун чекланган доира-даги шахслардан қабул қилишлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Агар товар омборига нисбатан бундай чекловлар белгиланмаган бўлса, бундай товар омборлари умумий омборлар ҳисобланади.

Товар омбори стандартлар, техникавий шартлар, технология йўриқномалари, сақлаш йўриқномалари, айrim турдаги товарларни сақлаш қоидаларида, омбор учун мажбурий бўлган бошқа маҳсус норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган сақлаш шартлари (тартиботи)га риоя қилиши лозим.

Агар омборда омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товар омбори товарларни сақлаш учун қабул қилиб олаётганида уларни ўз ҳисобидан кўздан кечириши керак.

Агар омонат сақлаш эгасизлантириш йўли билан амалга оширилаётган бўлса, товар омбори товар эгасига товарларни ёки уларнинг намуналарини кўздан кечириш, намуна олиш ҳамда товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун зарур чоратадбирларни қўриш имкониятларини бериши шарт.

Товарларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун сақлаш шароитларини тезлик билан ўзгартириш талаб қилинадиган ҳолларда товар омбори зарур шошилинч чораларни мустақил қўришга ҳақли. У

кўрилган чоралар тўғрисида товар эгасига хабар бериши шарт.

Сақлаш вақтида товар омборда омонат сақлаш шартномасида келишилганидан ёки одатдаги табиий бузилиш нормалари доирасидан ташқари чиқадиган даражада бузилганлиги аниқланган тақдирда, товар омбори бу ҳақда дарҳол далолатнома тузиши ва ўша куниёқ юк топширувчини хабардор қилиши шарт.

Таъкидлаш лозимки, ФК амалга кири-тилганидан сўнг 10 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, амалиётда товар омборларидан фойдаланиш ва омбор ҳужжатларидан қимматбаҳо қоғоз сифатида фойдаланиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Бу ҳолат, аввало, товар омборлари фаолияти-нинг кенг йўлга қўйилмаганлиги билан, қолаверса, товар омборида омонат сақлашга оид муносабатларнинг қонунчилик томонидан тартибга солинишида бўшлиқлар мавжудлиги билан боғлиқ. Биринчи навбатда, товар омборида омонат сақлаш муносабатларини тартибга солишга қаратилган ФКда белгиланган умумий нормалар товар омборида омонат сақлашнинг ўзига хос жиҳатлари ва уларни амалда қўллаш механизмини қамараб олмайди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда омбор гувоҳномаларининг муомаласини уларнинг икки қисмли эканлигини ҳисобга олган ҳолда тартибга солувчи маҳсус қонун ҳужжати мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмий-лаштириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг<sup>5</sup> 86-бандига кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулот корхоналарда ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари бўйича ҳисобга олинади, чиқиндилар эса бевосита смена устаси ёки қоплаш бўлими мудирининг бевосита кузатуvida тарозида тортилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисоби журналда смена мастери томонидан юритилади, санитария ҳолати тўғрисидаги белгини смена лаборанти қўяди.

Журналда идишсиз сақлаш омборига, қадоқлаш цехига берилган маҳсулот, қопланган қоплар сони ҳам қайд этилади. Маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот омборига бериш юк хати билан расмийлаштирилади. Юк хатлари ҳар бир смена тамом бўлганидан кейин тўлдирилади ва қоплаш бўлим мудири томонидан, у бўлмаган жойларда эса цех бошлиги ёки смена мастери ва омбор мудири томонидан имзоланади. Юк хатининг бир нусхаси — маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисоб рақамидан чиқариш учун, бошқа нусхаси эса маҳсулотни омборга кирим қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжатда унни омборда идишсиз сақлаш бўйича омборнинг мажбуриятлари ҳам белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, унни идишсиз сақлаш омборида белгиланган шакл бўйича силосларни тўлдириш ва ун сарфи дафтари юритилади. Идишсиз сақлаш омбори бўйича кирим қисми силосларни тўлдиришни ҳисобга олиш дафтари маълумотлари бўйича, ун намлиги эса ўртacha смена намуналари бўйича тўлдирилади. Сақлаш узоқ давом этмаслиги туфайли омборларнинг силосларида идишсиз сақлашда уннинг табиий камайиш нормаси белгиланмаган ва шу боис ушбу кўрсаткич бўйича камайиш эвазига ҳисобдан чиқарилмайди.

Мазкур Низомда омборлар, элеваторлар ва дон қуритиш ускуналарини тозалашни расмийлаштириш бўйича омборларнинг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, унга кўра корхоналарда омборлар ва бошқа сақлаш жойларини тозалаш корхона раҳбарининг фармойиши билан тайинланган комиссия томонидан моддий жавобгар шахс иштирокида амалга оширилади. Сақлаш жойларини тозалаш далолатномалар тузиш орқали расмийлаштирилади. Дон маҳсулотлари туркуми тўлиқ сарфланса ёки уларнинг мавжудлиги тартиб текшириб кўрилганда ҳеч қандай камомад ёки ортиқча маҳсулот

борлиги аниқланмаса, шунингдек, намлик ошиши ёхуд бегона аралашмалар кўпайиши комиссиянинг тушунтириши ва ваколатли органнинг хulosаси бўйича дон маҳсулотларининг оғирлиги ошишига олиб келмаса, тозалаш далолатномаси тузилмайди. Тозалаш бўйича комиссия дастлабки ҳужжатлар ва миқдор-сифат ҳисоби дафтарида санаб чиқиш бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичларининг тўғрилигини текшириб кўради ҳамда ушбу текшириш натижасини мазкур туркумнинг шахсий ҳисоб рақамига ёзиб кўяди.

Дон маҳсулотлари туркумини ҳисбот қолдиқлари бўйича (тортмасдан) бир моддий жавобгар шахсдан бошқа шахсга бериш тақиқланади. Камомад ва ортиқчаликларсиз тозалangan дон маҳсулотлари туркumi ҳақидаги маълумотлар (натижасиз тозалашлар) ҳисботга тозалаш далолатномаси билан бўлгани сингари тартибда киритилади. Бир йилда камида икки марта (1 июль ва 1 ноябрда) тозалаш комиссияси раҳбарининг бўйруги бўйича стандарт ўлчамдаги қопларга солинган барча ун ва ёрма маҳсулотлари қопларни санаш орқали ёппасига текширилади. Стандарт ўлчамдаги қопларга солинган ун ва ёрманинг жорий тозаланиши ва хатланиши натижалари тозалаш далолатномаси тузилмасдан хатлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Ун ва ёрма қолдигининг оғирлиги ўринлар ҳамда маҳсулот солинган стандарт ўлчамдаги қоплар сонини ҳисоблаш орқали аниқланади ва бу хатлов далолатномасида кўрсатилади. Ун ва ёрманинг бундай туркumlари бўйича камайишни сақлаш ва ташишда намлик пасайиши ва табиий камайиш нормаси эвазига ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди. Корхона раҳбари бир ойда камида бир марта миқдор (оғирлик)ни, тахланиш тўғрилигини ва сақлаш шароитларини аниқлаш мақсадида омборлардаги тайёр маҳсулотларнинг айrim омборлари ва айrim штабелларини тўсатдан текширишни ташкил этиши шарт (Низомнинг 178, 179-бандлари).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги 199-

сон қарори билан тасдиқланган «Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, ҳаракати, сақлаш ҳамда қайта ишлашда дастлабки ҳисобга олишини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра<sup>6</sup>, чигитни чигит хўжалиги омбори бўйича ҳисобга олиш миқдор-сифат ҳисоби дафтарида (омбор дафтарида) навлар бўйича — кирим бўйича ҳамда турли навлар чигити аралашмаси — чиқум бўйича олиб борилади. Пахта чигити ўзаро солишириш далолатномаларига мувофиқ кирим бўйича — намлиknинг массадаги улуши ҳамда минерал ва органик аралашмаларнинг массадаги улуши амалдаги стандартга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган нормаларга келтирилган ҳолда, чиқум бўйича — физик масса бўйича, миқдор жиҳатдан физик ва кондицион масса бўйича ҳисобга олинади. Пахта чигитини омборда сақлаш даврида уларнинг сифати ва миқдори бўйича сақланиши учун моддий жавобгар шахс — омбор мудири жавоб беради, у билан ушбу лавозимга тайинлаш вақтида унинг моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади. Пахтанинг техник чигити сақланишини таъминлаш учун пахта чигитини етказиб беришни ўзаро таққослаш ўтказилади.

Ҳар ойда пахта тозалаш заводлари ёғ-мой заводлари ва «Сифат» марказининг инспектори билан биргалиқда олти нусхада таққослаш далолатномасини тўлдирадилар. Унда пахта тозалаш заводлари томонидан юқлаб жўнатилган чигит ҳажми — ассортимент бўйича, физик ва кондицион оғирликда ҳамда ёғ-мой заводлари томонидан қабул қилинган чигит ҳажми — ассортимент бўйича, физик ва кондицион оғирликда кўрсатилади, агар фарқ мавжуд бўлса, унинг сабаблари биргалиқда кўрсатилади. Пахта тозалаш заводи ва ёғ-мой заводининг раҳбари, бош бухгалтери ва чигит хўжалиги бошлиги, шунингдек «Сифат» маркази инспектори томонидан имзоланган ҳамда муҳр билан тасдиқланган далолатномаларни пахта тозалаш заводи, ёғ-мой заводи ва «Сифат» маркази инспектори бир нусхадан

ҳисобот давридан кейинги ойнинг 3-кунигача бўлган муддатда ўз юқори ташкилотларига юборадилар ҳамда бир нусхадан ўзларига олиб қоладилар. Пахта чигитини юклаб жўнатиш ва қабул қилиб олиш ўртасидаги фарқ уларнинг ҳосил бўлиш сабаблари аниқлангандан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда тартибга солинади. Ўзаро таққослаш далолатномаларининг умумлаштирилган натижалари «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ёғ-мой ва озиқовқат саноати уюшмаси ҳамда «Сифат» маркази томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилади. Ишлаб чиқарилган тайёр ёғ-мой маҳсулотлари тортилади ва оғирлиги бўйича омбор мудирларининг масъулияти остида тайёр маҳсулотлар омборларига берилади. Корхонанинг доимий фаолият қўрсатувчи хатлов комиссияси ҳар

оида хомашё, тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш омборларини хатловдан ўтказади.

Ҳозирги кунда товар омборлари ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи умумий тусга эга бўлган қонун ҳужжати мавжуд эмас. Шу сабабли товар омборларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини бошлиш учун бажарилиши зарур бўлган шартлар турли ҳужжатлар асосида аниқланмоқда. Фикримизча, мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Товар омборлари тўғрисида»ги қонунини қабул қилиб, унда «товар омбори» тушунчаси, бундай омборларни ташкил қилиш тартиби ва асослари, товар омборини лицензиялаш, фаолият турини аниқлаш қоидалари, товар омбори шартномаси ва товар омбори ҳужжатлари ҳақидаги нормалар ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлади.

<sup>1</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. – Т., 2005. – Б. 237.

<sup>2</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. – Т., 2006. – Б. 368.

<sup>3</sup> Лыченков В.А. Двойные складские свидетельства // Современное право. – 2000. – № 36–37. – С. 25.

<sup>4</sup> Новик М. Проблемы обращения складских свидетельств // Хозяйство и право. – 2001. – № 4. – С. 54.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – № 22. – 191-м.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – № 37–38. – 381-м.

**M. Ш. Чориев,**

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти  
умумназарий ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди*

## **ҲАДЯ ШАРТНОМАСИНИ УМУМИЙ АСОСЛАРДА БЕКОР ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада ҳадя шартномасининг асосий мақсади ҳадя қилувчининг ҳадя оловчига бирор нарсани совга қилиш нияти ҳисобланishi ҳақида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** ҳадя, мулк ҳуқуқи, ҳадя шартномаси, консенсуал ҳадя, консенсуал шартнома, совга, реал ҳадя шартномаси.

### **Особенности упразднения дарственного договора на общих основаниях**

**Аннотация.** В статье рассматривается основная цель дарственного договора, действительность дарственного намерения, особенности упразднения дарственного договора.

**Ключевые слова:** дар, право имущества, конценсуальная дарственная, подарок, реальный договор дарственной

### **Features of abolishment the deed of gift on general basis**

**Annotation.** The article discusses the main purpose of the deed of gift, the consideration of the validity of the gift intention, making the gift to the recipient of the gift.

**Keywords:** deed of gift, property right, conceptual deed of gift, gift, real deed of gift.

Ҳар қандай ҳадя шартномасининг асосий мақсади ҳадя қилувчининг ҳадя оловчига бирон нарсани совга қилиши ҳисобланади. Бу чиндан ҳам муҳим ҳуқуқий белги бўлиб, ҳадя қилувчининг ҳадя предметини ҳадя оловчининг мулкига текинга ўтказишни кўзда тутади. Яъни ҳадяга мувофиқ, мулк ҳуқуқи ҳадя оловчига узил-кесил ўтганда ҳадя шартномаси ҳадя қилувчи томонидан тўлиқ бажарилган бўлади. Бошқача айтганда, ҳадя шартномасини у тўлиқ бажарилгунча, яъни ҳадяга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳадя оловчига ўтгунига қадар тўхтатиш мумкин, холос. Акс ҳолда, шартнома ижро этиб бўлинади ва уни тўхтатиш мумкин бўлмайди, чунки юридик ҳодиса рўй беради.

Қонун хужжатларида реал ҳадя шартномасини ҳам, консенсуал ҳадя шартномасини ҳам тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормалар мавжудлигини назарда тутган ҳолда, реал ҳадя шартномасини бекор қилиш мумкинми, деган ўринли савол тугилади. Шу боис ФКнинг 503-моддасидаги

«ҳадя оловчи ҳадя топширилгунга қадар исталган вақтда уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади», деган биринчи қисмини аниқлаштириш зарурати тугилади.

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, реал ҳадя шартномасида у тузилган пайт мулк ҳуқуқи ўтишига тўғри келади. Ҳадя оловчи оғзаки реал ҳадя шартномаси бўйича ҳадядан то ҳадя унга берилгунча воз кечса, бундай шартнома бекор қилинмайди, чунки бекор қилинадиган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳадяни бериш пайтида томонлар уни бериш бўйича келишувга эришмагани (ҳадя оловчининг розилиги бўлмагани) сабаблигина шартнома тузилмай қолган. Реал ҳадя шартномаси ҳадя қилувчи ва ҳадя оловчи ўртасида ашёни бериш бўйича мажбуриятларни келтириб чиқармайди, демакки, ФКнинг 503-моддаси биринчи қисми бўйича шартномани бекор қилишнинг ҳам иложи йўқ. Бинобарин, И.В.Елисеевнинг «Реал ҳадя шартномаси, одатда, мажбуриятларни келтириб чиқар-

майди, чунки ҳадя олувчида ҳуқуқлар пайдо бўлишига асос сифатидагина қатнашади, ҳалос»<sup>1</sup>, деган фикрига қўшилишга тўгри келади.

М.Н.Малеин ҳам шу нуқтаи назарни ёқлаб, «ҳадя олувчи ҳадяни келгусида бериш ваъда қилинган ҳолда ундан воз кечиши», деб баҳолашни ва уни фақатгина консенсуал ҳадя шартномасига тегишли қилиб қўйишни таклиф этади<sup>2</sup>. Демак, ҳадя шартномасини тўхтатиш пайтида ҳадяни келгусида бериш ваъда қилинган консенсуал ҳадя шартномасининг ўзи ҳақидагина гапириш мумкин, чунки бу шартнома ҳадя қилувчида ҳадя олувчига нисбатан тегишли мажбуриятларни келтириб чиқаради. Бундан аввалроқ россиялик машҳур цивилист Г.Ф.Шершеневич ҳам шу нуқтаи назарни маъқуллаб, қўйидагича фикр юритган: «Мулк ҳуқуқини беришга қаратилган ҳадядга уни олувчи шу ашёйнинг эгасига айланади, шу сабабли ҳам ҳадяни бекор қилиш мумкин эмас. Ҳадя мажбуриятларга боғлиқ муносабатлар босқичида бўлган пайтидагина бекор қилиниши мумкин»<sup>3</sup>.

Ҳадя дастлабки (мажбуриятларга боғлиқ) босқичида фуқаролик ҳуқуқининг бошқа ҳар қандай шартномаси сингари, яъни ФК 25-боби ва 382, 383-моддасида кўзда тутилган умумий асосларда, шунингдек, ФК 503-моддаси биринчи қисми ҳамда 506-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларининг ҳадягагина хос асослари бўйича тўхтатилиши мумкин. Бироқ мажбуриятлар ижро этилганидан кейин шартномани тўхтатиш мумкин эмас, чунки у ўз вазифасини адо этиб бўлади.

ФК 25-боби қоидасига кўра, мажбуриятларни тўхтатиш деганда қарздорни кредитор билан боғлаб турган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тўхтатилиши тушунилади. Бундай ҳолат қонунда кўрсатиб ўтилган ва «мажбуриятларнинг бекор бўлиши» деб номланиб, белгиланган шарт-шароитларда кучга киради ва ФК 340, 352-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган мажбуриятларнинг бекор бўлишини хилма-хил турдаги асослари кўзда тутилади.

♦

ФК 340-моддаси иккинчи қисми ва 382-моддаси учинчи қисмiga мувофиқ, мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама воз кечишига ҳамда шартномани бекор қилишга шундай ҳоллар қонунда ёки шартномада кўрсатилган тақдирдагина йўл қўйилади. Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, ушбу қоида ФК 503-моддасининг биринчи қисми бўлиб, айни пайтда ҳадя олувчига ҳадя шартномасини бекор қилишни талаб этиш эмас, балки ўз ҳоҳиши билан бекор қилиш ҳуқуқини беради. Бунда шартнома бекор қилинишига олиб келадиган бир томонлама тўлиқ воз кечиш назарда тутиляпти.

Мазкур моддани таҳлил қилишни давом эттирсак, ҳақли бир савол туғилади: ҳадя олувчи у берилгунга қадар ҳадянинг бир қисмидан воз кечиш ва бошқа қисмини қабул қилиш ҳуқуқига эгами? Қолаверса, бу қисмларнинг ҳар бирини аниқ белгилаб кўрсатса, айтайлик, ҳадя олувчи ҳадя шартномаси бўйича унга автомобиль билан гараж берилганида, фуқаро гараждан воз кечиб, автомобильни қабул қилди. Бу ўринда ФК 364-моддасининг қоидаларини қўллаш керак. Унга кўра, энг асосийси, ҳадя предмети ҳисобланган шартлар бўйича тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Келтирилган мисолда ҳадя предмети ФК 502-моддаси тўртинчи қисмiga мувофиқ аниқ белгиланган. Яъни ҳадя олувчи ҳадянинг бир неча предмети орасидан фақат биттасини қабул қилиши билан ҳадя шартномаси бўйича унга тегишли ҳамма нарсани қабул қилган ҳисобланади, чунки ҳадя предмети шартноманинг муҳим шарти бўлгани сабабли, ҳадя олувчи уни бир томонлама ўзгартириши мумкин эмас. Акс ҳолда бундай консенсуал шартнома бекор қилинган ҳисобланади ва томонлар предмети бошқа бўлган янги ҳадя шартномасини тузишлари шарт, бўлади.

Бу ҳол ФК 503-моддаси учинчи қисмiga тўлиқ мос келади, унда эса ҳадя олувчи

ҳадяни рад этган тақдирда, шу мақсадда зарурий ҳаракатлар қилиб, муайян маблаг сарфлагани учун ҳадя қилувчига етказилган ҳақиқий заарни қоплаш кўзда тутилади. Ҳадя оловчи шартнома бўйича унга тегишли ҳамма нарсани қабул қилган ҳолда (мажбурият бажарилади) унинг бир қисмини қайтариши мумкин. Бироқ бунинг учун ҳадя қилувчининг розилиги керак. Агар у рози бўлса, юридик жиҳатдан энди янги ҳадя шартномаси устида сўз бориши мумкин.

Ҳадя қилувчининг моддий аҳволи жиддий ёмонлашиб, шартномани бажариш унинг турмуш даражасини анча пасайтириб юборадиган бўлса ҳам ҳадя шартномасини бажаришдан воз кечиши мумкин, бу эса уни бекор қилишга олиб боради (ФК 506-моддаси 1-қисми). Бу шароит аввалдан мўлжалланмаслиги ёки атайлаб яратиласлиги керак. Ҳадя қилувчи ўзининг моддий аҳволини қасдан ёки қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида оғирлаштирган бўлса, мажбуриятларини бажариши шарт. Акс ҳолда шартнома ўзининг асосий мақсади — ҳадя оловчини бойитиш ниятини йўқотади ва бошқа мақсадларни кўзлай бошлайди.

Бу янги ҳолатлар ҳадя қилувчи учун кутилмаган бўлиши керак. Яъни шу ўринда М.Г.Масевичнинг «мазкур ўзгаришлар аввалдан сезилмаслиги зарур», деган фикрига қўшилса бўлади<sup>4</sup>. Шуни айтиб ўтиш лозимки, ФКнинг 506-моддаси биринчи қисмида бу кенг талқин қилинмай, ҳадя шартномаси тузилганидан кейин уни бажаришдан ҳадя қилувчининг мулкий аҳволи жиддий ёмонлашган тақдирдагина воз кечиш ҳуқуқини бериб қўяди. Шу маънода, ФКдаги бу ҳуқуқий норма чекланган тусга эга бўлмаслиги керак.

Ҳадя қилувчи ФК 506-моддаси иккинчи қисмига биноан ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи ҳамда ФК 507-моддаси биринчи қисмида санаб ўтилган асослар бўйича ҳам шартномани бажаришдан воз кечиш ҳуқуқига эга. Ҳадя оловчи ҳадя қилувчи, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир

қилган ҳолларда шундай қилиш мумкин. Ушбу модданинг қоидаси ҳадя қилувчи ёки унинг яқин қариндошларининг жисмоний дахлсизлигига қаратилган ҳуқуқбузарлик ҳолларининг ўзинигина эътиборга олади.

И.Анортов ФК 507-моддаси биринчи қисмини шарҳлар экан: «Бунда ҳадя қилувчи ёки унинг оила аъзоларига нисбатан содир этилган жиноят қасдан атайлаб содир этилган бўлиши керак»<sup>5</sup>, деб қайд этади. Демак, шундай хулоса қилиш мумкинки, ушбу норма ҳадя оловчи ҳадя қилувчи ва унинг яқин қариндошларига нисбатан жиноий ҳаракатларни амалга оширган тақдирдагина ҳадя шартномасини бажаришни тўхтатишга йўл қўяди. Ҳадя қилувчига нисбатан қўпол муомалада бўлиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик характеристидаги ҳаракатларни амалга ошириш у ёқда турсин, ҳатто унинг мол-мулкига нисбатан шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисида ҳам ҳеч нарса демайди. Айни пайтда ҳадя оловчи ҳадя қилувчига нисбатан қўпол, ношукурчилик ҳаракатларини содир этган ҳолларда, ҳадя қилувчига ҳадяга оид мажбуриятларини бажармаслик ҳуқуқини бериш кўплаб мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари учун умумий қоида сифатида қабул қилинган<sup>6</sup>.

Бундай қоиданинг сабаби жуда оддий ва яққол кўриниб турибди — ҳар қандай ҳадя уни қилувчи томонидан кўрсатилган эзгулик тимсолидир, бинобарин, ҳадя оловчи яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтарган ҳолларда ҳадя оловчи ҳадя қилувчи ва унинг яқин қариндошларини қўпол равиша таҳқирлай туриб, яна олган ҳадясидан бемалол фойдаланишига нисбатан муроса қилинмаслиги лозим.

Шу билан бирга, бизнинг қонун ҳужжатларимиз умумий бир қоида ўрнига ношукурчилик ҳолатларини шунчаки санаб ўтгандек бўлади. Бунинг оқибатида эса шундай бир савол туғилиши ўринли: шу саноқнинг ўзи тугалми ёки мажбуриятни қўпол ношукурчиликнинг бошқа хил, аммо ФК 507-моддаси биринчи қисмида кўрсатиб ўтилмаган ҳолларда ҳам тўхтатиш мумкинми?

Зотан, аслида, ҳадя қилувчининг ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиши ҳадя олувчига нисбатан жазо характерига эга, бу хил чора-тадбир эса, одатда, чекланган доирада талқин этилиши керак. Бизнинг фикримизча, ФК 506 ва 507-моддалари анча кенг қўламда талқин этилиши, шу жумладан, ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг ўзи ва яқин қариндошларига нисбатангина эмас, балки унинг мол-мулкига нисбатан содир этадиган ошкора ношукурчиликнинг ҳар қандай кўринишларини ҳам қамраб олиши керак.

Шу масала юзасидан М.Н.Малеина қуидагича фикр билдиради: «Ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг жисмоний, руҳий дахлсизлиги, бошқа хил номоддий қадриятлари ва мол-мулкига нисбатан қасд қилиш ҳолларининг ҳар қандай кўриниши ҳадя қилувчига дахлдор бўлмай қолмайди, деб ўйлайман»<sup>7</sup>. Модомики шундай экан, нега энди шу асосларни ФКда ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин эмас? Бу асосларни тор доирада талқин қилиб, қонун нормасини қўллаш мумкинлиги ёхуд у ёки бу ҳолатларда у амал қилмаслиги шубҳа-гумонларга олиб келади, холос. Қонун хужжатларида етарли даражада тартибга солинмаган, яъни аниқ-равshan белгилаб қўйилмаган ҳолатларнинг ҳаммаси эса фуқаролик-хуқуқий муносабатларда қатнашувчиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига йўл очиб бериши мумкин.

ФК 507-моддаси биринчи қисмига келадиган бўлсак, у гарчи истисно характерига эга бўлса ҳам, янада кенгроқ талқин этилиши зарур, деб ўйлаймиз. Ана шунга боғлиқ ҳолда фуқаролик қонун хужжатлари ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш мақсадида ФК 507-модда биринчи қисмини қуидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ бўлади: «Ҳадя олувчи ҳадя қилувчи, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаётига ёки соглигига қарши атайлаб жиноят содир қилса, шунингдек, ҳадя қилувчининг ор-номуси, қадр-қиммати ёки мол-мулкига нисбатан жиноий хатти-ҳаракатларни амалга оширса ҳамда бу қилмишлари ўзи тан олса ёхуд суд орқали

тасдиқланса, ҳадя қилувчи ҳадяни суд тартибida бекор қилишга ҳақли».

ФК «Мажбуриятларнинг бекор бўлиши» тўғрисидаги 25-бобининг умумий қоидаларига мувофиқ, қарздор тарафларга боғлиқ бўлмаган асослар бўйича мажбуриятларини бажариш имконияти йўқлиги учун уни бажаришдан бош тортиши мумкин. Чунончи, ФК 340, 352-моддаларига биноан, мажбуриятни бажаришига имконият йўқлиги хусусий белгили ашё нобуд бўлиши, ваколатли давлат органининг тақиқлаши ёки ушбу шартномавий-хуқуқий муносабатларда қатнашган фуқаронинг вафот этиши оқибатида вужудга келиши мумкин.

Умумий қоида бўйича, агар мажбуриятни қарздорнинг шахсий иштирокисиз бажариш мумкин бўлмаса ёки мажбурият бошқача тарзда қарздорнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, ФК 351-моддасига мувофиқ, мажбурият тарафлардан бирининг вафотидан кейин тўхтатилиши мумкин<sup>8</sup>. Бироқ бу модданинг қоидаси алоҳида истисноларни ҳам назарда тутганки, улар ҳадя шартномасига ҳам дахлдор. Мисол учун мажбурият қарздор вафот этганидан бошлаб тўхтатилишини белгилаб қўйган, яъни ижро қарздорнинг шахсий иштирокисиз мумкин эмаслигини, ёки мажбурият у билан узвийлигини белгиловчи модда ҳадя шартномасига нисбатан қўлланиши мумкин. Айтайлик, ҳадя қилувчи ҳадя шартномаси тузишга хоҳиши билдириб, уни керакли шаклга солишга улгуролмай қолса, шартноманинг келгуси ижроси унинг иштирокисиз мумкин эмас.

ФК 504-моддаси учинчи қисмида кўчмас мулкка тегишли ҳадя шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланган бўлсада, лекин уни тузиш вақти ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Агар шундай шартнома консенсуал характерга эгалигини ва келишувга эришиш пайти кўчмас мулкка нисбатан мулк хуқуқининг ўтиш пайтига мос келмаслигини хисобга олсан, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Ҳадя шартномаси мисолида у тузишган вақтнинг ўзи эмас, балки нотариал асосда

тузилган шартнома давлат рўйхатига олиниши керак. Ана шу хусусиятига кўра ҳадя шартномасини олди-сотди шартномасига қиёслаш мумкин. Чунки ФК 481-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, кўчмас мулкни сотиш шартномаси бўйича кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳукуқининг харидорга ўтиши давлат рўйхатига олиниши керак.

Кўрсатиб ўтилган норма сотилаётган кўчмас мулкка тегишли мулк ҳукуқининг ўтиш пайти олди-сотди шартномасини тузиш пайтига мос келмаслиги мумкин, деган хulosага олиб келади. ФК 504-моддасининг бешинчи қисми кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси давлат рўйхатига олиниши кераклигини белгилаб қўйган. Бу ҳол умумий қоиддан истисно, зотан, умумий қоидага биноан консенсуал шартнома томонлар келишувга эришган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади, кейинчалик ашё берилиши ёки бошқа ҳаракатлар бажарилиши эса шу келишувни ижро этиш мақсадида амалга оширилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ФК 504-моддасининг бешинчи қисми маҳсус ҳукуқий нормадир.

Шунга боғлик ҳолда ФК 504-моддаси бешинчи қисмини қўйидаги таҳрирда баён этиш керак: «*Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва уч ой ичida давлат рўйхатидан ўтказилиши зарур. Тураг жойларини ҳадя қилишда шартнома шундай рўйхатга олинган пайтидан бошлаб тузилган ҳисобланади*».

Шартномани рўйхатга олиш муддатини аниқ белгилаб қўйиш давлат идоралари ишини осонлаштиради ва мулк ҳукуқининг ўтиш жараёнини тартибга солади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсан ҳолда, қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиб, ФК 504-моддаси бешинчи қисмида ҳадя шартномаси бўйича кўчмас мулкни давлат рўйхатига олишнинг мақбул муддатини (масалан, 3 ой деб) кўрсатишни, шу муддат тугаганидан сўнг томонлар ўртасида эришилган келишув ўз кучини йўқотади, деб ҳисоблашни таклиф этиш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

Бу муддат танлангани бежиз эмас. Биринчидан, у давлат рўйхатига олиш учун ҳадя шартномаси билан бирга тақдим этиладиган барча зарур ҳужжатларни тўплаш учун етарли. Иккинчидан, айрим ҳужжатлар ва маълумтномаларнинг амал қилиш муддати чекланган, шу муддат ўтганидан кейин улар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Бунинг оқибатида эса ё шу ҳужжатларнинг амал қилиш муддатини узайтиришга, янги ҳужжатларни расмийлаштиришга тўғри келади.

Ушбу таклиф ҳадя ваъда қилинган шартномага даҳлдор бўлмаслиги керак. Чунки ваъда қилинган ҳадя ҳали охиригача бажарилмаган шартнома демакдир. Унинг ижроси номаълум муддатга кечиктирилган ва одатда, бирон-бир воқеа-ҳодиса юз бериши билан боғлиқ бўлиши ва оқибатда у юз бермаслиги ҳам мумкин. Шу сабабдан бундай шартнома бўйича ижро муддати хилма-хил бўлиши эҳтимол ва шу муддат мобайнида мажбурият ФК 503-моддаси биринчи қисми, 506-моддаси, 507-моддасининг биринчи қисми асослари бўйича тўхтатилиши ҳам мумкин.

Кўчмас мулкни ҳадя қилишнинг оддий шартномасида кўчмас мулкка тегишли битим ва кўчмас мулкка тегишли ҳукуқ алоҳида рўйхатга олинади. Кўчмас мулкни ҳадя этиш ваъда қилинганида эса бундай рўйхатга олишнинг ҳожати йўқ. Оддий ҳадя шартномасида мулк ҳукуки ҳадя оловчига ўтади, кўчмас мулкни ҳадя этиш ваъда қилинган шартномада эса, аввало, шартноманинг ўзини давлат рўйхатига олиш тўғрисида ва у ижро этилганидан кейингина кўчмас мулкка нисбатан ҳукуқни рўйхатга олиш ҳақида гапириш мумкин. Бундай ҳолат ҳадя қилувчига шартнома бўйича мажбуриятлари узил-кесил бажарилгунига қадар ҳадянинг эгаси бўлиб қолиш ҳукуқини беради. Бу эса, ўз навбатида, ҳадя оловчининг ҳадя олиш ҳукуқини мустаҳкамлайди.

Демак, ФКнинг 510-моддаси маҳсус модда бўлиб, аҳамиятига кўра мазкур кодекснинг 351-моддасига зид келади. Шу сабабли ФК 351-моддасидан фарқли равиша

ушбу кодекс 510-моддасининг иккинчи қисмига биноан ҳадя қилувчининг мажбурияти унинг вафотидан кейин ўз

кучини сақлаб қолади ва ҳадя қилувчининг қарзи сифатида унинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

<sup>1</sup> Гражданское право: Учебник. Часть 2 / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К. Толстого. – М., 1998. – С. 133.

<sup>2</sup> Малеина М.Н. О договоре дарения // Правоведение. – 1998. – № 4. – С. 130.

<sup>3</sup> Шершеневич П.Ф. Учебник русского гражданского права (по изд. 1907 г.). – М., 1995. – С. 339.

<sup>4</sup> Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части второй (постатейный)/Под ред. О.Н.Садикова. – М., 1996. – С. 154.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. II жилд (биринчи китоб). Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов умумий таҳрири остида. – Т., 1998. – Б. 237.

<sup>6</sup> Бу тўғрида, жумладан, Испания ФК 648-м., Франция ФК 955-м., Квебек ФК 1836-м., Германия Фуқаролик тузукларининг 530-§ ида айтиб ўтилган.

<sup>7</sup> Малеина М.Н. О договоре дарения // Правоведение. – 1998. – № 4. – С. 132.

<sup>8</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). – Т., 2005. – Б. 218–219.

## ЯНГИ НАШРЛАР

## НОВЫЕ ИЗДАНИЯ

**Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик / Э.Эгамбердиев, О.А. Камалов, Т.Н. Тиллаев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.**

Ушбу дарсликда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тушунчаси, моҳияти, предмети, тизими, манбалари ва принциплари, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг субъектлари, фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги, судловлиги, уларнинг турлари, суд харажатлари ва жаримлари, процессуал муддатлар, буйруқ ва даъво тартибида иш юритиш, фуқаролик процессида исботлаш ва далиллар, биринчи инстанция судида иш юритиш, суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш, суд қарорларининг ижроси масалалари батафсил баён этилган.

Олий юридик таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган курсант, тингловчи ва талабаларга, профессор-ўқитувчиларга, илмий изланувчиларга, амалиёт ходимлари ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани билан қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.

\* \* \* \* \*

**Хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш дастурининг намуниавий модели: Илмий-амалий тавсиялар/ Б.А.Матлюбов, У.К.Нуруллаев, А.М. Джураев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.**

Мазкур илмий-амалий ва услубий тавсиялар (кейинги ўринларда қўлланма) таклифлар ва тавсиялар кўринишида бўлиб, умумий, ўрта-маҳсус ва олий таълим муассасалари, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат тузилмалари томонидан жойларда ҳукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиши, жамоат бирлашмалари ва аҳолининг имкониятларини жалб этган ҳолда ички ишлар органлари тизими билан бир қаторда, жойлардаги барча ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ишлашини ташкиллаштиришда амалий ва методик ёрдам кўрсатиш мақсадида тайёрланган.

**A. Юсупов,**

Ўзбекистон Миллий университети мустақил изланувчиси

## **ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА КРАУДСОРСИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ХУСУСИДА**

**Аннотация.** Мақолада давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш муаммолари кўриб чиқилган. Хусусан, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги, халқ билан мулоқот тизимида замонавий технологиялардан бири бўлган краудсорсингни кўллаш имкониятлари, зарурлиги ва фойдали жиҳатлари очиб берилади. Ушбу соҳада айрим хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** давлат бошқаруви, самарадорлик, жамият, замонавий технология, краудсорсинг, платформа, механизм.

### **О введении технологии краудсорсинга в системе государственного управления**

**Аннотация.** В статье рассматриваются проблемы совершенствования государственного и общественного строительства. В частности, раскрываются вопросы эффективности деятельности органов государственного управления, возможности использования краудсорсинга в качестве одной из современных технологий в системе диалога государственных органов с народом, его необходимость и полезность. Исследован опыт некоторых зарубежных стран в данной сфере, а также процесс обновления и преобразований в Узбекистане.

**Ключевые слова:** государственное управление, эффективность, общество, современные технологии, краудсорсинг, платформа, механизм.

### **About introduction of crowdsourcing technology in public administration**

**Annotation.** It is analyzed the issues of improving state and public construction in this article. In particular, the article focuses on the issues of the effectiveness of the activities of government bodies, the possibility of using crowdsourcing as one of the modern technologies in the system of dialogue between state bodies and the people, as well as its necessity and aspects of usefulness. There have been studied the experience of some foreign countries in this field, as well as the ongoing updates and changes in Uzbekistan.

**Keywords:** public administration, efficiency, society, modern technology, crowdsourcing, platform, mechanism.

Ҳозирги кунда дунёning кўплаб давлатларида аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва тизимлаштирган ҳолда давлат бошқаруви жараёнларига татбиқ этиш амалиёти қарор топмоқда. Бунда краудсорсинг технологияларидан муҳим восита сифатида кенг фойдаланиляпти. Краудсорсинг фуқароларда ташаббускорлик, креативлик, дахлдорлик ва масъулият каби хислатларни шакллантиради.

*Краудсорсинг* — комплекс масалаларни ҳал қилишда фуқароларнинг интеллектуал салоҳияти ва тажрибаси асосидаги давлат ва жамият ҳамкорлигининг инновацион

шакли. Амалиётда краудсорсинг билим ва тажрибаларнинг инновацион кластери сифатида намоён бўлади.

Краудсорсинг платформаларининг ишлаш механизми давлат секторида қўйидагича ташкил этилган. Бирор давлат идораси Интернетда муайян муаммо тўғрисида маълумот (эълон) беради ҳамда бу бўйича аҳолининг фикр ва таклифларини жамлайди. Фуқаролар эса, ўз навбатида, қўйилган муаммонинг ечими бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади, айни вақтнинг ўзида бошқа шахсларнинг таклифларига муносабат билдириш имконига эга бўладилар.

Хозирги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида краудсорсингдан фуқароларни давлат ва жамият учун долзарб бўлган қарорлар ишлаб чиқиши ва жамоатчилик назорати жараёнларига жалб қилишнинг самарали воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Экспертларнинг таъкидлашича, краудсорсинг платформаларини яратиш орқали бюджет маблағларини тежаш, коррупцион схемаларнинг олдини олиш мумкин. Краудсорсинг фуқароларга, мавқеидан қатъи назар, барча давлат хизматчиларининг фаолиятини баҳолаш, уларнинг ишига ўз муносабатини, шу жумладан норозилигини билдириш имконини беради.

Масалан, Россияда йирик краудсорсерлар сирасига Москва шаҳар мэрияси, «Сбербанк», «Газпром», «МТС» ва бошқа ташкилотлар киради. Қозогистонда «Ел Тулгасы — Имия Родины» деб номланган миллий онлайн-овоз беришни краудсорсингнинг энг муваффақиятли намунаси дейиш мумкин.

Бундан ташқари, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, хусусан, Венгрия (K Monitor — коррупцияга қарши кураш платформаси)<sup>1</sup>; Ҳиндистон (I Paid a Bribe — коррупцияга қарши кураш соҳасида ҳисобот)<sup>2</sup>; Буюк Британия (FixMyStreet — коррупцияга қарши краудсорсинг)<sup>3</sup>; АҚШ (SeeClickFix — жамоатчилик назорати)<sup>4</sup>; Хитойда (CCDI — коррупцион ҳолатлар бўйича маълумот олиш иловаси) каби давлатларда краудсорсинг платформаларидан коррупцияга қарши кураш соҳасида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, Венгриядаги K-Monitor бюроси 2007 йилдан буён давлат маблағларини шаффоф сарфлаш ва коррупцияга қарши кураш бўйича фаолият кўрсатиб келмоқда.

Краудсорсинг технологиясидан қонун ва қонуности норматив-хуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш мақсадида ҳам фойдаланилади. Бу, ўз навбатида, оддий шарҳлар билдириш амалиёти билан чекланмай, фуқароларни норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши жараённига фаол жалб қилиш имконини яратади.

Мутахассисларнинг фикрича, краудсорсинг технологиясини бошқарув жараённига жорий

этиш зарурати қўйидаги омиллар билан боғлиқ:

*биринчидан*, ҳозирда кузатилаётган кўпгина ижтимоий муаммоларнинг мураккаблиги ва уларни фуқароларнинг фаол иштирокисиз ҳал қилиб бўлмаслиги;

*иккинчидан*, давлат бошқаруви жараёнлари қимматлашиб ва мураккаблашиб бораётган шароитда краудсорсинг технологияси бюджет маблағларини тежаш имконини бериши;

*учинчидан*, маҳаллий ва ҳудудий ҳокимият органлари ва улар томонидан қабул қилаётган қарорларга аҳолининг ишончини ошириш лозимлиги;

*тўртинчидан*, жамиятда таъсиран «ижтимоий лифт»лар йўқлиги.

Хозирда Ўзбекистонда аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ҳамда фуқароларнинг креатив фоя ва ташабbusларини бирлаштиришга қаратилган жараёнлар кечмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташабbusи билан «**Менинг фикрим**» (meningfikrim.uz.) маҳсус веб-саҳифаси яратилди<sup>5</sup>.

Бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай деган эди: «Олий Мажлис раҳбарияти қонунлар муҳокамасига кенг ҳалқ оммасини жалб қилиши, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши, жумладан, Интернет тармоғида маҳсус «майдон»лар яратиши зарур. Шу муносабат билан мамлакатимиз фуқаролари давлат ва жамият ҳаётига даҳлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари учун Интернет тармоғида «Менинг фикрим» деб номланган маҳсус веб-саҳифа ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, демократиянинг илфор механизми сифатида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини татбиқ қилиш зарур. Яъни бир гуруҳ фуқаролар томонидан илгари сурилган ташабbusларни Олий Мажлис ёки ҳалқ депутатлари Кенгашлари кўриб чиқиши мажбурий экани қонунда белгилаб қўйилиши лозим»<sup>6</sup>.

Шунингдек, қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тизими ([regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz))

яратилган бўлиб, уларда фуқароларнинг фикрлари ўрганилади ва инобатга олинади. Айни вақтда жойлардаги аҳоли муаммоларини бевосита ҳудудларда ўрганиши мақсадида ҳокимият вакилларининг вилоятларга ташриф буюриши анъанага айланиб улгурди. Шу маънода, краудсорсинг имкониятларидан фойдаланиш жамоатчилик фикрини ўрганиш ва жойларда муаммоларни тезкорлик билан аниқлаб, бартараф этишда катта самара бериши турган гап.

Краудсорсинг технологиясини давлат бошқаруви тизимиға ижобий таъсир этувчи омил сифатида қўллашнинг айрим натижалари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- давлат хизматлари истеъмолчилари билан ҳамкорликни яхшилаш эвазига ижобий сиёсий муҳит ва имиж яратилади;
- замонавий бошқарув технологияларини жорий этиш ҳисобига ижобий бошқарув имижи шакллантирилади ҳамда қарор қабул қилиш жараёнининг сифати ошади;
- инновацион ва реал гоялар мавжудлиги ҳамда уларнинг доимий янгиланишига асос яратилади;
- жамоатчилик экспертизаси ҳисобига норматив ва методик ҳужжатларнинг сифати ошади;
- профессионал ва жамоатчи эксперталар жамоаси шаклланади;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ҳужжатлар ишлаб чиқиши муддатлари мақбуллашади;
- стратегик режалаштириш имконияти юзага келади;
- инсон ресурсларини оқилона бошқариш, тўгри йўналтириш имкони вужудга келади.

Умуман олганда, давлат секторида краудсорсинг технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бошқарув тизимининг самарадорлик даражасини юксалтиришга, оқилона сиёсий қарорлар қабул қилишга хизмат қиласди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда фуқароларни давлат ва жамоат ишларига ушбу воситалар орқали кенг жалб қилиш долзарб стратегик вазифага айланди.

Шу нуқтаи назардан, краудсорсинг технологиясини Ўзбекистонда давлат бошқаруви соҳасига жорий қилиш улкан аҳамиятга эга. Бунинг натижасида давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш имкони пайдо бўлади. Бу борада, бизнингча, қўйидаги масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Интернетда ижтимоий тармоқларга илова қилган ҳолда краудсорсинг платформаларини яратиш ([crowdsourcing.uz](http://crowdsourcing.uz)).

2. Соҳалар кесимида маҳсус краудсорсинг майдонлари яратиш (масалан, уй-жой коммунал ҳўялиги, соглиқни сақлаш (шу жумладан, санэпидемназорат), транспорт, давлат хизматларини кўрсатиш, шунингдек, шаҳарсозликда режалаштиришни ривожлантириш ва коррупцияга қарши кураш соҳаларида ушбу технологияни жорий этиш ижобий натижалар беради).

3. Бевосита жойларнинг ўзида локал (маҳаллий) муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган ҳудудлар миқёсида краудсорсинг платформаларини яратиш (масалан, Фаргона вилояти учун — [crowd.fer.uz](http://crowd.fer.uz)).

<sup>1</sup> [www.k-monitor.hu](http://www.k-monitor.hu)

<sup>2</sup> [www.ipaidabribe.com](http://www.ipaidabribe.com)

<sup>3</sup> [www.fixmystreet.com](http://www.fixmystreet.com)

<sup>4</sup> [www.seeclikfix.com](http://www.seeclikfix.com)

<sup>5</sup> [meningfikrim.uz](http://meningfikrim.uz).

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uba.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

*А. Б. Бабамурадов,*

*ИИВ Академияси криминалистик экспертизалар кафедраси катта ўқитувчи*

## КРИМИНАЛИСТИК ҲИСОБЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

**Аннотация.** Мақолада криминалистик ҳисобларнинг ривожланиш тарихи ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида юритиладиган криминалистик ҳисоблар ҳақида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** криминалистик ҳисоблар, криминалистик рўйхатга олиш, криминалистика, экспертизалистик фаолият, ахборот маркази.

### История возникновения криминалистических учетов

**Аннотация.** В статье рассмотрена история возникновения криминалистических учетов и ведущие криминалистические учеты в системе Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** криминалистические учеты, регистрация криминалистических учетов, криминалистика, экспертно-криминалистическая деятельность, информационный центр.

### The history of the development of forensic accounting.

**Annotation.** This article is about the development of the forensic accounting and forensic accounting that is used in the system of the Ministry of the internal affairs.

**Key words:** Forensic accounting, forensic registration, criminalistics, forensic-criminalistic activities, information center.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осоиишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳоли фаровошлигини юксалтириш ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини маълумотлар билан таъминлашнинг илдизи ўтмишга бориб тақалади. Жиноят содир этганларни ҳисобга олишнинг ilk намуналаридан бири бўлган Сурияning Дамашқ шаҳридан узоқ бўлмаган Бакка яқинида голландиялик археологлар томонидан топилган порахўр шахсларнинг рўйхати бунинг яқъол исботидир. Қадимда давлат идораси сифатида фойдаланилган

харобаларда қазилма ишлари олиб борилиши давомида юқори лавозимларда фаолият юритувчи пора оловчи амалдорларнинг рўйхати кўрсатилган ҳужжатлар топилган. Олимларнинг таҳминларига кўра, ушбу ҳужжатлар милоддан аввалги 1400 йилларда тузилган бўлиши мумкин<sup>1</sup>. Юқоридагиларга асосланиб айтишимиз мумкинки, жиноятларни ҳисобга олиш бир неча асрлардан бери амалга оширилиб келинади. Жиноят содир этган шахсларнинг танасидан айрим аъзоларини кесиб ташлаш орқали рўйхатга олиш 945 йилларда амалга оширилганлигининг исботи княз Игорь давридаги ҳужжатларда ўз аксини топган<sup>2</sup>.

Тамғалаш шакл ва усуллари турли халқларда ўзига хос шаклда бўлган. Масалан, Ҳиндистонда брахманнинг тиллаларини ўғирлаганлиги учун жиноятчи танасига ит панжасининг шакли, брахманни ўлдирганлиги

учун бошсиз инсон танасининг шакли кўйдириб босилган. Швейцарияда худони ҳақорат қилганларнинг лаблари қиздирилган темир билан кўйдирилган. Францияда эса ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилганларнинг ўнг елкасига «TF» (travaux forces — оғир ишлар) ҳарфлари кўйдирилиб босилган<sup>3</sup>.

XVIII аср Россия қонунларида жиноят содир эттганлик учун бурунни суюгигача кесиш каби тамгалаш шакллари қўлланилган. Тамгалаш ва шикастлашнинг шакл ва усуллари ўзгарган бўлса-да, у қонунларда 1861 йилгача сақланиб қолган. 1845 йилги тузукларда тамгалаш тури бўлган охирги тамгалаш шакли эслатиб ўтилади: унда пешонага — «К», ўнг қаншарга — «А», чап қаншарга — «Г» шаклидаги тамгалар қўйилиб, бу сургундагиларга нисбатан қўлланилган. Дайдиларнинг ўнг кўл тирсагининг қуий қисмига «Б» ҳарфи кўринишида белги кўйдириб босилган. Бу белги русчада бродяга — дайди маъносини билдирган. Бу қайд этиш 1860-йилларгача ривожланмаган ва илмий шаклга эга эмас эди. Бироқ айрим мамлакатларда бундай қайд этиш шакли ҳалигача сақланиб қолмоқда (масалан, БААда).

1881 йил биринчи бўлиб франциялик суд ижрочиси А. Берталён жиноятчи шахсларнинг ташқи кўриниши, бош мия чаноги ўлчами, бўйи, қўлларининг узунлигини, ўлчамларини ўлчаб қайд этишнинг илмий, антропометрик усулини яратган. Ушбу тизим Россия империясининг полиция тергов бўлимида биринчи антропометрик рўйхатга олиш маркази бўлиб, 1890 йилда Санкт-Петербургда ташкил этилган. Унга кўра, Россия империяси Ички ишлар вазирлигидаги криминалистик ҳисобларни юритувчи бўлим ташкил этилган. 1890 йилдан 1915 йилга қадар криминалистик ҳисобларни юритувчи бўлим ходимлари томонидан 111370 киши ҳисобга олинниб, шулардан 1538 кишининг шахсини аниқлашга эришилган<sup>4</sup>.

Европада XIX асрнинг иккинчи ярмида жиноятчиларни қайд қилиш карточкали ва фототасвири усулларда бўлиб, фототасвирига

олиш Полиция раҳбарлари томонидан амалга оширилган. Карточкаларда эса жиноятчи шахслар ҳақидаги демографик маълумотлар, ташқи кўринишининг алоҳида элементлари ҳамда жиноятни содир этиш усулларига оид маълумотлар қайд этилган.

Антропометрик усулда қайд этишнинг асосий камчилиги 25 ёшга тўлмаган шахсларни қайд этишнинг имкони йўқлигига эди, чунки бу ёшга етгунча инсон суяқ тизими шаклланишда давом этади.

1907 йил 9 апрелдан бошлаб антропометрик қайд этишининг ўрнини ҳозирги кунга қадар ишлатиб келинаётган дактилоскопик қайд этиш эгаллади<sup>5</sup>. XIX аср охирларида Чор Россияси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида Европа тажрибасига асосланиб дактилоскопик қайд этиш жорий этилди. Россия империяси Адлия вазирлиги қошидаги Турмалар бош бошқармасида марказлашган дактилоскопик бюро ташкил этилган. Бундан мақсад жиноятчиларнинг шахсини аниқлашда барча дактилоскопик маълумотларни умумлаштиришдан иборат эди. Э.Локаре (Франция) ва профессор Н.С. Бакарицелар (рус суд тиббиёт фанининг таниқли вакили, криминалистик экспертизаларнинг асосчиларидан бири) унинг асосий вакиллари ҳисобланади.

Собиқ иттифоқ Ички ишлар халқ комиссариатининг криминалистик ҳисобга олиш хизматларини ташкил қилишнинг ҳозирги тарихи 1918 йил 23 сентябрдан бошланади. Шу куни РСФСР Ички ишлар халқ комиссариати ҳайъатининг 79-сонли қарорига асосан Ички ишлар халқ комиссариатида статистика бўлмининг йўриқномаси тасдиқланди. 1918 йил 5 октябрда Ички ишлар халқ комиссариатининг жиноят қидирув муассасаларини ташкил этиш бўйича низом қабул қилинди. Ушбу муассаса — Қидирув маркази томонидан амалга оширилган илк тадбирлардан бири жиноятчиларнинг ҳисобини марказлашган тарзда юритишдан иборат бўлди. Шу сабабли 1918 йил 10 октябрда қидирув маркази маҳаллий милиция бўлимларига жиноятчиларнинг

фотосуратлари ва дактоказалари ҳамда қидирудаги шахсларнинг рўйхатини ҳеч бир истисносиз тақдим этишни талаб қилди. 1918 йил 30 октябрда ушланган жиноятчиларнинг фотосуратлари ва дактилоскопик изларини олиш қоидалари ишлаб чиқилди. Шу билан биргага, алифболи ва дактилоскопик ҳисобга олиш ишлари марказда ва жойларда ўша вақтларда биринчи маҳсус бўлинмалар деб номланувчи статистика бўлинмаларида умумлаштирилди.

1919 йил февраль ойида Қидируд марказида рўйхатга олиш ва дактилоскопик бюронинг суд экспертиза хонаси ташкил этилди ва 1919 йил 1 марта ушбу муассаса ўз фаолиятини бошлади. 1922 йилда ушбу хона Россия (РСФСР) Жиноят қидируд бошқармаси илмий-техник бўлимiga айлантирилди. Ушбу бўлим таркибида беш бўлинма мавжуд бўлиб, уларнинг бири жойларда криминалистик рўйхатга олишни бошқаришни амалга оширувчи дактилоскопик бўлинма эди. У биринчи маҳсус бўлинма деб ҳам аталарди.

Биринчи маҳсус бўлинмалар тизими 1970 йилнинг 1 январигача амалда бўлди ва кейинчалик уларга кенгроқ доирадаги топшириқларни амалга ошириш вазифаси юклатилиб, қайта ташкил этилди. Шундан бошлаб бошқа тузилма ўз фаолиятини бошлади ва унинг бош идораси — Ахборотни бошқариш ва илмий тадқиқот маркази этиб белгиланди. Шу даврдан бошлаб ички ишлар тизимидағи, статистика ва ҳисобга олиш жараёнларида электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш жорий этила бошланди.

1985 йилда Ахборотни бошқариш ва илмий тадқиқот маркази ССР ИИВ Ахборот маркази бош бошқармасига айлантирилди. Жиноятчиликнинг ривожланиши, ҳар хил кўринишлари ва содир этиш усуllibарининг ривожланишига қараб уларга қарши курашиш ҳам ривожланиб борди.

Ўзбекистонда криминалистик ҳисобнинг ривожланишида ИИВ Эксперт-криминалистика хизматининг ҳам ўз ўрни бор. 1926 йилда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон ССРнинг

илмий-техникавий хонаси таъсис этилган<sup>6</sup>. Мазкур бўлимда ИИВ эксперт-криминалистилари фаолият кўрсатиб, унинг асосий вазифаси воқеа жойини кўздан кечириш, жиноятга алоқадор ашёвий далилларни олиш ва гумон қилиниб келтирилган шахсларнинг дактоказалари тўпламини яратиш бўлган. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистонда ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика ҳисоб юритиш фаолияти айнан ўша даврдан бошланган. Бу даврдаги криминалистик ҳисоблар шахсларнинг антропометрик (бўй узунлиги, вазни, қадам кенглиги ва узунлиги, бош, қўл, оёқ каби тана аъзоларининг) ўлчамлари, қўл-бармоқ излари, ташқи қиёфа белгилари асосида криминалистик варақча шаклида юритилган. Криминалистик ҳисобларни юритувчи бўлинмалар Собиқ иттифоқ ИИВнинг оператив техник бўлим таркибида фаолият кўрсатган. 1983 йилга келиб, оператив техник бўлим таркибидан эксперт-криминалистика бўлими мустақил бўлим сифатида ажralиб чиқсан. Айнан ўша вақтдан бошлаб, эксперт-криминалистика бўлимларида қўйидаги олти турдаги эксперт криминалистик ҳисобларни юритиш фаолияти йўлга қўйилган:

- очилмаган жиноятларда ҳодиса жойидан олиб қўйилган қурол изи, ўқлар, гильзалар ва патронлар картотекаси (пулгильзатека);
- қалбаки пул белгилари ва қимматбаҳо қоғозлар картотекаси;
- босмахона усулида тайёрланган қалбаки ҳужжатлар картотекаси;
- дактилоскопик картотекалар (очилмаган жиноятларда ҳодиса жойидан олинган қўл излари, тезкор ҳисобда турувчи шахслар дактилотекаси);
- тезкор қизиқиши уйготувчи ва очилмаган жиноятлар бўйича ҳодиса жойидан яширган шахсларнинг ташқи қиёфа белгилари (фототека, видеотека) бўйича ҳисобга олиш;
- субъектив (криминал) портретлар картотекаси.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар ушбу криминалистик ҳисоблар

карточка, коллекция, фотосурат ва моддий рўйхат асосида юритилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ички ишлар идораларининг жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, жумладан эксперт-криминалистик ҳисобларни автоматлаштириш бўйича кенг қамровли амалий ва ташкилий тадбирлар амалга оширилган. Олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида 1992 йил август ойида Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ички ишлар вазирликларининг келишувига асосан уч асосий турдаги, яъни:

1. Ҳисобдаги шахслар:

- томонларнинг норматив-хуқуқий асосларига кўра судланганлар;
- дайдилиги учун қўлга олинган шахслар;
- жазо ўташ, алимент тўлаш ёки фуқаролар, ташкилот ва муассасаларнинг даъволарига асосан тергов ва суддан қочиб юрган шахслар;
- бедарак йўқолганлар, шахси номаълум мурдалар, номаълум касаллар ва болалар;
- ўта хавфли рецидивистлар;
- жиноят оламидаги авторитетлар, жиноий гуруҳ ташкилотчилари;
- гастролёр (сайёр) жиноятчилар;
- жинсий жиноятларни ўта ваҳшийларча содир этиб жазога тортилган шахслар;
- тарихий, маданий бойликларни, антиквар буюмларни ўзлаштирган, шунингдек, уларни тайёрлаган, катта миқдордаги наркотик моддаларни сотиш, ўтказиш ёки ўзлаштириш билан шугулланиб, жиноий жавобгарликка тортилган шахслар;
- оғир жиноятлар учун судланган, жиноятни содир этиш усулига кўра алоҳида характерга эга бўлган шахслар;

2. Жиноятга алоқадор нарса ва буюмлар:

- нарезли (сойли) ўқотар қуроллар;
- автомобиллар ва зирҳли техника воситалари;
- антиквар буюмлар;
- индивидуал рақамларга эга бўлган радио, видео, фото ва компьютер техникаси;

— давлат аҳамиятига эга бўлган рақамли қимматбаҳо қофозлар ва ҳужжатлар;

3. Очилмаган жиноятлар:

— ўта оғир тан жароҳатлари етказиш билан содир этилган қотиллик жиноятлари;

— ўта ваҳшийлик билан содир этилган жинсий жиноятлар;

— ўқотар қурол билан содир этилган босқинчилик жиноятлари;

— катта миқдордаги фирибгарлик, пулни қалбакилаштириш, қалбаки пул ва қимматли қофозлар;

— ўқотар қуроллар, катта миқдордаги портловчи моддалар, ўқ-дорилар, наркотиклар, заҳарловчи моддалар, радиоактив материаллар ва ноёб металлар;

— криминалистик ҳисобларни юритишнинг Марказлаштирилган ахборот банкини ташкил этиш, уни Россия Федерацияси ИИВнинг Ахборот маркази таркибида шакллантириш, томонларга маълумотларни беминнат тақдим этиш ва барча томонлар ўзларида мавжуд юқорида кўрсатиб ўтилган криминалистик ҳисобларни доимий равища ушбу марказга тақдим этиш ҳақида келишилган.

1997 йилда Фаргона вилояти ИИБда Россия Федерациясининг «СОНДА» корхонасининг дастурий маҳсулоти ҳисобланган автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация тизими жорий этилиб, у кейинчалик Тошкент шаҳри ва республиканинг қолган ҳудудларида ички ишлар идоралари эксперт-криминалистика хизматларида фойдалана бошланган.

2004 йилда Фаргона вилоятининг Кўқон шаҳридаги «ТЕХНИКА» МЧЖнинг «Шахснинг ташқи қиёфа белгилари бўйича автоматлаштирилган идентификация тизими» дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳа биринчи навбатда Тошкент шаҳрида, 2005 йилда Тошкент, Фаргона, Андижон ҳамда Намангандаридаги ички ишлар идоралари эксперт-криминалистика хизматларида фойдалана бошланган.

2010 йилга келиб Ўзбекистон Республикасида биометрик паспорт тизими жорий этилиши муносабати билан шахсни автоматлаштирилган ҳолда идентификациялаш тизими шахсни мультибиометрик кўрсат-

кичлари асосида автоматлаштирилган ҳолда идентификациялаш тизими ҳамда Россия Федерациисининг «ПАПИЛОН» ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилган «АДИС» автоматлаштирилган дастури асосида такомиллаштирилди. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур тизим фаолиятида фуқароларнинг биометрик маълумотларини олиш уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка амал қилиш ва конфиденциаллик принципларига риоя қилган ҳолда амалга оширилмоқда. Шунингдек, шахснинг биометрик маълумотлари олиниши унинг ҳаёти ва соғлиғига хавф тугдирмайдиган, қадр-қимматини камситмайдиган замонавий технология воситалари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, очилмаган жиноятлар содир этилган жойлардан олинган ўқотар қурол, ўқ-дорилар ва уларнинг излари бўйича криминалистик ҳисоблар 2010 йилдан Россия Федерациисининг «ПАПИЛОН» ЁАЖ

корхонасининг «АБИС-АРСЕНАЛ» автоматлаштирилган баллистик идентификацион тизими асосида амалга оширилмоқда.

Бугун шахс, давлат ва жамиятга жиноий таҳдидларнинг ўсиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг криминалистик ҳисобларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжини тобора ошириб бормоқда. Мазкур эҳтиёжларни қондириш эса нафақат замонавий моддий-техник базага эга бўлиш, балки жамият томонидан таҳдидларни тўғри англаш ва қонунчиликка риоя қилишда ҳам масъулият талаб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, криминалистик ҳисобларни ўрганиш, таҳдил қилиш, замон талаблари асосида ишлаб чиқиш ва шакллантириш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардандир. Криминалистиканинг соҳаси бўлган криминалистик ҳисобларни ривожлантириш эса жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

<sup>1</sup> Корниенко Н.А. Российские и международные криминалистические учеты. – М., 2011. – С. 59.

<sup>2</sup> Белкин Р.С. История отечественной криминалистики. – М., 2008. – С. 163.

<sup>3</sup> Клеймение преступников // Википедия – [www.ru.wikipedia.org](http://www.ru.wikipedia.org)

<sup>4</sup> Корниенко Н.А. Российские и международные криминалистические учеты. – М., 2011. – С. 59.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Миронов А.И. Возникновение и развитие криминалистических подразделений органов внутренних дел. – М., 1979. – С. 40.

**K. I. Turanov,**

ИИВ Академияси криминалистик экспертизалар кафедраси ўқитувчisi

## ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШДА БАЛЛИСТИК ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ УСУЛЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада баллистик экспертиза ўтказишида фойдаланиладиган илмий усулларнинг турлари ҳамда жиноятларни очиш ва тергов қилишда уларни қўллаш хусусиятлари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** баллистик экспертиза, усул, объект, жиноят, криминалистика, тергов, далилий ашё.

**Особенности методов проведения баллистической экспертизы в раскрытии и расследовании преступлений**

**Аннотация.** В статье проанализированы виды научных методов при проведении баллистической экспертизы и особенности их использования в раскрытии и расследовании преступлений.

**Ключевые слова:** баллистическая экспертиза, метод, объект, преступление, криминалистика, следствие, вещественное доказательство.

**Features of methods of carrying out of ballistic examination in disclosing and investigation of crimes**

**Annotation.** In article kinds of scientific methods are analyzed at carrying out of ballistic examination and feature of their use in disclosing and investigation of crimes.

**Key words:** ballistic examination, a method, object, a crime, criminalistics, a consequence, a material evidence.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан оширишга қаратилган фармони тизимда ислоҳотларнинг тамоман янги босқичини бошлаб берди. «Бугунги кунда мамлакатимизда юритилаётган давлат сиёсатининг асл моҳияти ва пировард мақсади — халқимизнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан доимо хабардор бўлиб, унинг моддий фаровонлигини ошириш, муносиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш, тинч ҳаётини ҳимоя қилишдир»<sup>1</sup>.

Жиноятчиликнинг туб моҳияти нафақат унинг шаклларига, балки ижтимоий ҳавфлилик даражасига кўра ҳам ўзгарганлигига гувоҳ бўламиз ва бу ҳолат масаланинг нақадар жиддийлигидан далолат беради.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишда баллистик экспертиза усуллари катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг асосини тўплантган билим, тажриба, малака ва қўнималар ташкил этади.

*Баллистик экспертизанинг умумий усуллари* худди криминалистика каби, бошқа

фанларда илмий асосланган ҳолда қўлланадиган, қабул қилинган билиш усулларидан иборатdir. Улар сирасига таърифлаш, қайд этиш, тақослаш, кузатиш ёки кўздан кечириш, ўлчаш, эксперимент кабилар киради.

*Баллистик экспертизанинг маҳсус усуллари* — криминалистика томонидан ушбу турдаги экспертиза олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун ишлаб чиқилган усуллардир<sup>2</sup>. Демак, криминалистиканинг юқорида келтирилган маҳсус усуллари баллистик экспертиза учун ҳам тегишилдири.

Баллистик экспертиза ўтказилиши текширилаётган объектларнинг умумий ва хусусий мансублиги, келиб чиқиши манбалари, икки объектнинг ўзаро таъсирашганлик ҳолатини аниқлаш имконини беради. У кузатиш усули билан боғлиқ бўлиб, бунда турли техник ва оптик асбоблар ёрдамида объектлар ва улар белгиларининг сифати солиштирилади. Текширилаётган объектларнинг умумий ва хусусий белгилари асосида жиноят билан бевосита боғлиқ бўлган объект аниқланади, объектларнинг

бир-биридан фарқ қилувчи ҳолатлари ўрганилади (*таққослаш усули*).

Экспертиза тадқиқотларини ўтказища турли обьект ва ҳодисаларнинг маълум шароитлардаги ўзига хос жиҳатлари, из ҳосил бўлишининг механизми, текширилаётган обьектларнинг ўзаро таъсирлашиш шарт-шароитлари қайта тикланиб, аниқланади (*эксперимент усули*).

Экспертиза ҳодиса ва далилий ашёларни мақсадга мувофиқ равишда идрок этишдан иборат. Кузатиш ёки кўздан кечириш орқали обьектларнинг ташқи кўриниши, уларнинг хусусиятларини ажратиб турадиган белгилари тўлиқ ўрганилади ва қайд этилади. Кузатиш барча экспертиза тадқиқотларида қўлланилади (*кузатиш усули*).

Текширув жараёнида барча далилий ашёларнинг, обьектларнинг сифати, сони, ҳажми, турғунлик даражаси ва бошқа томонлари қайд этилади. Бу усулдан бирор ҳодисани текшириш ёки обьектни тадқиқ этишда фойдаланилади. Мазкур усулни қўллашда турли ўлчов асбоблари, оптика ва замонавий техника воситаларидан фойдаланилади (*ўлчаш усули*).

Кузатиш ва ўлчаш натижасида олинган ва тўпланган барча маълумотлар қонунга мувофиқ тарзда қайд этилиши шарт. Бу усул ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари, обьектларнинг ташқи ва ички шакли, тузилиши, текширишнинг сифат ва миқдор белгилари, турли обьектларнинг индивидуал хусусиятлари, ўзаро муносабатлари, барча тадқиқот обьектларининг идентификацион ва ноидентификацион белгиларини қайд этишда қўлланилади (*қайд этиши усули*)<sup>3</sup>.

Муайян бир вазифани бажариш учун қўлланиладиган усуллардан бири ҳал қилишdir. Шу билан бирга, тадқиқотлар жараёнида ана шу ҳал қилувчи усул қўллангунича ишлатиладиган бошқа усуллар ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим.

Баллистик экспертиза обьектларининг гурухий тааллуқлигини аниқлашда ҳам ҳал қилувчи усул сифатида таққослаш ўтказилади. Таққослашгача эса кузатиш,

ўлчаш ва ҳисоблаш, бундан ташқари, таърифлаш усуллари қўлланилади. Жанговар ўқ-дориларнинг бир гурухга тегишли эканлигини аниқлашда улар ўзаро таққосланади.

Баллистик экспертиза обьектларининг бирор ҳаракат ёки таъсир қилиш имкониятини аниқлашда ҳал қилувчи усул сифатида эксперимент қўлланилади. Бу ҳолда эксперимент билан бирга кузатиш, ўлчаш, таърифлаш, ўтказилган тадқиқотлар натижаларини маҳсус адабиётларда кўрсатилган қоидалар билан солишириш каби усуллардан фойдаланилади.

Баллистик экспертиза обьектлари ёрдамида бирор қилмиш содир этилган лигини аниқлашда ҳал қилувчи усул сифатида кузатиш усулидан фойдаланилади. Тадқиқотлар жараёнида ушбу усул билан бирга ўлчаш, таърифлаш, керакли намуналар олиш, шунингдек, аниқланган изларни солишириш учун эксперимент ўтказиш каби усуллар қўлланилади. Ушбу усулларни тизимга солиш борасида А.В. Алексова ва бошқа криминалист-олимлар фикр билдирган<sup>4</sup>.

Содир этилган турли қилмишларнинг шарт-шароитларини баллистик экспертиза обьектларидан фойдаланиб аниқлашда эса ҳал қилувчи усул сифатида тадқиқотларнинг турли усуллари қўлланилиши мумкин. Хусусан, ўқ отилган йўналиш ва жойни аниқлаш талаб этилган ҳолларда кузатиш усули асосий ҳисобланади; бир тўсиқ (нишон)даги ўқ тегишидан ҳосил бўлган иккита шикастнинг ҳосил бўлиш тартибини ёки бир стволдан иккита ўқнинг отилганини аниқлаш талаб этилганида — таққослаш; ўқ тегишидан ҳосил бўлган изларнинг белгиларига кўра ўқ отилиши масофасини аниқлаш бўйича тадқиқотларда эса ҳисоблаш ҳал қилувчи усул ҳисобланади<sup>5</sup>.

Баллистик экспертиза тадқиқотларида энг кўп тарқалган маҳсус усуллардан бири фотосуратга олиш бўлиб, унинг ёрдамида жиноят процесси учун жуда муҳим ва далилий аҳамиятга эга маълумотлар қайд этилади. Бунда суд тадқиқот фотографиясининг репродукция, ўлчаш, макрофотография,

микрофотография, ультрабинафша ва инфрақизил нурлар ёрдамидаги фотография каби усуллари кўлланилади.

Фотографик репродукциянинг суд экспертизаси тизимидағи асосий вазифаси текширилаётган обьектни керакли масштабда, турли рангли хусусиятларини акс эттирган ҳамда обьектнинг барча таркибий қисмларини тўлиқ ифодалаган тарзда етарлича аниқ акс эттиришдан иборат.

Баллистик экспертизада макрофотографик усули отилган ўқ ва гильзалардаги изларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишда, текширилаётган ва экспериментдан олинган (намуна) ўқ ва гильзаларни таққослаш тадқиқотларининг натижаларини, ўқ отилишидан ҳосил бўлган изларнинг хусусиятлари (шикастланган толаларнинг учлари, ўқ теккан обьектларнинг эриган қисмлари), ўқотар қурол ва ўқ-дорилар таркибий қисмларининг ҳолатини кўргаз-мали тасвирлашда фойдаланилади.

Микрофотография — фотоаппарат билан бирлаштирилган микроскоп ёрдамида текширилаётган обьектларнинг кўп марта катталаштирилган фотографик тасвирини олиш. Ушбу усулдан оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган даражадаги кичик обьектлар (ёки уларнинг таркибий қисмлари)ни фотосуратга олишда кўлланилади.

Баллистик экспертизаларни ўтказиш жараёнида микрофотография обьектларини ўқотар қурол, ўқ-дорилар, отилган ўқ ва гильзалар, отилган ўқ излари, таркибий қисмларининг хусусиятлари, ўқотар қурол таркибий қисмларининг микрорельефидаги ўзига хосликлар, қуролнинг (затвор таянчи, ствол оғзи кесимининг излари, ўқлардаги нарезлар майдонларининг) отилган ўқ ва гильзалардаги изларига хос хусусиятлар ташкил этади.

Баллистик экспертизада ультрабинафша фотография усулидан ультрабинафша нурларни ёргуликнинг кўринувчи нурларига қараганда бошқачароқ ютадиган ёки қайтарадиган, шунингдек, ультрабинафша нурларда люминесценцияланадиган обьект-

ларни тасвирга олишда, ўқ теккан обьектдаги қурол мойи, қурум, шунингдек, ўқ отилишининг термик таъсиrlарини аниқлашда фойдаланилади. Ультрабинафша нурларни турлича ютиш ва қайтариш натижасида тўқимачилик маҳсулотларининг куйган қисмлари — қўнғир-пушти рангда, қурумли қисмлари қора-қўнғир рангда кўринади. Бундан ташқари, матонинг қурол мойи теккан қисмлари кўкимтир рангда люминесценцияланади.

Инфрақизил нурлар, кўринувчи нурлардан фарқли равища, турли материаллар сиртидан қайтиш коэффициентига эга бўлади. Ушбу усул ёрдамида ўқ теккан обьектлардаги қурум излари аниқланади, қурумнинг ўлчамлари ва жойлашиш соҳалари қайд этилади.

Баллистик экспертизанинг айrim вазифалари (порох газлари оқимининг муайян хусусиятларини тадқиқ этиш, отилган ўқнинг обьект билан таъсиrlашиб ҳодисасини ўрганиш кабилар)ни бажаришда юқори тезликда фото ва видеотасвирга олиш усулларидан ҳам фойдаланилади.

Таққослаш микроскопияси қуроллар, отилган ўқ ва гильзалар, турли асбоб-ускуналарни идентификация қилиш учун ишлатилади.

Ўқ отилиши маҳсулотлари ўқотар қурол стволидан ўқ билан бирга отилиб чиқадиган моддалардан иборат бўлиб, уларга мойлаш материаллари, порох ёнишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар (дуд, қурум), ўқ қобиқлари, асослари ва капсюлларнинг майдада зарралари кабилар киради.

Бу усул ёрдамида ўқ теккан жойдаги мис, қўроғшин, темир ва бошқа металлар аниқланади. Металларнинг интенсивлиги ҳолларида жароҳатнинг келиб чиқиши ҳамда ўқ отилиши масофаси тўгрисида фикр юритиш мумкин.

Алоҳида тадқиқотлар босқичи ҳам тадқиқот обьектлари ва қўйилган саволларга бериладиган жавобларнинг аниқланишига қараб икки ёки уч қисмга ажратилиши мумкин: алоҳида тадқиқотлар ва эксперимент;

алоҳида тадқиқот ва таққослаш тадқиқоти; алоҳида тадқиқот, эксперимент ва таққослаш тадқиқоти. Ягона асосга эга бўлмаган бу каби ажратиш экспертизага тақдим этилган объектларнинг сони, эксперт олдига кўйилган саволларнинг сони ва мазмунидан келиб чиқади.

Экспертизага тақдим этилган бир неча обьектнинг, масалан, гильзаларнинг бир групга тегишли эканлигини аниқлаш зарур бўлганида ёки бу гильзаларга кўра қидирилаётган ўқотар қуролни идентификация қилиш талаб қилинганида ушбу гильзалар алоҳида тадқиқ этилганидан кейин таққослаш тадқиқотлари ўтказилади. Агар экспертизага тақдим этилган ўқотар қуролнинг отиш учун яроқлилиги аниқланиши ёки ушбу қуролдан эксперимент тариқасида ўқ отишлари

жараёнида таққослаш учун экспериментал намуналар олиш зарур бўлса, алоҳида тадқиқотлар босқичи жараёнида эксперимент ҳам ўтказилади.

Шундай қилиб, ҳозирги эксперт амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, баллистик экспертизалар йил сайн кўпайиб бормоқда ва улар бўйича берилган хуносалар бошқа далиллар қатори, ҳақиқатни аниқлашда кенг қўлланиладиган тадқиқотлардан бири сифатида тан олинган. Шу боис, суд-баллистик экспертизалар жараёнида усусларни криминалистика фанидаги қоидаларга асосан қўллашга талаб кучайиб бормоқда. Бинобарин, уларнинг хусусиятларини эксперт-криминалистлар яхши ўзлаштириб, амалиётда қўллашлари мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳукуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоги зарур // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Т., 2017. — Б. 312.

<sup>2</sup> Корма В. Д. Особенности использования специальных знаний в области судебной баллистики при расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2001. — С. 12.

<sup>3</sup> Немчин Д. И. Методические основы применения информационных компьютерных технологий в судебно-баллистической экспертизе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2002. — С. 24.

<sup>4</sup> Алексова А. В. К вопросу о проведении экспертизы для установления относимости объекта к огнестрельному оружию // Право и политика. — 2012. — № 8. — С. 104–107; Немчин Д. И. Методические основы применения информационных компьютерных технологий в судебно-баллистической экспертизе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2002. — С. 24.

<sup>5</sup> Касымов Т. Д. Предварительные, трасологические и баллистические исследования на месте происшествия: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 1999. — С. 9.

X. Д. Сарабеков,

ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларининг ахборот-таҳлил фаолиятини янада такомиллаштириш давр талаби эканлигига эътибор қаратилган.

**Таянч сўзлар:** ахборот, таҳлил, бошқарув, маълумотларни йигиши.

**Дальнейшее совершенствование информационно-аналитической деятельности — требование времени**

**Аннотация.** В статье подчеркивается необходимость дальнейшего совершенствования информационно-аналитической деятельности органов внутренних дел.

**Ключевые слова:** информация, анализ, управление, сбор информации.

**Improvement of information analyses activity of the organs of internal affairs is requirement of time**

**Annotation.** This article defines the importance of the improvement of information analyses activity of the organs of internal affairs as the requirement of time.

**Keywords:** information, analyses, regulation, data collection.

Бутун ҳаммамиз Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносабиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётганинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга багишланган йиғилишдаги маъруzasida: «**Бугунги кунда мамлакатимизда юритилаётган давлат сиёсатининг асл моҳияти ва пировард мақсади — халқимизнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан доимо хабардор бўлиб, унинг моддий фаровонлигини ошириш, муносабиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш, тинч ҳаётини ҳимоя қилишдир**», — деб таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

Республикамизда фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги амалий иштироки тез суръатларда ўсиб бормоқда. Демократик жараёнлар фаоллашиб, мамлакатимиз халқ хўжалиги ривожланиб, аҳолининг фаровонлиги

ошиб бораётган бир вақтда, давлатимиз ривожини ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва гоялари, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмаслигини барчамиз яхши биламиз.

Ҳар бир давлатнинг ривожланишида, халқининг фаровон яшashi негизида, албатта, тинчлик, осойишталик муҳим роль ўйнайди.

Шундай экан, инсоният томонидан тўплangan тажриба шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда хавфсизлик масалалари бўйича тўгри ва самарали чораларни ишлаб чиқишида қудратли жисмоний салоҳият ҳамда кучли иродага нисбатан ахборотни йиғиши ва таҳлил қилиш қобилиятини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Ҳаётимизни ахборотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятда ахборотнинг аҳамияти нақадар ортиб бораётганини эса ҳар қадамда кузатиш мумкин. Авваллари у, асосан, оғзаки

шаклга эга бўлган бўлса, кейинчалик ёзма ҳолга келди. Бугунга келиб биз механик, математик, электромагнит, интернет ва шу каби бир қанча турдаги ахборот ташувчи воситалар ёрдамида иш юритмоқдамиз.

Ахборотлаштиришнинг шундай бир даврида яшамоқдамизки, унда ҳар бир мамлакат фуқароларининг онги кун сайин ўсиб бораётган ахборотни «жиловлаш» — тизимга солиш ва таҳлил қилиш салоҳияти унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеини белгилаб бериши билан ўлчамноқда.

Айтиш мумкинки, ахборот аҳолининг асосий кундалик зарурий воситаларидан бирига айланди. Бундай жараён инсон онгининг ахборотни сингдиришга мойиллиги кашф этилгандан бўён давом этмоқда. Ўз навбатида, ахборот узоқ вақтлар бошқарув қуроли бўлиб хизмат қилган куч ва зўравонлик ўрнини эгалламоқда. **АҚШнинг собиқ президентларидан бири Ричард Никсон Хавфсизлик Кенгаши йиғилишидаги бюджет масалалари бўйича чиқишида, «ахборот ва ташвиқотга сарфланган 1 доллар қурол-ярог тизимини яратишга кетган 10 доллардан самаралироқ, чунки ахборот қуролдан фарқли ўлароқ ҳар доим ва ҳар жойда ишлатилади»<sup>2</sup>,** — деб таъкидлаган эди.

Демак, ахборот фавқулодда муҳим ва қимматли маҳсулотлар сирасига киради. Бугунга келиб у ҳатто юксак технология маҳсулотларига қиёсланмоқда.

Бизнинг назаримизда, ахборот қадриятлар иерархиясида жуда муҳим мавқега эга. Юқоридагиларга таянган ҳолда, ким ахборотга эга бўлса, ўша вазиятга ўз вақтида баҳо бериб, тўғри бошқарув қарори қабул қиласи ва вазиятни бошқаради, дейишимиз мумкин.

Ахборот-таҳлил фаолияти хом материалларни эмас, балки муҳим ҳаққоний маълумотларни йиғиши, ўрганиш, таҳлил этиб, умумлаштириш ҳамда олинган натижаларни тегишли идора ва мансабдор шахсларга тўғри қарорлар қабул қилиши учун ўз вақтида етказишга қаратилган мураккаб жараёндир. Маълумотлар алоҳида олинганда катта

аҳамият касб этмайди. Бундай жараёнда маълумотларни йиғиши ва таҳлил қилишнинг усул ва услубларидан тўғри фойдалана олиш муҳим ҳисобланади.

Ички ишлар органларида ҳар бир воқеа, ҳодисаларни ўз вақтида рўйхатга олиб, ўрганиб, таҳлил қилиб, ижрочига етказиш ва унинг ижросини назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Жиноятлар, ҳукуқбузарликлар, ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида рўйхатга олиниши ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини холисона ва адолатли ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли ахборот-таҳлил билан шуғулланувчи ходимлардан самарали фаолият юритишлари учун билим, савия, касб маҳорати талаб этилади.

Ахборот-таҳлил фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳал қилувчи омилини ҳам ушбу ҳолат билан изоҳлаш мумкин. Чунки тайёрланаётган таҳлилий ҳужжатларнинг сифати, аввало, таҳлилий фаолиятни амалга оширувчи ходимнинг ахборот-таҳлил ишини қанчалик яхши эгаллаганлиги ва улардан моҳирона фойдалана олиш даражаси билан белгиланади.

Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари, жиноий ҳодисалар ва ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиб, таҳлил этиш ҳамда бошқарув қарорлари қабул қилиш бугунги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолияти тўғри ташкил этилмаса, малакали кадрлар билан тўлдирилмаса, олинган маълумотлар ўз вақтида тўғри ўрганилмасдан нотўғри қарорлар қабул қилиниши мумкин, натижада жиноятлар ўз вақтида фош этилмасдан қолиши ва бу фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлиши мумкин.

Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш борасида юқори малакали кадрларни инновацион технологиялар асосида замон талабларига жавоб берадиган ютуқлар билан таништириб,

уларни ўқитиши борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, улар малака ошириш учун Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Россия Федерацияси, Туркия, Франция ва Германия давлатларига юборилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев «**Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари, энг аввало, шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланилиши билан чамбарчас боғлиқ**<sup>3</sup>», — деб таъкидлаган эди.

Шу сабабли барча ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолияти билан шугулланувчи ходимлар мамлакатимиздаги илмий-техникавий ютуқлардан кенг фойдаланиши, ахборотни таҳлил этиб ўрганишда улардан фойдалана билишлари лозим.

Ахборот-таҳлил фаолиятининг ички ишлар органларида такомиллашиб бораёт-ганлиги эса жиноий ҳодисаларнинг ўз вақтида қонуний ҳал этилишида ўз самарасини бераёттир.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – Б. 475.

<sup>2</sup> Қаранг: Ахборот-таҳлил фаолияти асослари / Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. ва бошқ. – Т., 2015. – Б.4.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – Б. 183.

## ЯНГИ НАШРЛАР

### НОВЫЕ ИЗДАНИЯ

**Отажонов А.А.Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма.** – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.

Ушбу ўқув қўлланмада бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятларнинг умумий ва жиноят-хукуқий тавсифи, бу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик асослари ҳамда мазкур жиноятларни хукуқий баҳолаш масалалари таҳлил қилинган.

Қўлланма ҳуқуқшунос олимлар ва амалиёт ходимлари, юридик таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторант, изланувчиларига, тингловчи, курсант ва талабаларга мўлжалланган.

\* \* \* \* \*

**Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш: Маъruzalap kursi / Қ.Р.Абдурасурова, А.Г.Закирова, Б.А.Умирзаков ва бошқ.; Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори А.А.Отажонов.** – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.

Маъruzalap курсида «коррупция» тушунчаси, коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашнинг хукуқий асослари, ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш каби масалалар ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсантлари, тингловчилари ва ички ишлар органлари амалиётчи ходимларига, шунингдек, ушбу соҳада илмий-тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларга мўлжалланган.

**Э. У. Азизов,**

*ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаши кафедраси катта ўқитувчи*

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА**

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашишга оид қонунлар ижросини таъминлаш ва амалга оширишнинг моҳияти ва принциплари таҳлил қилинган, шунингдек, уларни янада такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида фикрлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** қонун, қонунлар ижроси, коррупция, коррупцияга оид ҳукуқбузарлик, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши курашиш, қонунлар ижросини таъминлаш ва амалга ошириш.

### **Обеспечение исполнения законов о борьбе с коррупцией – приоритетная задача**

**Аннотация.** В статье анализируются сущность и принципы обеспечения исполнения законов о борьбе с коррупцией в органах внутренних дел, а также проблемы дальнейшего совершенствования борьбы с коррупцией в органах внутренних дел.

**Ключевые слова:** закон, исполнение законов, коррупция, коррупционное правонарушение, конфликт интересов, борьба с коррупцией, обеспечение исполнения законов.

### **Ensuring compliance with anti-corruption laws is a priority**

**Annotation.** The article analyzes the concepts, nature and principles of enforcement of anticorruption laws in the internal affairs bodies, as well as measures to further improve corruption and corruption in the internal affairs bodies.

**Keywords:** law, performance of laws, corruption, corruption offences, combating corruption, conflict of interest, enforce laws.

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаёти-нинг барча жараёнларида Конституция ва қонун устуворлиги, яъни қонун ижодкорлиги принципига алоҳида эътибор берилиб, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлар тотувлиги ва иноқлиги ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши таъминланмоқда.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандигининг 26 йиллигига бағишенланган тантанали маросимидағи маърузасида: «Давлат ва жамият ривожига, ҳалқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш борасида ҳам аниқ чоралар кўрилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мана шундай оғир жиноятни содир этган 1 минг 177 нафар мансабдор шахснинг

жиной жавобгарликка тортилгани бунинг яққол далилидир<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган эди.

«Коррупция» атамасининг этимологияси хусусида турли фикрлар мавжуд. Кенг оммалашган биринчи фикр тарафдорлари қарашларига кўра, «коррупция» атамаси лотинча «corruptio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «пора эвазига оғдириши» деган маънони англатади<sup>2</sup>. Кейинги қарашга кўра, «коррупция» атамаси лотинча «corrumpere» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «бузилиш, айниш, таназзул» деган маънони англатади<sup>3</sup>. Бошқа бир тоифа олимларнинг фикрга кўра, «коррупция» лотинча «corruptum» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «синган, бузилган» маъносиди билдиради ва шахсий ҳаёт ҳамда корпоратив фойда йўлида жамоат манфаатларига путур етказишни англатади<sup>4</sup>.

Очиини айтандা, славян тилларида «коррупция» пора маъносида тушунилади.

Масалан, «коррумпирати» кесими сербхорват тилида «пора бериб, ўз томонига оғдириш, пора бериш» деб таржима қилинган, «коррупенеску» сифати эса чехларда «сотилувчи, сотқин» маъносини англатади<sup>5</sup> ёхуд рус тилидаги «коррупция» — пора эвазига сотиб олиш, мансабдор шахсларнинг, сиёсий арбобларнинг сотқинлиги<sup>6</sup>, деб талқин этилган. «Коррупция» атамаси илмий манбалар ҳамда айрим халқаро ташкилотларнинг тавсияларида ҳар хил талқин қилинган. Чунончи, БМОТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган «Хуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси»да биринчи бор «коррупция» тушунчасига «...mansabдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги тушунилади»<sup>7</sup>, деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонунида **коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши; **коррупцияга оид хуқуқбузарлик** — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш; **манфаатлар тўқнашуви** — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик кишининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқаролар, ташкилотлар, жамият ёки давлатнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият сифатида таърифланган.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда қонунийлик; фуқаролар хуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги каби асосий принциплар амал қиласи<sup>8</sup>. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида: **биринчидан**, аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш; **иккинчидан**, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш; **учинчидан**, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда оқибатларини, сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш белгиланди.

Ҳозирги пайтда коррупцион алоқаларга эга бўлган уюшган жиноий тузилмалар, айниқса, уларнинг халқаро алоқаларга эга бўлган ҳамда халқаро миқёсда фаолият кўрсатаётган шакллари мамлакат хавфсизлигига тажовуз қилувчи ва жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари билан узвий бўлган ниҳоятда хавфли ва мураккаб ҳодисалардир.

Айни вақтда жамиятимизнинг кўп сонли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий муаммолари орасида коррупцияга қарши кураш муаммоси муҳим ўрин эгаллади. Бу ҳол бир қанча омиллар билан боғлиқ<sup>9</sup>.

**Биринчидан**, аҳолининг турли қатламлари ўртасида тенгизлиқ кучайиб бораётган шароитда давлат амалдорлари томонидан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳокимиятнинг обрўсига путур етказади, жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган жараёнларни обрўсизлантиради.

*Иккинчидан*, иқтисодий мазмуни ресурсларни тақсимлаш жараёнини деформациялашдан иборат бўлган коррупция иқтисодиётнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига салбий таъсир қўрсатади.

*Учинчидан*, коррупция, бошқа кўпина салбий ижтимоий ҳодисалар сингари, ўзининг кенг илдиз отишига замин яратади, у бўлгуси ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тартибга салбий таъсир қўрсатади, бунда коррупция қанча чуқур илдиз отган бўлса, унга қарши кураш ва унинг оқибатларини бартараф этиш, ҳатто коррупциянинг бальзи сабаблари тутатилган бўлса ҳам, шунча қийинлашади.

*Тўртингидан*, мамлакатдаги коррупция даражаси сиёсий омилгина бўлиб қолмасдан, балки қарзлар бериш, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартлари ва бошқаларга таъсир қўрсатувчи муҳим иқтисодий омил ҳисобланади.

Келтириб ўтилганидек, коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг мавжуд ижтимоий хавфи унга қарши курашни янада долзарблаштиради. Бунинг учун, аввало, «коррупцион ҳуқуқбузарлик» тушунчасига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.

*Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси* деганда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон яратा�ётган шартшароитларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этишга доир фаолияти тушунилади. Булар:

— коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

— ҳуқуқий тарғибот;

— коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон яратиб бераётган шартшароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

— қонун ҳужжатларида ўрнатилган

ҳолларда ва тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш;

— коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

— коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шартшароитларнинг илмий тадқиқотини ташкил этиш ва ўтказиш;

— коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасида аҳолининг фаол иштирок этишини рагбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

— коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича илфор халқаро тажрибани умумлаштириш ва тарқатиш.

*Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси* деганда қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколат берилиган профилактика субъектлари томонидан ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган шахсни аниқлаш, ҳисобга олиш ва тузалишига таъсир қўрсатиш бўйича амалга ошириладиган фаолият тушунилади. Булар қуйидагилар:

— профилактик суҳбат;

— гайриқонуний хулқ-атворга йўл қўйилмаслиги тўғрисида расмий огоҳлантириш (кейинги ўринларда — расмий огоҳлантириш);

— коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шартшароитлари тўғрисида хабардор қилиш;

— ижтимоий хавфли ҳолатдаги шахсни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

— профилактик ҳисобга олиш;

— мажбурий даволанишга юбориш;

— маъмурий назорат;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирлар.

*Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси*

деганда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг аҳоли ёки алоҳида тоифадаги фуқаролар ва муайян шахснинг коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш хавфини камайтиришга қаратилган коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чоратадбирларини амалга оширишга доир фаолияти тушунилади. Булар қуидагилар:

— шахснинг демографик, жисмоний, ижтимоий-психологик ва ижтимоий мавқеига оид хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга нисбатан профилактик чоратадбирлар ўтказиш;

— эҳтимол тутилган жабрланувчини<sup>10</sup> аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича маҳсус чоралар кўриш;

— коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш оқибатида жисмоний, маънавий ва мулкий зиён етказилганларга малакали психологик, руҳий, тиббий, ҳуқуқий ва бошқача ёрдам кўрсатадиган реабилитация марказларини ташкил этиш;

— коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар нисбатан тез-тез содир бўлиб турадиган жойлар (ҳудудлар)ни, уларнинг содир этилиш ҳолатларини (объектив, субъектив) ҳисобга олган ҳолда мунтазам назорат қилиб туриш;

— тайёрланётган ёки содир этилган коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари қошида ишонч телефонлари, «долзарб тармоқ», қутқарув хизматлари ташкил қилиш;

— профилактик дастур лойиҳаси ва республика, ҳудудий, объект миқёсида умумхалқ муҳокамасини ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистоннинг ички электрон макони доирасида бутунжаҳон Интернет тармоғида сайлар, блоглар, чатлар ташкил

қилиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш;

— содир этилган коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар статистикаси, уларнинг содир этилиш жойи ва вақти тўғрисида оммабоп маълумотларнинг электрон базасини ташкил қилиш;

— жиноятчиликка қарши курашнинг илгор усуслари тўғрисида (публицистик, юридик, илмий-оммабоп хусусиятга эга бўлган) электрон адабиётларни тарқатиш.

Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини чеклашга, қийноқ ёки инсон қадр-қиммати камситилишига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, поча, телеграф ва бошқа хабарларни ошкор қилишга, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари эркин жой танлаш ва кўчиди юриш, уй-жой ва шахс дахлисизлигини чеклашга йўл қўйилмайди.

Хуроса қилиб айтганда, коррупцияга алоқадор одам қонунни бузишдан ташқари, ўзининг кимлигини, эътиқоди, маънавияти қай даражада эканини ошкор қиласди. Бундай одам нафақат молиявий зиён-заҳмат етказади, балки давлатни, демократияни бехурмат қилиб, обрўсини тўқади, унга нонтуз бериб катта қилган, илму ҳунар, обрў ва мансаб берган эл-юртининг юзига оёқ қўяди. Аксинча, тўғри ишлаб, тўғри яшаш саодатини болалик ва ёшлидан ўрганган одам мард ва ҳалол бўлади. Адолатсизлик, қонунга ҳурматсизлик, касбу амалга, ишончга хиёнат қилиб бўлмаслигини ўқиб-үқсан, порахўрлик ва коррупция ҳамда суиистеъмолликка қарши ўзида иммунитет ҳосил қилган ёшлар келажакда журъатли, виждонли инсон бўлиб етишадилар.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъзуза // Posta. – 2018. – № 71.

<sup>2</sup> Криминология: Учебник / Отв. ред. М.Х.Рустамбаев. – Т., 2008. – С. 219.

- 
- <sup>3</sup> Коррупция. <http://ru.wikipedia.org/wiki/>
- <sup>4</sup> Зуфаров Р. Порахўрлик – коррупция негизи // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. – № 4. – Б. 41.
- <sup>5</sup> Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: асосий тушунча ва шакллари. – Т., 2009. – Б. 14–15.
- <sup>6</sup> Егорова Н. Е. Уголовно-правовые формы борьбы с коррупцией в новых экономических условиях: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1996. – С. 22.
- <sup>7</sup> Ниёзова С. С. Коррупция ва унинг ижтимоий хавфлилиги // Коррупцияга қарши курашиш – жамият ва давлат хавфсизлигининг гарови: Респ. илмий-амалий конф. мат.-ри. – Т., 2016. – Б. 160.
- <sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги ЎРҚ-419-сон қонуни. 2017. 3 янв.
- <sup>9</sup> Дўстов М. Коррупция – ривожланиш ва келажак душмани // Коррупцияга қарши курашиш – жамият ва давлат хавфсизлигининг гарови: Респ. илмий-амалий конф. мат.-ри. – Т., 2016. – Б. 148.
- <sup>10</sup> Эҳтимот тутилган жабрланувчи – жабрланувчи бўлиш эҳтимоли кўпроқ инсоннинг индивидуал, ижтимоий хусусиятлари (сифатлари) ёки нокулай ташқи (объектив ва (ёки) субъектив) ҳолатлар (вақт, жой, шароит ва ҳ.к.) таъсирида келиб чиқадиган бошқа даражаларига боғлиқ бўлган жисмоний шахс.

---

## ЯНГИ НАШРЛАР

---

## НОВЫЕ ИЗДАНИЯ

**Матлюбов Б. А. Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш: муаммо ва ечимлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.**

Ушбу қўлланма муаллифнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан ИИВ раҳбар лавозимларида узоқ йиллар ишлаб, тўплаган тажрибалари асосида ёзилган бўлиб, унда терроризм ва экстремизмга қарши курашишнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган.

ИИВ Академиясининг тингловчи ва курсантлари, амалиётдаги ички ишлар органлари ходимлари учун мўлжалланган бўлиб, ундан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ҳам фойдаланиши мумкин.

\* \* \* \* \*

**Инагамова М. Ўзбекистонда Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция–нинг амалга оширилиши (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил): Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.**

Кўлланмада БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йилда қабул қилинган «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциянинг асосий қоидалари ва амалга ошириш принциплари, шунингдек БМТнинг Хотин-қизларни камситишни барча шаклларига барҳам бериш қўмитасининг тузилиши ва иш усуслари ёритилган.

Кўлланма тингловчи ва курсантлар, тадқиқотчи ва профессор-ўқитувчилар, ушбу йўналишда фаолият юритувчи муассаса ва ташкилот ходимлари ва, қолаверса, хотин-қизлар тақдирига бефарқ бўлмаган китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Б. И. Эгамбердиев,**

*ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси ўқитувчи*

## **МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБА СОЛИШДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**Аннотация.** Мақолада миграцияни тартибга солиш жараёнларини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган миллий ва халқаро ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек, истиқболдаги вазифаларга оид масалалар кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** миграция, ноқонуний миграция, ноқонуний миграцияни ташкил этиш, қонунга хилоф равишида мамлакат ҳудудига кириш, қонунга хилоф равишида мамлакат ҳудудида бўлиш, норасмий меҳнат миграцияси, қонунга хилоф равишида мамлакат ҳудудидан чиқиш, қочоқ, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги.

### **Механизмы обеспечения личных прав в регулировании миграции: национальный и зарубежный опыт**

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы обеспечения прав, свобод и законных интересов человека путем обеспечения порядка миграционного процесса с изучением национальных международных отношений.

**Ключевые слова:** миграция, незаконная миграция, организация незаконной миграции, незаконный выезд на территорию страны, незаконное пребывание на территории страны, нелегальная трудовая миграция, незаконный выезд с территории страны, беженец, права и свободы граждан.

### **Mechanisms to ensure personal rights of migration management: national and foreign experience**

**Annotation.** The article examines the issues of ensuring human rights and freedoms, as well as legal interests, by ensuring the order of the migration process with the study of national international relations.

**Keywords:** Migration, illegal migration, organize illegal migration, entering illegally to the territory of the country, staying illegally in the territory of the country, illegal labor migration, illegal departure from the territory of the country, refugee, rights and freedoms of citizens.

Халқаро майдондаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва геосиёсий вазиятнинг йил сайин глобаллашуви ҳамда ривожланиб боришида мигрантларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Миграцияга оид маълумотларга кўра, халқаро мигрантлар сони 2000 йилда 173 млн, 2010 йилда 220 млн ва 2017 йилга келиб 258 млн нафарни ташкил этаётгани халқаро майдонда мигрантлар динамикаси ўсаётганинги тасдиқлайди<sup>1</sup>. Бу жараёнларнинг юзага келиши ва ривожланиши мигрантларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (13-модда)га кўра, ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан, ўз мамлакатидан

чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга<sup>2</sup>. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (12-модда)га асосан, ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакат, шу жумладан, ўз мамлакатидан кетишга ҳақли. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас<sup>3</sup>.

Инсоннинг ушбу ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (28-модда) ҳам ҳуқуқий кафолатланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан бошқа жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. «... Улардан кўзланган мақсад — «инсон манфаатлари

ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат»<sup>4</sup>.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор ўйналиши доирасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ўйлида ташқи сиёсатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш ҳамда инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш қафолатларини мустаҳкамлаш юзасидан муҳим истиқболли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Айниқса, мамлакатимизнинг миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги ҳукуқни қўллаш амалиётида «одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқларининг бекор қилинаётганлиги»<sup>5</sup> шахснинг мазкур конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлиdir.

Халқаро миграцияга оид манбаларга кўра, Европа Иттифоқи давлатларидағи асосий миграция йўналишларида 2018 йил сентябрь ойининг ўзида 12,9 мингта яқин ноқонуний миграция билан боғлиқ жиноят содир этилган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мазкур даврига нисбатан 21 фоизга камайган бўлса-да, лекин ноқонуний миграция таҳди迪 мавжудлигини кўрсатади<sup>6</sup>. Шунингдек, 2016 йилда дунёдаги қочоқлар ва бошпана изловчилар сони 25,9 млн (2000 йилда 21 млн) кишини<sup>7</sup> ташкил этиб, уларнинг аксарияти Туркия (3,1 млн), Иордания (2,9 млн), Фаластин (2,2 млн), Ливан (1,6 млн) ва Покистон (1,4 млн) мамлакатларида жойлашган<sup>8</sup>.

Ушбу замонавий миграция муаммосининг долзарблиги ва у билан боғлиқ таҳдидларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашга

таъсири халқаро ҳамжамиятда миграцияни тартибга солишнинг ишончли тизимини яратишга туртки бўлди. Шунинг учун ҳам, миграцияни тартибга солиш соҳасидаги инсон ҳукуқларини таъминлашга қаратилган миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш объектив заруратга айланди.

«Қочоқлар мақоми тўғрисида»ги Халқаро конвенцияда «қочоқ» мақомидаги шахс ўз мамлакатидан ташқарида яшаётган, инсон ҳаёти, эркинлиги ва хафвсизлиги учун қўрқув ҳисси билан яшаши ҳамда ирқий, диний, фуқаролик, муайян ижтимоий груп аъзолиги ёки сиёсий қарашлар асосида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги каби омилларга кўра яшаш манзилига қайтиб боришга қодир бўлмаган шахс сифатида изоҳланади. Улар ўзлари яшайдиган давлатларга боргач, кўпинча, номунтазам (норасмий) мигрант мақомига эга бўлишади.

Миграциянинг ушбу кўринишига муайян таъсир натижасида шахснинг яшаш жойини ўзгартиришга олиб келадиган сиёсий жараён сифатида қараш мумкин. Бундай шароитда шахс аввалига ўзи учун керакли бўлган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари таъминланишига эҳтиёж сезади, сўнгра халқаро ташкилотлар, шунингдек, бошқа давлатдан сиёсий бошпана излайди.

Сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланувчи шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонунний манфаатларини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳукуқлари соҳасидаги ҳукуқни қўллаш амалиётида инсонпарварлик принципи асосида жавобгарликдан озод этилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирамасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида миграцияни

тартибга солиш масалаларига оид ташқи сиёсатдаги роли ошиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати Россия, Озарбайжон, Қозогистон, Корея Республикаси, Беларусь, Болгария, Покистон, Саудия Арабистони каби давлатлар билан икки ва кўп томонлама битимлар (шартнома ва меморандумлар) имзолаган.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ривожининг бугунги босқичида миграцияни тартибга солиш жараёнлари давлат сиёсати даражасига кўтарили. Ўзбекистон Республикаси худудида еттига давлат (*Истроил, Индонезия, Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония*) фуқароларининг 30 суткалик визасиз режимда бўлишлари, 39 та давлат фуқаролари учун туризм визаларини расмийлаштиришда соддалаштирилган тартиб жорий қилинганилиги<sup>9</sup> ёки 101 та давлат фуқаролари учун беш қундан ортиқ бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикасига визасиз кириш ва вақтинча бўлиш тартиби жорий этилганлиги<sup>10</sup> фикримизни тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатларни жиноий-ҳуқуқий воситалар билан қўриқлашдан мақсад фуқароларнинг кўчиб юриш эркинлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишларини тартибга солиш ва етарли шароитлар яратишдан иборат<sup>11</sup>. Шу нуқтаи назардан ҳам, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига (ЖК 223-м.) «Қонунга хилоф равишида чет элга чиқиши ёки Ўзбекистон Республикасига кириш» ва (ЖК 224-м.) «Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш» нормалари белгиланган.

Миграция жараёнларини бузганлик учун жавобгарлик белгилашнинг ҳуқуқий механизmlари айrim давлатларнинг миллий қонунчилигига турли нормалар билан тартибга солинганлитини кузатишими мумкин.

Шу аснода ноқонуний миграцияни ташкил этиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар Россия Федерацияси (322<sup>1</sup>-м.),

Қозогистон (ЖК 394-м.), Беларусь (ЖК 371<sup>1</sup>-м.) ва Озарбайжон (ЖК 318<sup>1</sup>-м.) Республикаларининг миллий қонунчилигига «*Ноқонуний миграцияни ташкил этиши*» нормаси билан муҳофаза қилинади. Бундан ташқари, миграция жараёнларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари бошқа нормалар билан ҳам тартибга солинган.

Хусусан, Россия Федерациясида (ЖК 322-м.) «Россия Федерацияси давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш», Беларусда (ЖК 371-м.) «Беларусь Республикаси давлат чегарасини қонунга хилоф равишида кесиб ўтиш», (ЖК 371<sup>2</sup>-м.) «Беларусь Республикасига кириш тақиқининг муддатини бузиш», Украина (ЖК 332-м.) «Украина давлат чегарасидан фуқароларни ноқонуний олиб ўтиш», Озарбайжон (ЖК 318-м.) ва Грузияда (ЖК 344-м.) «Давлат чегарасини ноқонунний кесиб ўтиш», Туркманистанда (ЖК 214-м.) «Туркманистан давлат чегарасини ноқонунний кесиб ўтиш» ҳамда Хитой Халқ Республикасида (ЖК 318-м.) «Учинчи томонлар томонидан давлат чегарасини (чегара худуди) ноқонунний кесиб ўтишини ташкил этиши» каби нормалар ана шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатларида инсоннинг эркин кўчиб юриши билан боғлиқ ҳуқуқларини таъминлашшга оид айrim давлатларнинг миллий тажрибаларини ўрганишга ҳаракат қилдик.

**АҚШ.** Ушбу давлатда меҳнат мигрантларининг мослашуви ҳамда уларга кўмаклашишда бир қатор ҳукумат органлари: Адлия вазирлиги қошидаги Иммиграция ва натураллаштириш хизмати мигрантларга АҚШнинг иммиграцияга оид қонунчилигидаги уларга тааллуқли йўналишларни тушунтириб борса, Меҳнат вазирлиги маҳаллий фуқаролар билан бир қаторда меҳнат мигрантларининг касбий тайёргарлигини назорат қилиб, уларнинг иш топиши билан боғлиқ масалаларда кўмаклашади.

Шуларни инобатга олган ҳолда, АҚШ ҳукумати сифатли ишчи кучига алоҳида эътибор қаратади ва уларга мамлакатда

етарли шарт-шароитлар яратиб беради. Шу боис деярли 200 йилдан бери АҚШга «интеллектуал салоҳияти» юқори кишиларнинг кўчиб бориши давом этмоқда. Шу боисдан ҳам АҚШда меҳнат миграцияси икки йўналишга: *паст малакали ва юқори малакали* синфларга ажратилган<sup>12</sup>.

**Канада.** Бугун мамлакатда 7,9 млн меҳнат мигрантлари бўлиб<sup>13</sup>, замонавий иммиграция сиёсатининг энг муҳим омили ички меҳнат бозорини ишчи кучи билан таъминлашdir. Мамлакатга кирувчи мигрантлар, ўз навбатида, «оилавий», «қочоқлар» ва «мустақил иммигрантлар» гуруҳларига бўлинади. Канадаликлар «мустақил иммигрантлар» хизматидан меҳнат ва демографик муаммоларни ҳал қилишда фойдаланишади. Шунингдек, меҳнат мигрантларига нисбатан ижтимоий, миллий-этник, диний ва ирқий муносабатларда толерантлик ва демократик принциплар устун туради. Канаданинг миграция тадқиқотлари бўйича ташкилоти (IMMI group) берган маълумотга кўра, бугун мамлакатда 35 мингдан 120 минггacha ноқонуний мигрантлар мавжуд<sup>14</sup>.

Шу нуқтаи назардан ҳам, мамлакатнинг маъмурий-худудий бирликларида меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, маҳаллий шароитларга мослаштириш жараёнларига долзарб масала сифатида эътибор қаратишади. Мазкур функциялар Фуқаролик ва иммиграция масалалари вазирлиги томонидан тартибга солинади<sup>15</sup>.

**Австралия.** Мамлакатда миграция сиёсати Иммиграция ва этник гуруҳлар вазирлиги, Консультатив иммиграцион кенгаш, Аҳолишунослик ва этник масалалар бўйича Австралия кенгashi ва Австралия иқтисодиётини ривожлантириш қўмитаси томонидан тартибга солинади.

Бу шуни англатадики, ҳукumat миграция масаласига долзарб вазифа сифатида эътибор беради. Мамлакатда миграция сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари АҚШ ва Канада давлатлари сиёсатига ўхшаса-да, унинг

асосий хусусияти — демографик омил ҳукumat даражасида устувор вазифа деб белгиланганидир. Унга кўра, аёллар ва фарзандли ёш оилалар келиши қўллаб-қувватланади ва уларнинг Австралия жамиятига мослашиб кетишида давлат томонидан бегараз ёрдам кўрсатилади<sup>16</sup>.

Австралияning «Иммиграция тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, мигрантлар тўрт гуруҳга бўлинади: «оилали», «қочоқлар», «умумий» ва «маҳсус» иммигрантлар. *Оилалилар* гуруҳига мамлакатда қариндошлари бўлган фуқаролар, қочоқлар гуруҳига эса халқаро конвенциялар таъсирига тушган шахслар, умумий гуруҳга мамлакат иқтисодий тараққиёти учун зарур ҳисобланган мутахассислар кирса, мамлакатга киришда имтиёзга эга бўлган шахслар тоифалари эса *маҳсус иммигрантлар* ҳисобланади.

Шу билан бирга, кейинги ўн йиллиқда Австралия фақат юқори малакали ишчи кучини жалб қилишга ҳаракат қила бошлади. Жумладан, 2005 йилдан бошлаб ушбу мамлакатнинг меҳнат бозорида иқтисодчи, ҳисобчи, малакали тиббиёт ходимлари, ошпазлар, инженер-техникларга талаб орта бошлади. Натижада бугун Австралияда мигрантлар сони 7 млн нафарни ташкил қилмоқда<sup>17</sup>.

**Германия.** Ҳозирги кунда мамлакатда 12,2 млн мигрант бўлиб<sup>18</sup>, уларни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий асослар аксарият давлатлар томонидан намуна сифатида ўрганилмоқда. Тадқиқотчи К.Ридель Германияning миграция жараёнлари тарихини «иқтисодий мўъжизалар отаси» Людвиг Эрхард (*XX аср 50-йилларида мамлакат иқтисодиёти вазири бўлган*) билан боғлайди.

Бугун мамлакатда миграция жараёнлари натижасида келиб чиқаётган муаммолар тобора жиддий тус олиб, бошқа муаммоларни юзага келтирмоқда. Шунинг учун Германия ҳукумати ушбу масалага ҳукumat доирасида эътибор қаратган ҳолда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқсан. Бироқ мамлакатда юз бераётган миграция жараён-

ларидаги асосий муаммо мамлакатда мавжуд мигрантларнинг маҳаллий аҳоли билан мослашолмаётгани ва малакасининг пастлигидир.

Инсоннинг эркин кўчиш ва яшаш хукуқини таъминлашда Германия миграция сиёсатидаги асосий муаммолардан бири мигрантларнинг мамлакат ички тартиб-қоидаларига мослашишлари, маҳаллий аҳоли билан интеграциялашув жараёнининг муваффақиятли кечишига эришиш масаласидир.

Шу нуқтаи назардан, Германияда миграция сиёсатини амалга оширувчи субъектлар сифатида Ички ишлар федерал вазирлиги (*иммиграцион сиёсат стратегиясини ишлаб чиқади ва миграция қонуничилигининг бажарилишини назорат қиласди*), Федерал бандлик хизмати (*хорижий ишли кучини ички меҳнат бозорига кириши ва ишлашига рухсат беради*) ва Ташқи ишлар федерал вазирлиги ваколатли давлат органи этиб белгиланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шахснинг эркин кўчиб юриш билан боғлиқ хукуқларини таъминлаш, миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасида қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқидир:

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224<sup>1</sup>-моддасини «*Ноқонуний миграцияни ташкил этиши*», яъни Ўзбекистон

Республикасига қонунга хилоф равиша кириш, чиқиши ва бу ерда бўлишни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтишга кўмаклашиш ёхуд хорижда ишга жойлаштиришни ташкил этиш билан гайриқонуний равиша шугулашишни назарда тутувчи норма билан тўлдириш;

— мигрантларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш йўлида мигрантларни қабул қилувчи, транзит тарзда ўтувчи ва юборувчи мамлакатларни ягона манфаат асосида бирлаштирувчи халқаро битимлар (меморандум ва шартнома) тузиш ҳамда уни ратификация қилиш;

— давлат чегара хавфсизлигини ошириш бўйича барча зарур чораларни кўрган ҳолда ноқонуний миграция ва у билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик санкцияларини кучайтириш;

— меҳнат муносабатлари соҳасида ноқонуний (норасмий) ишлаш имкониятиларини минималлаштириш;

— мигрантлар юборилган давлатларнинг миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги қонуничилигини ўрганиш асосида уларнинг ҳукуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи омилларни барваҳт бартараф этиш.

<sup>1</sup> United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2017). International Migration Report 2017: Highlights (ST/ESA/SER.A/404).

<sup>2</sup> Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси. БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюцияси 217 А (III) 1948. 10 дек.

<sup>3</sup> Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт / БМТ Бош Ассамблеяси. 1966. 16 дек., 2200 А (XXI).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 2018 йил 2 дек./[www.aza.uz](http://www.aza.uz).)

<sup>5</sup> Қаранг: Ўша манба.

<sup>6</sup> Европа Иттифоқи халқаро ташкилотининг миграцияга оид статистик маълумотлари //<https://ria.ru> (электрон манбага мурожаат этилган вақт: 2018 йил 26 окт.)

<sup>7</sup> Refugee Protection: A guide to International Refugee Law. Handbook for Parliamentarias, №2, 2001, p.61.

<sup>8</sup> United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2017). International Migration Report 2017: Highlights (ST/ESA/SER.A/404).

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қуляй шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармони.

◆ ◆ ◆

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги «Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириши тартибини оптималлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3836-сон Қарори.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ [Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан]. Умумий қисм / М.Х. Рустамбоев. – Т., 2016. – Б. 611.

<sup>12</sup> Вышегородцев М.М., Сиденко А. В. Утечка умов или приток капиталов в Россию, а стоит ли бить тревогу? // Финансы. – 2000. – № 10. – С. 337.

<sup>13</sup> United Nations, Department of Economic and Social Affairs. Population Division (2017). Trends in international Migrant Stock: The 2017 revision (United Nations database, POP/DM/MIG/Stock/Riv.2017).

<sup>14</sup> Канаданинг миграция тадқиқотлар бўйича IMMI group ташкилотининг статистик маълумоти. <https://22century.ru/popular-science-publications/20-facts-migration-ppl-2>. (Электрон манбага мурожаат вақт: 2018 й 19дек)

<sup>15</sup> Фомшин С.В. Международные экономические отношения. – Ростов-на-Дону, 2006. – С. 357.

<sup>16</sup> Katja Riedel. Geschichte der deutschen Einwanderung. Die Gastarbeiter: Das Wirtschaftswunder braucht kraftige Hände. Von Focus-online www.focus.de/wissen 5.09.2007 (Катя Ридель. История германской миграции. Гастарбайтеры: экономическому чуду необходимы сильные руки).

<sup>17</sup> United Nations, Department of Economic and Social Affairs. Population Division (2017). Trends in international Migrant Stock: The 2017 revision (United Nations database, POP/DM/MIG/Stock/Riv.2017).

<sup>18</sup> Ўша манба.

## ЯНГИ НАШРЛАР

### НОВЫЕ ИЗДАНИЯ

**Отажонов А. А. Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш фаолияти: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.**

Ушбу қўлланмада «мурожаатлар»нинг тушунчаси, турлари ва шаклари, оғзаки, ёзма ва электрон кўринишда келиб тушган ариза, шикоят ва таклифларни қабул қилиш, рўйхатга олиш тартиби ва кўриб чиқиш муддатлари, шунингдек, мурожаат қилувчини шахсан қабул қилиш тартиби ва шартлари, мурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиб бориш ҳамда ушбу фаолиятни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг қисқача мазмуни ёритилган.

Ўқув қўлланма юридик олий таълим муассасаларининг курсант, тингловчи, талабалари, докторант ва мустақил изланувчилари, шунингдек, амалиёт ходимларига мўлжалланган.

\* \* \* \*

**Профилактика инспекторларининг маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти: Маърузалар курси / А. С. Турсунов, Қ. А. Саиткулов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: генерал-лейтенант Б. А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.**

Маърузалар курси Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарликка оид қонунлар асосида тайёрланган бўлиб, унда профилактика инспекторларининг маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятининг мазмун ва моҳияти, ушбу фаолиятни амалга оширишнинг асослари ва тартиби, профилактика инспекторларининг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этишдаги иштироки, маъмурий хукуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек профилактика инспекторининг маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти устидан прокурор назоратига оид масалалар ёритилган.

**Э. Х. Норбутаев,**

*ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети ҳуқуқий фанлар цикли катта ўқитувчи*

## **ЛИЦЕНЗИЯЛАШНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ РУХСАТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТИ**

**Аннотация.** Мақолада лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати кўриб чиқилган, олимларнинг фикрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида уни такомиллаштиришга доир таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** лицензия, маъмурий ҳуқуқ, лицензияловчи органлар, лицензия талабгорлари, шакл, усул, тартиб-таомил, лицензиялаш фаолияти.

### **Взаимоотношение лицензирования с разрешительной деятельностью органов внутренних дел**

**Аннотация.** В статье рассмотрена административно-правовая природа лицензирования. На основании изучения мнений ученых и правоприменительной практики даны предложения, направленные на совершенствование данной сферы.

**Ключевые слова:** лицензия, административное право, лицензирующие органы, соискатели лицензий, форма, метод, процедура, лицензионная деятельность.

### **The administrative and legal nature of licensing and its interaction with the licensing activities of the bodies of internal affairs**

**Annotation.** At the article are described law-enforcement bodies of licensing, it's the law-enforcement bodies of legal category and given invitations which deal with thoughts and improving results of learning practice of scients.

**Keywords:** license, authority of law, organs of licensing, client of licensing, shape, style, activity of licensing.

Давлат томонидан ҳуқуқни муҳофаза қиливчи органлар зиммасига жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилади. Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар тизимида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларига ўқотар қурол ҳамда ўқ-дорилар, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, шунингдек, пиротехника буюмлари, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши, ёнгинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнгиндан дарак берувчи ва сақловчи сигнализация воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳаларида лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни бериш фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш вазифалари юклатилган. Ички

ишлар органлари тизимида лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар бериш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ҳамда ёнгин хавфсизлиги давлат хизмати зиммасига юклатилган.

Лицензиялаш бугунги миллий қонунчилигимизнинг жадал ривожланаётган институтларидан бири бўлиб, кенг кўламдаги ижтимоий муносабатларга нисбатан давлат сиёсатини олиб бориша кўл келади. Лицензиялаш институтининг ривожланиши ҳозирги қунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги маъмурий ислоҳотлар шароитида янада долзарб эканлигидан далолат беради.

Лицензиялаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар кенг тарқалганлиги сабабли турли дарражадаги (яъни Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис

қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ички ишлар органлари томонидан қабул қилинадиган) идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар билан тартибга солинади.

Эътироф этиш жоизки, «лицензиялаш» тушунчасининг бошқа ҳуқуқий иборалар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаши бозор муносабатларининг ривожланиши, тадбиркорлик фаолиятининг янги турлари пайдо бўлиши билан боғлиқ.

И.А.Хамедовнинг фикрича, «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар доирасида рухсат этиш (лицензиялаш, сертификатлаш, рўйхат олиш) тартиб-таомилларини соддалаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларни (қонун лойиҳаларини) тайёрлаш ишларини жадаллаштириш лозим»<sup>1</sup>.

А.А.Лининг ёзганидек, «лицензиялашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши мавҳумликдан аниқликка қараб бориш принципига асосланади. Қонун лицензиялашнинг мавҳум талаблари, шартлари ва тартибини белгиласа, қонуности ҳужжатлар унинг қоидаларини фаолиятнинг ҳар хил турларида қўллаш тартибини аниқлаштиради»<sup>2</sup>. Шундай қилиб, лицензиялаш жараёнида қонунлардан кўра қонуности ҳужжатлар жиддийроқ аҳамиятга эга.

Профессорлар Б.Э.Қосимов ва Х.Т. Одилқориев таъкидлаганларидек, «лицензиялаш сертификатлаш, солиқ солиш, рўйхатга олиш каби шакллар билан бир қаторда давлат бошқарувининг тартибга солиш функциясига киритилган»<sup>3</sup>.

Лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати ва ички ишлар органларининг рухсат этиш фаолияти билан ўзаро муносабатини аниқлаш учун унинг қонунчилик орқали тартибга солиш тизимидағи ўрнини аниқлаш лозим. Унинг бу ўрни эса мамлакатда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ.

Шундай қилиб, лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин: лицен-

зиялаш муносабатларининг субъектлари томонидан риоя этилиши керак бўлган зарурый талаб ва шартларнинг мавжудлиги; лицензиялаш субъектлари ўзаро муносабатларининг ихтиёрийлиги (лицензияга талабгор ёки лицензиатларнинг ички ишлар органларига мурожаати); лицензиялаш муносабатларининг императивлиги, лицензиялашнинг қонун нормалари асосида амалга оширилиши; лицензиялаш субъектлари доирасининг чекланганлиги (ички ишлар органлари — лицензияга талабгор ёки лицензиат); лицензиялаш муносабатлари субъектларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажм жиҳатдан хилмачиллиги.

Ўз навбатида, «лицензиялаш» ва «рухсат этиш» тушунчалари бўйича ягона ёндашув мавжуд эмаслиги лицензиялаш тизимининг ҳуқуқий табиати, моҳияти, аҳамияти ва хусусиятлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш заруратини вужудга келтирмоқда.

Лицензиялашнинг ҳуқуқий табиати борасида турли қарашлар билдирилмоқда. Фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан қаранганд, лицензиялаш юридик ёки жисмоний шахс (тадбиркор)да ҳуқуқий лаёқатнинг вужудга келиш муаммолари билан чамбарчас боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг лицензиялаш ва рухсат этиш фаолиятида «лицензия» ва «рухсат» тушунчалари асосий аҳамиятга эга. Қонунчиликда, ўз навбатида, «рухсат» иборасининг аниқ ҳуқуқий тушунчаси ўз ифодасини топмаган, фақат «лицензия» тушунчасини ҳуқуқни қўллаш назариясида тартибга солишга ҳаракат қилинган. Ушбу тушунчаларнинг моҳиятини англаш учун уларнинг келиб чиқишини, мазмун бўйича фарқи ва ўхшаш жиҳатларини тушуниб олиш зарур.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида «рухсат» тушунчаси бирор ишни бажариш, амалга ошириш учун шу ишга таалуқли ёки жавобгар киши, орган, ташкилот томонидан берилган ижозат, розилик жавоби сифатида таърифланган<sup>4</sup>. Лицензия деганда эса амалдаги

қонунларга кўра муайян фаолиятни амалга ошириш (масалан, четга мол чиқариш ёки четдан мол олиб келиш) учун давлат органлари томонидан бериладиган рухсат тушунилади.

Шундай қилиб, ушбу икки тушунча ўхшаш бўлиб, қонунчиликда назарда тутилган муайян талабларга риоя этган ҳолда қандайдир фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи давлатнинг маҳсус ижозатини англатади. Ҳар иккала тушунча ҳам рухсат берувчи битта режимнинг таркибий қисми ҳисобланади: юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳаракатларни амалга оширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза билан тегишли органга мурожаат қилиб, (масалан, фуқаровий ва хизмат қуролларини ҳамда уларнинг ўқ-дориларини олиш учун) давлат рухсатномасини олади.

«Лицензия» ва «рухсат» тушунчалари илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Масалан, «Юридик энциклопедия»да лицензия маҳсус ваколатли давлат органи амалдаги қонун ҳужжатларига кўра лицензияланиши лозим бўлган фаолият тури билан муайян муддат давомида шугулланиш учун берадиган рухсат сифатида тарифланган<sup>5</sup>. Ўзбекистон юридик энциклопедияси муаллифларининг фикрича, лицензия лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорларига ўрнатилган шартларга қатъий риоя этган ҳолда лицензияланадиган турдаги фаолиятни амалга оширишга бериладиган рухсат (ҳуқуқ)<sup>6</sup>. «Рухсат» тушунчаси фақат «лицензия» тушунчаси билан бирга, яъни давлат, ваколатли орган томонидан муайян фаолият юритиш учун бериладиган маҳсус ижозат сифатида баҳоланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳар иккала тушунчага кўйиладиган асос ва талаблар, уларни бериш механизми ва тугатиш асослари айнан бир хил.

Шундай қилиб, ҳуқуқ назариясида ушбу икки тушунча мазмунига кўра ўхшашdir. Хусусан, «лицензия» ва «рухсат» расмий ҳужжат бўлиб, шахснинг муайян масалаларда, фаолият турида ваколатга эгалиги давлат томонидан тан олинишини билдиради,

рухсат ва лицензияда кўрсатилган фаолият турлари билан шугулланиш ҳуқуқини беради ҳамда ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш шарт ва муддатларини белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда лицензиялаш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида»ги (2000 йил 25 май) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги (2001 йил 12 май) қарори<sup>7</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида»ги (2002 йил 28 июнь) Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори<sup>8</sup> асосий ўрин эгалламоқда. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, «лицензия» тушунчаси лицензиялашнинг ҳуқуқий режими учун ягона, бир шаклдаги базани ташкил этиб, лицензияланадиган фаолият турларининг рўйхатини ўз ичига олади. Бинобарин, унга киритилган фаолият турларига мувофиқ, ҳуқуқий режим барча учун лицензия кўллашнинг бир хил ҳуқуқий мазмунига эга.

С.М. Селиманованинг фикрича, лицензия деганда лицензияловчи орган томонидан жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг аризаларини кўриб чиқиши натижалари бўйича бериладиган, муайян вақт давомида ёки муддатсиз тарзда лицензиялашириладиган фаолият турини амалга ошириш имконини берувчи расмий ҳужжат тушунилади<sup>9</sup>. А.А. Алексеев эса рухсат этиш тизимининг субъектларини ушбу соҳада вужудга келадиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари сифатида юридик таснифлаш лозимлигини асослантириб, ушбу субъектларни индивидуал (якка) ва жамоат субъектлари сифатида таснифламоқда.

Бироқ турли тартиб-қоидаларга риоя қилишни талаб этиувчи, масалан, ноҳарбий ва хизмат қуроллари ҳамда уларнинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари,

наркотик воситалар, психотроп моддалар, прекурсорлар, алюминий кукуни ишлатиладиган соҳада фаолият кўрсатиш учун маҳсус рухсат талаб этувчи, лицензияловчилар қаторига кирмайдиган ички ишлар органларининг идоравий норматив-хуқуқий хужжатларида бошқача ҳолат кузатилмоқда. Ушбу мисолда муайян турдаги фаолият билан шугулланиш учун бериладиган турли расмий рухсатномаларнинг ички ишлар органлари томонидан берилиши яққол кўриниб турибди. Бу рухсатномалар тегишли фаолиятни амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қиласи.

Ички ишлар органларининг лицензиялаш ва рухсат этиш фаолиятининг энг муҳим жиҳати — унинг жамоат хавфсизлигини таъминлашга, қоидабузарликларни аниқлашга, айrim фаолият турлари билан шугулланиш учун лицензияси (рухсатномаси) бўлган шахслар томонидан хуқуқбузарликларнинг олдини олишга, шунингдек, лицензиялаш ва рухсат этиш тизими қоидаларини бузгандарни жавобгарликка тортишга йўналтирилганлигидадир.

Бундан ташқари, таъкидлаш жоизки, рухсат этиш тизими — давлатнинг маҳсус ҳолатга (хавфсизлик, жамоат тартиби ва ҳ.к.) эришишини талаб этувчи турли соҳаларидаги муносабатларини тартибга солишга кўмаклашувчи маҳсус хуқуқий воситалар мажмуасидир.

Ички ишлар органларининг лицензиялаш ва рухсат этиш фаолиятини хуқуқий тартибга солиш масалалари бир қанча олимлар томонидан тадқиқ этилган. «Лицензиялаш — рухсат этиш фаолияти» иборасининг моҳияти ва аҳамияти юзасидан турли фикрлар билдирилмоқда. Жумладан, В.И. Шалашовнинг фикрича, «ички ишлар органларининг лицензиялаш ва рухсат этиш фаолияти маъмурий фаолиятнинг бир турини ташкил этади. Бу ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахсларни лицензиялаш, улар томонидан лицензиялаш ва рухсат этиш тизими қоидаларига риоя этишларини назорат қилиш, ушбу қоидаларни бузиш

ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш ва айбдорларни юридик жавобгарликка тортиш бўйича ҳаракатлар мажмуудир»<sup>10</sup>. А.Б.Грохманнинг таъкидлашича, «лицензиялаш ва рухсат этиш ички ишлар органлари хизматларининг бирлашган фаолияти жараёнида амалга оширилади, унинг асосий шакли субъектларнинг объектларга киришини амалга ошириш, лицензиялар (рухсатлар) беришдир»<sup>11</sup>. А.В. Луговаянинг фикрига кўра, «ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолияти лицензиялаш тизимининг таркибий қисми бўлиб, унинг муайян фаолият тури (ишлар, хизматлар кўрсатиш) билан шугулланиш учун, муомаладан тўлиқ ёки қисман чиқарилган нарса ва воситалардан фойдаланиш хуқуқини берувчи лицензия ва рухсат бериш, шунингдек, лицензия қоидалари, талаблари ва шартларига риоя этиш устидан назорат қилиш бўйича маҳсус ваколатга эга бўлган тузилмаларнинг қонуности, ижроия-фармойиш берувчи фаолиятидир»<sup>12</sup>. Ички ишлар органларининг лицензиялаш ва рухсат этиш фаолиятида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалаларини тадқиқ этган С.В. Казимиров, ўз навбатида, ички ишлар органларининг лицензиялаш ва рухсат этиш фаолиятини фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашга қаратилган институтлардан бири сифатида ифодалайди<sup>13</sup>.

Юртимиз ва хорижий олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил этиш натижасида асосий тушунчаларнинг қўйидаги таърифларини таклиф этамиз:

*Ички ишлар органларининг лицензиялаш ва рухсат этиш фаолияти* — жисмоний ва юридик шахсларнинг маҳсус лицензия (рухсат) олиш, уни узайтириш, қайта расмийлаштириш, қайта рўйхатга олиш, бекор қилиш тартибини белтилаш, шунингдек, улар томонидан лицензиялаш ва рухсат этиш фаолияти қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, лицензиатлар томонидан лицензиялаш ва рухсат этиш шартлари ва

талабларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш ва қоидабузарликда айбдор бўлганларни юридик жавобгарликка тортишдан иборат давлатнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий чоралар мажмудидр;

— рухсат этиши деганда фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва соғлиғи, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига хавф туғдирувчи ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек, лицензиялаш ва рухсат этиши фаолиятида мунтазам равища

назорат олиб бориш имконини берувчи ички ишлар органлари томонидан бериладиган хужжат тушунилади;

— лицензия деганда ички ишлар органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга фаолият юритиши учун рухсат берилганлигини билдирувчи, чеклаш хусусиятига эга бўлган, ариза асосида бериладиган, лицензиялаш ва рухсат этиши талаб ва шартларига риоя этиш мажбуриятини юклайдиган ҳуқуқий ҳужжат тушунилади.

<sup>1</sup> Хамедов И.А. О концепции совершенствования государственного управления в Республике Узбекистан в рамках административной реформы // Административная реформа в Республике Узбекистан: опыт и проблемы правового регулирования: Материалы международного симпозиума. – Т., 2007. – С. 107.

<sup>2</sup> Лининг А.А. Административно-правовое регулирование предпринимательской деятельности: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2005. – С.33.

<sup>3</sup> Одилқориев Х.Т. Маъмурий ҳуқуқ. – Т., 2010. – Б. 147.

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. – Б. 399.

<sup>5</sup> Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 275.

<sup>6</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов. – Т., 2010. – Б. 559.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қарори // www.lex.uz.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори // www.lex.uz.

<sup>9</sup> Селиманова С.М. Ўзбекистон Республикасида лицензиялаштириш тизимини такомиллаштиришнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т., 2016. – Б. 25.

<sup>10</sup> Шалашов В.И. Лицензионно-разрешительная деятельность органов внутренних дел (милиции): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1997. – С. 27.

<sup>11</sup> Гормах А.Б. Правовые и организационные основы деятельности милиции общественной безопасности по осуществлению лицензионно-разрешительной работы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. – С. 23.

<sup>12</sup> Луговская А.В. Лицензионная деятельность милиции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2000. – С.24.

<sup>13</sup> Казимиров С.В. Обеспечение прав и свобод граждан в лицензионно-разрешительной деятельности органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001. – С. 24.

А. Э. Йұлдошев,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
фуқаролик жамияти институтлари бошқаруви кафедраси доценти в.б., юридик фанлар номзоди

## **ҲОКИМЛАРНИНГ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ ОЛДИДАГИ ХИСОБДОРЛИГИ (ТАШКИЛИЙ-ХУҚУКИЙ ЖИХАТЛАРИ)**

**Аннотация.** Мақолада фуқаролар йигинларида ҳокимлар ҳисоботларини әшитишига оид меъёрлар ва уларни амалга ошириш масалалари ўрганилган. Муаллиф томонидан ҳокимлар ҳисоботларини әшитишида вакилларнинг фуқаролар билан алоқаларини кучайтириш, ҳоким фаолиятини холисона баҳолаш ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чораларини белгилашда фуқаролар манфаатларини кенгроқ инобатта олишига оид амалий таклифлар илгари сурйилган.

**Таяңч сүзлар:** ұқым ҳисобдорлығи, масууллик, ұқым ҳисоботи, маҳалла, фуқаролар йигини, маҳаллий ахамияттаға мөдік масала, фуқаролар вакиллары, әшитүү, ұқым фаолиятины баходац.

Организационно-правовые аспекты подотчетности хокимов перед сходами граждан

**Аннотация.** В статье изучены нормы о заслушивании сходами граждан отчетов хокимов и вопросы их реализации. Автором были выдвинуты действенные предложения по усилению связи представителей с гражданами, объективной оценке деятельности хокимов и разработке мер по решению выявленных проблем с более широким учетом интересов граждан.

**Ключевые слова:** подотчетность хокима, ответственность, отчет хокима, махалля, сход граждан, вопросы местного значения, представители граждан, слушание, оценка деятельности хокима.

## **Organizational and legal aspects of khokims' accountability to community councils**

**Annotation.** The article examines the norms on hearing khokims' reports by citizens' assemblies and the issues of their implementation. The author put forward effective proposals for strengthening the communication of representatives with citizens, assessing of the activities of khokims objectively and developing of measures to solve the identified problems with a broader consideration of the citizens' interests.

**Key words:** accountability of the khokim, responsibility, report of the khokim, makhalla, community councils, local issues, citizens' representatives, hearing, assessment of the khokim's activities.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига мувофиқ, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллирлар. Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш вазифасининг юклатилганлиги<sup>1</sup> ушбу конституциявий нормани жамият ҳаётига самарали татбиқ этишга хизмат қилмоқда. Мазкур вазифани бажариш самарадорлигини оширишда ҳокимлар ҳисботини фуқаролар йиғинида эшитиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли қонуни<sup>2</sup> билан вилоят, туман, шаҳар ҳокими зарур бўлган ҳолларда ўз фаолияти тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этиши белгиланди. Фуқаролар йиғинлари ҳокимнинг муайян давр, соҳа ёки бирор масала юзасидан олиб бораётган фаолияти ҳақида ҳисоботини эшитиш имконига эга бўлди. Ушбу қонун қабул қилингунига қадар фуқаролар йиғини ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, жумладан ҳокимларнинг фақат ўз фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидангина ҳисоботларни эшитиб келаётган эди.

Дарҳақиқат, ҳокимнинг фуқаролар йигинларига ҳисобот тақдим этиши уларга ҳоким фаолиятини баҳолаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар бериш ва бошқа таъсир чораларини қўллаш имконини назарда тутади. Бироқ бугунги кунда ҳокимлар томонидан фуқаролар йигинларига ҳисобот тақдим этиш ўрнига бир неча маҳалла фаоллари ёки аҳолининг бир қисмини тўплаб, тегишли ҳудудда мавжуд муаммоларни мухокама қилиб, уларни ҳал қилиш юзасидан мутасадди раҳбарларга топшириқлар бериш амалиёти шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 авгуустдаги «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сон Қарорининг 2-бандида<sup>3</sup> тегишли мансабдор шахсларнинг, биринчи навбатда, аҳоли олдида даврий ҳисобот бериш тизимини, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини, шунингдек, юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик чораларини назарда тутган ҳолда, соглиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар, хуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларни барвақт олдини олиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши устидан парламент назоратининг самарали шаклларини жорий этиш бўйича ишларни ташкил этишнинг намунавий тартибини тасдиқлаш тавсия этилган.

Фуқаролар йигинларида ҳокимлар ҳисботларини эшлиш тартибини белгилаш бу борадаги меъёрларни аниқлаштириш (ва уйғулаштириш) зарур(ати тугилганлигини) кўрсатмоқда. Масалан, вилоят, туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йигинларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади. Бироқ қонун ҳужжатларида фуқаролар йигинларига ҳокимнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисботини эшлиш ёки бундай ҳисботларни тақдим этиш тўғрисида унга мурожаат қилиш хуқуқлари берилмаган. Лекин бундан ҳоким ўз фаолияти тўғрисида

ҳисботларни ўз ташабbusи билан беради, деган холоса чиқариб бўлмайди.

Ҳоким муайян маҳалладаги долзарб масала юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида фуқаролар йигинига ҳисобот тақдим этиши мумкин. Бунда ҳоким эришилган натижалар самарадорлигини аниқлаш имконига эга бўлади. Лекин мазкур ҳисботларни тақдим этишни фақат ҳоким ихтиёрига қолдириб бўлмайди. Қонун ҳужжатларида ҳокимнинг ўз фаолияти тўғрисида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этиши тўғрисидаги меъёрнинг мавжудлиги уларга ушбу масала юзасидан тегишли ҳокимга мурожаат қилиш хуқуқини беради.

Маълумки, фуқаролар йигинининг ялпи йиғилишини ўтказишга шароит мавжуд эмаслиги туфайли, асосан, фуқаролар вакилларининг йиғилиши чақирилади. Натижада фуқароларга йиғилиш ўтказилиши, унда мухокама қилинаётган масала ва қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида ахборот етиб бормаслиги каби ҳолатлар учрайди. Бундай ҳолатларга вакилларни сайлаш тартиби, уларнинг ваколат муддати аниқ белгиланмаганлиги, айниқса, барча фуқаролар иштироки таъминланмаганлиги сабаб бўлаётганлигини кўриш мумкин. Демак, ҳокимнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисботини тақдим этишидаги самара фуқаролар вакиллари йиғилишининг тўғри ташкил этилишига ҳам бевосита боғлиқdir.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддаси бешинчи қисмига кўра, фуқаролар йигинини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар йигини кенгаши фуқаролар вакилларининг йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовли, уй, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари юборилади. Вакиллик нормасини фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи тегишли комиссия белгилайди. Ушбу меъёрлардан вакиллар фуқаролар

томонидан ҳар бир йигилишдан олдин юборилади, деган маъно келиб чиқади.

Фуқаролар томонидан вакилларни юбориш тартиби «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган. Ушбу Қонуннинг 15-моддасига кўра фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гурӯҳи ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йигилишларини ташкил этади ва ўтказади; ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолиси умумий йигилишининг иштирокчиларини рўйхатга олади ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда аҳолининг умумий йигилиш баённомасини тузади. Ушбу ишчи гурӯҳ фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ва навбатдаги сайлов эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Фуқаролар томонидан ҳар бир йигилишга ўз вакилларини сайлаш «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Лекин амалда фуқаролар ўз вакилларини факат фуқаролар йигини раисининг сайловига юбориш билан чекланмоқдалар ва улар фуқаролар йигини раисининг ваколат муддатига сайланмоқдалар. Тўғри, ҳар бир йигилиш олдидан барча фуқароларни тўплаб, вакилларни сайлаш мураккаб масала. Шу сабабдан вакилларнинг ваколат муддатини белгилаш, уларни сайлаган фуқаролар билан доимий алоқани таъминлаш ва фуқаролар манфаатларини ифода этишга доир мажбуриятларини аниқлаштириш долзарб аҳамият касб этади.

«Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси учинчи қисмида фуқаролар йигинлари вакилларига муайян талаблар қўйилгани ижобий ҳолатдир. Ушбу моддага кўра, ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга

фуқаролар, қоида тариқасида, фуқароларнинг вакиллари бўлиши мумкин. Шу билан бирга, вакилларнинг мажбуриятлари, уларни бажармаган ва фуқаролар ишончини оқладай олмаган вакилни чақириб олиш тартибини белгилаш эҳтиёжи ҳам мавжуд.

Аввало, вакилларнинг уларни сайлаган фуқаролар билан алоқа боғлаб туриши, фуқаролар вакиллари йигилишида уларнинг манфаатларини ифода этиш борасидаги мажбуриятларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунда вакилнинг фуқаролардан тушган мурожаатларни кўриб чиқиши, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиши, ҳар бир вакиллар йигилишидан олдин ва кейин фуқаролар билан учрашиши, уларнинг манфаатларини ўрганиши ва қабул қилинган қарорлар тўғрисида ахборот беришига эҳтиёж катта. Бунда вакилларни фуқароларни қабул қилиш учун қулай хоналар билан таъминлаш, уларнинг қабул кунларини аниқ белгилаш ҳам талаб этилади. Ушбу мажбуриятларни бажариш вакилларнинг фуқаролар манфаатларини рўёбга чиқарishi ва уларнинг қарор қабул қилишдаги иштирокини таъминлашга хизмат қиласди.

Фуқароларнинг ўз вакиллари билан яқин алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида уларга ишончини оқладай олмаган, жумладан ўз мажбуриятларини бажармаган вакилни чақириб олиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳуқуқ фуқароларга уларнинг манфаатларини ифода этмаётган вакилларни алмаштириш ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда, жумладан, ҳоким ҳисоботларини эшлишида самарали иштирок этиш имконини беради.

Ҳокимнинг маҳалла олдида ҳисобот бериши фуқароларнинг ҳоким фаолиятини объектив баҳолаш имкониятига эга бўлишини назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августрдаги ПҚ-3182-сон қарори билан тасдиқланган Туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

бўйича секторларнинг ишларини ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг 17-бандида секторлар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш мезонлари белгиланди<sup>5</sup>. Секторлар маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари доирасидаги масалалар билан шугулланиши туфайли фуқаролар йигинлари томонидан ҳоким фаолиятини баҳолашда ушбу мезонлар инобатта олинса, тўғри бўлади. Демак, ҳокимнинг фаолиятини баҳолашда кўйидаги мезонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолати ва ҳисоботда акс этган бошқа масалаларда реал ўзгаришларнинг мавжудлиги;

ҳисоботда эшитилган масалаларни ҳал қилиш режалари мавжудлиги ва улар ижросининг аҳволи;

ҳисоботда кўтарилилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, жумладан Президент фармон ва қарорлари, тегишли худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, шунингдек, Давлат раҳбарининг мазкур худудларга ташрифи жараёнидаги топшириқларининг бажарилиши;

уйма-уй юриш, ҳалқ билан мулоқот, аҳоли томонидан кўтарилилган муаммоларни ечиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш самарадорлиги; уйма-уй юриш дафтарлари юритили-

шининг ҳолати ва улардаги ёзувларнинг ҳаққонийлиги.

Юқоридаги мезонлар асосида ҳоким фаолиятида аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш юзасидан ишлаб чиқилган кўрсатмалар ижросини таъминлаш навбатдаги муҳим масалалардан биридир. Бугунга қадар ҳоким ҳисоботини эшитиш тўғрисидаги фуқаролар йигини баённомасини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилиши етарли эмаслиги аён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон қарорига кўра ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияларида сектор раҳбарлари ҳисоботини эшитишини инобатта олган ҳолда уларга ҳам мазкур баённомаларни юбориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳокимлар ҳисоботини эшитиш бўйича фуқаролар вакиллари йигилишларини самарали ташкил этиш, жумладан, вакиллар томонидан фуқаролар манфаатларини ўрганиш ва уларни ҳоким ҳисоботини эшитиши натижалари бўйича қабул қилинган қарорда акс эттириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган амалий кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва ҳоким фаолиятини холисона баҳолаш маҳалла фуқаролар йигинида ҳоким ҳисоботини эшитишнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласи.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир // <http://uza.uz/oz/politics/onun-ustuvorligi-inson-manfaatlari-taminlashning-mu-im-omi-07-01-2017>.

<sup>2</sup> «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 37. – 978-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 32. – 802-м.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-350-сонли Қонуни таҳририда) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2013. – № 4. – 96-м.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 32. – 802-м.

*A. A. Аташайхов,*

*ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети хизмат-жанговар ва  
жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиши*

## ОРТИҚЧА ВАЗИЛЛИК МУАММОСИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари ходимларининг ортиқча вазни ва семизлик даражасини аниқлаш ҳамда жисмоний машқ воситалари орқали бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** ортиқча вазн, семизлик, жисмоний юклама, меъёр, парҳез, тўғри овқатланиш, камҳаракатлилик, соғлом турмуш тарзи, жисмоний машқлар, жисмоний тайёргарлик.

### Проблема лишнего веса и методы ее решения

**Аннотация.** В статье освещаются проблемы определения лишнего веса и степени ожирения сотрудников органов внутренних дел, а также профилактические и превентивные меры преодоления данного негативного явления путем физических упражнений.

**Ключевые слова:** лишний вес, ожирение, физическая нагрузка, норма, диета, правильное питание, гиподинамия, здоровый образ жизни, физические упражнения, физическая подготовка.

### The problem of excess weight and methods of its overcoming

**Annotation.** The article is consecrated of the definition of excess weight and degree of adiposity of employees of law-enforcement bodies, and also preventive measures of overcoming of this negative phenomenon by physical exercises.

**Key words:** Excess weight, adiposity, physical activity, norm, adiet, eutrophy, hypodynamia, a healthy way of life, physical exercises, physical preparation.

Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилиб, янада такомиллаштирилмоқда, кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмлари жорий этилмоқда.

ИИВ таълим муассасаларида, жумладан ИИВ Академиясида ҳам замон талабларига жавоб берадиган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, юқори малакали, жисмонан соғлом ёш кадрларни тайёрлашга катта ўтибор қаратилмоқда. Негаки, юқори даражадаги профессионаллика, хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарликка эга соғлом ички ишлар ходимигина фуқаролар хавфсизлигини

таъминлашда ўз хизмат вазифасини аъло даражада бажариши мумкин бўлади.

Шу билан бирга, айни вақтда ички ишлар ходимларининг иш ҳажми сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу эса ҳар бир ходимдан кутилмаган вазиятларда топқирликни, тезкорликни, диққатни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказишни, тезкор қарор қабул қилишни, чақонликни, бажариладиган ҳаракатларнинг аниқлиги ҳамда бошқа қўнишка ва малакаларни талаб қиласиди. Бундай амалий қўнишкаларга эга бўлиш учун, албатта, ички ишлар ходимидан жисмонан бақувватлик, ривожланган умумий ва маҳсус касбга йўналтирилган жисмоний қобилияtlарга эга бўлиш талаб этилади.

Баъзан ортиқча вазнга эгалик муаммоси, бошқа соҳаларда бўлгани каби, мазкур тизимда ҳам ечимини топиши лозим бўлган долзарблик касб этмоқда.

Ортиқча вазнга эга киши, энг аввало, ўз танасини бошқаришда қийинчиликларга дуч келади. Айниқса, ички ишлар органлари ходими жиноятчи ёки ҳуқуқбузарни қўлга олиш, хавфни бартараф этиш билан боғлиқ тезкор ҳаракатлар пайтида ёхуд қисқа ва узоқ масофаларга югуришга тўғри келганида унинг юраги (тана томирларига) керакли қон етказиб беришга, ўпка (аъзоларни) кислород билан таъминлашга қийналади. Шунингдек, турли тўсиқлардан ошиб ўтиш, тирмашиб чиқиш, тор таянчли йўл (ясама кўприк)лардан мувозанат сақлаб юриш, пастликка тушиш, баландликка кўтарилиш ва чаққонлик талаб этиладиган бошқа ҳолатларда самарали фаолият юрита олмайди, охир-оқибат зиммасига юқлатилган вазифани тўлалигича амалга оширолмайди.

Юқоридаги каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун ходимлар фаолиятида самарадорликни ошириш, қўйилган вазифаларни тўлақонли ижро этиш, ҳуқуқбузарликларни жойида бартараф қилиш, жамоат тартибини сақлашда ҳаракатларни аниқ бажаришга маълум даражада тўсқинлик қиласиган ортиқча вазнлиликнинг олдини олиш ёки бундай муаммонинг барвақт олдини олиш мақсадга мувофиқдир.

Соғлиқни сақлаш ходимлари, экологлар, психологлар, диетологлар, умуман олганда, бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ходимлари бу муаммонинг ечимини топиш учун изланмоқдалар ва бу соҳа олимлари ортиқча вазн ёки семизликка касаллик сифатида қараб, ундан қутулиш бўйича ўз тавсияларини бермоқдалар.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси олимлари эса бундай кишиларни соғлом одам сифатида кўриб, турли фаол ҳаракат ва машқлар ёрдамида муаммони ечишга интилмоқдалар. Тиббиёт ходимлари билан биргаликда текширув ва назорат натижалари ўрганилиб, ҳамкорликда иш олиб бориляпти.

Ривожланган мамлакатлар аҳолиси орасида тананинг ортиқча вазни нисбатан кўпроқ тарқалган бўлиб, энг жиддий муаммолардан бири саналади. Моддалар алмашинуви жараёнларини тадқиқот қилишдаги катта ютуқларга эришганликларига қарамасдан, семириш механизми ҳанузгача тушунарсизлигича қолмоқда. Лекин бир томондан қарайдиган бўлсак, семиришнинг сабабларидан бири, бу кам ҳаракатлиликдир. Яқин ўтмишда одамларнинг вазнiga вазн қўшилишига согломлик белгиси сифатида қараларди. Семиришнинг асосий сабаби ортиқча тановул қилинадиган овқат билан кўп миқдордаги ёғ ва углеводларнинг организмга тушиб, жисмоний ишга, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга кам энергия сарфланиши ҳисобланади.

Ортиқча овқатланиш ўрта ёшдаги одамлар учун кам овқатланишдек зарар келтиради. Унинг характерли оқибати, семириб кетишда, тери ости клетчаткасида, қоринда, бошқа орган ва тўқималарда ёғ тўпланишида қўринади. Ёғ тўпланиши сезиларли равиша семириб кетишга олиб келади.

Семириб кетишга марказий нерв тизими ишининг бузилиши ва эндокрин органларининг касалланишидан келиб чиқадиган моддалар алмашинувининг бузилишидан ташқари, кўпинча кам ҳаракат қилиш, кўп вақт ўтириб ишлаш ва кўп овқат ейиш сабаб бўлади<sup>1</sup>.

Ортиқча вазн ёки семизликнинг ўзи нима? Семизлик — нисбатан «ёш» касаллик бўлиб, XX аср ўрталарида бутун дунёга тарқалди.

Хозирда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти хабар беришича, бутун дунёда ортиқча вазн муаммоси билан қарийб 1,5 миллиард одам азият чекади. Бу борада АҚШ ва Европа етакчилик қиласиган. Ортиқча вазн ва семизлик муаммоси давлат миқёси даражасига кўтарилиган, аммо ҳозиргача айтарли катта натижаларга эришилмаган.

Ортиқча вазн ва семизлик — гайриоддий (аномал) ёки организмда ёғ моддасининг ўта кўп йигилиши натижасида шаклланадиган ва соғлиққа зиён етказиши мумкин бўлган салбий жараён<sup>2</sup>.

Кўйида бир неча статистик маълумотлар келтирамиз.

Ортиқча вазнлилик, семизлик замонавий тиббиёт учун катта ва мураккаб муаммо бўлиб қолди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда катталарнинг 25—30 фоизи ва болаларнинг 12—20 фоизи семизлиқдан изтироб чекар экан<sup>3</sup>.

2016 йилда дунёда 18 дан катта ёшдаги одамларнинг 1,9 миллиарддан кўпроғи ортиқча вазнга эга бўлиб, улардан 650 милиони семизлиқдан азият чекади.

2016 йил ҳисоби бўйича 18 ёшдан катта инсонларнинг 39 фоизи ортиқча вазнга эга (39 фоиз эркаклар ва 40 фоиз аёллар) экан.

2016 йилда сайёрамиз аҳолисининг 13 фоизи (11 фоиз эркаклар ва 15 фоиз аёллар) семизлиқдан изтироб чеккан.

1975 йилдан 2016 йилгача бўлган вақтда дунёдаги семизлиқдан қийналувчи одамлар сони уч карра қўпайди.

Жаҳон мамлакатлари ўртасида АҚШ семизлиқдан азият чекувчи аҳолисининг сони бўйича 38,2 фоиз билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ортиқча вазнлилари 32,4 фоизни ташкил этиб, Мексика аҳолиси иккинчи ўринни банд этмоқда. Кейинги ўринда Янги Зелландия ўзининг 30,7 фоизли семиз одамлари билан учинчи ўринда бормоқда.

19,6 фоиз аҳолиси билан семизлик муаммосига дуч келган россияликлар бутун жаҳон рейтингининг қоқ ўртасида турибди<sup>4</sup>.

Катталар ўртасида энг юқори семизлик даражаси АҚШ, Мексика, Янги Зелландия, Венгрияда аниқланган, энг паст кўрсаткич эса Япония ва Жанубий Кореяда белгиланган<sup>5</sup>. Шаҳарликлар қишлоқларда истиқомат қилувчилардан кўпроқ ортиқча вазнлиликдан қийин аҳволга тушадилар. Яна шуни таъкидлаш жоизки, барча ёш гуруҳларида аёллар юқори кўрсаткичга эга бўлиб кельмоқда. Ачинарлиси, танада ёғ йигилиши ўрта ёшли хизматчиларда кўп учрамоқда, ваҳоланки ўрта ёш турли фаол ҳаракатларни энг кўп амалга оширадиган давр ҳисобланади.

Тиббиётда айтилишича, семизлиқнинг иккита шакли мавжуд бўлиб, улар эндоген

(ички) ва экзоген (ташқи) шаклларига бўлинади.

Семизликнинг эндоген (асаб тизими, ички секреция безлари) шаклида фақат шифокорга мурожаат қилиш тавсия этилади. Агар қисқача тушунча бериб ўтадиган бўлсак, эндоген шаклининг церебрал (мия) турида гипоталамус организмдаги моддалар алмашинувини кўпроқ ёғ алмашинуви жараёнини бошқаришга жавоб беради. Гипоталамус фаолияти билан очлик ва тўқлик ҳисси боғлиқ бўлиб, унинг касалланиши оқибатида овқатга бўлган эҳтиёж маркази қўзғалувчанлиги ортиб кетади, иштаҳа керагидан юқори бўлиб, семизликнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Бундай семириш шакли нисбатан кам (5 фоиз) учрайди ва касаллик ҳисобланади. Экзоген семириш (95 фоиз) шакли овқатланиш ва энергия сарфлаш мутаносиблигининг бузилиши натижасида юзага келади. Агар семириш соғлиқнинг ёмонлашувидан вужудга келмаган бўлса, даволаниш нисбатан оддий, яъни бунинг учун кам еб кўпроқ ҳаракат қилиш кифоя бўлади<sup>6</sup>.

Шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, мунтазам равишда етарли овқатланмаслик тана вазнининг камайишига, озишга, мушакларнинг дистрофик (мушакларга озиқ модда етишмовчилиги) ўзгаришига, иш қобилиятининг пасайишига, касалликка қаршилик кўрсатиш кучи камайишига олиб келади. Болаларда эса ўсиш секинлашади. Етарли овқатланмасликнинг айрим ҳоллари овқат ҳазм қилиш органлари иш фаолиятининг ва ақлий қобилиятининг сусайиб кетишида кўринади. Организм ўзининг 40—45 фоиз тана вазнини ўйқотганда ҳалок бўлади. Болаликда озиқ-овқат етишмаслиги, айниқса, хавфлидир.

Ортиқча овқатланиш ҳам кам овқатланышдек зарар келтиради. Унинг оқибати, семириб кетишига, тери ости, қоринда, бошқа аъзо ва тўқималарда ёғ тўпланишига олиб келади. Ёғ тўпланиши охир-оқибатда семириб кетишига сабаб бўлади, ҳаракат ва нафас олишни қийинлаштиради, юрак қонтомир тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Кам ҳаракатлилик, керагидан ортиқча овқатланиш турмуш тарзини одат қилиб олган инсонлар семизликка мойил бўлади. Семизлик натижасида юзага келган ортиқча вазн меъёрдан қанча юқори бўлса, ҳаёт давомийлиги шунча қисқаради. Эркакларнинг вазни меъёрдан 10 фоиздан ошиқ бўлса, умр давомийлиги 13 фоизга, 20 фоиздан ошса — 25 фоизга, 30 фоиздан ошиқ бўлса — 42 фоизга, жумладан аёлларда — 9,21 ва 30 фоизга камаяди<sup>7</sup>.

Яна шуни айтиш жоизки, юрак қонтомир тизимининг касалланиш хавфини юзага келтирувчи асосий омиллардан бири меъёрдан ортиқча тана вазнидир. Масалан, тана вазни меъёрдан 20 кг ортиқча кўрсаткичга эга бўлса, юрак қон-томир касаллиги туфайли ўлим ҳолатлари нормадаги тана вазнидагиларга нисбатан 1,5 баробарга юқори бўлади.

Шу ўринда бундай ҳолатга тушган ички ишлар органлари ходими қандай қилиб ўзига юклатилган вазифани юқори даражада бажариши мумкин; ички ишлар ходими касбий фаолиятидан келиб чиқиб ўзига мос, меъёрдаги тана вазнини қандай билиб олса бўлади, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Одамнинг одатдаги ўртача вазни қандай бўлиши кераклигини аниқлашга уринишлар кўпайиб кетди. Ҳозирда меъёрдаги тана вазнини билиб олишнинг бир неча тавсия ва усуллари борлигига қарамай, ҳалигача тана оғирлигининг меъёр бўйича аниқ стандартлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Нимага деганда, узоқ вақтлардан бери инсоннинг бўйи асосий кўрсаткич ҳисоблануб, оғирлик ва қўкрак қафаси доираси кенглиги белгилари унга тобе сифатида вазн меъёри, семизлик даражаси энг содда йўллар билан ҳисоблаб келинган. Масалан, тана оғирлигининг нормаси Брок индекси бўйича — инсон бўйининг сантиметрдаги кўрсаткичидан 100 сони айрилиб; Пенде индекси бўйича эса инсон бўйининг узунлигини 2,4 га бўлиб аниқланган.

Ҳозирда ортиқча вазнни аниқлашнинг янада мукаммаллаштирилган усули — тана оғирлигининг индекси (ТОИ) формуласи

ишлиб чиқилган. Бу формула бўйича ТОИ қуидагида ҳисоблаб чиқлади:  $\text{кг}/\text{м}^2$ , яъни тана оғирлиги (кг) бўй узунлиги (м.) квадратига бўлинади. Яъни: ТИО = оғирлик (кг) : (бўй (м))<sup>2</sup>.

1-мисол, вазн = 85 кг, бўй = 165 см.

Демак, ТИО =  $85:(1,65 \times 1,65) = 31,2$ .

2-мисол, вазн = 78 кг, бўй = 174 см.

Демак, ТИО =  $78 : (1,74 \times 1,74) = 25,7$ .

Агар ТОИнинг кўрсаткичи 19 дан 25 гача бўлса, унда ортиқча вазн муаммоси йўқ. ТОИнинг 25 дан 30 гача бўлиши ортиқча вазнга, 30 ва ундан кўпи семизликка киради.

Махсус адабиётларда семизлик тўрт даражага ажратилган: тана вазни аниқланган меъёридан 29 фоизгача ошган бўлса — I даражали; 30—49 фоизгача — II даражали; 50—100 фоизгача — III даражали; 100 фоиздан ортиқ бўлса, IV даражали семизлик дейилади. Лекин, шунга қарамасдан, ҳозирда кенг қўлланилиб келаётган энг содда ва энг машҳур усул Брок индексидир. Брокнинг юқорида кўрсатилган формуласига асосан тана узунлиги ва оғирлик кўрсаткичлари ёрдамида амалга оширилади. Тананинг сантиметрда ифодаланишидан 100 ни айирсак, килограммларда ўлчанадиган ўртача вазнга тенг бўлади. У 155—165 см тана узунлигига мўлжалланган. Бўйи 165—175 см бўлган кишиларда 105 ни, 175—185 см бўйли кишиларда эса 110 ни айириш лозим. Оддий ҳаёт шароитида соғлом одамларда тана вазнининг ўзгариб туришини баҳолаганда, қатор мутахассисларнинг фикрича, 25 ёшгача тана вазнининг нормадан кам бўлиши салбий ҳолат ҳисобланади. 35—40 ёшда тана вазнининг ошиб кетиши эрта қаридан қолиш аломатидир.

Ортиқча тана вазнини камайтириш учун умуман жисмоний машқлар билан шуғулланиш вақтида ўзини ўзи назорат қила билиш жуда муҳим ҳисобланади. Бунинг учун юрак уриши тезлиги билакдаги пульс босимидан 10 секундда неча марта уришини ҳисоблаб, 6 га кўпайтирилади. Албатта, ҳозирги замонавий қулай инновацион технологиялар ривожланган вақтда уларни

кўллаш фойдадан холи бўлмайди. Масалан, Polar M430 кўл соатидан фойдаланиш жуда қулай. У орқали пульс, артериал босим, бир дақиқада ўртача ЮУТни аниқ билиб олиш мумкин<sup>9</sup>.

Ортиқча вазн ва семизлик даражасини фақат жисмоний машгулот ва жисмоний иш билан камайтириш амримаҳол. Бу — узоқ давом этадиган жараён. Бир ҳафтада 1 кг озиш учун 7000 ккал энергия йўқотиш лозим бўлади. 30 дақиқа ўзига етарли шиддат билан ишланса (масалан, югуришда) 300—500 ккал энергия сарфланади. Демак, 7—11,5 соатлаб жисмоний машқлар билан шугулланиш керак ёки бир ҳафталик овқат калориясини 3500 ккал га тушириш лозим.

Ўтириб ишлайдиган ходимлар бир кунлик овқатининг калорияялиги қўйидаги формула билан аниқланади:

бир суткага керак бўладиган калория (ккал.) = оғирлик (кг) x 26 га.

Масалан, 78 x 26 = 2028 ккал;

меъёрида ҳаракатланиш билан ишлайдиган ходимлар учун бир кунлик овқатининг калорияялиги иккинчи формула билан аниқланади:

(ккал) = оғирлик (кг) x 33 га.

Масалан, 78 x 33 = 2574 ккал.

Хуроса қилиб айтадиган бўлсақ, бизнинг уч вариантилик жисмоний тайёргарлик бўйича қўшимча машгулотимиз нисбатан бир хил (24—30) ёшдаги, шифокор текширувидан ўтган, соғлом, лекин ортиқча вазн ва семизлик даражасига эга тингловчи ходимлар билан ўтказилди. Шу кунлари ҳар бир тингловчи ўрта ҳисобда 8 км (эрталабки бадантарбия вақтида — 5 км, қўшимча соатларда — 3 км) югурди, шу билан бирга, турли машқлар бажарди. Назорат текширулари шуни кўрсатдики, бундай жисмоний юклама кўпчилик, айниқса, семиз тингловчиларга оғирлик қилди. Юкламанинг юқорилитини тингловчиларнинг ташқи кўриниш ҳолатларидан билиб олиш қийинчилик түгдирмади. Шифокор назорати остида бундай тингловчилар билан организмни нисбатан қайта тиклаш машқлари ўтказиб

турилди. Икки ҳафтадан сўнг, юқорида айтиб ўтганимиздек, организм жисмоний юкламаларга кўникиб, мослашиш даврига ўтди. Ўқув йигини якунида тингловчиларда чидамлилик, бардошлилик, ҳаракат уйғулиги, бўғинлар ҳаракатчанлиги (эгилувчаник) жисмоний қобилияtlари ривожланди. Кўйилган мақсадга барвақт эришилди.

Авваламбор, мақсадли жисмоний тайёргарлик машгулотлари билан шугулланиш шифокор кўригидан ўтишдан бошланиши шарт. Шифокор юрак қон-томир, асаб, нафас органлари, таянч-аппарат тизимлари, хуллас, организмнинг жисмоний тайёрланганлик даражасини аниқлаб, шугулланиш мумкин бўлган жисмоний юклама меъёрини кўрсатиб беради. Мустақил шугулланувчилар доимий равищда шифокор назоратида бўлишлари шарт.

Жисмоний машқлар, юкламанинг ҳажми ва бажарилиш шиддати, машгулотларни ўтказиш шакли шугулланувчининг ортиқча вазн ёки семизлик даражасидан келиб чиқиб танланади.

Жисмоний машқлар ходимнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб бажарилиши ва жисмоний юклама натижасида бир кунда сарфланган энергия 600—800 ккал дан кам бўлмаслиги лозим.

Жисмоний тайёргарлик машгулотлари билан шугулланиш нисбатан узоқ вақтни ўз ичига олиб, тайёрлов ва асосий босқичларда ўтказилади.

Тайёрлов босқичида энергия сарфланиши ортиши билан бир қаторда, озиқ-овқат истеъмолини камайтириш ва организмнинг умумий жисмоний ривожланиш даражасини мустаҳкамлаш, яъни организмни жисмоний юкламага мослаштириш, ҳаракат кўнишка ва малакаларини, жисмоний иш қобилиятини қайта тиклаш жараёни амалга оширилади.

Организм бериладиган талабдаги жисмоний юкламага мослашиб, умумий ривожланганлик даражаси ошганидан сўнг иккинчи босқичга ўтилади.

Ортиқча вазндан қутулишда предмет (копток, аргамчи, гимнастика таёfi,

гантелл)лар билан машқлар бажариш самаралироқ бўлади.

Аргамчи билан сакраш машқлари (25–30 дақиқагача), ўтириб-туришлар, чалқанча ётган ҳолатда тўғри оёқларни юқорига ва гавдани оёқлар томонга кўтариш машқлари ҳам сезиларли натижа кўрсатади. Машқларни 1,5–2 ойда ўзгартириб туриш тавсия этилади. Машгулотлар ҳафтасига 3–4 марта ўтказилиши мақул.

Ходимнинг семизлик даражасини туширишда нафас машқлари ҳам муҳим ўрин тутади, чунки организмдаги ёғларнинг парчаланиши ва улардаги энергиянинг «ёқилиши» кислородсиз амалга ошмайди.

Тез юриш (бир дақиқада 100 қадам), югуриш, зинага кўтарилиш (30 дақиқа) машқлари ҳам ортиқча вазни камайтиришда самарали воситалардан бўлиб хизмат қиласди. Албатта, ёш ва жисмоний ривожланганлик хусусиятлари инобатга олиниши шарт. Агар ходимнинг семизлик даражаси юқори бўлса, югуриш ва сакраш машқлари тавсия этилмайди. Уларнинг тана оғирликлари таянч-ҳаракат аппарати тизимиға салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Умуртқа, бўғинлар орасидаги дисклар емирилишига олиб

келиб, соғлиққа путур етказади. Уларни сузиш ва тренажёрларда алоҳида мушаклар учун машқлар билан алмаштириш зарур.

Тана вазнини меъёрлаштиришда фақат жисмоний машқлар билан шуғулланиш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Вазн йўқотишнинг асосий омилларидан бири — парҳез, тўғри овқатланиш. Жисмоний тайёргарлик машгулотлари билан парҳез (диета) биргалиқда тўғри ташкил қилинса, яхши натижа беради.

Овқатланиш тартибини тўғри йўлга қўйиш орқали жараённи хоҳлаган тарафга йўналтириш мумкин. Масалан, тана мушакларини ривожлантириш учун овқат таркибидаги оқсил меъерини тана оғирлитининг 1 кг га 1,5–2,0 г ҳисобида кўпайтириш, танада ёғ қатламини камайтириш учун эса углевод ва ёғларни талаф мебеъридан 30% камайтириш талаф этилади.

Соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, заарли одатлар (чекиш, спиртли ичимликлар)дан воз кечиши, иштаҳани қитиқловчи восита (қалампир, хантал, сирка ва ҳ.к.)ларни истеъмол қиласмилик, газланган ичимликлар ичмаслик семиришга мойилликдан сақлайди.

<sup>1</sup> Минх А.А., Малишева И.Н. Умумий ва спорт гигиенаси асослари / Ўзбекчага таржима. — Т.: Медицина, 1981.

<sup>2</sup> [www.who.int](http://www.who.int)

<sup>3</sup> Лечебная физическая культура: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / С.Н. Попов, Н.М. Валеев, Т.С. Гарасева и др.; под ред. С.Н. Попова. — М., 2004. — С. 416.

<sup>4</sup> <https://ria.ru>

<sup>5</sup> <https://www.kp.ru>

<sup>6</sup> Абрамов М.С. Аэробика и мы. — Т., 1990. — С.119.

<sup>7</sup> Спортивная медицина: Учеб. для ИФК / Под ред. В.Л. Карпмана. — М., 1987. — С. 304.

<sup>8</sup> <https://mcvita.ru>

<sup>9</sup> [www.Polar.com](http://www.Polar.com)

<sup>10</sup> <https://www.ayzdorov.ru>

<sup>11</sup> Светличная Н. К. Формирование здорового образа жизни: Учебно-методическое пособие. — Т., 2015. — С. 140.

**A. B. Нарбеков,**

ИИВ Академияси ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчи

## ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг зарурати, тарихий даврларда тутган ўрни, ёшлар дунёқарашининг шаклланиши ва ўзига хослиги, ватанпарварликнинг қадрият сифатида инсон тақдирига таъсири таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** ватанпарварлик, қадрият, харизма, полислар, цивилизация, ифтихор, шон-шараф, иймон, фидойилик, оила, бурч, масъулият.

### Проблемы патриотического воспитания молодёжи

**Аннотация.** В статье анализируются необходимость патриотического воспитания молодежи, его место в различных периодах истории, специфика формирования мировоззрения, его влияние как ценности на судьбу человека.

**Ключевые слова:** патриотизм, ценность, харизма, полис, цивилизация, гордость, слава, вера, самоотверженность, семья, долг, ответственность.

### Issues of youth education in the spirit of patriotism

**Annotation.** In the article scientifically analyzed the necessity of training youth in patriotic sense, its role in historical periods, the forming of the world view of youth and its peculiarity and the influence as a value to the destiny of human.

**Keywords:** patriotism, value, charisma, policy, civilization, pride, fame, faith, sacrificial, family, duty, responsibility

Давлатчиликнинг ривожланишида фуқароларни шиҷоат ва фидойиликка даъват этувчи гоя катта аҳамиятга эга. Тарихга назар солсак, ҳалқларни жипслаштирувчи гоя асосига қурилган кичик давлатлар юксалиб, жаҳон миқёсидаги салтанатлар даражасига кўтарилиганига ишонч ҳосил қиласиз. Қадимги юнонлар Ватанига бўлган муҳаббатини «patria» сўзида ифодалаган. «Патриот», «патриотизм» сўzlари ўша даврлардан бошлаб одамлар қалбида Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини уйготган.

Юнонларга қадар ватанпарварлик гояси қабила ёки давлатнинг рамзий белгилари (бош худо ёки давлат ҳукмдори)да ифодаланган. Бош худо (якка худолик) ёки харизматик ҳукмдор атрофида бирлашиб, давлатчиликни ривожлантириш гояси осиёча ишлаб чиқариш усулига асосланган маданиятларда ҳозирга қадар сақланиб қолди. Лекин унинг камчилиги шундаки,

диний дунёқарааш таркибидаги йўналиш, мазҳаб ва оқимлар ўртасидаги рақобат ёки харизматик ҳукмдорнинг вафот этиши мамлакатда турли сиёсий кучларнинг ўзаро тўқнашувини бартараф эта олмади.

Шаҳар-давлатлар (полислар) цивилизациясини юзага келтирган Қадимги Юнонистонда ватанпарварлик гояси эътиқод даражасига кўтарилиди. У эркин фуқаронинг шахсий манбаатини шаҳар-давлат ва фуқаролар манбаатларига бўйсундирди. Шаҳар-давлат ва фуқаролар тинчлиги, келажаги, муқаддас остонаси учун курашган инсон ватанпарвар шахс сифатида улуғланди. Тарихда бу гоя полис ватанпарварлиги деб аталади. Юнонистон шаҳар-давлатларига ташқи кучлар (Аҳамонийлар босқини) таҳди迪 полис ватанпарварлиги гоясининг миллий ватанпарварлик гояси билан аламашувига сабаб бўлди. Мухтасар айтганда, Қадимги Юнонистонда ватанпарвар киши деб

солиқларни мунтазам равища түлайдиган, жамият бошқарувида иштирок этадиган, қонунларга итоаткор, уруш вақтида оиласи номидан ҳарбий хизмат ўтайдиган фуқарога айтилган.

Қадимги Рим цивилизациясида Ватанпарварлик гояси Қадимги Юнонистондагидан фарқ қилган. Қадимги Римда ватанпарварлик фахр, ифтихор, шон-шараф сўзларининг синонимига айланган. Қадимги Римнинг афсонавий қаҳрамони Курций Рим шаҳрини табиий оғатдан қутқариб қолиш учун энг қадрли нарсаси — жонини қурбон қилган. Қадимги Римда ватанпарвар киши деб қонунга кўр-кўрона итоат этадиган, ўз «мен»идан воз кечган ва Рим манфаати учун ҳеч нарсасини аямайдиган, шу жумладан ўз болаларини ҳам қурбон қилишга тайёр бўлган кишига айтилган.

Ўрта асрларда диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеи кучайиши ватанпарварлик гоясида ҳам ўзгаришларга олиб келди. Шарқ мамлакатларида, хусусан, ислом дини ёйилган давлатларда унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни жуда катта эди. Ислом дини ватанпарварликни ақида даражасига кўтарди. «Ватанни севмоқ иймондандир», деган эди пайғамбари миз Мұхаммад (с.а.в.). Ватан озодлиги ва келажаги учун қурашган мусулмонлар боқий дунёда жаннатга тушиши ваъда қилинди. Лекин мамлакат ичкарисида ва давлатлар ўтасида мусулмонлар ўтасидаги ўзаро тўқнашувлар тўхтамади.

Янги даврда бозор муносабатларига асосланган жамият қурилиши ватанпарварлик гоясида ҳам ўзгаришларни юзага келтирди. Ўша давр мутафаккирлари ватанпарварлик нимада намоён бўлиши муаммосини ҳал этишга ҳаракат қилган. Уларнинг фикритга кўра, ватанпарвар киши — буйруқларни сўзсиз бажарувчи ва раҳбарга итоаткор эмас, аксинча, малакатда юз бераётган воқеа ва ҳодисалардан хабардор бўлган, унинг ривожланishiiga тўсқинлик қиладиган жараён ёки қарорларга қарши фаол муносабатда бўладиган фуқародир.

Халқаро ҳамжамиятга қўшилиб бораётган, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик

жамияти қураётган Ўзбекистон учун ҳам ватанпарварлик гоясини ишлаб чиқиши ва ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга. Унинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Конституцияда шахс—жамият— давлат муносабатлари қонуний тартибга солинган. Масалан, унинг 7-моддасида ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги белгиланган, яъни давлат ҳокимиятиниг манбаи ҳалқ эканлиги, у ҳалқ томонидан тузилиши ва ҳалқнинг манфаатларига хизмат қилиши кўрсатилган. Давлатнинг фуқаролар манфаатларига хизмат қилиши ёшларда ҳокимият бошқарувини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришга раббат ҳамда масъулиятни юзага келтиради.

Давлатимизнинг юксалиши учун фидойилик кўрсатиш қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отган кишиларга хос. Ватанни ардоқлаган одам ўз тақдирини Ватан тақдири билан уйғун кўради. Жамият ва давлат ёшларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган<sup>1</sup>.

Ёшлар табиатан ўзгаришларга, ислоҳотларга мойиллиги, янгиликларга мослашувчанлиги билан аҳолининг бошқа гуруҳларидан фарқ қилади. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини ёшлар ташкил этади<sup>2</sup>.

Қадимдан ёшлар ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида эътибор қозонган. Лекин уларда ҳаётий тажриба кам, мuloҳаза ва вазминлик билан иш юритолмаслик, шошқалоқлик, ҳиссиятга берилиш каби камчиликлар мавжуд. Шунинг учун қадимдан турли сиёсий кучлар гуруҳий манфаатлари учун ёшлардан фойдаланган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар билан ишлашда ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олишни тавсия этади: «Агар биз бу масалани жойжойига қўймасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Нега деганда, фарзандларимиз эртага бизга ё ташвиш олиб келади, ё манфаат олиб келади. Лекин биз болаларимизнинг ҳақиқий

ватанпарвар бўлиши, эртага бизга елкадош, кўмакдош бўлиши учун қилаётган ишларимиз ҳали етарли эмас»<sup>3</sup>.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимили равишда олиб борилса, ижобий натижা беради. Ватанпарварлик тарбияси оиласдан бошланиши лозим. Халқимизда қабул қилинган «Ватан остоанадан бошланади», «Ватан — одамнинг киндик қони тўкилган ер», «Ўз уйим — ўлан тўшагим» каби ривоятлар фикримизнинг далилидир. Мурғак қалб ота-онасининг меҳридан нажот олиб, ўсиб улгаяди ҳамда ўзи ҳам шундай ташна қалбларга меҳр беришни ўрганади, яъни меҳр кўрсатгандарнинг қадрини англайди. Ватанпарварлик ҳам юрт қадрини англашдан бошланади.

Оилада дунёга келган фарзандни вояга етказишида нафақат ота-она ва яқин қариндошлар, балки давлат ҳам бевосита иштирок этади. Халқимизда «Оқ ювиб, оқ тараган» деган ривоят бор. Бу ривоят бола тарбиясида оила ва давлатлатнинг иштирокини кўрсатади. Боланинг соғлом ва маънавий баркамол ўсиб улгайишини оилавий поликлиникалар, мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта ва ўрта маҳсус билим даргоҳлари, маданий муассасалар ва бошқаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин улар давлат ҳисобидан таъминланишини ҳисобга олмаймиз. Мазкур ташкилот ва муассасаларнинг харажатлари давлат бюджетида ижтимоий соҳа бандига киритилган. Мамлакатимизда 2018 йилда давлат бюджетининг 54 фоизи ижтимоий соҳага ажратилди. Агар ҳарбий ҳаражатларга давлат бюджетининг 4 фоизи ажратилаётганини ҳисобга олсак, унинг қанчалик салмоқли эканлигини тасаввур қилиш мумкин<sup>4</sup>.

Ёшлар ватанпарварлик ҳар бир соғлом фикрли киши учун алоҳида аҳамиятли ҳистойгу ва қадрият эканлигини англаши зарур. Зеро, инсон — жинси, ёши, дунёқарashi, жамиятда тутган ўрни ва мавқеидан қатъи назар — оиласи, яқинлари, юрти ва Ватанига таянади, улардан куч олади. Ватан кишининг шахс сифатида шаклланишига

шарт-шароит яратиши билан бирга, унинг зиммасига бурч ва масъулият ҳам юклайди. Лекин аксарият ёшлар Ватан олдидаги бурч уни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдангина иборат, деб тушунади. Аслида эса, кишининг Ватан олдидаги бурчлари — қонунга итоаткорлик, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, тарихий ва маданий меросни авайлаб асрар, атроф муҳитга эҳтиёкорона муносабатда бўлиш, қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йигимларни тўлашдан ҳам иборат. Ватан олдидаги бурчларини теран англаган кишигина ҳақиқий ватанпарвар бўлади.

Маълумки, бурч бу бажарилиши шарт бўлган мажбуриятдир. Киши Ватан олдидаги бурчини бажаришида ҳам ўрта йўл йўқ. Халқимизда «яхшилик қила олмасанг, ҳеч бўлмаса ёмонлик қилма» деган ривоят бор. У одамлар ўртасидаги муносабатларни ахлоқий тартибга солишда муҳим ўринга эга, лекин ватанпарварлик ахлоқий принцип сифатида бетарафликни тан олмайди. Ёшлар онгига Ватанга яхшилик қилмасангиз ҳам, ҳеч бўлмаса ёмонлик қилманг, деган фикрни сингдириш хато. Бундай фикр ёшларни Ватан тақдирига бефарқ муносабатда бўлишга ўргатади. Одамларнинг лоқайдлиги ва бепарволиги жамият учун нақадар хавфли эканлигини Биринчи Президентимиз Ислом Каримов алоҳида қайд этган: «Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичимида юриб, бизга қарши тиши қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради»<sup>5</sup>.

Ватан масъулияти аҳамияти жиҳатидан бурчдан кам эмас. Зеро, уни ҳис этмаган киши бурчни ҳам тушунмайди. Ватан масъулияти одамларнинг кундалик турмушда, хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Атоқли адаб Тоҳир Малик одамларнинг Ватан тақдирига масъулиятини ўзига хос

усулда баён қилган. «Менинг бир танишим бор, уни ўттиз йилнинг нари-берисида биламан. Шу вақт мобайнида бирон марта бўлсин, унинг эгнида хорижда ишлаб чиқарилган кийимни кўрмаганман. Сифатсизроқ бўлса ҳам, фақат ўзимизникини олиб кияди ва буни ватанпарварликнинг кичик бир зарраси деб билади»<sup>6</sup>. Биз учун унчалик аҳамиятли ҳисобланмаган бу хатти-ҳаракат негизида кишининг Ватан олдидаги масъулиятини теран англашини кўрамиз. Агар ҳар бир киши кундалик турмушда шундай иш тутса, эҳтимол ҳозирги кўплаб муаммолар вужудга келмас эди.

Келажагимизнинг иқтисодий асоси миллий иқтисодиётимиз эканлигини ёшлар онгига сингдиришимиз керак. Журналист Сайд Абдулазиз Юсупов «Миллий маҳсулотни сотиб олиш фақатгина ватанпарварлик эмас, айни дамда миллатпарварлик бурчи, деган ҳақиқатни ёшлар қалбига сингдириш керак»<sup>7</sup>, — деб ҳисоблайди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда биз болалар ва ўсмирларга (8 ёшдан — 18 ёшгача) алоҳида эътибор беришимиз зарур. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, бу ёшдагиларда яқинлари (оиласи, қариндошлари, ўртоқлари)ни ҳимоя қилиш ҳисси шаклланиши жараёни якунланади. Улар воқеа ва ҳодисаларни «ўзиники» ва «бегона», «хавфли» ва «хавфсиз», «яхши» ва «ёмон» ўлчови асосида баҳолайди. Бу ёшдагилар «ўзиники»ни «бегона»дан ҳимоя қилиш заруратини англайди ва бу вазифани сидқидилдан бажаради. Ўрта ва катта ёш вакиллари тажрибасининг кўплиги, оила ва болалари борлиги сабабли эҳтиёткор бўлади. Америкалик социологлар онлайн компьютер ўйинларида кишининг хулқ-авторини йиллар давомида тадқиқ этдилар. Уларнинг хulosаларига кўра, 18 ёшгача бўлган иштирокчиларнинг кўпчилиги виртуал рақиб жамоа аъзоларини — «эси паст, ёвуз, ярамас, бадфеъл ва ёқимсиз», ўз жамоаси аъзоларини эса «ақлли, тинчликпарвар, инсофли ва адолатли» деб ҳисоблаган. Ўрта ва катта ёшдаги иштирокчиларнинг

кўпчилиги рақиб жамоа «ёмон одамлар эмас», «одамларни қайси жамоага мансублигига қараб эмас, балки шахсий фазилатларига кўра баҳолаш керак», деб ҳисоблаган.

Ҳозирги даврда халқаро миқёсда кечаетган жараёнлар, глобализм ва очиқ жамият қурилиши ижтимоий ҳаётнинг байналмиллашувини кучайтириди. Ёшлар воқеа ва ҳодисаларни «яхши» ёки «ёмон», «оқ» ёки «қора» деб қабул қилиши сабабли биз фойдаланаётган моддий буюмлар ва маънавий истеъмол маҳсулотларининг асосан хориждан кириб келаётгани миллий маънавиятимизга нисбатан танқидий муносабатни юзага келтироқда. Шу боис, ёшлар билан олиб борилаётган таълимтарбия ишларида уларнинг ёшга оид хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек, «буғун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйгун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин»<sup>8</sup>. Афсуски, ёшлар тарбиясида йўл қўяётган камчиликларимиздан турли гуруҳлар ёки сиёсий кучлар ўзларининг гаразли манфаатлари учун фойдаланаяптилар. Улар ёшларимиз онгига истеъмолчилик психологияси, оммавий маданиятнинг зарарли кўринишлари ва индивидуализм гояларини сингдириб, уларни миллий маданиятимиздан бегоналаштиришга ҳаракат қилади. Давлатимиз раҳбари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хос хусусиятларга тўхталиб, худди шу жиҳатни ҳисобга олиш кераклигини таъкидлади: «Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларимизда бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсиrlарга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдири учун масъулият туйгусини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чоратадбирларни кўришимиз шарт»<sup>9</sup>.

Ёшларга Ватан қадри унинг ривожланиш даражаси ёки халқаро миқёсда тутган ўрни билан ўлчамаслигини тушунтириш зарур. Мамлакатимизнинг тараққиёт бобида ривожланган давлатлардан орқада қолганилиги, унга нисбатан муносабатимизни ўзgartирмаслиги керак. Иқтисодий ривожланишда айрим мамлакатлардан ортда эканимиз айб эмас, бу ўтмиш жамиятининг қолоқлиги таъсиридир, қолаверса, мамлакатимизнинг келгуси тақдири ўзимизга боғлиқ. Шунинг учун ёшлар онгига бошқа халқлар ўз Ватанини қандай ардоқласа, улар каби, балки улардан ҳам қўпроқ яхши қўриш кераклиги тоғасини сингдиришимиз керак<sup>10</sup>.

Фидойилик ва самарали меҳнат, Ватан келажаги учун ҳар қандай қийинчиликни енгишга журъат мамлакатимизнинг буюк давлатлар қаторига қўшилишига шартшароит яратади.

Хулоса қилиб айтганда, *ватанпарварлик* деб мамлакатимиз ва хорижда юз берадиган воқеа ва ҳодислардан хабардор бўлган, уларга ўз муносабатини билдира оладиган, шахсий манфаатини жамият ва давлат манфаатлари билан уйғун кўрувчи, қонунларга итоаткор, соликларни мунтазам тўлайдиган, Ватанга хизмат қилишни муқаддас бурч деб биладиган фуқарога айтилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонун// [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).

<sup>2</sup> *Мирзиёев Ш.М.* Билимли авлод — буюк келажакнинг, тадбиркор халқ — фаравон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъзуза // Халқ сўзи. — 2018. — 8 дек.

<sup>3</sup> *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Т., 2018. — Б. 91.

<sup>4</sup> <https://www.gazeta.uz>.

<sup>5</sup> *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2010. — Б. 124.

<sup>6</sup> *Тоҳир Малик.* Одамийлик мулки. — Т., 2018. — Б. 899.

<sup>7</sup> *Сайд-Абдулазиз Юсупов.* Мағкура таназзули // [www.xabar.uz](http://www.xabar.uz).

<sup>8</sup> *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Т., 2018. — Б. 486.

<sup>9</sup> Ўша жойда. — Б. 229–230.

<sup>10</sup> *Тоҳир Малик.* Одамийлик мулки. — Т., 2018. — Б. 897.

## НАШРГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА ГОТОВЯТСЯ К ИЗДАНИЮ

**Шарипов С.С. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари: Ўқув қўлланма / Мастьул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор И.Исмаилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.**

Қўлланмада шаҳарлар, аҳоли яшаш пунктлари, транспорт обьектлари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда марказий субъектлардан ҳисобланган патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг хуқуқий мақоми, тизими, унинг вазифа ва функциялари ҳамда фаолиятининг асосий йўналишлари ёритилган.

Ички ишлар вазирлиги тизимидағи олий таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, ички ишлар органлари амалиёт ходимлари ҳамда ҳозирги замон хуқуқшунослик фани билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

